

«Оҳанрабо»
Акмал НУР асари

Ҳурматли журналхонлар!

2022 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналларига обуна давом этмоқда. Журналларимизга барча матбуот етказиб берувчи ташкилотлар ёки таҳририятимиз орқали обуна бўлишингиз мумкин.
Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911
“Звезда Востока” – 831

SHARQ YULDUZI

1 / 2022

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK

ISSN 0131 – 1832

Шарқ юлдузи

ADABIY-BADIIY
SH YU
SHARQ YULDUZI
IJTIMOIY-SIYOSIY JURNAL

Sharq yulduzi

1 / 2022

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон
Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Тоштемир Турдиев
Шуҳрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф
Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид
Масъул котиб – Дилором Муротова
Назм бўлими мудири – Икром Отамурод
Наср бўлими мудири – Саид Анвар
Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева

1
2022

УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

УМИД, ҚЎЛЛАРИМДАН МАҲКАМРОҚ УШЛА



Бирдан тикка турсам (ўйлаш ҳам ҳузур),
Толе манглайимни юборса силаб.
Кўринмай, билинмай ётибман ҳозир,
Дилимда денгиздай туғёнлар билан.

Ўтиб бораётир баҳорлар, қишлар,
Бошқача яшашга имконим борми?
Умид, қўлларимдан маҳкамроқ ушла,
Умид, жасоратнинг сенсан тенг ярми.

БИР ШЕЪР ТАҲЛИЛИ

Сувон МЕЛИ

ХАНЮМА ЗИМНИДА ПАНДНОМА



Тарихимиздан маълумки, Чингизхон ҳужумининг бошланғич даврида ўзини анча бехавотир сезган хоразмшоҳ Оловиддин Муҳаммад тахтни, онаси Туркон хотун тазйиқи билан, албатта, ношуд ва худбин Узлуғшоҳга топширган бўлса, иш ҳалокат ёқасига келганда вазиятни ўнглаш мумкин бўлган ягона шаҳзода Жалолиддинга султонлик нишонини беради. Лекин бу пайтга келиб мўғул қўшини ҳудудни деярли забт этган, Султон Жалолиддин зиммасига ғоят оғир юк, юртни босқинчидан озод қилиш тушган эди.

ЁШЛАР ДАФТАРИДАН

Нурмуҳаммад АЛДУЗОИР

СЕН УМИД КЎЗЛАРИН ТИККАН ДУНЁДА



Шу қадар гўзалки юзларинг, дунё
Чиройи фаромуш бўлгай олдингда –
Мингта шайх Санъонга боғлатиб зуннор,
Юз мингта кофирни киргизар динга.

Нафасинг – жон ато этгувчи табиб,
Пуф десанг, тирилиб келгум мозийдан.
Мажнунлар севгиси етмаган каби,
Ҳуснингга мубтало мендек осий ҳам.

НАСР

Наби ЖАЛОЛИДДИН

ТОШҚАЛБА



Дарвоза томонда машина басма-бас сигнал берди.

Оқ яктак, дўппи кийган эркак ўша тарафга шошилди. Дарвозанинг “болачоғи”дан ташқарига чиқди. Оқ “Ласетти”да икки йигит ўтирарди.

– Саломалайкум! – деди рулдагисининг истарали юзи ёқимли чарақлаб. – Биз хўжайин айтган одамлармиз, амаки.

– Ие, ваалейкум ассалом. Келинар-келинар! – эркак типирчилагандай ичкарига қайтиб, девордаги пультни босди. Улкан дарвоза ҳайбатига ярашмаган овоз чиқариб, очилди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Иқболой АДИЗОВА

МИЛЛАТНИНГ АДОЛАТ МАДҲИЯСИ



Лутфий ва Ҳусайний ғазаллари рамали мусаммани маҳзуф вазнида яратилган, қофиялари ҳам бир-бирига яқин. Ҳусайнийда Лутфий қўллаган 5 та қофия такрорланади ва 3 та янги мутаносиб сўз қофия сифатида қўлланилади. Огаҳий бу борада ўзгача йўл тутади. 9 байтдан иборат ғазал қофиялари учун шоир бутунлай ўзгача, янги сўзлардан фойдаланади (жаллод, сод, шамшод, одамизод, бедод, фарёд, Фарҳод, обод, бод, ношод). Вазн сифатида эса ражази мусаммани солимни танлайди. Бу шаклий ўзгаришлар асарнинг мазмун янгиланишига ҳам асос бўлади.

АДАБИЁТ ВА ШАХС

Тоштемир ТУРДИЕВ

ОЙДИН БУЛОҚ ГУЛИ ИФОРИ



Буюк шоир Абдулла Орипов эҳтимолки, охирги маротаба назм аҳли анжуманида кўриниш берганида шу гапларни таъкидлаган эди. Ўша таъкидларидан сўнг маълум вақт ўтиб, соғлигини тиклаш мақсадида хорижга кетди. Тақдир ҳазилини қарангки, “Колумбдан алами бор” жойда фанони тарк айлади. Абдулла Ориповнинг хасталик чоғларида ҳам шогирдларини ўйлагани, бир оғиз ширин сўзини айтиб кетгани – меҳру мурувватнинг тимсоли бўлиб қолди.



Ўзгалар бахтини қиламан тилак

САЙЁР

Денгиз шовуллайди,
Қалбим шовуллайди.

Қирғоғида турибман сувсаб,
Тўлғонаман дарёни қўмсаб.

Ночор унга лабимни қўйдим,
Тўлқинларни шимириб тўйдим.

Аммо, қирғоқ каби тилим лол,
Тўлқинларга бераман савол.

Кўринишинг расмона уммон,
Сувинг шўрмас, қандай сир пинҳон?

Тўлғанади ҳар қарашимда,
Тилга кирди денгиз қаршимда:

– Мени бунёд қилгандир одам,
Одам – менинг онам ва отам.

Бунёд этди – ўзи чўкмади,
Бунёд этди – кўзёш тўкмади.

Бахт юртида топганман ўрним,
Ўғлон, шундан йўқ менинг шўрим.

Қалбим шовуллайди,
Денгиз шовуллайди.

САЙЁР *– (1934 – 2001) Москвадаги Адабиёт институтини тамомлаган. Ижодкорнинг "Қалб ҳарорати", "Ўттиз ёшим", "Фидойингман", "Бошсиз ҳайкал", "Мусаффо фасл", "Денгиздан томчилар", "Чорраҳа" сингари шеърий, "Ҳулкар", "Уйқудаги тош", "Одам борки" каби насрий китоблари нашр этилган.*

* * *

Кунларим,
Чопағон шунчалар,
Кунларим,
Сизларни ким чорлар.

Кунларим,
Қайларга шошасиз,
Кунларим,
Қайларга қочасиз.

Кунларим,
Шошасиз висолга,
Келажак кунларга,
Иқболга.

Кунларим, манзилга етасиз,
Кун кетиб,
Кун кириб эрта сиз.

Кунларим,
Чопағон сиз жуда,
Чунки, ҳеч ўтмайсиз беҳуда.

* * *

Вазмин боқиб туради чўққи,
Ишчи янглиғ бақувват, бардам.
Ёритмоққа у еру кўкни
Уйғонади эрта саҳардан.

Орзу қилар кўкка қўйиб бош,
Ёруғ бўлсин дейди коинот.
Қанча вазмин бўлмасин қуёш,
Кўтаради кифтида азот.

* * *

Кетмоқдасан,
Ланг очиб кет, юрагимнинг дарчасин,
Шамол кирсин юрагимга югуриб.
Сен ҳақингда хотиралар барчасин
Кетсин хазон каби ҳайдаб, супуриб.
Истайманки,
Барча умид гулларим
Яхлаб қолсин аёзда.
Ҳижрон дарди билан бўлди бўларим,
Тошқин эдим ҳаётимнинг ёзида.

Ташлаб кетдинг, қуш учгандай боғимдан
Тусим ҳижрондай оппоқ.
Сумалакдек ёш томади бағримдан
Кўк юзига қуёш чиқса ярқироқ.

Сумалакнинг кўкламги кўзёшидан
Униб чиқар ер кўксидан бойчечак.
Майли, оҳим аримасин бошимдан,
Ўзгалар бахтини қиламан тилак.

* * *

Қаддини тик тутиб, яшайди ҳар тут,
Ҳар тутнинг қизлардек қирқ кокил сочи.
Ел ўйнар зулфини атрофга сочиб,
Офтобда мавжланар мисоли барқут.

Попук-попук бўлиб тўзир ҳавода,
Ел сочиб ўйнайди атрофга сочин.
Қўймайди бир нафас турмоққа сокин,
Қўйнидан кетмайди ошиқ шаббода.

* * *

Йўлларимга ёғсин қалин қор,
Тўсмоқ бўлсин майли йўлимни.
Кўнглим қордай бўлур беғубор,
Музлатолмас қайноқ кўнглимни.

Адашмайман,
Толмайман, дилбар,
Ишқ йўлида йўллар юраман.
Кунлар,
Ойлар етмаса агар,
Излай-излай йиллар юраман.

Қақшатай деб, қалбимни зор-зор,
Қаҳратон қиш ўтказсин измин.
Йўлларимга ёғсин қалин қор,
Ёрим,
Қорда қолади изинг.
Қорда узун занжир из қолар,
Боғлаб олар маҳкам қўлимдан.
Йўл йироқ деб, қилмайман нола,
Сени топгум юриб йўлингдан.

* * *

Менинг қалбим – чўкмас бир қайиқ,
Севгидан лим қалқиб туради.
Денгиз кўзинг шўх оғушида
Ғарқ бўлса ҳам, сузиб юради.

Ҳаётлигим сен билан фақат,
Яшамоққа мадад оламан.
Улоқтириб қўйма қирғоққа,
Ҳаракатсиз қуриб қоламан.

* * *

Жоним,
Соғинганман,
олисдир йўлим,
Узатсам етмайди ҳеч сенга қўлим.
Сен деб ёнаяпман,
Сендан йироқда,
Ҳолим билмоқ бўлсанг агар фироқда.
Ойдин тун,
Осмонга қарагин дилдор,
Унда бир жуфт юлдуз мўлтираб бедор –
Уйинг тепасида боқиб турар жим,
У сенга термилган интизор кўзим.

Дунё экан

Ҳаёт йўлларидан
Осонмас ўтиш,
Неча синовлар бор орзу йўлида.
Ёш эса:
Ўн саккиз,
Йигирма,
Ўттиз…
Борлиғинг тақдирнинг изму қўлида.
Тақдир эса,
ният-интилиш экан,
Меҳнатдан яралар экан у, асли.
Баҳорда боғига ким кўчат эккан,
Мевасин тераркан, айни, ёз фасли.
Насиба у ёқда
ёки бу ёқда,
Териб олганимиз бизники, холос.
Мен сени,
Сен мени,
ажиб, дунёда
Йўқотиб қўймайлик,
Шу бир илтимос…

Терак

Тоғ устида новча бир терак,
Ой ёнади унинг учида.
Тунда бир шам ёнади
Тоғ устида новча бир терак
Ялтирайда қуёш нурида.
Тонгда пуф деб,
ўчирилган шам.
Тоғ устида новча бир терак.

* * *

Исминг гул бўлгани…
Гулни хуш кўрдим,
Гул деган товушдан титраб кетаман.
Тунда
яна гулни туш кўрдим,
Демак,
дийдорингга етаман.

Гуллар турли:
туси,
иси
ва ранги,
Аммоки,
ҳаммаси сени эслатар.
Тонгда таралгандай куйнинг оҳангги,
Кун бўйи ҳавога атир ислатар.

Гул дейман,
Гул кўриб қувонганим ҳақ,
Бироқ,
бегонасин бўйин сезмайман.
Йўлларда юраман гулимга илҳақ,
Тиконинг санчсанг ҳам, асло, безмайман.

Униб-ўсган бўлар тилак-дуоим,
Ҳуснингдан ранг олсин бери-нарилар.
Лекин,
келтиради рашкимни доим
Гулга қўнган асаларилар…

“Шарқ юлдузи”нинг юлдузли фаолияти



Сирожиддин РАУФ

Бугун электрон нашрлар, ахборот коммуникациялари ривожланган бир пайтда, таъкидлаш жоизки, босма матбуотнинг асосий турларидан бири сифатида фаолият кўрсатадиган ҳар қандай журнал ўз фаолиятини жамият маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ишлаб чиқариш ҳаётининг деярли барча қатламларини акс эттиришга йўналтирган ҳолда олиб боради. Масалан, 1655 йили илк бор Парижда нашр этилган энг биринчи “Журнал де Саванс” нашри ҳам даставвал адабиёт, санъат, фалсафа ва табиий фанлар бўйича китобларга шарҳлар бериб борган. Кейинчалик Лондон, сўнг Россияда, XX аср бошларидан Туркистонда ҳам илк журналлар пайдо бўла бошлагач, 1913 йили Самарқандда жадидчилик ҳаракати намояндаси, оташин маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан “Ойина” журналига асос солинган. Бу журнал туркий тилдаги илк ижтимоий, илмий, адабий нашр ҳисобланган. Кейинчалик, 1915 йили Тошкентда “Ал-ислоҳ”, ундан сўнг Қўқонда “Ҳуррият” ижтимоий-сиёсий журнали (1917 йили), Тошкентда “Чаён”, “Чўл чаёни”, “Инқилоб”, “Ер юзи”, “Муштум” каби кўплаб журналлар нашр этила бошланган.

Тўқсон йиллик олис ва машаққатли йўлни босиб, бу давр орасида турли қийинчилик ва йўқотишларга қарамай, аввал бошдан биринчи ўринда ўзбек адабиёти ва миллатимиз маънавиятида ўзига хос маёқлик мавқеини сақлаб қолишга эришиб келаётган “Шарқ юлдузи” журнали ҳам бутун дунё матбуотида ана шундай янгиланишлар пайдо бўлаётган пайтда ташкил этилган эди.

Мазкур адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал расман 1931 йилдан чоп этила бошлангани қайд этилсада, даставвал “Қурилиш”, 1934 йилдан “Совет адабиёти”, 1937–1941 йилларда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1946 йилдан эътиборан улуғ адиб, Ойбек домланинг саъй-ҳаракатлари билан “Шарқ юлдузи” номини олган.

Сирожиддин РАУФ *– “Шуҳрат” медали соҳиби. 1967 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини ва Тошкент давлат юридик институтини (ҳозирги ТошДЮУ) тамомлаган. “Йиғлаётган ой”, “Кўк гумбаз”, “Сиз менга кераксиз”, “Ташриф”, “Муаллақ чексизлик”, “Нилий нақшлар” каби шеърий китоблар ҳамда болалар учун “Ғалати мусобақа” деб номланган тўплам муаллифи.*

Сирожиддин РАУФ

Салкам бир асрлик муддат давомида ўзбек ёзувчи ва шоирларининг бутун бошли авлодларини вояга етказиш билан бирга жамоат фикри ва маънавий камолоти минбари ҳам бўлиб келаётган нашр ҳар доим биринчи ўринда халқимиз маънавий-маърифий ҳаётини эзгулик ва тафаккур ёғдулари билан ёритишга ҳаракат қилди.

Шундай замонлар бўлдики, адабиёт оламида ҳам асл истеъдод эгаларига нисбатан шубҳа ва ҳаддан зиёд "ҳушёрлик" билан қаралди, чин даҳолик эса жамият учун қўрқинчли бир жиҳатдек белгиланди. Аксинча, ўртача ёки зўраки ижодий фаолият кўпроқ олқишланди. Замон талабига айланган бундай нохуш жиҳатлар матбаачилик соҳасидан ўзига хос ёзилмаган қоидаларга амал қилишни ҳам талаб этган. Шунга қарамай, "Шарқ юлдузи" журнали бадиий адабиётни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш билан бир қаторда, турли даврлар ижодий жараёнларининг барча, ҳатто ўта мураккаб йўлларини масъулият ва шараф билан босиб ўтишга эриша олди. Ҳозир ҳам ўзбек миллий адабиётининг кекса, ўрта ва кейинги авлод намояндалари қаламига мансуб насрий, назмий, драматик, илмий-назарий ва публицистик асарларни мунтазам чоп этиб келмоқда.

Журнал ўз саҳифаларида атоқли ёзувчи ва шоирларнинг роману достонлари билан ёнма-ён тарзда "йилт" этган иқтидори бўлган оддийгина талаба ёки мактаб ўқувчисининг илк ҳикоя ёки шеърий машқларини ҳам чоп этишдан чўчимади. Нафақат Ўзбекистон, қардош Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар, шунингдек, Туркия, Хитой, Покистон, Арабистон, Афғонистон, АҚШ, Германия ва яна кўплаб мамлакатларда ўз мухлисларига эга бўла олди.

Албатта, бундай натижаларга эришиши осон кечмаган. Нашрнинг ўз номига муносиб, яъни Шарқнинг энг ёруғ маърифий-адабий юлдузи, маёғи бўлиб қола олишида, шубҳасиз, турли давр ва йилларда шу журнал бош муҳаррирлари ҳамда ижодий жамоанинг ҳиссаси катта бўлди.

"Шарқ юлдузи" журнали ташкил этилган вақтдан буён бу нашрда Умаржон Исмоилов (1931–1932), Раҳмат Мажидий (1932–1934), Қурбон Берегин (1935–1937), Холмат Қурбонов (1938–1939), Сотти Ҳусайн (1940), Комил Яшин (1941), Ойбек (1946–1948), Воҳид Зоҳидов (1949), Уйғун (1950–1951), Мирмуҳсин (1951–1960, 1972–1981), Асқад Мухтор (1961–1965), Ҳамид Ғулом (1965–1971), Ҳафиз Абдусамадов (1981–1983), Пирмат Шермуҳамедов (1983-1985), Ўткир Ҳошимов (1986–2002), Омон Мухтор (2002–2006), Минҳожиддин Мирзо (2006–2007), Сирожиддин Саййид (2007–2009), Улуғбек Ҳамдам (2009–2015) каби таниқли ёзувчи ва шоирлар бош муҳаррир бўлдилар. Уларнинг фидойилиги ва машаққатли меҳнати туфайли журнал жамиятда ўзига хос ўрнини эгаллади. Бу инсонларнинг кўплари "Шарқ юлдузи" каби залворли журналга раҳбарлик қилишдек масъулият юкини мардона кўтариш билан бирга, турли сиёсий ўзгаришлар ва замонасозлик азобларини ҳам етарли даражада бошдан ўтказишди, аммо журнал фаолиятининг бутунлай тўхтатилишига йўл қўймадилар.

Масалан, 1931–1932 йиллар "Қурилиш" номи билан чоп этилган ушбу нашр бор-йўғи сиёсат қўғирчоғи бўлишни инкор этиб, Ғафур Ғуломнинг "Нетай" қиссаси, Ғайратий, Ойдин, Ғиёс Соатий, Жиғой, Н. Раҳимий каби шоирларнинг шеърлари ва қатор адабий-танқидий мақолаларни эълон қилган. Ойномада анчайин бадиий бақувват шеър ва ҳикоялар, қисса ва мақолалар ҳам босилган.

1932 йилдан "Ўзбек шўро адабиёти" деб номлангач, журнал адабий йўналиши кенгайтирилади. Бу пайтда мазкур нашрга эндигина 26 ёшга кирган ижодкор Раҳмат Мажидий бош муҳаррир қилиб тайинланади. Раҳмат Мажидий таҳририятда ўзига хос юксак ижодий муҳитни юзага келтиришга эриша олади. Ҳатто ўша даврда Ўзбекистонда бошқа адабий нашрлар ҳам кўп бўлса-да, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Шокир Сулаймон, Абдураҳмон Саъдий, Миён Бузрук каби танилган ёзувчи ва шоирлар энди ёзган ижод намуналарини биринчи бўлиб айнан шу журналда чоп эттиришни маъқул кўришган.

Журнал саҳифаларидан Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарлари, ўзбек адабиётига энди кириб келган Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи, Ойбекнинг “Дилбар – давр қизи” достони, Усмон Носир, Фитрат, Элбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Ғайратий каби ижодкорларнинг достон ва шеърлари илк бор ўрин эгаллаб, дунё юзини кўрган.

Энг қизиғи, бошқа нашрлар томонидан “ёт унсур”, “буржуа”, “жадид адиби” каби сифатлар билан айбланган қатор ижодкорлар асарлари 1934 йилдан ўша давр мафкураси туфайли номи “Совет адабиёти” деб номланган мазкур журнал саҳифалари орқали ёритиб борилган.

Раҳмат Мажидий журнални зиёлилар қатори, эндигина саводини чиқараётган омма учун ҳам ўқимишли қилишга эришади. Бош муҳаррир Навоий ва Огаҳий ижодий мероси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган, “Советская литература народов Средней Азии” журнали ва “Литература Средней Азии” газетаси таҳрир ҳайъатларининг аъзоси бўлган, 1934 йил Ўзбекистон ёзувчиларининг илк қурултойини ташкил этган, ўша пайтда Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби вазифасида ҳам ишлаган. Аммо фикри уйғоқ зиёлилар қаторида 1941 йил қамалиб, жазо муддатини ўтаб қайтади. 1950 йил эса яна “Сталинга ва партияга кўрларча садоқат тўғри эмас”, ”Чўлпон ва Қодирийлар ҳақиқий миллий қаҳрамонларимиз эди” деган гаплари учун “халқ душмани” сифатида яна ҳибсга олинади. Мажидий асосан Абдулла Қодирий, Отажон Ҳошимий, Ваис Раҳимий, Мўмин Усмон, Анқабой, Абдулҳай Тожиев, Усмонхон Эшонхўжаевлар билан бўлган муносабати бўйича азобли терговларни бошдан ўтказади. Юрак хасталиги ва сил касаллиги билан оғриётганига қарамай, қамоқ муддатини ўтайди ва 1956 йилдагина оқланади.

Бундай қора давр кўланкаси таҳририят фаолиятига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Ўша пайтлар журналда Сотти Ҳусайннинг “Адабий танқидда партия чизиғини маҳкам ўтказув учун”, В. Ўразайнинг “Доҳийнинг кўрсатиши асосида ишимизни қайтадан қурайлик” сингари ўнлаб мақолалари Чўлпон, Фитрат, Боту каби истеъдодлар асарларининг адабий жараёндан четлаштиришга қаратилади.

Хусусан, журналнинг зиддиятга тўла пайтлардаги сонларини варақлар экансиз, “ички душманлар”га нисбатан бироз юмшоқлик юзага кела бошлаши билан нашр саҳифаларида бир томондан Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек каби адиблар асарлари тағин ёрита бошланиши, аммо бошқа аскарият ижод намуналарида синфийлик, совет тузуми диктатураси биринчи ўринга чиқарилгани, Маркс, Ленин, Сталин, Куйбишев каби кўплаб сиёсий арбоблар нутқларига кенг майдон ажратилганининг гувоҳи бўласиз.

1935–1937 йилларга келиб шу зиғирдек имконият ҳам қолмайди. Ўзбек адабиётининг энг иқтидорли ва ватанпарвар фарзандлари Чўлпон, Қодирий, Фитрат, Усмон Носир ва яна қанчадан-қанча буюк истеъдод соҳиблари узил-кесил “халқ душмани” аталиб, жамиятдангина эмас, ҳаётларидан ҳам мосуво этилади, уларнинг асарлари ҳам кескин тақиққа учрайди. Иқтидорли ва даҳо фарзандлардан ҳайиқиб келган қўрқув салтанати адабиётда ҳам “фош этиш” деган даҳшатли ўйинини ташкил қилади, ижодкорларни бу ўйинда иштрок этишга мажбурлайди, талаб этади ва кўплаб истеъдод эгалари “миллатчи”, “ ёт унсур”, “чет эл айғоқчиси”, “сиёсий сўқир” каби ёрлиқлар билан “тақдирланиб”, охир-оқибат жисман йўқ қилинди.

Шу тариқа 1938–1939 йилга келиб ҳали ҳам “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” номи билан чиқиб турган журналнинг энг яхши шоир ва ёзувчилари, драматурглари қатағон қилиб бўлинган эди. Зиёли қатламга нисбатан кўрсатилаётган зулм адабиётга ўзининг қақшатқич зарбасини беради. Асл санъат четга чиқиб, мадҳиябозлик авж олади. Аммо ўзига хос нуфузга эга бўлиб келган бу йирик журнални фақат мадҳ билан ҳам тўлдириш осон эмасди. Шунинг учун журналда Ромен Роллан, Сулаймон Стальский, Алексей Толстой каби адиблар асарларининг таржимаси босилди.

Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари, Мақсуд Шайхзоданинг “Ўртоқ Навоий”, Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” достони, Зулфия, Амин Умарий, Зафар Диёр шеърлари эълон қилиб борилди.

1940–1941 йилларда журнал саҳифаларида Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Холисхон”, “Бой ила хизматчи” драмалари, Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” поэмаси, Миркарим Осимнинг “Алишер ва Ҳусайн Бойқаро”, “Астробод” каби тарихий ҳикоялари, Мақсуд Шайхзоданинг “Тупроқ ва ҳақ” достони, Миртемирнинг “Дилкушо” достони, Султон Жўра, Шароф Рашидов шеърлари, Туйғуннинг “Баҳодир” дарамаси ва бошқа кўплаб адабий-танқидий мақолалар ўрин эгаллайди. Бу пайтга келиб журнал таҳририяти томонидан Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги санасини муносиб кутиб олишга ҳам тайёргарлик кенг миқёсда олиб борилади.

Таассуфки, урушгача бўлган давр адабиёти ҳар қанча ўз кураши, юксалиш ва пастлашлари, ўнқир-чўнқир, ва баъзида тузум томонидан чизиб берилган силлиқ йўлидан боришда давом этишга ҳаракат қилган бўлсада, буюк ўғлонлари, юксак иқтидор эгалари, ўзбекнинг даҳо шоир ва ёзувчиларининг аскариятидан жудо бўлди. Яна қанча адиб ва шоирлар Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан қўлларидаги қалам ўрнига қурол олиб, фашизмга қарши кураш учун фронтга кетдилар. Шу туфайли журнал нашри ҳам вақтинча тўхтатилади.

Ойбек домла “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири вазифасида ишлаган 1946–1948 йиллар давомида Ғафур Ғуломнинг “Вақт” шеъри, Уйғун ва Иззат Султон ҳаммуаллифлигидаги “Навоий” драмаси, Абдулла Қаҳҳорнинг “Қўшчинор чироқлари” романи, Парда Турсуннинг “Ҳақ йул” қиссаси, Собир Абдулла шеърлари, Ҳаким Назир ҳикоялари, Шукруллонинг “Чоллар” достони чоп этилади. Шу билан бирга таржимачиликка ҳам катта эътибор қаратилиб, Уильям Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” драмаси, Александр Фадеевнинг “Ёш гвардия” романи, Ги де Мопассаннинг “Дўндиқ” ҳикояси, Константин Симоновнинг “Рус масаласи” пьесаси, АлександрТвардовскийнинг машҳур “Василий Тёркин” поэмаси ва бошқа кўплаб хориж адабий асарлари илк бор ўзбек тилида нашр этилади.

Урушдан кейинги тикланиш даврининг 1949–1951 йилларида эса Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар”, Мирмуҳсиннинг “Уста Ғиёс”, Асқад Мухторнинг “Пўлат қуювчи”, Садриддин Айнийнинг “Эсдаликлар”, Комил Яшиннинг “Генерал Раҳимов”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Янги ер”, Саид Аҳмаднинг “Қадрдон далалар”, Шароф Рашидовнинг “Ғолиблар” каби асарлари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади. Аммо “қатағон даври”да кенг илдиз отган ғоявий курашлар 1960 йилларгача давом этади. Шунга қарамай, журналда самимият ва умидга йўғрилган, эртанги ҳаётга ишонч уйғотувчи асарлар – Асқад Мухторнинг “Опа-сингиллар”, Иброҳим Раҳимнинг “Ҳаёт булоқлари”, Ҳаким Назирнинг “Кўкорол чироқлари” ҳамда қатор шеър ва достонлар, драма ва ҳикоялар журналда ёритилади ва уларнинг аскарияти адабиётда ўзига яраша из қолдиради.

Ниҳоят 1961–1980 йилларга келиб “Шарқ юлдузи”да янаям жиддий сифат ўзгаришлари рўй бера бошлади. Абдулла Қодирийнинг кўплаб асарлари қайта нашр қилинади. Шунингдек, Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек”, Саид Аҳмаднинг “Уфқ”, Мирмуҳсиннинг “Меъмор”, Уйғуннинг “Парвона”, Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча”, Шуҳратнинг “Олтин зангламас”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, Пиримқул Қодировнинг “Қора кўзлар”, “Юлдузли тунлар” каби йирик асарлари эълон қилинади. Эътиборли жиҳати, уларнинг кўпчилиги ҳозирга қадар ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган тарзда мутолаа қилиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, “Шарқ юлдузи” XX асрнинг 70-80-йилларида чоп этилган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналлар орасида ўзбек маданий-маънавий ҳаётини

ёритишда етакчи, таъбир жоиз бўлса, энг обрўли нашрлардан бири сифатида халқ эътибори, меҳр-муҳаббатини янада чуқур қозонади. Журнал, ҳақиқий маънода, ўзбек зиёлилари, адабий жамоатчилик минбари сифатида ўз саҳифаларида жаҳон ва ўзбек адабиётида пайдо бўлган янги бадиий асар намуналаридан тортиб, ижтимоий ҳаётда мавжуд долзарб муаммоларни кўтарадиган публицистик асарларни мунтазам чоп этиб борувчи нашр сифатида фаолият юритади.

Мазкур нашр саҳифаларида шеърлар, ҳикоя, роман ва қиссалар, пьесалар, шу билан бирга, турли ҳажвий материаллар ҳамда публицистик асарларнинг мунтазам бериб борилиши айни пайтда ижодкорлар учун ўзига хос мактабни ҳам вужудга келтирди.

Ўз вақтида атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом асос солган “Гулқайчи” рукни остида машҳур шоир ва ёзувчилар асарлари билан бир қаторда мамлакатнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан ҳаваскор ижодкорлар томонидан юборилган ҳажвий ижодий машқлар бугун ҳам мунтазам эълон қилиниб келинмоқда.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан адабиёт майдонига кириб келган янги адабий оқим ва ўзгача нафас журнал учун ҳам хайрли, ҳам залворли бўлди, десак, хато қилмаймиз. Бу даврда Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст, Нурали Қобул, Хайриддин Султон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Ҳожиакбар Шайхов, Тоғай Мурод, Шароф Бошбеков, Анвар Обиджон, Асад Дилмурод, Аҳмад Аъзам, Нурилла Отахонов, Набижон Боқий, Олим Отахонов, Эркин Усмонов, Ражаббой Раупов, Неъмат Арслонов, Назар Эшонқул, Шоим Бўтаев, Нормурод Норқобил, Маматқул Ҳазратқулов, Нодир Норматов, Ашурали Жўраев, Ғози Раҳмон каби носир ва драматурглар, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Икром Отамурод, Тўра Мирзо каби янги, таъбир жоиз бўлса, дунёвий қадриятлар йўналишида ижод қилувчи авлод асарларини журнал саҳифаларида кўриш мумкин.

Айниқса, истиқлол арафасида Қуръони Каримнинг Алоуддин Мансур томонидан илк бор ҳозирги замон ўзбек тилига қилинган маънолар таржимаси, “Темур тузуклари”, “Дулбаржин”, “Ўғузнома”, Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Маҳмуд Кошғарийнинг “Яхши кишилар одоби”, Вамберининг “Бухоро ёхуд Моваройуннаҳр тарихи” асарлари, профессор Бегали Қосимов таҳририда “Аср садолари” рукни остида берила бошланган мумтоз адабиётга доир шеърий асарлар журнал фаолиятидаги энг залворли қадамлардан бўла олади.

Шу билан бирга “Шарқ юлдузи” саҳифаларида Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши ҳақидаги ҳақиқатларга доир қатор чуқур таҳлилий материалларга ҳам кенг ўрин ажратилади. Журналда чоп этилган Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий”, Ҳамид Зиёевнинг “Чоризм истилоси”, Фозилбекнинг “Дукчи эшон воқеаси”, Абдулла Авлонийнинг “Афғон дафтари” асарлари, Верешчагин хотиралари мухлисларда катта қизиқиш ва ҳаяжон уйғота олади.

“Шарқ юлдузи” биринчилардан бўлиб 37-йилларда қатағон қилиниб, қораланган қаламкашларнинг пок номларини тиклаш ва улар асарлари билан янги авлод муфассал таниша олиши учун кенг йўл оча олди. Чўлпон шеърлари, унинг “Кеча ва кундуз” романи, Фитратнинг “Абулфайзхон”, “Ҳинд ихтилолчилари”, Беҳбудийнинг “Падаркуш” асари тўлиқ эълон қилиниши билан бирга, Тавалло шеърлари, “босмачилик” тамғаси билан қораланган ҳалқ ҳаракатининг туб омиллари, собиқ тузумнинг яна бир репрессияси – “пахта иши” га нисбатан бадиий ифодага эга ҳаққоний баҳо бўла олган асарлар ҳам шу нашр саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг “Қўрқув салтанати” суҳбати, Набижон Боқийнинг “Қатлнома” қиссаси, “Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма” давра суҳбати бу йўлдаги дастлабки жиддий ва залворли ҳаракат эди. 1983–1985 йиллар журнал саҳифаларида Мирмуҳсиннинг “Темур Малик” романи,

Ўлмас Умарбековнинг “Аризасига кўра”, Муроджон Мансуровнинг “Мангу жанг” романи, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам ҳикоя ва қиссалари, Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссаси, Шуҳратниг “Дўстимнинг ўғли”, Шекспирнинг “Макбет” драмалари, Мақсуд Қориевнинг “Спитамен” романи, Асқад Мухторнинг “Чорраҳа”, Йўлдош Шамшаровнинг “Ер томири” қиссалари, Фарҳод Мусажон ҳикоялари, Рауф Парфи, Маъруф Жалил, Ҳусниддин Шарипов, Турсунбой Адашбоев, Муҳаммад Али, Анвар Обиджон, Хуршид Даврон, Абдусаид Кўчимов шеърлари, Омон Матжоннинг “Ҳаққуш қичқириғи” достони ва бошқа кўплаб сара, залворли асарлар эълон қилинган.

Юртимиз мустақилликка эришгач, миллий истиқлол ғоясининг ижтимоий ҳаёт ҳамда адабий жараёнларга янада чуқур сингдириш, мамлакатдаги маънавий-маърифий ислоҳотларни кучайтириш, ҳар томонлама етук навқирон авлодни камол топтириш мақсадида журнал фаолиятини ҳар томонлама кучайтиришга ҳаракат қилинди. Бунинг учун таҳририят моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, нашр шаклу шамойили, мавзу-мундарижасини яхшилаш, муаллифлар, ижодий жамоатчилик билан кенг ҳамкорликда иш олиб боришни таъминлашга катта аҳамият қаратилди.

“Шарқ юлдузи” журнали мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида турли иқтисодий қийинчиликлар туфайли ўқувчи ва нашр ўртасида юзага келган узилишларни тиклаш мақсадида энг долзарб мавзулардаги адабий-танқидий чиқишлар, ҳали сиёҳи қуримаган йирик асарлар, шеърият оламига ўзига хос янгича овоз билан кириб келаётган ёшлар ижодига алоҳида эътибор қаратмоқда.

2018 йил 5 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра Уюшма муассислигида нашр этиладиган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Шарқ юлдузи” ҳамда “Звезда Востока”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлик”, “Амударё” журналлари таҳририятларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Шу ўринда, бир воқеани ёдга олсам. 2019 йил сентябрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан Новосибирск шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бешинчи “Книжная Сибирь” деб номланган халқаро фестивалда қатнашишимга тўғри келди. 130 дан ортиқ тадбирни ўз ичига қамраб олган анжуманнинг оддий иштирокчиси бўлсам-да, фестиваль қатнашчиларининг “Звезда Востока” ва “Шарқ юлдузи” журналлари номини эшитиб, “О, биз бу журналларни яхши биламиз, уларни бемалол афсонавий нашрлар, дейиш мумкин!” деб худди эски қадрдонлардек сўрашишларидан ниҳоятда ғурурландим.

Иштирокчилар менга ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари, Тошкентда рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этиш ишлари жадал олиб борилаётган кезлар жаҳонга таниқли адиб ва шоирларнинг ижод намуналари асосида “Звезда Востока”нинг битта сони махсус нашр этилгани ҳамда собиқ иттифоқ республикаларида қўлма-қўл ўқилгани ҳақидаги илиқ хотираларини айтиб беришди. Бундай эътирофдан кўнглим янада ўсди. Фестиваль давомида аҳолини, айниқса, ёшларни китобхон қилиб тарбиялаш, мутолаа маданиятини тарғиб қилиш борасида кўп фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунда давлатимиз раҳбарининг “Эртанги кунини ўйлаган, фарзандларини чин маънода комил инсонлар этиб тарбиялашни мақсад қилган ҳар қандай жамият, аввало, уларнинг қўлига китоб беради, уларни китобга ошно қилади”, деган сўзлари адабиёт давлат, миллат, ва ҳудуд танламаслигини, бугун бу масала дунё миқёсида глобал аҳамият касб этиб, барча эзгу ниятли кишилар унга оқилона ечим излаётганининг гувоҳи бўлдим.

Шукрки, мамлакатимизда жадал олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ижодкор зиёлилар жамият ҳаётида ўз ўрнини топмоқда. Айниқса, ёшларни китоб

мутолаасига кенг жалб қилиш борасида турли тадбирлар, кўрик-танловлар ташкил этилаётгани, ғолибларга мукофот тариқасида қимматбаҳо совғалар, ҳатто енгил автомобиллар берилаётгани бошқа ҳеч бир мамлакатда учрамайдиган ғамхўрлик бўлса керак. Қолаверса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ҳар йили ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари ўтказилиши ва устозлар эътирофига сазовор бўлган ёшларнинг асарлари “Биринчи китобим” рукни билан ўн минг нусхада нашр этилаётгани, бу борада “Шарқ юлдузи” журнали ҳам ўз саҳифаларида махсус “Зомин илҳомлари” рукни остида ана шу адабий жараёнларни, бу семинарда кашф қилинган иқтидорли ёшлар ижод намуналарини ёритиб бораётгани ҳам бунга бир мисол бўла олади. Бундан ташқари журналда республикадаги ҳар бир вилоят ижодкорлари учун махсус сонлар чиқарилиб, жойлардаги адабиётга меҳри баланд, иқтидори юксак йигит ва қизларнинг асарларига катта эътибор қаратилмоқда.

Аммо булар, назаримда, етарли эмас. Халқимиз ўқишга ташна, ижодга ташна, яхши асарлар қадр-қимматини билади. Бугунги кунда китоб, газета ва журналлар нархи баландлиги ана шу эҳтиёжни қоплашга тўсиқлик қилаётгани ачинарлидир. Биргина мисол. Кейинги йилларда “мажбурий обуна” баҳонасида миллий матбуотимиз майдонида ҳўлу қуруқ маънавий устунларимиз баробар ёнди. Албатта, таълим тизимини мажбурий обунадан ҳимоя қилиш ўзига хос жасорат. Бироқ келажагимиз эгаларининг тақдири, онгу тафаккури учун масъул бўлган устоз-мураббийларни зарур адабиётлар билан таъминлаш, керак бўлса, уларга бу борада жўяли тавсиялар бериш ҳам ана шу олиймақом ваколат доирасида эди. Афсуски, танганинг иккинчи томони эсдан чиқиб қолди. Мактаб кутубхоналарига нафақат “мажбурий”, ҳатто зарур адабиётлар ҳам келмади. Оқибатда, мутасаддилар “обунадан ҳимоя қилиш” бўйича қўллаган қатъий чора-тадбирлар туфайли соҳа ходимларининг, устоз-мураббийларнинг ахборот олиш манбалари жиддий чекланди!

Шундай экан “Шарқ юлдузи” каби залворли журнал ҳажм сонини янада ошириш борасида силжиш юз бериши, мазкур нашрнинг бундан кўп йиллар илгаригидек ҳар бир хонадонга, ҳар бир маҳалла ва энг олис қишлоқларга кириб бориши, қўлма-қўл ўқилиши учун бугунги глобаллашув, интернет олами ҳамма жабҳани эгаллаган даврда китоб, газета-журнал – босма адабиёт ўлади, деб аюҳаннос солиш эмас, балки шу жараёнларга мослашиш, керак бўлса, ўзгаришлардан бир-икки қадам олдинда юришимиз керак.

Газета, журналлардан тортиб китобни электрон шаклда ўқиш оммалашаётган ва буни қўллаб-қувватлаётган валломатлар бисёр замонда қўл қовуштириб ўтирмай, ривожланган давлатлардаги каби ахборот-коммуникация технологияларимизни янада тараққий эттириш, унда мумтоз, замонавий адабиёт ва бошқа барча ёзма манбалар билан тўла-тўкис таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Аммо шу билан бирга босма нашрлар мутолааси алоҳида эстетик завққа эга эканлигидан кўз юмиб бўладими? Йўқ, албатта. Давлатимиз раҳбарининг алоҳида топшириғи билан ўтган йилнинг иккинчи ярмида юртимизда чоп этилаётган тўрт номдаги ижтимоий, адабий-бадиий нашрларнинг мактаблар кутубхоналаридан жой олганлиги бир томондан соҳа ходимларини қувонтирган бўлса, иккинчи томондан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мумтоз, жаҳон ҳамда замонавий ўзбек адабиёти намуналари билан яқиндан танишишига кенг имконият яратиб берди. Бу хайрли ташаббус маорифимиз жонкуярлари томонидан ҳам эътироф этилди. Айни пайтда бугунги ижтимоий, иқтисодий, маънавий муаммоларимиз илдизи ва ечимини бизнинг, фарзандларимизнинг саводхонлиги, китоб, газета-журналлардан оладиган маърифати, қолаверса, маънавий етуклиги белгилаб беришига астойдил ишонаман.



Умид, қўлларимдан маҳкамроқ ушла

Қутлибека
РАҲИМБОЕВА

Кўряпман

Кўрмасман, кўряпман, бу қуруқ чўпак,
Мен уни гулшох, деб, айтаман чўпчак.

Бу дала юртимнинг даласи, ахир,
Шу чўп ҳам юртимнинг боласи, ахир.

Биляпман, бу – кўлмак, дарёдан узоқ,
Мен унга ирмоқ, деб, бераман изоҳ.

“Оқар” десам, балки, оқиб ҳам кетар,
Оққани ҳаммага ёқиб ҳам кетар.

Оломон манови тўртми ё беши,
Ғофиллик ҳамроҳи, лоқайдлик эши.

“Халқ” дейман ўжарлик билан чираниб,
Демасам, кетмасин дейман кирланиб.

Юрагим парчаси – юртим парчаси,
Не қилай ўзимга тегиш барчаси.

Мен яхшим, нақшим деб, этмасам тақдим,
Яхши саноғига қўшар уни ким?

Ҳа, шундай: осмонда кўнгил зорманда,
Айтиб, рўёбидан умидворманда.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА *– Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Фарғона педагогика институтининг филология факультетини битирган. Шоиранинг “Юрагимда кўрганларим”, “Узун кундузлар”, “Уйғониш фасли” каби шеърий, “Муҳаббат сен чиройлисан” номли ҳикоялар тўпламлари нашр этилган.*

* * *

Яна бир фаслни ўтказдим бошдан,
Кўзим кўз ёшга тенг, юрагим тўзим.
Бир ҳовуч нур тилаб она қуёшдан,
Тафтталаб жонимни иситдим ўзим.

Менга ўхшамаган менман бу бироз,
Бошқача яшагим келар, ишонинг.
Бу кунлар рамзи озодликка хос,
Бир гуллаган бодом баҳор нишони.

Шукур, орзум тирик – кўйлаги гулгун,
Тушим яхшиликдан қилар башорат.
Кун кўрмоқлик эмас яшамоқ бугун,
Бугун яшамоқлик эрур жасорат.

Бирдан тикка турсам (ўйлаш ҳам ҳузур),
Толе манглайимни юборса силаб.
Кўринмай, билинмай ётибман ҳозир,
Дилимда денгиздай туғёнлар билан.

Ўтиб бораётир баҳорлар, қишлар,
Бошқача яшашга имконим борми?
Умид, қўлларимдан маҳкамроқ ушла,
Умид, жасоратнинг сенсан тенг ярми.

Ўзимга

Ҳориб яна битта кундузим,
Юрагимга келиб йиқилди.
Салом сенга, қадрдон ўзим,
Сенинг билан борлигим билдим.

Чин ошиқдай, йўқ-йўқ, чин дўстдай,
Ўтирибмиз бир бутун, хушҳол.
Ўйларимиз ҳеч тўсиқ-тўсмай,
Эртакдаги Семурғ қуш мисол.

Қориштирмай қорани-оқни,
Тиниқ-тиниқ сўзлар тўкамиз.
Ёқтирмасак бирон ялтоқни
Отин ошкор айтиб сўкамиз.

Кўздан қувиб уйқу-мудроқни,
Киришамиз икковмиз баҳсга.
Қарсиллатиб ўнта бармоқни
Йиқилгунча тушамиз рақсга.

Айланамиз ё Шоҳсанамга,
“Оҳ” эмас, ишқ бўйин пуркаймиз.
Эрк навбаҳор этган хонамда
Чаппор уриб гулга киргаймиз.

Шундай, ҳар кеч сен билан, ўзим,
То тонггача яшаб оламиз.
Шундан кундуз кетмаймиз тўзиб,
Нураб тушмас юрак қалъамиз.

* * *

Синиб тушдимикан бўрон арраси,
Майин тараларми булоқ алласи,
Зарга айланармі қумнинг зарраси,
Чўлларнинг тилида сўйласам.

Булбул чах-чахидан уйғониб тонглар,
Сабога тўкармі бўйин райҳонлар,
Дардин унутармі, дарди бор жонлар,
Гулларнинг тилида сўйласам.

“Йўл йўқ” деган жойда, бор бўлармиди,
Бирдан иккита ё чор бўлармиди,
Хизри Худойимга ёр бўлармиди,
Йўлларнинг тилида сўйласам.

Элга қайтармиди номус, дилсоғлик,
Биздан кетармиди орсизлик, оғриқ,
Достонларда келган бели белбоғлик –
Улларнинг тилида сўйласам...

Уйга борганда

Дарвозалар очиқ, ўчоқларда ўт,
Сўрида кўрпача, қуроқ болишлар.
Шохига радио илинган оқ тут,
Комилжон довшида қилар нолишлар.
...Онам йўқ.

Тандирдан гуркирар жизза нон иси,
Сувга ботирилган касов чарсиллар.
Ингичка симларда қоқилар тизим,
Ёз ўз оловида ўзи ҳарсиллар.
...Онам йўқ.

Атиргул тўкади тиканларини,
Ошиқ қўл истайди олишин узиб.
Болари кўтариб елканларини,
Гулларни оралар учибми, сузиб.
...Онам йўқ.

Гул ёқдан овози эшитилгандай,
Илинжим чопади ҳар шарпа, сасга.
Жуда кўргим келар, кўраман қандай,
Ташлаб кетган бўлса борса-келмасга.
...Онам йўқ.

Кўзлари, сўзлари ўхшаш деб – ёниқ,
Жиянлардан таскин излайман – ичкин.
Излайман ва лекин биламан аниқ,
Оналар ўрнини босолмас ҳеч ким.
...Онам йўқ.

Меҳр изҳорига дебман имкон бор,
Ҳаққин тўла-тўкис адо қилмабман.
Бунёди, ободи қоларкан ёдгор,
Жонлари омонат экан, билмабман.
...Онам йўқ.

* * *

Шамоллар гулшамол бўлди бу пайтлар,
Гулсувдир сойларнинг кўк шойи мавжи.
Гулдан яралмоқда шоҳона байтлар,
Гуллаб ётган сўздир қўшиқлар авжи.
Гул бағрингга босгин бизларни, ҳаёт,
Қўйиб юбормагин қучоқларингдан.

Қуёш қариндошдай ғамхўр, жигаржон,
Бошимиз устидан кетмайди нари.
Кўча ҳам уйимиз каби нурафшон,
Худди уйимиздай ёруғ ташқари.
Нур бағрингга босгин бизларни, ҳаёт,
Қўйиб юбормагин қучоқларингдан.

Ҳурликдир интилган бахти инсоннинг,
Шараф ҳам, қадр ҳам ҳурлик билан бор.
Ахир, тирикликдир шу эрк имкони,
Ўлсак қўлдан кетар барча ихтиёр.
Ҳур бағрингга босгин бизларни, ҳаёт,
Қўйиб юбормагин қучоқларингдан.

х х х

Сўзлайвер:
Сасингни берганинг сўзлар қудратдир,
Бермасанг сукутдир, қуруқ суратдир.
Сўзлайвер:
Тупроқ чангин қўшиб байрамлар тузгин,
Чаман рангин қўшиб, ҳайратлар тузгин.
Сўзлайвер:
Ўқ еб, яраланган қушсўзлар ҳақи,
Сибирда музлаган қишсўзлар ҳақи.
Сўзлайвер:
Ўтда ёниб кетган кулсўзлар учун,
Дорга судраб борган қилсўзлар учун.
Сўзлайвер:
Инкорми, иқрорми, армонми камрон,
Эшитиб тургандай эканку даврон.
Сўзлайвер:
Кўз устига қўйиб ҳар лаҳза, онин,
Айтмоқ – бу ҳаётнинг буюк имкони.
Сўзлайвер:
Синдир моне бўлса сабр олмасин,
Сўзларинг ичингда ўлиб қолмасин!

Тилини ёлғиз мен тушунган йиғи



Одил ИКРОМ

***

Тоқат қил,
Оғир бўл, дардни эмиздинг,
Бебош хаёлимдай кетмагин тўзиб.
Ризқимиздай синган бардошимизнинг
Ерда изи қолар, осмонда ўзи.

Ёлғизоёқ йўлдир савобнинг йўли,
Ўзингдан кетмагил, ўзгалардан қоч.
Қўявер, бир куни сенга жўр бўлиб,
Оҳимга етса бир йўнилган оғоч.

Кунларни санайсан ақлдан озиб,
Тундошингга дўнар ёлғиз ирода.
Бир кун тўкилгайдир тоқати тошиб,
Ҳовучингга тўлган бир коса бода.

Нигоҳ тийғи бирлан ёдингни йўнгил,
Мунаққаш чўққилар беролмагай панд.
Кўзларинг ёшига чўкмаган кўнгил –
Отанг ётган уйнинг томидай баланд.

Барча фарёдингни ютасан ичга,
Бунча ардоқладинг ҳижронни, ғамни?
Гургзода дунёда бўрилар ичра
Шу пайтгача тирик юрганинг камми?.

Топилар ўртанган армонларга ном,
Бир умр гумонда қолмассан мангу.
Бағримда офатлар олмоқда ором,
Кўриб қўй, мен тоқат қилаяпман-ку.

Одил ИКРОМ – *1960 йилда туғилган. Шоир ва таржимон. Ленинобод Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимида таҳсил олган. Унинг "Уфқ дарахти", "Таҳажжуд", "Узлат", "Таҳаммул", "Хаёл мақбараси" номли шеърий китоблари ва Заҳирий Самарқандий, Лойиқ, Жалолиддин Румий, Бедил, Нақибхон Тўғрал, Муҳаммад Иқбол, Нодир Нодирпур каби етук ижодкорлардан қилган таржималари нашр этилган.*

Қуш тили

Мени бошлаб кетар бир кун қадрингга,
Армоним кўмилган ёлғизоёқ йўл.
Энг узун афсона сўйлар қаршингда,
Оҳига осмонлар етмаган бир қўл.

Бенаво туйғулар очирмайди кўз,
Сўзларим тўкилар юракка сиғмай.
Бўғзимда қалтираб турибди бир сўз,
Ғилофида қолиб занглаган тиғдай.

Кўнгилдан чиқмади мен суйган калом,
Тилимни тушунмас ёру дўстларим.
Номингдан йўллайди самовий салом,
Қанотинг остига олган сўзларим.

Йиғлоқи булбуллар қолди бенаво,
Қузғунлар тўдаси айлаганда даф.
Таниш қарғаларни билмадим, аммо,
Мен билган чумчуқлар чирқиллар бенаф.

Куйларим сабрсиз сукут ичрадир,
Шовқинлар остидан чиқмади бутун.
Оҳангинг олдида тилим қисқадир,
Осмонинг остида қўлларим – узун.

Энтикиб кетади эҳтирослардан,
Бағрингда ўлгиси келган бир вужуд.
Сўзингдан иқтибос келтиролмайман,
Сенга келтираман юракдан сужуд.

Ўқ теккан оққушдай қолди оҳ уриб,
Мени тирилтирган жимжит ҳасратинг.
Ўзимни-ўзимдан асрамай туриб,
Сен мени ўлимдан нечун асрадинг?

Сурур саҳросига излайман маъво,
Дардлар дарёсига соҳил ёллайман.
Кимдан қўрқишимни англадим, аммо,
Қачон қўрққанимни эслай олмайман.

Мен сени олдинроқ топмадим нечун,
Нечун кетолмайман жонимдан тўйиб.
Тилсиз орзуларим йиғлайди беун,
Армон елкасига бошини қўйиб.

Ўтиб кетаман жон талвасасида,
Фурсатим қисқадир, йўллар чўзилган.
Ишқнинг сўнгги манзил, мартабасида,
Баъзан тилдан қолдим, баъзан кўнгилдан.

Бир кун бошлаб кетар ғам кулбасига,
Тилини ёлғиз мен тушунган йиғи.
Ярақлар дўзахий шам шуъласида,
Тандан суғурилган жонимнинг тиғи.

* * *

Юрак – ўз йўлига…
Юрак йўлида
Туртиниб-суртиниб тентирар шамол.
Қўй, ёлғиз йиғласин қисмат гўрида
Иккимизини кўмиб юборган хаёл.

Юрак – ўз йўлига…
Биз ҳам қолмадик
Ўша йўлимиздан, ўша турбатдан.
Биз юрак-юракдан айрилолмадик,
Айрилиб кетмоқда юрак-юракдан.

Юрак – ўз йўлига…
Кезиб юракни,
Хаёллар мурдасин ўтармиз босиб.
Биз бирга яшаймиз эзиб юракни,
Агар бирга ўлмоқ этмаса насиб.

Қора чўғ

Кўзларинг тубида тун бўлди ғойиб,
Кўзларинг тубида осмон ярақлар.
Осмонга узанган қўлларин ёйиб,
Ойни эмиб ётар урён дарахтлар.

Заҳарланган ернинг қурсоғи каби,
Қаппайган хазонлар эслатар гўрни.
Кўзларинг тубида тўлғанар сабил,
Ситилган кўз янглиғ бутоқдир ўрни.

Тухум қўйган каби оққуш хаёллар,
Калланинг тиржайган чаноғига жим.
Кўзларинг тубида маъюс шамоллар,
Гўянда арвоҳдай бошимда надим.

Кўзларинг тубидан сени қидирдим,
Устимда кулмоқда осмон ҳам, ой ҳам.
Мен икки дунёни унга сиғдирдим,
Мен – икки дунёга сиғмаган одам.

…Фақат сенга – ёлғон, ўзимга аён,
Менинг тушларимга киради ҳар кун:
Сенинг кўзларингни эслатган осмон,
Сенинг кўзларингни соғинтирган тун.

* * *

Шаффоф сувга чўккан қуйқадай
Кўзларингга чўкдим таҳбатаҳ.
Вужудимни буткул чулғагай
Кўзларингда кўз очган фарах.

Тўкиламан, киприк қоқмайсан,
Шам ёлқини титрайди, камгап.
Ёқимлисан, ёқиб-ёқмайсан,
Ёниб адо бўлмаган шамга.

Оҳ-зорларим ташлайди кўмиб,
Оҳларингни жимлигинггача.
Осмон каби кетарман тўлиб,
Кипригингдан кипригинггача.

Тўкиламан тун бўйи, тонгда
Вужудимдан қолмайди нишон.
Бу ҳилқатдан, бу тегирмондан
Чиқса, фақат, бутун чиқар жон.

Хаёл

Гапирма, туз сепма эски ярамга,
Эслатма, кўй энди ўшаларингни.
Захлаган хаёллар олар аланга,
Эсласам зардуштий бўсаларингни.

Қақшаган юракдай ёнар осуда,
Кўнгилнинг қўл етмас тор гўшалари.
Кўзингда порлаган тубсиз ёғдудан
Ёришар ёдимнинг жин кўчалари.

Ўзингдан кетасан… Йиғлагинг келар,
Ўзингдан кетасан ўзиб, ўзгариб.
Ҳувиллаган хона дилингни эзар,
Кўнгилни бўшатсанг, тўлар кўзларинг.

Васлни тушунмас ақли кирган ишқ,
Айрилиқ нелигин англамас фироқ.
Мадорлар қурийди, тўкилгай сиришк,
Лабларим қонади, қонмади бироқ.

Дилимда аросат шамлари сўнди,
Ўт кетди эркимнинг қафасларига.
Чирсиллаган чўғдай кетарман шўнғиб,
Хаёлимнинг қақроқ нафасларига.

Жонингга ҳар икки олам даъвогар,
Жонингга тегмасин аҳли бетамиз.
Ўшал ғайбдан келган беайб маъвога,
Агар насиб бўлса, бир кун етамиз.

Ковид билан юзма-юз

Қисса



Шавкат НИЗОМ

Вакцина

У ўзининг энг яхши асарини ёзиш учун
жаҳаннамга кириб чиқишга ҳам рози эди.

Асқар Жамолга ёшлигидан унча-мунча касаллик писанд эмасди. Шу боис ўлим чалғисига айланиб, башариятга уруш очган Ковидни ҳам жиддий қабул қилмади. Унинг бундай йўл тутишининг айрим сабаблари бор. Биринчидан, гарчи эллик олти ёшида қандли диабетга чалинса-да, ҳозиргача ўзини касалликларга бардошли, деб ҳисоблайди. Иккинчидан, иродаси мустаҳкам, бирор ишга отланса, албатта бажаради, кутилмаган вазиятларда ўзини йўқотмайди. Учинчидан, асосийси – Оллоҳнинг қўллашига ишонади.

Ковид қаршисида манаман деган бойваччалар, давлат арбоблари, диний уламолар ҳам қўл кўтаришаётса-да, у мазкур сабаблар туфайли “отдан тушмасди”. Бунинг устига, уч ой бурун вакцина олди. Ўша куни уйларининг орқа томонидаги атрофи темир панжарали ҳовлида жойлашган оилавий поликлиника ҳамшираси келиб, Ковидга қарши эмланишга даъват этганда, ўйлаб ўтирмай, рози бўлди. Хотини ҳам эътироз билдирмади. Эртаси иккаласи поликлиникага келишди. Вакцина олинаётган жойда бир неча эркак-аёл навбат кутар, яна бир нечалари зални айлантириб қўйилган ўриндиқларда ўтиришарди.

Асқар Жамолни кўрган кечаги ҳамшира шошиб яқинлашди.

– Янгам ҳам келдиларми? – сўради у хурсанд бўлиб.

– Ҳа! Ана, кела солиб ўтириб олди – жавоб берди Асқар Жамол бошини орқага ирғаб. Сўнг хотинига мурожаат қилди. – Вазира, қара!..

– Ассалому алайкум, янга, – чопқиллаб унинг ёнига борди ҳамшира, – яхши келдингизми?

Шавкат НИЗОМ *– 1961 йилда туғилган. Тошкент театр ва рассомлик санъати (ҳозирги ЎзДСМ) институтини тамомлаган. Унинг “Тўққиз хоқон салтанати” номли тарихий романи ва кўплаб китоблари чоп этилган.*

– Раҳмат. Ўзингиз яхшимисиз, Райҳон? – ҳол сўради Вазира.

– Мен яхшиман. Бир ҳафта олдин вакцина олдим. Ҳеч қандай зарари йўқ экан. Фақат уч-тўрт кун эҳтиёт бўласизлар. Осонгина ўтиб кетади... – улар беихтиёр Асқар Жамолнинг ёнига яқинлашишди. – Айтгандай, – давом этди Райҳон бидиллаб, – икки хил вакцина бор: Хитой ва Ҳиндистонники...

– Ўзингиз қайсисидан олдингиз? – сўради Асқар Жамол.

– Мен Ҳиндистонникини олдим. Икки дозалик. Хитойники уч доза... – батафсил жавоб берди Райҳон. – Кейин сал-пал ўзларингизни ноқулай сезсангиз "Ценепар" ичасиз!

"Ҳар ҳолда уч марта игна санчилгандан икки марта санчилгани маъқул, – хаёлидан ўтказди Асқар Жамол, – бунинг устига Хитойнинг ҳамма нарсаси сифатсиз. Ҳиндистон эса тиббиётда анча илғор!.."

Бу пайтгача навбат анча сурилиб қолганди. Райҳон врачларнинг олдига ўтди-да столдаги қоғозларга эгилиб, нималарнидир тушунтирди. Сўнг уларга юзланди: "Қани, ким биринчи?"

Асқар Жамол индамай, стулга ўтирди. Ўнг енгини елкасигача шимарди. Игна санчилганда бир сесканди. Тезда ўзини қўлга олиб, ўрнидан турди. Навбат Вазирага келди... Сўнг иккаласи Райҳон кўрсатган эшикдан кириб, ярим соатча бошқа врач қаровида ўтиришди. Орадан яна озроқ вақт ўтганда улар олдинма-кейин атрофи темир панжарали ҳовлидан чиқишди. Катта кўчани кесиб ўтаётганда Вазира тезлашиб, эрига етиб олди.

– Нима гап? – сўради Асқар Жамол.

– Вой, дадаси, бошим айланаяпти. Маҳкамроқ ушланг, йўқса йиқиламан! – эрини қўлтиқлаб олди аёл.

Улар уйга киришгач, бироз ўтириб, тин олишди. Сўнг Вазира ҳамшира айтганидек, яримта "Ценепар" ичди...

Асқар Жамол вакцинадан кейин, даставвал ҳеч нимани сезмади. Эртаси тонгда боши бироз айланиб, кўнгли айниди. Ишга етиб боргач ҳам лоҳаслик чекинавермагач, рухсат сўраб, деканнинг олдига кирди. Ўрта бўйли, оғир босиқ Алижон Эргашевич, уни эшитгач, боши билан имо қилиб, "Бораверинг, – деди ва қўшиб қўйди: – вакцинадан кейин бирор ўзгариш бўлдими?"

Энди қўзғалган Асқар Жамол, "Йўқ, ҳозирча билингани – бош айланиши", дея қаддини ростлади.

Бошқа ўзгаришлар хонадан чиққанидан сўнг бошланди. Кетаётиб, тўсатдан мувозанатини йўқотди. Яхшиям, вақтида деворни ушлашга улгурди. Бироз нафасини ростлагач, яна юрди. Машинасининг олдигача бу ҳол икки марта такрорланди. Уйига етиб, хотини ҳам шундай аҳволда эканини эшитгач, мийиғида кулиб қўйди. "Демак, вакцина таъсир қилаяпти!.." хаёлидан ўтказди у, хотини тутган яримта "Ценепар"ни бир қултум сув билан ютаркан...

Ўшандан бери ўтган уч ой ичида у Ковидни деярли эсламади. Бугун ўғлининг иситмаси анча баландлигини сезганда ҳам ортиқча хаёлларни унутиб, буни гриппга йўйди. Агар иситма ҳаддан ташқари кўтарилса, болага жабр бўлади. Шу боис, хотини "неотложка"га олиб борайлик, дейиши билан кийниб, пастга тушди. Машинасини ўт олдириб хаёлга чўмди.

У шаҳардаги нуфузли институтда ишлайди. Ёзги таътилга чиқишганига уч-тўрт кун бўлди. Аммо, таътилнинг шундай бошланганидан бироз кайфияти тирриқ.

Институтга ўтган йили келди. Аввал мактабда ишларди. Рости, ўзининг ҳам бошқа ишга ўтиш истаги йўқ эмасди. Боз устига, маош жиҳатидан анча ютди.

Озроқ тежаб тергани бор эди, шунга ҳар ойлигидан оз-оз қўшиб, ўн йилдан бери тўхтаб турган участкасини қурди. Ҳозир бинонинг томини ёпишяпти. Насиб этса, ҳафтанинг охирида якунлашади. Кейин дам олади. Янаги ёзгача ўша иморатнинг яқинига йўламайди. Топган пулини рўзғорга сарфлайди. Болалари ҳам қийналиб кетишди. Еб-ичишда маза йўқ. Одатдагидай ҳар куни икки марта қозон қайнаса-да, масаллиғи олдингидай эмас. Мева-чеваларга ҳам ҳар замонда оғизлари тегмоқда.

Тўрт ой бурун катта қизини узатди. Кейингиси – Эъзоза бу йил мактабни тугатди. Айни кунларда зўр бериб, тест синовларига тайёргарлик кўрмоқда: унга халақит беришмайди. Уй ишлари учинчи қизи Дилафрўзнинг зиммасида. Аммо, икки кундан бери Эъзозанинг авжи пастдай. Боя, "Қизим, тинчликми, нега кўзларинг киртайиб қолган?" деб сўраганди, қизи синиққина жилмайиб, "Яхшиман, дадажон!", деди. Бугун-эрта уни ҳам дўхтирга кўрсатсами?.. Ҳозир "неотложка"кага олиб боришаётгани тўртинчи фарзанди – Искандар. Ишқилиб ковид бўлмасин-да?..

Асқар Жамол турмуш масаласида доимо ошиғи олчи бўлишига ишонар, "Хотин қочмайди, истаган пайтимда энг гўзал қиз меники", деб ўйларди. Гарчанд, кейинчалик бинойидай қизга уйланса-да, ёшликда ўйлаганлари ҳаётга тўғри келмаслигини тушунди. Чунки тўнғич фарзанди туғилганда ўттиз етти ёшда эди. Ўзи тенгилар аллақачон невараларини эркалаётганда катта қизини чиқарди. Ўзи тенгилар оёқларини чўзиб, пиру бадавлатлик гаштини сураётганда у вояга етмаган беш нафар фарзандининг келажагини ўйлаш билан банд. Бунинг устига, манави Ковид отли душман дард устига чипқон бўлди...

Хаёлидан ўтган сўнгги жумладаги "душман" сўзи Асқар Жамолга яна кўп нарсаларни эслатиб юборди. Тасаввури бирдан олислардан туманми, тутунми таъсиридан зарғалдоқ тусга кирган парда ортидан элас-элас милтираётган машъум маконга кўчди. Ўша машъум маконда ҳақиқий душман билан юзма-юз келган дамларига энди қайтувдики, машина эшиклари очилиб, хаёли бузилди.

– Кетдикми? – сўради ёнидаги ўриндиққа чўккан хотини, бироз ҳарсиллаб.

– Ҳа! – жавоб берди у йўлга тушаркан. – Чарчаб қолдингми?..

– Бироз шошиб тушдик, – деди хотини бепарво.

– Сен қалайсан, болам? – орқа ўриндиқдаги ўғлига мурожаат қилди у.

– Яхшиман, дада! – имкон қадар ўзини бардам тутишга уринди Искандар.

– Илойим яхши бўлгин, болам!

Болалар бўлимида анчагина одам тўпланганди. Асқар Жамол эшик ёнидаги стулга ўтирди. Вазира ва Искандар болаларини етаклаган ота-оналар ортидан туришди. Иккита ҳамшира навбати етган касални залнинг ўнг ёнбошидаги хонага киритиб кетар, орадан беш дақиқа ўтиб, қайтариб олиб чиқар ва эгасига топшириб, зарур маслаҳатни беришарди.

Ўзлари билан ҳам шу ҳолат такрорланди. Икки ҳамшира Искандарни ёнбош хонадан олиб чиққач, врач Вазирага юзланди.

– Хавотир олманг, синглим, ҳозир – ойин. Ҳамма болалар температура қилиб ётибди. Укол қилдик, ярим соатларда иситмаси тушади. Кейин, хоҳласангиз, болалар шифохонасига олиб боринг, хоҳласангиз уйга қайтиб, антибиотик ичиринг, икки-уч кунда кўрмагандай бўлиб кетади.

"Ойин" деган сўзни эшитиб, Асқар Жамолнинг кўнгли жойига тушди. Чунки, ёз ойларида тез-тез шунақа бўлиб туради. Биров иссиқдан, биров совуқдан иситмалайди, биров заҳарланади, бировнинг ичи кетади. Бундай ҳоллар ёппасига авж олса "ойин", дейишади.

Шавкат НИЗОМ

Галлюцинация

Асқар Жамол яшайдиган кўпқаватли уйнинг олд томонида вилоятда ягона “Меҳрибонлик уйи” жойлашган.

У кенггина ҳовлида, фавворали ҳовуз атрофида ўйнаб юрган болакайларни кўриб баъзида маъюс тортади. Наҳот шунча бола етим, деган фикр хаёлидан кетмайди. Бир неча кундан бери болаларнинг кўринмаётгани уни бундан ҳам кўпроқ ўйлантиради. Ишқилиб, соғ бўлишсин-да, кўнглидан ўтказди у...

Хонадоннинг ётоқхонасига ўтсангиз, шаҳарнинг бошқа таниқли иморатига кўзингиз тушади. Бу – йўлнинг нариги тарафида, хиёл ўнгроқда қад кўтарган “Меридиан” меҳмонхонаси. Меҳмонхонанинг иши шу кунларда унчалик яхши эмас. Аввалари тунда бинонинг барча чироқлари ёнарди. Қарийб икки йилки, яккам-дуккам хоналарни ҳисобга олмаганда, чироқлар ўчирилган.

Ҳаммасига Ковид сабаб. Ҳа, ўша – дунё ҳаётини икки оламга бўлиб ташлаган Ковид – 19 сабаб.

Ётоқхона деразасининг шундоқ рўпарасида, йўлнинг нариги тарафида биз юқорироқда эътироф этган атрофи темир панжарали ҳовли бор. Ҳовлида “2-Оилавий поликлиника” ва шаҳарнинг “Тез ёрдам” бўлинмаси жойлашган. Ковид сабаб бу даргоҳдан хавотирли чинқириб чиқадиган махсус машиналар сони роса кўпайган.

Бугун Асқар Жамол ётоқхонанинг кичиккина балкони панжарасига суяниб, сигарет тутатганча, ўзлари томон йўналадиган “Тез ёрдам”ни кутмоқда. Ўтган беш-ўн дақиқа ичида темир панжарали ҳовлидан чиққан тўртта машинадан бирортаси ҳам улар томонга бурилмади.

Ниҳоят, қўнғироқ қилишгандан ярим соатлар ўтиб, кутилган “Тез ёрдам” тўрт қаватли бинога томон қайрилди.

– Бўлди, келишаяпти! – деди Асқар Жамол ортида турган хотинига. Аммо, Вазира аллақачон кенжатойи иситмалаб ётган залга ўтганди. У қўлидаги сигаретини ташқарига улоқтирди. Бир неча сониядан сўнг каттагина чамадон кўтарган врач аёл ва ёшгина ҳамшира кирди.

– “Тез ёрдам”ни сизлар чақирганмидингиз? – расмиятчилик учун сўради врач аёл ва жавобни кутмай давом этди. – Менинг исмим Санобар, манави чиройли қиз Холида. Бемор шу болами? – у чамадонидан термометр чиқариб, Самандарнинг қўлтиғига тиқди-да, Вазирага юзланди. – Анчадан бери иситмалаяптими?

– Кеча кечқурун бошланганди, – жавоб берди Вазира. Сўнг ўтган куни “неотложка” га боришганда врачлар айтган гапни аниқлаштириш ниятида сўради. – Бу нима, “ойин”ми?

Санобар бир зум ўйланиб, Вазирага юзланди.

– Ҳа – Асқар Жамол эшик ортидан уни кузатиб, ёлғон гапираётганини сезди. Аёл иккилана-иккилани давом этди. – Биласизми, синглим, буни ойин деса ҳам бўлади. Аммо, ҳар йилгидек эмас. Буниси бошқачароқ...

– Нимаси бошқача? – ажабланди Вазира.

Санобар унинг гапини эшитмасликка олиб, боланинг пешонасига кафтини босди. Кейин сал нарида чўзилиб етган Искандарга ишора қилди.

– Бу йигитча нега ётибди?..

– Кеча у ҳам иситмалаганди, дадаси билан “неотложкага” олиб боргандик ўшалар “ойин” деб айтишди, – батафсил жавоб берди Вазира.

– Шунақа денг?.. Ораларингиздан яна кимдир ўзини бетоб сезмаяптими? – овозини ўзгартирди у.

– Катта қизим... – ёнбошида турган Эъзозага ишора қилди у.

Санобар ўрнашиб ўтириб олди. Хиёл муддат пешонаси тиришиб хаёлга берилди. Сўнг уқтириб-уқтириб гапира бошлади.

– Ростини айтсам синглим, бу “ойин” эмас. Ҳозир ҳамма жойда фақат Ковид бор. Бошқа ҳеч қандай касаллик йўқ. Қаерда кимнинг боши айланса ҳам, бели, оёғи, тиши, қулоғи ёки бошқа жойи оғриса ҳам билингки, у Ковидга чалинган. – Асқар Жамол зимдан боқиб бурро-бурро гапираётган врачнинг юзи тобора қизараётганини пайқади. – Ҳа, синглим, бу – ифлос касаллик экан. Шунинг учун ўзингизни эҳтиёт қилинг. Мунтазам равишда антибиотик ичинг. Кучли овқатлардан енг. Қўй гўшти аралаш таомларни кўпроқ истеъмол этинг. Ўшанда енгасиз!.. Чунки, ҳаммангизга аллақачон Ковид юққан!

– Унда ҳозир буни, – болага ишора қилди озроқ ваҳимага тушган Вазира, – Ковид марказга олиб борсак-чи?

– Биз олиб боролмаймиз, асосимиз йўқ!

– Қанақа асос? – гапга қўшилди Асқар Жамол.

Врач Асқар Жамолга ўгирилди.

– Ковидга тест топширганмисизлар?

– Йўқ! – жавоб берди Асқар Жамол.

– Баракалла! Модомики, тест натижаси йўқ экан, сизларни стационарга ётқизишмайди. Ана, йўлнинг нариги четига ўтсангиз, тест олишяпти. Икки кунда натижасини беришади. Ҳаммангиз топширинг! – У боланинг қўлтиғидан термометрни олди. – Ўттиз тўққизу етти. Укол қиламиз!

– Аналгин-демидролми? – сўради Вазира.

– Ҳа! – қисқа жавоб берди Санобар.

– Ўғлим бирор марта ҳам укол олмаган. Реакция бермайдими?

– Нима? – “ялт” этиб Вазирага бурилди аёл, – укол олмаган? Неча ёшда ўзи?

– Бу йил тўртга киради.

Санобар Вазиранинг гапидан талмовсираб қолди.

– Наҳот бирор марта ҳам касал бўлмаган? Қойил, шундай мамашалар ҳам бор экан-да? – у уколни тайёрлади. – Майли, кичикроқ доза урамиз. Кейин беш-ўн дақиқа шу полвоннинг ёнида ўтирсак – ўтирибмиз-да...

Бироздан сўнг врач муолажани тугатиб ўрнидан турди.

– Телефонингизни бериб кетмайсизми, опа? – сўради изидан чиққан Вазира.

– Албатта-да!

Санобардан телефон рақамини ёзиб олишгач, Асқар Жамолнинг кўнгли хотиржам тортди. “Керак бўлса, дарров қўнғироқ қилишади. Ўзиям анча тажрибали врачга ўхшайди...” хаёлидан ўтказди у, сўнг хотинига юзланди.

– Тез кийин, бозорга борамиз. Уйдаги ҳамма пулни ол!

Асқар Жамол пастга йўналди. Сал ўтмай хотини ва Дилафрўз қизи тушиб келишди.

Бозорга етгач, улар иккига бўлинишди. Боядан бери лоҳаслиги кучаяётган Асқар Жамол ҳафсаласиз қадам ташлаб, гўшт растасига жўнади. Қўй гўшти, мол гўшти, думба, чарви олди. Қайтишда гуруч, мош, макарон харид қилди. Чарчоқдан ҳансираб машинасининг ёнига келганда, қўлларида лиқ тўла учта пакет кўтариб хотини ва қизи кутарди.

Аҳволи дақиқа сайин ёмонлашаётган Асқар Жамол шитоб билан газни босди. Машинадан тушиб, зинадан кўтарилишаётганда ўзини янаям ёмон ҳис этди. Кейин бирдан қадамлари чалкашди. Буни сезган хотини ва қизи унинг қўлидаги сўмкаларни олишди. Асқар Жамол зина тутқичидан базур ушлаганча, тўртинчи қаватга

кўтарила бошлади. Аммо гавдаси ўзига бўйсунмаётганди. Гўёки, устихони бир неча дақиқаларда ўн мартага кўпайиб, этига тиралар, оғирлик қилар, кутилмаганда ҳар бири ўзича ҳаракатланиб, юришига халақит берарди. Бир устихонининг оёқлари чапга, бошқаси ўнгга, яна бири олға, иккинчиси ортга тортар, қўллари ҳам пала-партиш ҳаракатлар туфайли тутқични омонат ушлар, инграганини хотини ва қизи эшитиб қолмаслиги учун тилини тишлаб олганди. Ҳа, бунинг Ковид эканига шубҳа йўқ. Ковиднинг аломатларини ҳар ким ҳар хил тушунтирарди. Аслида нечта сиптоми борлигини ҳатто, энг тажрибали профессорлар ҳам билмаса керак?..

Тўртинчи қаватгача инқиллай-инқиллай кўтарилган Асқар Жамол кирибоқ, даҳлиздаги стулга ўтирди. Ҳансираб, тин оларкан, туйқус баданида кўкарган ўнлаб устихонларга оғриқ кирди. Майли, бошланаверсин, ўйларди у, камида ўн беш кунга етарли масаллиғимиз бор. Ўн беш кун ичида отпускной ҳам тушиб қолади...

Энди дори-дармонларни ҳам ғамласа, бас. Қандай антибиотиклар кераклигини Вазира яхши билади. Шуларни келтирса, кўнгли тинчийди. Аллақачон ҳужум бошлаган даҳшатли "махлуқ"қа бас келиш учун тайёр туришади.

– Вазира! – хотинини чақирди у Эъзоза келтирган совуқ чойни сипқариб.

– Нима дейсиз? – сўради Вазира.

– Аптекага бориб, беш-ўн кунга етарли дориларни харид қил. Кураш қаттиқ кечадиганга ўхшайди. Кейин болаларингни олиб тест топширишга жўна!

– Аптекага бораманку-я, аммо уйда пул қолмади-да?..

"Оббо, бу ёғини ўйламабмиз-ку!.." хаёлидан ўтказди у. Сўнг хотинига юзланди.

– Узугингни гаровга қолдир!..

Вазира маъқул ишорасини қилиб, бошига рўмолини ташлади.

Хотини чиққанидан икки дақиқа ўтиб, Асқар Жамол ўрнидан турди. Қаддини ростлагач, энди бир қадам қўювдики, тўсатдан боши айланиб, рўпарасида аллақандай қора кўланка кўкарди. Димоғига қўланса ҳид урилди. Нима бўлганини англамай, кўкрагининг қоқ ўртасига теккан даҳшатли зарбадан орқага сапчиди. Елкаси деворга урилиб, яна стулга ўтириб қолди. Бир лаҳза нафаси бўғзига тиқилиб тургач, аста-секин шуури ёришиб, баланд бўйли, салласининг учи оғзи-бурнини бекитган кимсани кўрди. Елкасига ташлаган кенг енгсиз яктаги тиззасигача тушган, оқ калта иштон кийган, оёғида қизил кроссовка, кийимининг кўкрак қисмидан уч-тўртта чизимчага айланган оқиш тутун тўлқинланиб, ҳавога тарқаларди.

"Ҳаҳ, номард мужоҳид, барибир отдинг-а?.. – шивирлади у алам билан, – биз бундай келишмагандик!"

Бемажол қўллари ниманидир қидириб, ён томонини пайпаслади. Айни дамда рўпарасидаги кимса қандай тез кўкарса, ўша тезликда ғойиб бўлди. Изидан бояги қўланса ҳид ҳам йўқолди. Ўрнини сезилар-сезилмас порох ҳиди қоплади. Асқар Жамол иҳраб қаддини ростлаётганда ўғли келиб, қўлтиғига кирди.

– Сизга нима бўлди, дада?.. – сўради у, отаси ётоқхонага кириб ўрнига чўзилгач.

– Ҳеч нима!.. – ўғлини тинчлантирди ота. Сўнг эшитилар-эшитилмас овозда минғирлади, – мени отишди, болам!.. – у аста қайрилиб ўғлининг чиқиб кетганига ишонч ҳосил қилгач, кўкрагини пайпаслаб, аянчли ингради, – кўкрагимдан отишди!..

Жабал ус-Сараж

1983 йилда институтни тугатиб, Сурхондарё санъатини кўтаришга бел боғлаган Асқарни кўп ўтмай, ҳарбий хизматга чақиришди. Хизмати Советнинг чекланган қўшинлари сафида ўтди.

Асқар Жамол ўша кунларни гоҳ алам, гоҳ титроқ, гоҳ фахр билан эслайди. Ҳар

тугул, тирик қайтди. Тўрт мучаси соғ... Аҳён-аҳёнда уйқусини учирадиган машъум хотиралари эса вақти-соати билан унутилади. Аммо хизмати давомида кўрган-кечирганлари бир неча томлик саргузашт романга арзиса-да, битта воқеадан юраги ҳамон ўзгача ҳаприқади. Ўшанда уни Худо асради.

Кўпчиликка маълум, "афғончи"ларнинг ёзилмаган қонунлари бор. Масалан, жанг кезлари олдинги сафга на "молодой"ни, на "старик"ни ўтказишмайди. Чунки, биринчиси ҳали порохни ҳидламаган болакай, иккинчиси эрта-индин уйига кетадиган "қария". Ота-онаси уни орзиқиб кутмоқда.

Албатта, "қариялар" уйга қуруқ қайтишмайди. Ўзларига жинси шим, батник кўйлак, оналарига гулдор рўмол, бошқа оила аъзоларига сувенир совғалар олишади. Булар битта дипломатга жойлашади. Солдатга эса бир дипломатга рухсат бор.

Асқарнинг ҳам Ватанга қайтишига кўп қолмади. Шу сабабли икки хизматдоши билан бозорга отланди. Ҳарбий қисмнинг шундоқ рўпарасидан Кобул – Ҳайратон йўли ўтган. Ўнгдан келаётган ҳар қандай транспорт уларни йигирма километр наридаги Жабал ус-Сараж номли қишлоқ бозорига элтиши мумкин. Эрталабдан йўлга тушган учовлоннинг мақсади ўша манзил.

Улар йўлда машина кутишаркан, Асқар оёқлари тагидан бошланиб, ўнлаб километрларга чўзилган яшил ўрмонга назар ташлади. Бу аслида юзлаб қишлоқлар жойлашган Чорикор водийси. Водий йўлдан ўн-ўн беш метр пастда жойлашганидан охиригача аниқ кўринади. Қаттиқроқ шамол эсганда дарахтлари шу даражада мавжланадики, гувиллаши йўлнинг бериги тарафида жойлашган ҳарбий қисмга яққол эшитилади.

Агар унга қолса, Афғонистонни контрастлар мамлакати деб атарди. Масалан, одамларининг қўлларида энг охирги русумдаги япон магнитафони, оёқларида резина кавуш; дўконларда рангли телевизорлар қаторасига тахлаб ташланган, дераза ўрнида бир парча кир латта тутилган дарчалик пахса уйларида кечаси қорачироқ ёқишади. Ёки табиатини олайлик, ёз – жазирама, қиш – қаҳратон. Йўлнинг бу тарафи улкан денгизга айланган яшил водий, нариги тарафи кўтарила бориб, қип-қизил тоғларга туташган яланғоч қирлар!..

Асқар ўзларининг ҳарбий қисмлари жойлашган сайҳонликдан ҳам кўп маротаба водийни кузатиб, хаёлларига берилган. Айтишларича, Чорикорга ҳали бирор шўравининг оёғи тегмаган. Бу-ку, майли, Афғонистонни юз йил тасарруфида ушлаган Англиянинг икки минг аскари водийга тушиб, биттаси ҳам тирик қайтмаган экан. Тўғрида, тиғиз ўсган дарахтлар орасидан йўл топишга бегонанинг ақли етмайди. Бунинг устига, водийдаги сон-саноқсиз қишлоқлар бир-бири билан ҳам ташқи тарафдан йўллар, ҳам ички тарафдан коризлар (ер ости суғориш иншоотлари) билан чамбарчас боғланган. Мужоҳидлар бир тешикдан кириб, бошқа исталган жойдан чиқишни яхши билишади. Шундай экан, водий ичида келгинди аскарни ўлдириш ёш бола учун ҳам ортиқча муаммо туғдирмайди...

Асқарнинг хаёлларини олдиларида тўхтаган БТР тўзғитди. Ярим соатдан сўнг улар бозордан эллик метрча берида махсус қазилган чуқурга жойлашган танк олдида тушишди. Бу танк ўзларининг қисмига қарашли, йўлнинг маълум қисмини қўриқлайди.

Асқарга танк командири Шароф бегона эмас. Полкка борганда танишишган. Бунинг устига иккалалари "земляк", бири – қашқадарёлик, иккинчиси – Сурхондарёдан!..

Шароф уларни танк ичига таклиф қилди. Асқар тезроқ бозорга бориш кераклигини айтди. "Унда автоматларингни қолдиринглар, халақит беради", деди Шароф, бепарво. Шериклари дарҳол автоматларини узатишди. Асқар эса

Афғонистонга келибдики, ҳатто, уйқусида ҳам ажралмагани учун бермади. Қайтанга, затворни тортиб ўқлади. Сўнг предохранителини ёпиб, стволини ерга қаратган кўйи елкасига илди. Солдатларнинг одати шундай. Мабодо кутилмаган душман дуч келса, предохранителни туширасолиб, ўқ узиш мумкин.

Асқарнинг бу ишига Шароф жилмайиб қўйди.

– Қўрқманг, "зем", бозор ўзимизники, санғиган ҳар бир итидан тортиб, каваклардаги сичқонларгача мени танийди! – деди мақтаниб.

Буни Асқар яхши билади. Полкнинг солдатлари бозорликка келганда ҳар сафар Шароф ҳамроҳлик қилади. Ҳали бирорта "ЧП" юз бермаган. Аммо, "Ўзингдан эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма!" мақолига қатъиян бўйсунувчи Асқарнинг ҳаётда ўз принциплари бор. Чунончи, уруш кечаётган жойда токи сўнгги душман маҳв этилмагунча, қуролни ташлаш мумкин эмас!..

Улар ғала-ғовур бозор оралашаркан, Шароф учраганларга шерикларини таништирар, бунга жавобан дўкончилар "бахшиш" деб, бир-икки бўлак "чарс" узатишар, "бахшиш"ни индамай чўнтагига урган Шароф меҳмонларни кейинга дўконга етакларди.

Ниҳоят, керакли матоҳларни харид қилгач, ортга қайтишди. Шошилмай келишаркан, туйқусдан эрталабдан бери енгил эсаётган шамол тақка тўхтади. Боягина ғала-ғовури оламни бузгудек гуриллаган Жабал ус-Саражга фавқулодда таҳликали сукунат чўкди. Ҳаммалари беихтиёр ортга бурилишди: ҳар жой-ҳар жойда тош қотган одамлар ваҳима аралаш чекланган қўшинларнинг тўрт валломати ва улардан беш-олти қадам наридаги елкасига кенг яктак ташлаб, бошидаги салласининг пеши билан оғзи бурнини бекитган баланд қоматли кимсага тикилиб қолишганди. Бирдан Шарофнинг ранги бўзарди. "Кетдик, кетдик, душман!" деди овози титраб. Асқар кимсани эслади. Боядан бери орқаларидан дўконма-дўкон эргашиб юрганди. Энди билса, мужоҳид экан...

Асқар жангу жадалларда юравериб, ҳар қандай танг вазиятлардан қутулишнинг фирибини олса-да, ҳозирги вазиятдан соғ-омон чиқиш анча мушкул масала эканини англади. Чунки душманнинг енгсиз кенг яктаги тагидан кўтарилган ствол аллақачон ўзининг кўкрагини нишонга олиб улгурган, оловдек чақнаган кўзларида улуғ бир нафрат намоён. У олти йилки, мана шундай вазиятни қидиради. Қуролсиз шўравини излаб бозорма-бозор санғийди. Учратса, олти йил бурун ичилган қасос оловини сўндириш учун тепкини босади.

У илк бор катта йўл четидаги уйлари ёнида портлаган бомба етаклашиб келаётган хотини ва ўғлини кўмиб юборганда титраб-қақшаб онт ичди. Кўп ўтмай, зўрлаб ўлдирилган ўн икки яшар қизалоғининг мурдасини уйи орқасидаги боғчадан топиб олганда, ўкириб фарёд чекди. У оқшомдан тонггача қасос сўзларини такрорлаб ётди. Сўнг ярим харобага айланган уйидан бир сидра кийим-кечагини олиб, тоққа ўрлади. Шўравига уруш эълон қилган мужоҳидларга қўшилди. Кўнглидаги меҳр-шафқат ҳиссиётини тамомила сўндириш учун бирор жангдан қочмади. Бирон рақибга шафқат қилмади. Ҳар куни қайта-қайта онтини такрорлади.

Мана, бу гал ҳам саъйи ҳаракатлари зое кетмади, хотини учун, ўғли учун, миттигина қизалоғи учун олинажак қасос дамларига етди...

Унинг оловдек чақнаган кўзлари рақибини ана шулардан огоҳ этмоқда. Аммо рақиби ҳам анойига ўхшамайди. Ўта хавфли вазиятга қарамай, ўзини йўқотмади. Рўпарасидаги мужоҳид қиёфасидаги ажалга мардона тикилганча дарҳол стволи ерга қараган автомати предохранителини туширди. Атрофда "ширқ" этган таниш садони эшитмаган одам қолмади. Энди отишма бўлиши аниқ. Буни теваракда тош

қотган халойиқ яхши билади. Отишмада адашган ўқлар тинч аҳолига ҳам тегиши мумкин. Бунинг устига, манави бозорчи аскарлардан бирортаси ер тишласа, эртага Жабал ус-Саражда қиёмат қўпади. Шўрави танкларда келиб, ҳамма ёқни яксон этади. Тўрт йигитнинг хуни учун камида тўрт юз афғон қурбонликка айланади!

...Кенг яктак тагидан тиралиб, нақ кўкрагини мўлжаллаган ажалдан кўз узмаган Асқар автоматининг предохранителини туширгач, хотиржам тортди. Энди кўтарасолиб тепкини босса, бас! Лекин, муаммо шундаки, рақиби отган ўқ кўкрагига қадалгунча стволи ерга қараган автоматини кўтаришга улгурадими?..

“Албатта улгураман”, – хаёлидан ўтказди у, – “Бунинг учун бир сония кифоя!”

Унинг ўзига бўлган ишончи аллақачон кўзларига кўчган, бу эса тепкини босишга шайланган душманни жиндек ўйлашга мажбур этарди.

Аслини олганда ҳозир барча устунлик афғонда. Тепкини босиш – оний лаҳзалик иш. Бир дегунча, “шўрави” ғиқ этмай, қулайди. Аммо, нимадир бунга изн бермаяпти, қандайдир ботиний куч тепкига тиралган бармоғини жиловлаган. Шўрави эса унга нафрат билан тикилмоқда.

“Тавба, одам ҳам шунчалик беўйлов бўладими? Ахир, куninг битди-ку!..”

Мужоҳид диққатини йиғиб, рақибига обдан разм соларкан, бирдан журъатсизлиги сабабини англади. Ахир, рақибининг кўзларидаги олов ўзиникидан кам эмас-да. Бундайлар юз йилда бир туғилади. Яққол ўлим қаршисида мисли кўрилмаган ишонч ила “Мен сендан зўрман!” дея қомат керган инсон ҳақида яна нима дейиш мумкин?..

Қўлидаги бўғчага қараганда йигит дембеллардан. Дембелнинг ўлими учун эса шўрави қаттиқ қасос олади. Бунинг устига, бу ерда бир эмас, тўрт дембел турибди. Танк командирини ҳам орқаворатдан яхши танийди. Унинг ҳам хизмат муддати тугаган. Аммо, энди улар уйга қайтишмайди. Кўзлари нигорон ота-оналарига фақат мурдалари боради. Бунинг учун тепкига тиралган кўрсаткич бармоғи сал тортилса кифоя...

Бироқ ҳозиргина автомати предохранителини туширган анави хомхаёлни ўлдиришга шошмагани маъқул. Чунки, йигитча ҳарчанд ўзига ишонмасин, оний лаҳзада автоматини кўтарасолиб, тепкини босишга улгурмайди. Стволи ерга қараган автоматни бир қўлда кўтариб ўқ узиш учун менман деган валломатга ҳам камида икки сония керак. Унга ажратилгани эса лаҳзанинг ўндан бир бўлаги, холос!.. Балки, бешдан биридир?..

“Шу вақт ичида улгурсанг, сенга қўшилиб жаҳаннамга кетишга розиман! Йўқ, улгурмайсан!..” дерди кўзлари.

Кейин у тоққа чиқиб кетади. Аммо, Жабал ус-Саражга жабр бўлади. Тўртовлоннинг хуни учун юзлаб афғон қон қусади. Алал-оқибат уларга ҳеч ким эътироз билдиролмайди. Америкага ўхшаган тарафкашлари шов-шув кўтарган тақдирда ҳам, шўрави кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олади. Шу билан “Ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп!”

Ўзлари учун қаттиқ ўч олишлари Асқарга ҳам аён. Ҳозирги ўта хавфли вазиятга қарамай хотиржам туришининг сабаби шунда. Аммо, қадрдон юрти, укалари, ота-онаси-чи?.. Ахир, улар Асқарнинг Афғонистонда эканидан бехабар-ку.

У хатларини, “Монголиядан салом!”, деб ёзади. Монголия табиатига ўхшаш жойларда суратга тушиб жўнатади. Кийим-кечаклари эса деярли бир хил. Унча-мунча одам ажрата олмайди. Шу боис уйдагилари ҳам Монголияда хизматни ўтаяпти, деб ўйлашади. Энди, тўсатдан “Мана, ўғилларинг!”, дея темир тобутни кўтариб боришса, муштипар онажони қандай аҳволга тушади. Оний лаҳзада

сочлари оқариб, оппоқ пахтага айланмайдими? Пойи қадамига интизор кўзлари кўр бўлиб қолмайдими? “Пақ” этиб юраги ёрилмайдими?. Ахир, онасини ўйлаб, Афғонистонни Монголияга “алмаштирганди-ку!..”

Мужоҳиднинг чақноқ кўзлари эса ҳамон киприк қоқмай тикилмоқда. Ҳали замон шўравининг ожизлигини сезиб қолади! Йўқ, Асқар туйқус рақиби нигоҳининг бир четида хира милтиллаётган ғалати ҳиссиётни кўрди. Нима бу – журъатсизликми?.. Ҳа, журъатсизлик! Демак, ҳали имкони бор! Бирдан вужуди тетиклашиб, метин иродаси қайтди ва яна кўзлари порлади. Энди рақибини бемалол қулатади.

Аммо, кўкрагига отилган ўқдан кейингина ҳаракатланиши мумкин. Рақиби эса ниманидир кутмоқда.

Шериклари ҳам автоматсиз келишмаганда қанийди. Қуролланган тўрт йигитни кўрган душман уларга яқин йўламасди. Афсус!..

Нафсиламри, шу ҳолатда уни рағбатлантиргувчи айрим ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, ҳалигача отишга жазм этмаган душман энди ҳам отмайди. Фақат кўрқмаслиги керак. Салгина қўрқувини сездирса – тамом!

У яна икки кун шундай турса ҳам чидайди. Аммо, атрофдаги вазият қалтис. Халойиқ ҳайкалдек қотиб туришдан чарчаган, ёнидаги дағ-дағ титраётган шерикларининг ҳам тоқати-тоқ, баногоҳ биргина ортиқча ҳаракат рўй берса, кимнингдир асаб торлари дош беролмайди. Буни мужоҳид ҳам сезган. Кўзларида сукунат бузилмасин, деган илтижо зоҳир. Бундай дамларда ҳатто қуриган баргнинг “чирт” этиб шохдан узилиши ҳам тақдирларни тамомила ўзгартириб юборади.

Асқар кўз қири билан йўл четидаги азим чинорга назар ташлаб, енгил “уф” тортди. “Яхшиям, баҳор!.. Барглари кўм-кўк!..”

Мужоҳид айни ҳолатда узоқ туролмаслигига тобора ишончи ортаркан, шўравининг ўзидан иродалироқ эканини англаб борар, гарчи барча устунлик ўзида бўлса-да, қадам-бақадам ҳозирги вазиятдаги энг мақбул йўл “сулҳ” деган қарорга келарди. У “сулҳ”га етакловчи истак қаршисида тураркан, туйқус рақибининг назарида ҳам муроса ҳиссини кўрди. “Наҳот, тушунди?” ўйлади у.

“Наҳот, тушунди?” – ўйлади шўрави ҳам.

Шу тариқа икки буюк жангчи чақмоқдай порлаган нигоҳлари ила муроса шартларининг муҳокамасига киришишди.

– Бўлди, сенга тегмайман, кетавер! – буюрди мужоҳид.

– Йўқ, даставвал сен кетишинг керак! – буйруқни рад этди шўрави.

– Агар ҳозир қарорим ўзгарса, ҳолингга маймунлар йиғлайди! – деди душман.

– Мен ҳам жиллақурса битта ўқ отишга улгураман! – ҳамон рақибини тан олмасди аскар.

– Яхши, унда бирданига ортга буриламиз.

– Бўпти, қани, кетдик!..

Шу пайт урушда ҳеч қачон учрамайдиган ҳодиса юз берди. Ҳозиргина бир-бирини бурдалашга тайёр турган хундор рақиблар бирваракайига ортга қайрилишди. Сўнг муросанинг илк қадамлари босилди.

– Бир!.. Икки!.. Уч!.. – бу саноқлар душман тўла бозорга қуролсиз кирган уч ночор аскарнинг миясида садо берарди.

– Бир!.. Икки!.. Уч!.. – бу саноқлар ҳозиргина нафақат ўзининг, балки тиззалари шақиллаб ёнида ҳаракатланаётган уч дўстининг ҳам ҳаётини сақлаб қолган Асқарнинг кўнглидан ўтарди.

– Бир!.. Икки!.. Уч!.. – бу саноқлар ортида турган юзлаб ватандошларини эртанги қирғин-баротдан асрай олган мужоҳиднинг кўзларида зоҳир эди.

– Бир!.. Икки !.. Уч!.. – бу саноқлар майдон узра қиёмат қўпишини кутган бозор аҳлининг тил учида айланарди.

...Тўсатдан саноқ узилди. Рақиблар таққа тўхташди. Келишиб олгандек, шитоб ила орқага қайрилишди.

– Хотиржам бўл, мен ваъдамда тураман! – деди афғоннинг кўзлари.

– Қайрилмай кетавер. Шўрави ҳеч қачон аҳдига хиёнат қилмайди! – деди ўзбекнинг чақноқ нигоҳи.

Яна олға юришди. Беш-ўн қадам қўйиб, боз ортга қайрилишди. Кўзларда “сулҳ” ҳиссиёти ҳамон порларди.

Сўнг мужоҳид секин-аста ғимирлай бошлаган халойиққа аралашиб кетди. Шўравининг тўрт валломати ҳам қадамларини тезлаштириб, бозор четидаги чуқурликка жойлашган танкнинг ёнига етиб келишди.

Дажжол ва Раҳмон

...Асқар Жамол душман “ўқи”ни суғуриб олиш учун кўкрагини пайпаслар, тили гоҳ айланиб, гоҳ айланмай, “Сен лафзингда турмадинг, мужоҳид!” дея ғулдирар, жон жаҳди-ла омон қолишга уринар, ҳаракатлари зое кетганини англаганда, кўкка қўл чўзиб илтижо этарди. Шу тариқа ўзи билан ўзи олишиб ётганда кўнглида ҳаётбахш туйғуларни уйғотган воқеа юз берди. Навбатдаги марта қўлини кўкрагидан олиб кўкка кўтараётганда беихтиёр назари кафтига тушиб, кўнгли ёришиб кетди. Чунки, кафти топ-тоза эди. Ҳа-ҳа, заррачаям қон изи кўринмасди. У қўлини яна кўйлаги орасига тиқди. Топ-тоза! “Наҳотки, бу туш бўлса?” хаёлидан ўтди унинг. Ахир, мужоҳид ердан чиққандай шундоқ рўпарасида кўкарди-ку! Аввал қўланса бўй, кейин порох ҳиди анқиди. Буларни у ҳеч қачон унутмайди. Зеро, офтобда сасиган мурда ва қурбони тараф отилган қаттол ўқ ҳидини унча-мунча одам билмайди. Асқар эса жангу жадалларда ҳар куни уларга дуч келар, бошда димоғи ўртанса-да, бора-бора кўниккан, мана, ўттиз беш йилдан ошибди ҳамки, уларни аҳён-аҳён ҳис этар, ўша дамлар қўллари билан оғиз бурнини маҳкам беркитарди. Бугун қўллари кўкрагини пайпаслашга бандлиги сабаб бузуқ ҳаводан нафас олишга мажбур бўлди. Шундай экан, бу кўргиликни рўё дейиш мумкинми?

Мабода рўё деса, унинг кўкрагидан отишгани ҳам ёлғон-да?.. Бунинг устига, ўқ теккан жойда қандайдир тугун ҳам тугилганки, у чуқурроқ нафас олаётганда қўққисдан тиқилиб қолмоқда.

Асқар ўзини қўлга олиб, мушоҳадага берилди. Тўғри, у дабдурустдан рўпарасида кўкарган душманни кўрди. Болалари эса на порох, на сасиган эт ҳидини сезишмади. Демак, бу рўё...

Асқар Жамол беихтиёр “оҳ” тортиб юборди. Ахир, у бетоб, Ковид билан касалланган! Оғриқ ҳам, тугун ҳам шундан. Демак, Ковиддан фақат иситма ошмайди, фақат ҳолсизлик ортмайди, Ковиддан даҳшатли оғриқлар, нафас йўлини қисувчи тугунлар, алмойи-алжойи тасаввурлар ҳам пайдо бўлади. Буларга қонли жангларда тобланган собиқ жангчи зўрға чидаган экан, бошқалар қандай дош берсин?.. Болалари-чи?.. Яхшиси, ҳамма оғриқни ўзига олади. Уларга иситма ва ҳолсизлик ҳам етар. “Эй Худо, келган балонинг энг қийинини менга бер, болаларим бунга чидолмайдилар!” ҳайқирди у, гўёки ҳозироқ фарзандларининг аҳволи енгиллашадигандай.

Яна уч-тўрт дақиқа ётгач, тирсакларига таяниб, ўтириб олди. Сўнг овозини баландлатиб, хотинини чақирди. Вазира бир сўмка дори-дармон кўтариб кирди.

– Лаббай, дадаси?..

– Бориб келдингми? – нима дейишини билмай, ғулдиради Асқар Жамол, кўкрагини ишқалаб.

– Ҳа, мана, дорилар. Бирор ҳафтага етади!

– Яхши, болалар қалай?

– Болалар?.. – бир зум ўйланиб давом этди хотини, – болалар яхши. Фақат Искандарнинг ичи кетаяпти...

– Искандар тузалиб қолганди-ку.

– Йигит бола-да, уялиб, билдирмаган экан. Кечадан бери тинмайди.

Асқар Жамол боя ўғли қўлтиғига кирганда унинг ғужури пастлигини сезган, буни касаллик асоратига йўйганди. Энди билса... "Бекорга ичинг кетти – кучинг кетти!" дейишмайди.

– Ҳмм, дори-пори беряпсанми?

– Бераяпман, дадаси, бераяпман! Аммо, Ковиднинг ич кетмаси бошқача шекилли, дориларнинг таъсири кам. Балки, иситмаси тамомила тушгандан кейин соғайиб кетар?..

– Самандар яхшими?.. – сўради у орқасидаги ёстиққа суянаркан.

– Ёмон эмас!.. Иситмаси олдингига қараганда озроқ пасайган. Аммо, Эъзозанинг иситмаси ўттиз тўққизга чиқди. Ҳозир "Скорий" чақирдим. Бирдан иккаласига ҳам укол оламан, – батафсил жавоб берди хотини.

– Дилафрўз билан Жумагул-чи?

– Ҳар эҳтимолга қарши уларни ошхонага ўтказдим.

Асқар Жамол ошхонага ўтган икки қизи ҳам бу лаънати касаллик бошлаган аёвсиз курашлардан четда қолмаслигига кўзи етса-да, хотинининг кўнглини кўтарди.

– Тўғри қилибсан. Бошқаларга айт, уларнинг ёнига боришмасин!

– Майли, – ўрнидан турди Вазира, – "скорий" келди, шекилли, подъездан қадам товушлари эшитилаяпти!..

Асқар Жамол бошини ёстиққа қўйиб, сал ётувдики, бирдан эшикдан ғувуллаб, аллақандай кўланка кирди. Хона бирров қоронғиликка чўмди. Қоронғилик аро кўзлари жавдираган Асқар Жамол чор-атрофга алангларкан, ён-теварагида ялтираган шуълаларни кўрди. Булар нима? Одатда бўрининг кўзлари шундай ялтирайди. Аммо, булар – бўрилар эмас. Бўридан ҳам баттар махлуқлар! Чунки, хонада яна сасиган эт ҳиди анқиди... Мужоҳид энди бир тўда сафдошларини эргаштириб келган, ҳаммалари кенг яктаклари тагидан кўкрак баравар тиралган автоматлардан ўт очишга тайёр туришарди. "Тўхта, биз сен билан бундай келишмаганмиз!" ингради у. Сўнг "Тарки одат – амримаҳол" деганларидай, ён тарафига қўлини чўзди. Ўша галгидай автоматининг предохранителини туширса, бас. Кўтара солиб, тепкини босади. Бироқ бунинг учун аввало қуролнинг ўзи керак. Унда эса ҳатто, ошпичоқ ҳам йўқ. Шунга қарамай, у енгилмаслигини исботлаш ниятида ўрнидан туриб, қоматини керди. Айни маҳал сон-саноқсиз қуроллардан минглаб ўқлар узилди. Минглаб ўқлар илма-тешик қилган яродор жусса гурсиллаб қулади. Теваракка ғайриоддий сукунат чўкди. Бироз ўтиб, ожизгина инграган садо эшитилди. Бу минглаб ўқлар ўлдиролмаган Асқар Жамол!.. У бош эгмади. Тирик қолди. Нафсиламри, бундай аҳволда тирик қолгандан ўлгани маъқул. Ахир, илма-тешик яралар асоратига чидаш учун инсон вужуди темирдан ясалиши даркор.

Бармоқларини букишга уринди. Аммо бўғимлари баногоҳ шундай зирқирадики, у дарҳол бу эрмакдан воз кечди. Сўнг қизиқувчанлиги тутиб, оёқ панжаларини қимирлатди. Фойдаси йўқ. Қайтанга тирноқларидан бошланиб бутун вужудига ёйилган азобдан беихтиёр инграб юборди.

Аъзойи бадани фалаж бўлиб ётаркан, элас-элас ялтираган онги нималарнидир ўйлар, нималаргадир интиларди. Ушбу синовлар ўлимга салгина касаллик сабаб бўлишини тушуниб етиши учун кифоя эдики, беихтиёр кўз ўнгида ўтган ҳаёти гавдаланди.

Фарзандлари ҳали ёш. Хотини ҳеч жойда ўқимаган, уларни эплолмайди. Қариндош-уруғлар ҳам бир кун ёрдам беришар, икки кун ёрдам беришар... Сўнг барча ташвиш яна ўзига қолади. Бунинг устига, ҳаммаси ейман – ичаман, деган ёшда.

Тўрт ой бурун турмушга чиққан катта қизи Ирода эса ўзи билан ўзи бўлиб кетса, бас!..

Айтгандай, кеча қўнғироқ қилганди, Ковид юққанини сездиришмади. Бекорга ташвишга қўйишдан не фойда? Иншоаллоҳ, соғайиб кетишса, гапириб беришади. Ҳозирча уларнинг ночор аҳволини билмагани маъқул!

Асқар Жамол илма-тешик баданининг оғриқларидан инграб, ўлимига тайёрланаркан, шуларни ўйларди. Ўйларди-ю, кўзларига тирқираб ёш қуйиларди. Ўлса, болалари кўчада қолишади!..

Балки, улар ҳам осонгина қутулишар. Чунки, Ковид ҳар қандай одамни ҳам енгади! Ҳа, чидаш қийин, бу касалликка! Агар ироданг метиндан бўлмаса!..

Беихтиёр хаёлига келган фикрдан Асқар Жамолнинг кўнглида хирагина умид учқунлари милтиллади. Ахир, метин ирода ўзига бегона эмас-ку! Бир пайтлар Жабал ус-Сараж бозорида нақ кўкрагини нишонга олган мужоҳид ҳам унга шу туфайли тан бермаганмиди?..

Дарвоқе, бояги ўқлар ростдан баданини илма-тешик қилдими, ёки бу ҳам олдинги сафаргидек галлюцинациями?

Асқар Жамол қўрқа-писа қўлини қимирлатди. Билакларигача лўқиллаб оғрисаям, кучини бир жойга йиғиб, иҳрай-иҳрай, кўйлаги остидан баданини пайпаслади. Сўнг кафтига боқиб, мийиғида жилмайди. Жилмайгани қалбига ҳузур бағишласа-да, жағ мушакларининг ногоҳоний тортилишидан тилини тишлаб олди.

У энди бошидан кечирганларини таҳлил этиш даражасида ўзига келганди. Бояги отишма галлюцинация эса-да, қолдирган асоратлари ҳақиқатга яқин. Чунки, оғриқ чунонам кучаймоқдаки, назарида устма-уст қалашган ўнлаб устихонлари янада кўпайган, энг ёмони уларнинг барчаси отилган ўқлардан узилиб-узилиб, кесилиб-кесилиб, парчаланиб-парчаланиб кетганди. Бу ҳам етмагандай, мажақланган суяклар узра ҳар замонда ўта оғир алланималар ўтиб кетар, шу дамда чеккан азобларидан тишини-тишига босар, алам билан инграрди.

Узилган, кесилган, парчаланган сўнгаклари бостириб келаётган навбатдаги хавфдан титрай бошлаганда Асқар Жамол бутун диққатини жамлаб, таниш товушни эшитди. Адашмаса, бу “тарақа-туруқ”лаб келаётган поезд.

У қўрққанидан сакраб ўзини четга отмоқчи эди бадани ердан узилар-узилмас қайтиб қулади. Сўнг кичиккина хонада акс-садо бераётган шовқинни эшитмаслик учун жон ҳолатда кўрпани бошига тортди. Ўшанда ҳам “тарақа-туруқ”лар тинмас, паравоз чўзиб ўкирар, унга рўпарадаги темир панжарали ҳовлидан чиқаётган “Тез ёрдам” машиналарининг сиреналари жўр бўлар, ҳаммаси бирлашиб, қулоғини қоматга келтирарди. Қийини кейин бошланди. Саксон тонналик вагонлар устидан ўтаркан, ҳар бири жисмининг қайсидир нуқтасини маҳв этар, бунга кўникиб улгурмай бошқа нуқта янчилар, шу тариқа юзлаб вагонларни судраган эшелон ўтиб кетгунча ҳушини йўқотган Асқар Жамол инграб ётарди. Эшелонларнинг эса изи тугамас, дунёнинг энг қаттол жазоси сингари қурбонини маҳв этишдан тўхтамасди.

Асқар Жамол хаёлини бошқа нарсага чалғитмаса, азобларидан қутула олмаслигини ҳис этди. Қанчалик зирқирамасин, тирсакларини тираб гавдасини кўтаришга уринди. Биринчи сафар эплолмади. Иккинчи уриниш ҳам бефойда... Учинчи марта ярим белигача кўтарилди. Вужудидаги оғриқларга андак кўниккунча тин олиб ўтирди. Сўнг тиззалади. Энди охирги уриниш қолди. Агар ўрнидан туролса, девор бўйлаб нариги хонага ўтади. Ҳалича врач кетмаган, шекилли, "ғўнғир-ғўнғир" овозлар зшитилмоқда.

...Мана, деворга суяниб, эшиккача келди. Шу туришда болаларига кўринса, қўрқитиб юборишини ўйлаб, яхшиси, бўсағадаги стулга бориб ўтираман, деди-да, яна икки қадам қўйди.

Стулга ўтирар-ўтирмас, шифокорлар муолажаларини тугатиб, ўринларидан туришди. Врач йигит салом бериб, "Ҳозир укол қилдик, тезда иситмалари тушади", деди орқасига бош ирғаб. Асқар Жамол титраб-қақшаб, гап қотди.

– Ука, бутун аъзойи баданим оғрияпти. Бўғинларим, суякларим...

– Тушундим, ака, сиз Ковидсиз! – жавоб берди врач.

– Биламан, мени шифохонага олиб боринглар! – ўтинди у.

– Иложимиз йўқ, ака! Ковид марказининг махсус машиналари бор. Бунинг учун сиз тест топширишингиз ва натижа мусбат чиқиши керак. Қўлимиздан келгани, иситмага қарши укол қилишимиз мумкин! – хижолатли оҳангда изоҳ берди врач.

– Иситмам йўқ! Фақат суякларим...

– Ковид учун рецепт ёзишга ҳам менга рухсат йўқ. Яхшиси, оғзаки айтаман, "Азитромисин" ва "Магний Б 6" ёрдам беради. – Шундай дея врач ташқарига чиқди. Асқар Жамол Вазирадан сўради.

– Эслаб қолдингми?..

– Ҳа!..

– Болаларинг чиқмасдан менга ёрдамлаш, жойимга ётиб олай? – Вазира уни қўлтиқлаганча ичкарига юрди. Жойига ётқизгач, ёнига ўтирди.

– Яхшиям, шу аналгин-демидрол бор экан. Болалар ухлаб қолишди. Энди тузалиб кетишади.

– Айтганинг келсин, хотин, айтганинг келсин! – Асқар Жамол нохос қимирлаб, оғриқларини қўзғамаслик учун оҳиста сўзларди. – Ўзинг-чи, ўзинг қандайсан?

– Мени биласиз-ку, дадаси, дардга чидамлиман! Бироз бошим айланаяпти. Кейин давлениям ҳам кўтарилган шекилли, қулоғим ғувуллаяпти.

– Бошқа жойингда оғриқ сезилмайдими?

– Ҳмм, нима десам экан, салгина мадорсизлигимни айтмаса...

– Тушунарли! – ўйга толди, у. – Демак, дардимиз бир хил эмас!

– Нега? – эътироз билдирди Вазира, – ҳаммамиз Ковидмиз. Дардимиз ҳам бир. Аммо-чи, дадаси, вакцинани вақтида олган эканмиз. Акс ҳолда, ҳалигача ўлиб қолармидик?.. Майли, энди овқатланамиз. Қизингиз қайнатма шўрва пиширган.

– Иштаҳам йўқ! – рад этди Асқар Жамол.

– Ярим коса ичишга мажбурсиз. Кучли-кучли овқатланмасангиз Ковидни енголмайсиз! Дилафрўз! – қизини чақирди у...

Ярим коса қайнатма шўрва билан қайноқ чойнинг таъсиридан баданига жон кириб, оғриқлари енгиллашди.

– Мен дорига чиқиб келай? – бироз қийналиб ўрнидан турди Вазира.

Асқар Жамол жойига чўзилди. Энди бироз ухлаши мумкин. Тўғри, оғриқлари ҳали батамом тўхтамаган. Аъзоларининг бири зирқираб, бири лўқилламоқда. Аммо, иссиққина шўрва ва қайноқ чойнинг таъсири ҳамда касалликка сал-пал кўниккани натижаси ўлароқ, дарди енгиллашгандай ҳис этмоқда ўзини.

Кишининг ҳар қандай азоб-уқубатларга, ғам ва аламларга кўникиши бор гап. Бунинг учун фақат сабр керак. Гарчи, оғриқлари бошланганидан бери кўп вақт ўтмаса-да, у ҳам энди бурунгидай инграшларини йиғиштирган, нари борса, тишларини-тишларига тираб чидамоқда. Қолаверса, руҳиятида ўзгача куч ҳам пайдо бўлгандай. Аввалига бунга эътибор бермади. Кейин, аста-секинлик билан англагач, қувончдан сакраб кетишига оз қолди.

Асқар Жамол шўролар даврида улғайиб, шўролар даврида вояга етса ҳам, болалигидан атеизмдан узоқроқ юрди. Эллик тўрт ёшигача намоз ўқимаса-да, тилидан калимаси тушмади. Охирги йигирма йилда бирор марта рўзасини бузмади. Мана олти йилдан ошибдики, беш вақт намозини канда қилмайди. Шунинг таъсирими, ҳозир қалбида кўкарган кучнинг асл манбасини англаб, Худо ўзи тарафида турганига аниқ ишонарди.

Ковид шайтоннинг қилмиши экани унга олдиндан аён. Касаллик хонадонига қадам ранжида қилганда “Шайтон”ни “Иблис”га алмаштирди. Негаки, Иблис баландроқ поғонада туради. Ўзига дард юқиб, жисми-жони мажақланиб ётганда эса Ковиднинг иттифоқчиси номини Дажжолга ўзгартирди.

Модомики, Ковид тарафида Дажжол ҳаракатланаркан, бемор тарафида ким туриши керак?.. Албатта, Раҳмон!.. Ҳа, ўзини Раҳмон қўриқлайди. Раҳмонга иттифоқдош кимса эса ҳар қандай тегирмондан бутун чиқади!..

Дарвоқе, тегирмон!..

Назарида, боягина вужудини тарк этган вагонларнинг “тарақа-туруқ”идан кейин навбат айланаётган тегирмон тошининг “ғалдир-ғулдир” садоларига келгандай. У ҳозир хаёлларидан оний лаҳзага чекинганда буни сезиб қолди. Қайтанга ўй суришдан тўхтамаса, асабига тегаётган шовқиндан қутуларди. Шовқиннинг ўзи бўлсаям майли, унинг ортидан азобларнинг янги туркуми уйғонмоқда. Буниси янада қийин кечади, чоғи. Шунга қарамай, унинг руҳи тетик. Чунки хотини дорига кетгандан бери нари борса, ўн дақиқа ўтди. Шунинг ярмида мудраса ҳам, қолган вақтда Яратганни эслади. Атиги беш дақиқада Худонинг ўзи тарафида турганини англаган одам ростдан ҳам суюкли банда бўлади-да!.. Суюкли бандага эса ҳеч нарса писанд эмас. Ҳаммасини енгади! Фақат мағлубиятни хаёлидан батамом улоқтириши, эътиқодига содиқ қолиши, ҳатто, суякларининг қолган қутганлари кўзга кўринмас улкан тегирмон тоши остида майдаланаётса-да, юз фоизлик ишонч ила “Мен – енгаман!” дея ҳайқириши лозим.

– Мен – енгаман!

Асқар Жамол ўзи зўрға эшитган нидонинг юрагининг туб-тубида пайдо бўлган ўша эътиқод меваси эканини яхши билади. Бу овоз бошқа бировга етмаса ҳам майли. Асосийси, ўзи эшитсин. Рақиби эшитсин! Чунки бу жумла фақат иккаласига аталган. Рақиби эса узоқда эмас, вужудида, миллион-миллион ҳужайрасида, томирларида оқаётган қонида, тирноқларида, сочида, соқолида, баданида ўсган ҳар бир тукда; синган, узилган, бўлакланган, парчаланган, мажақланган суякларида мужассам. Ана шу баттол, аблаҳ, ғаддор душман эшитса бас! Бундан ўттиз беш йил бурун Жабал ус-Саражда кўкрагига курол ўқталган мужоҳид сингари шаштидан қайтади. Иккиланади. У эса пайтдан фойдаланади, бир силкиниб ўзини ўнглайди. Сўнг музокарага ўтади. Йўқ, Афғонда музокарани рақиби бошлаган, ўзи давом эттирганди. Энди-чи? Энди ҳам шу йўлдан юрадими ёки охиригача курашадими? Ўшанда у рақиб ҳудудига бостириб борганди. Энди рақиб унинг ҳудудида, оила аъзоларини гаровга олган. Бундай олчоқ душман билан музокарага рухсат

борми? Ёки мужоҳидлар ўқидан ғалвирга айланган, устидан юзлаб вагонлар ўтиб, майдаланган аъзойи баданини улкан тегирмон тоши эзғилаётганда охиригача курашишга отланиши тўғрими?..

Тегирмон иложи борича кўпроқ ямлашга уринар, чангалига тушган суякларни қисирлатиб чайнаркан, майда-чуйда парчалар ўрнини каттароғига бўшатиб, ажал комидан отилиб чиқар, улкан тош эса "ғалдир-ғулдир" айланиб, ўлжасини майдалашдан тўхтамасди.

"Ғалдир-ғулдир" садолари авж олавергач, Асқар Жамол бошда тегирмон деб ўйлагани аслида тош майдалайдиган қурилма эканини англади. Ҳа, бу улкан дробилка. Тош ўрнида унинг устма-уст мингашган устихонлари.

Атрофни бадбўй ҳидлар тутган!..

Ковиддан чатнаган суякларимни,
Солишиб улкан бир дробилкага,
Обдан майдалашди, сўнгра барини,
Ўртага қўйишди, "еб кўринг" дея!..
Куюк ва занг ҳиди анқир улардан,
Минг чайна – чайнама, таъм билмас оғиз.
Аммо, эски-туски дробилкалар
Тўхтамай айланар бунга парвосиз!..

...Асқар Жамол ёшлигидан шеърлар ёзар, институтда ҳам шоир сифатида танилганди. Сурхондарёга қайтиб, вилоят театрига ишга киргач, бир неча пьесалари саҳналаштирилиб, таниқли драматургга айланди. Аммо, таниқли драматург ёки шоир бўлиш унга камлик қилар, кўнглининг бир четида ҳеч кимга айтилмаган улкан орзулари яшарди. Ўша улкан орзуларига эришиш йўлида у ҳар қандай қийинчиликларга тайёр турар, ҳатто жаҳаннамга кириб чиқишга ҳам рози эди. Эҳтимол ана шундай ниятлари туфайли у Ковидга чалингандир, эҳтимол, бугунги касаллик тарихи унинг энг буюк асарига айланар?..

Агар тирик қолса!..

Албатта тирик қолади!

Чунки, Дажжол Ковидга айланиб, қаттол режасини амалга ошираркан, Раҳмон ҳам бекор тургани йўқ. У беморнинг асабини мустаҳкамламоқда, галдаги синовларга чидам бермоқда, баданига куч бағишламоқда. Вужудида бундай ўзгаришларни сезган Асқар Жамол ортга қайтмайди. Модомики, ўзига Раҳмон мададкор экан, Дажжол билан сулҳ тузиши шаккокликдир...

Таҳоратхона

Асқар Жамол беш-олти қадам босишга етарли куч тўплаб уйқудан уйғонди. Қувватини бекорга сарфламасдан болаларининг аҳволини билмоқчи бўлди.

У бир неча уринишда ўрнидан туриб, аста-аста қадам босди. Залнинг эшигига етганда нафасини ростлади ва ичкарига қадам қўйди. Болалари ухлаб ётишарди. Азбаройи чарчаганларидан, мадорлари тугаганидан чироқни ўчиришни ҳам унутишибди. "Майли ухлашсин, – хаёлидан ўтказди у. Салгина ўзларига келишсин. Ҳали кураш чўзиладиганга ўхшайди".

Эшик тагида Искандар ётарди. Асқар Жамол тиз чўкканча унинг пешонасига қўлини босди. Иситмаси анча тушган. Ишқилиб, тезроқ соғайсин-да.

Искандарни кичкинтойи қучоқлаб олган. Доим акасининг ёнида юрадиган

Самандар ухлаганда ҳам акасининг қучоғида ухлайди. Асқар Жамол унинг ҳам манглайига кафтини тегизиб кўргач, эмгаклаб борди-да, қизларининг устини ёпди. Кейин Вазиранинг ёнига келди. Шўрлик анча озибди. Нафас олишида аллатовур хириллаш бор. Яхшироқ қаратмаса, касалликнинг асорати ўпкасида қолиши мумкин. Бунинг учун шифохонада даволанишлари керак. Улар эса ҳамон уйдалар.

Ахир тест натижалари узоғи билан икки кунда чиқарди-ку? Эҳтимол, касалхоналарда жой йўқлиги учун атайин кечиктиришаётгандир? Майли, эрта поликлиникага яна қўнғироқ қилар!..

У хотининг юзини силамоққа узанди, сўнг иккиланиб қўлини тортди. Уйғониб қолса, тонггача бедор ўтирадиган одати бор. Яхшиси, тўйиб-тўйиб ухласин.

Асқар Жамол ўрнидан турди. Изига қайтаркан, чироқни ўчириш учун эшик ёнида тўхтади. Ортига ўгрилиб, яна бир бор болаларига назар солди. Улар тартибсиз равишда учраган жойга гуппа-гуппа ағанаб, тош қотишган. Чироқни ўчириб, хонасига кирди. Кўрпага чўзилгандан кейин ухлаётган болалари кўз ўнгидан кетмади. Одатда қорни тўйган шерлар тартибсиз, сочилиб ухлашади. Ота шер эса баландроқ жойда атрофга ўқтин-ўқтин назар ташлаб мургилайди. Чунки болаларини очкўз гиеналардан асраш унинг зиммасида.

Асқар Жамол вазиятни таҳлил этиб, шерлар прайдига оиласини таққослашга уринаркан, беихтиёр гиеналар билан Ковиднинг фарқини англаб қолди. Одатда гиеналар ожиз шерваччаларни овлашади. Ковид эса қари шерларга ишқибоз. Аммо, бу – ёшлар касалликдан қўрқмаса ҳам бўлади, деганимас. Барибир эҳтиёткорлик зарур.

У мургилаб пинак қиларкан, душман яна ҳужумга ўтди. Энди узилган, кесилган, парчаланган, мажақланган устихонлар бетартиб босилган қадамлардан чатнай бошлади. Бу қадамлар саксон тонналик вагонлардан, улкан тегирмон тошидан, ҳатто дробилкалардан ҳам енгил эса-да, теккан жойига олов сочар, аҳён-аҳён янграб қоладиган қисқа-қисқа чинқиришлар, қиқирлашлар эса нималарнидир эсга соларди.

“Наҳот, гиеналар! – ўзига-ўзи савол берди Асқар Жамол бояги хаёлларини эслаб. – Ахир, улар Африка саванналарида учрарди-ку. Бу ерга қандай келишди? Вужудини қандай эгаллашди? Ҳали вагонларнинг “тарақа-туруқи” узоқлашмасдан, оғир айланаётган улкан тегирмон тоши ва дробилкаларнинг “ғалдир-ғулдир”и тинмасдан, қаердан пайдо бўлишди?”

Гиеналар қонли майдон узра тарқалиб, оёқлари остидаги ҳар бир суякка тумшуқ текизишар, ҳидлашар, тишлашар, жағлари орасида майдалаб, сувини сўришар, қолганини оёқ остига туфлашарди. Бу энди боягилардек умумий оғриққа айланмас, аксинча, алоҳида-алоҳида жизиллаб, танасига ёйилар; инграшга, хириллашга, “Эй, Худойим, бундан кўра, жонимни ол!” дея йиғлаб ёлборишга мажбурларди. Аммо, Раҳмоннинг режаси ўзгача, у айнан шу инсоннинг қандли диабетга мубтало вужуди билан Дажжолни енгиш мумкинлигини кўрсатиб қўймоқчи.

Шу дамда Асқар Жамол нолаларидан тўхтаб, тақдирига тан берса, барча азоблардан қутулади. Аммо, шерлар прайдидек ҳар жой-ҳар жойда сочилиб ухлаётган болаларини ўйлабгина наъра тортишга, ҳайқиришга, қичқиришга, жиллақурса, пичирлашдан тўхтамасликка мажбур. Агар шу ҳам ёрдам бермаса, жонини Дажжолгамас, ўзи нола қилаётган Зотга топширади. У Зот эса ҳозирча бечора беморнинг жонига мунтазир эмас!..

Ниҳоят, мудҳиш қиқирлашлар узоқлашди. Синовларнинг яна биттаси тугади. Бироқ, гиеналарнинг сассиқ тумшуқлари, сарғайган тишлари, шилимшиқ сўлаклари теккан суякларнинг чирий бошлаши натижасида қўзғалган навбатдаги асоратлар авж нуқтаси сари интилмоқда.

Суяк чиришининг оқибати қорасон!.. Бундан кўра ўлгани яхши... Фақат болаларининг дийдорига тўйиб ўлса, бас!..

Қорасон ваҳимасида тўлғанаётган Асқар Жамол яна галлюцинациялари бошланганини сезмас, руҳиятига ўрнашган фавқулодда қўрқинч туфайли соғлом фикрлашни йўқотган, шу боис сўнгги нажот сифатида ухлашга уринарди. Аммо, баданига ёйилган аллатовур “ғимир-ғимир”лар кўнглини беҳузур этиб уйқусини учирди. У даставвал нима бўлганига тушунолмади. Чунки, уч кундан бери вужудини ғорат қилаётган Ковид билан олишиб чарчаган, гоҳи-гоҳи қаерда ётганини ҳам эслолмайди. Мана ҳозир ҳам кўнгли айнийвергач, беш-ўн сония тек ётди. Сўнг ўрнидан турмоқчи эди, қўзғалиши билан жисмидаги азоблар ҳам уйғонди. Шундагина ҳалича тузалмаганини, касалликнинг янги тўлқинларида чўкиб ўлмаслик учун тўхтамай курашиши лозимлигини англади.

Асқар Жамол охирги кунлар ичида нималарни кўрмади, дейсиз? Дастлаб уни отишди. Кўкрагига теккан биринчи ўқ нафасини бўғса, кейингилари аъзойи баданини тилкалади. Сўнг устихони юзлаб поездлар юрган “темир йўл”га айланди. Булар ўтиб, улкан тегирмон тоши ва дробилкага навбат етди. Улар саксон тонналик вагонлардан қолган суякларни шошилмай, обдан эзғилашди. Кейингиси янада даҳшатли кечди. Тўсатдан тўда-тўда гиеналар пайдо бўлди. Африка кенгликларида изғиб тўймаган жондорлар тегирмонда тортилган сўнгак овига келишганди. Улар еганларини еб, қолганларига қорасонни юқтиришди. Асқар Жамол зудлик билан чириётган майда-чуйда суякчаларига термилганча навбатдаги кунни ўтказди. Шу билан умрига ажратилган муддат тугадими-йўқми, билмай турганда манави узун-калта, силлиқ-пахмоқ, турли рангдаги қуртлар ҳужуми бошланди. Улар йўлларида сочилган сон-саноқсиз суяк зарралари устида тўхтаб, бошларини кўтаришар, хавотирланиб у ёқ-бу ёққа қарашар, сўнг тамаддига уннашар, бироқ гиеналар сингари чинқириб, ириллаб, ўлжа талашишмас, ҳар бири ўзига ажратилган насибани бехато топарди. Қизил қуртлар қотиб қолган қон томчиларини ялар, оқ ранглилари ҳали чиримаган, кўклари йиринг босган, қоралари аллақачон чиришга улгурган суякларни чимдишарди.

Улар баданининг на душман ўқлари теккан, на вагонлар ва на тегирмону дробилканинг дасти етган, на гиеналар киролган хилватларгача етиб боргач, Асқар Жамол жон аччиғида тўлғона бошлади. Гарчи, тўлғанишдан азоблари минг чандон ортса-да, ҳаракатларини тўхтатолмасди. Чунки, қорни тўйган қуртлар дарҳол уруғ ташлашар, бошда қум зарралари каби элас-элас кўринган тухумлар икки-уч дақиқада катталашиб силлиқ, пахмоқ, оқ, кўк, қизил, қора, сариқ тусдаги қуртларга эврилар ва дарҳол бошларини кўтариб, икки ёнбошга хавотирли назар ташлаганча “ризқ”ларини чимдишарди. Бора-бора улар шу даражада кўпайишдики, устма-уст мингашганлари туфайли ранг-баранг тусга кирган чор-атроф қонли анжуман ўтказилаётган майдонга ўхшаб қолди.

Қонли анжуман ўтаётган майдон соҳиби эса аллақачон ҳушини йўқотган, ҳар замон-ҳар замонда инграр, ўттиз беш йил илгари Жабал ус-Саражда дуч келган душман қаршисида мислсиз ишончга йўғрилиб чақнаган кўзлари гоҳ юмилар, гоҳ очилар, киприклари сезилар-сезилмас пирпирар, қовоқлари у ёқдан-бу ёққа тортиларди.

Мана шу ожизгина ҳаракатларни айтмаса, вужуди аллақачон ўлгандай, оёқ-қўли

қимирламас, юраги аҳён-аҳёнда ожизгина тепар, мияси кечаётган жараёнларни тўлиқ қабул қила олмасди. Бу ҳолат кўп давом этмади, айни чалажонлик сабаб дардининг сал-пал сусайгани натижасида юрак уриши аста-секин тезлашди. Онги тиниқлашиб, атроф-муҳитни идрок этар даражага етганда Яратганни эслади. Ухлаганда ҳам, уйғонганда ҳам чин дилдан Парвардигорга суянган инсон мукофотсиз қолмаскан. Гарчи, ўтган кунлар ичида бундай ҳодисалар кўплаб учраганига қарамай, Асқар Жамол яшашга қайтадан руҳланди. Зеро, касалликлар инсониятга юборилган синовлардир!

Худо бир пайтлар фираъвн юртига етти балони жўнатганди. Шундай экан, ўзига ҳам...

У беихтиёр санашга тушди.

Баданига узилган ўқлар – бир!

Вагонлар – икки!

Дробилка – уч!

Тегирмон – тўрт!

Гиеналар – беш!

Судралувчилар – олти!

“...Бошқа ҳам азобларинг борми, Оллоҳим! Етар, ортиғига чидолмайман. Аъзойи баданим тамом бўлди. Тирик қолганда ҳам олдингидай юролмайман. Ундан кўра...”

Кўз ўнгида яна фарзандлари гавдаланди. Айтгандай, улар соғмикин? Ўтган сафар кўрганида Искандар анча тузалиб қолган, Эъзоза ва онаси ҳолсизликдан қимирлай олмас, Дилафрўз билан Жумагулда иситма энди бошланаётганди. Касалликдан батамом қутулгани кичкинтойи – Самандар эди. Дарвоқе, у ҳали беғубор гўдак. Инсоният билиб-билмай йўл қўядиган гуноҳларга бегона. Жумагулдан ҳам кўнгли тўқ. Фақат Дилафрўзи касалликка чидамсиз. Тумов тегса ҳам ётиб қолади. Ишқилиб соғ бўлсин!..

Айтгандай, пандемия бошлангандан бери тумов, грипп кабилар йўқолди. Дунёда бошқа касаллик қолмади. Бу нима – Ковиднинг худбинлигими? Бахтга қарши, шундайга ўхшайди. Ҳозир дунёда фақат битта касаллик бор. Ковид! Тождор вирус! Касалликларнинг шоҳи, султони, қироли!..

Асқар Жамол қаттол қирол жўнатадиган охирги офатга тайёрланаркан, биқини “чимм” этди. Сўнг болдирида ҳам шу ҳолат такрорланди. Яна беш-ўн сониядан кейин баданида чимилламаган жой қолмади. Улар чўғ теккандек куйдирар, бора-бора, ҳаммаси бирлашиб, жумла-жаҳонини жизғанак қилаётган оловга айланарди.

Ёки ўт ичида қолдими?..

У буни касаллик асорати эмас, болаларининг қаровсизлиги туфайли бирор электр ускунасидан чиққан ёнғин, деб ўйлади. Ҳадеганда, димоғи куюк ҳидини туймагач, Ковидлигини англади. Қизиғи, олов сўнгакларини эмас, терисини куйдирмоқда. Бу – қанақаси?.. Агар қўлларини кўтара олса, баданини пайпаслаб кўрарди. Афсус!..

Аммо, онги тирик-ку! Қўллари қимирламаса ҳам онги яшиндек ишлаяпти-ку. Тасаввури тарк этмаган-ку! Демак, нималигини топади. Кейин ўзини кўниктиради. Нафсиламри, у еттинчи офатнинг энг даҳшатли, энг ғаддор душман сифатида тасаввур этганди. Энди билса, олдингилардан анча енгилга ўхшайди. Ҳар тугул, шуниси маъқул. Ҳадемай, ўтиб кетади...

Бир маҳал териси узра ғимирлашлар сезилди. Фақат бу галгиси каттароқ судралувчиларга тегишли эди. Демак, илонлар ҳужумга ўтишди.

Ростдан, катта-кичик, ингичка-йўғон заҳарли-заҳарсиз судралувчилар Асқар Жамолнинг баданига чирмашар, бир-бирларига ғашиқиб, бир-бирларидан қизғаниб, оёқ-қўлларини, кўкрагини, қорнини, юз-кўзларини чақишар, тиши теккан

жойга заҳар сочишарди. Бўғма илонлар эса танани исканжага олар, устихонидан айрилиб, тирговучсиз қолган ночор вужуди бўғилганда, унинг нафаси ичига тушиб бўғриқар, хириллар, босинқирарди.

Бунинг устига, бояги, “Еттинчи офат олдингиларидан енгилроқ экан”, деган фикри илонларнинг ҳам судралувчилар оиласига мансублиги боис чиппакка чиққан, ҳали энг даҳшатли синовнинг гали ўтмаганидан руҳияти тушиб, яна фалаж ҳолатига қайтаётганди.

...Асқар Жамол ўқиган мактабнинг рўпарасида юзасини қамиш босган саёз сувли ботқоқлик бўлар, ботқоқда уззукун қурбақаларнинг вақиллаши, чигирткаларнинг чириллаши тўхтамасди. Улар айниқса туш пайтлари чунонам авжига чиқардики, ҳатто, синфхоналаргача эшитилиб турарди. Катта танаффусда болалар кўлмакнинг бўйига келиб, қурбақаларга тош отишар, ҳар замонда сув юзасини ёриб сузаётган илонларни кўрганда қий-чув кўтаришарди. Катта синф ўқувчилари рогатка билан бир четда томоғини шириб қуриллаётган, ёхуд сув юзасида оёқ-қўлларини чўзганча ҳаракатсиз қотган қурбақаларни уришар, ўқ мўлжалга текканда улар оппоқ қорнини осмонга ўгириб, чалқанча ётиб қоларди. Аҳён-аҳёнда ўлжасини ярмигача ютган каттароқ илонлар ҳам пайдо бўларди. Уларни овлаш кўпчиликнинг кўлидан келмас, чунки, айни ҳолатда мақсад қурбақанимас, унга қўшилиб сузаётган илоннинг бошидан уриш бўларди. Ўқ мўлжалга тегса, ҳар иккаласи ҳам ўлар, мабода биттаси тирик қолсаям, мерган ўз ишини эплолмаган ҳисобланарди.

Олтинчи синфда Асқар ҳам овга ўрганди. Муттасил шуғулланавергач, рогатка отишга қўли келишиб, унга тенглашадиган мерган қолмади мактабда.

Энди у икки чўнтагини тошга тўлдириб юрарди. Бундан хабар топган синф раҳбари қайта-қайта огоҳлантирди. Асқар йўлидан қайтмагач, директорга олиб кирди.

Мактаб директори, кичик кўзларини янада қисиб, унга обдан разм солди-да, заҳарханда гап қотди.

– Қани, ўртоқ Жамолиддинов, келинг-чи, тинчликми?

– Тинчлик эмас-да домла, роса ўйинга берилган, – унинг ўрнига жавоб берди Комила опа, – ўқишлари ҳам айниди. Ўтган йили синфком эди. Энди ҳар куни қурбақа овига банд. Қаттиқроқ чора кўрмасангиз, бунингиз эрта бир кун “иккичи”га айланиб қолади!

– Ҳмм! Шунақа денг, Комилахон?..

– Шунақа... – сал қимтиниб жавоб берди Комила опа.

– Нима қиламиз, ўртоқ Жамолиддинов? – Асқарга юзланди директор.

Асқар назарини ердан узмай, бурнини тортди.

– Яхши! Комилахон, сиз бўшашманг. Мен мактаб директори бўлсам ҳам, унинг ихтиёрини сизга берганман. Эскилар айтишади-ку, эти сизники – суяги бизники, деб!..

– Гапингиз тўғрику-я, домла, аммо директорнинг ўғли шунақа қилиб юрса, бошқалардан нима кутамиз? – эътироз билдирди Комила опа.

– Бўпти, бораверинглар! Мен бу такасалтанг билан кечқурун гаплашаман! – столни чертди директор.

Улар ташқарига чиқишаркан, Асқар синф раҳбарига норози қараб қўйди.

– Ҳа, нега менга тумшаясан? Кечқурун оладиганингни оласан-да, а?.. Айб ўзингда, бир айтдим – писанд қилмадинг, икки айтдим – писанд қилмадинг! Мана энди ўлгудай таёқ есанг, ақлинг жойига тушади, – пўнғиллади Комила опа.

– Дадамнинг урадиган одатлари йўқ. Нари борса, “ҳаҳ, безбет!”, дейдилар, – мақтанди Асқар.

Ўша воқеадан кейин директорнинг “Ҳаҳ, безбет!” деган танбеҳи қайта-қайта

такрорланса-да, юзини бақатўн ва қамишзор қоплаган ботқоқдаги юзлаб илону қурбақалар ёруғ олам билан видолашаверди. Натижада Асқар чор-теваракка илонлар овчиси сифатида донг таратди. Энди пахта далалари, йўл четидаги зовурлар, унда-мунда дўппайган тепаликлар ҳам унинг ов ҳудудига айланган, баъзи-баъзида ҳовлисидан илон чиққан кўни-кўшнилари ҳам ундан мадад кутишарди.

Шундай воқеаларнинг бири куз ойларида ён қўшниларникида рўй берди. Туш маҳали Асқар ҳовлидаги темир каравотда ағанаб ётганди, девор ортидан чақириб қолишди. У дарҳол рогаткасини олиб, ўша томон отилди. Уй эгалари ҳовли ўртасидаги азим ўрик дарахти атрофида турволиб тепага қарашарди. Асқар ҳам диққат билан тикилиб, яланғоч шохларда ўрмалаётган оқишроқ илонни кўрди. Мўлжаллаб отди. Илон бир мункиди-ю, ўзини ўнглади. Иккинчи мартасида "ўқ" бошига тегди. Илон у шоҳдан, бу шохга илашиб, ерга тушди. Бу пайтгача ҳовли четидаги кетмонни олган Асқар уни шартта чопиб ташлади ва кетмоқчи бўлиб ортига бурилган дам қўшни амакининг гапидан юраги "шув" этди.

– Э воҳ, қарамабмиз, бу – илонлар шоҳи экан!..

Асқар ҳалиям питирлаётган илонга назар солиб, бошида иккита митти-митти шохни кўрди.

– Энди нима қиламиз? – таҳликали овозда сўради қўшни хола.

– Аввал буни ёқиб юборайлик, қолганини кейин гаплашамиз. – Хўмрайиб, Асқарга боқди қўшни амаки.

– Менда нима айб, ўзларинг чақирдиларинг, – бурнини тортди Асқар.

– Майли, боравер, сен ҳам буни билганинг йўқ! – рухсат берди қўшни хола.

Асқар тушкун кайфиятда уйига қайтди. Бўлган воқеа ҳақида ҳеч кимга оғиз очмади.

Қўшнилари икки-уч ойда бошқа жойга кўчиб кетишди.

Шу воқеадан сўнг у овчиликни ташлади. Аммо, қорнини осмонга ўгириб ўлиб ётган қурбақалар ва илонлар унинг хаёлида доимий михланиб қолди.

Худо истаганда, Ковидни ҳам, Дажжолни ҳам аллақачон асфаласофилинга жўнатарди. Йўқ, бундай қилмаяпти. Беморни ўз ҳолига қўйган. Фақат бевақт ўлиб қолмаслиги учун озроққина қўллаябди, холос. Эҳтимол, шу орқали одамзотнинг бардошини синаётгандир? Эҳтимол, бандасини турли-туман чиғириқлардан ўтказиб поклантираётгандир?

Йўқса, касаллик аъзойи баданини еб тугатган касни тирик сақлаш кимга керак? Чидолмадими, ўлиб кетаверсин! Бунақалар камми, оламда? Нечалари жон таслим қилишди. Нечалари нафас олишга ҳам мажоли етмай, кислород баллонидан мадад топишаяпти. Ўзиники, Худога шукур, улардан беҳроқ-ку.

Аммо, қорайган суяклари устида судралаётган қуртлар, терисини ямлаётган илонлар ҳам олдинги азоблардан кам оғриқ қолдиришмаяпти. Уларнингда митти-митти оёқлари бор. Ўша оёқлар текканда узилиб, кесилиб, парчаланиб мажақланган суякчалари қақшайди. Натижада у ҳам инграйди, ўкиради. Алаҳсираб, рақибларига дўқ уради. Охирги нажот сифатида кўкка қўл чўзади, ялинади, ёлборади!..

Унинг уқубатлари ҳали-вери тугамаслиги аниқ. Шу сабаб ғалабага ишончини йўқотган. Мағлубиятни буткул тан олишга эса кўнглига сабр-бардош бағишлаган улуғ Зотдан рухсат йўқ.

Дарвоқе, бояги ўйлаганлари ростга ўхшайди. Ковид бутун дунёни бекорга эгалламади. Мундоқ қараса, бунда ҳам бир ҳикмат бор. Йўқса, Раҳмон учун Дажжолни енгиш қийинмиди?..

Раҳмон бекорга тайсалламаяпти. Эҳтимол, бу кўргилигингиз жаҳаннам олдида ҳеч гапмас, эртароқ ақлингизни йиғинг, демоқчидир? Албатта-да, дунёни

зўравонлик, порахўрлик, фаҳш, зино, аблаҳлик, қаттолликлар босган даврда одамзодни яна қандай огоҳлантирсин?.. Ажабмас, шу баттол касаллик тозаланиш масканига, миллион-миллион ювуқсизлар ювинадиган ҳаммомга, намозхону бенамоз баббаравар покланадиган таҳоратхонага айланса...

Асқар Жамол англаганларидан руҳияти кўтарилиб, кейинги ҳужумларни қарши ола бошлади. Зеро, Яратганнинг хоҳиши йўқ экан, уни на Ковид, на Дажжол ўлдира олмайди. Кечираётганлари вақтинча – ҳадемай ўтади-кетади...

Горизонтал ҳолат

Узу кун Ковидга қарши курашган Асқар Жамол тонгга яқин энди кўзи илинувдики, аллатовур товушдан уйғониб кетди. Ўрнидан турмоқчи бўлиб кескин ҳаракат қилганди, мадорсизликдан қайтиб қулади. Оғриқлари боз уйғониб, беихтиёр лабини тишлади. Бояги товушлар яна қулоғига чалингач, диққатини йиғди. Даҳлизда кимдир инграмоқда. У совуқ хаёлларни узоқроқ ҳайдаб, эҳтиёткорлик ила ўрнидан қўзғалди. Даставвал тирсакларига таяниб, қаддини кўтарди. Сўнг оҳиста ўтирди. Яна бироз ўтиб, тиз чўкди. Ниҳоят деворга суянганча қоматини ростлади ва икки қадам юрди.

Ингаётган катта қизига ўхшайди.

“Тонг саҳардан нима қилиб юрибди?”

Кейинги қадамни босган Асқар Жамол остонада юз тубан судралаётган Эъзозани кўриб, сесканиб кетди.

– Сенга нима бўлди, қизим?..

– Дадажон, мени кечиринг! – деди бир зум ҳаракатланишдан тўхтаган Эъзоза бошини кўтармай.

– Нега кечирим сўрайсан, қизим? – ингради ота.

– Мен... мен... ҳалиги юролмаяпман! Мадорим йўқ! – йиғлади қизи.

– Нега мадоринг йўқ?.. Ахир, онангга айтсанг бўларди-ку?

Эъзоза ниманидир ўйлагандек бир зум тўхтаб, давом этди.

– Онам туни билан Самандарга қарадилар. Уйғотгим келмади!..

– Унда сени ўзим кўтариб оламан! – Асқар Жамол қизига интилди.

– Керакмас, дадажон, уяламан! Энди катта қизман! Сиз уйга киринг, мен ўзим...

Асқар Жамол ҳозир қизини ёлғиз қолдириши кераклигини англади.

“Наҳотки, шу аҳволга тушдим?.. Қизим уч қадам нарига юриб боролмаса!.. Болаларимнинг бундай аҳволга тушишларига мен айбдорман, мен! Бошдан авайлаганимда касаллик юқмаслиги мумкин эди-ку!.. Уларни шифохонага ётқизсам бўларди-ку! Нега олдинроқ ҳаракат қилмадим? Нега бонг урмадим? Нега “дод!” демадим? Ҳар ҳолда вилоятда тўрт-бештанинг эътиборида эдим. Қичқирсам, овозим етадиган жойлар бор эди, нега бемалол бўлдим?”

Аламларига чидолмаган Асқар Жамол юз тубан ётган кўйи ожизона йиғларди. Ёстиққа тўкилган кўзёшлари башарасига чапланиб, нафас олиши қийинлашса-да, тўйиб-тўйиб йиғларди.

Бир маҳал кимдир бошини силади. У бирдан ҳушини йиғди. Рўпарасида ғужанак тортган хотинини кўриб, кўзёшларини артди.

– Келдингми? – чуқур энтикди у.

– Келдим, дадаси, келдим! Ўзингиз яхшимисиз? Тузалиб қолдингизми? – Вазира эрининг иситмасини текширмоқчидай пешонасига қўлини чўзди.

Асқар Жамол унинг қўлини ушлаб, юзига босди. Сўнг кўзларига сурди.

– Яхшиям, сен борсан, Вазира! – шивирлади у. – Яхшиям, сен борсан!..

– Самандарингизнинг иситмасини бир амаллаб туширдим. Ҳозиргина ухлаб қолди. Искандарингиз анча дуруст. Ҳожатхонага қатнаши камайди. Аммо, Эъзозанинг аҳволи яхши эмас. Дилаффрўз билан Жумагулда ҳам иситма бошланди. – Эрига батафсил ҳисобот берди Вазира. – Айтгандай, кечаги дорилар кор қилдими?

– Кор қилади, аяси, кор қилади!.. Сен ўзингни авайла! Бировимиз тирик қолишимиз керак! – алаҳсиради Асқар Жамол.

– Нима дединг? “Бировимиз тирик қолишимиз керак?” Гапингизни шамол учирсин, дадаси, энди шу гапни топдингизми? Сизсиз мен болаларни қандай боқаман? Улар кўчада қолсинми?.. Йўқ!.. Яхшиси, Худойим менинг жонимни олсин!.. Сизга келган бало менга урсин!.. – Вазиранинг илтижоси эрини ҳушига келтирди. У ҳозир катта хатога йўл қўйганди. Ўзининг тушкунлиги икки ҳисса бўлиб муштипар аёлининг зиммасига тушишини унутганди. Ана энди дардга чидамли хотини ҳам осонгина таслим бўлади.

Асқар Жамол хатосини тўғрилаш учун хотинининг сочларини силади. Вазира йиғлашдан тўхтаб, яқинроқ сурилди.

– Биз соғайиб кетамиз-а, дадаси? – пичирлади у эрининг пинжига тиқилиб.

– Албатта! – ўктам овозда жавоб беришга уринди Асқар Жамол уни маҳкам қучоқлаб. – Ҳали узоқ яшаймиз. Ҳовлимизни битказамиз. Болаларни уйли-жойли қиламиз. Невара-чеваралар кўрамиз. Биласанми, – хотинининг сочини силашда давом этди у, – кеча туш кўрдим. Тушимда шаффоф булоқлар кўз очган, гулу гулзорининг чеки йўқ боғларда юрибман...

– Хосиятли туш! – шивирлади Вазира. – Демак, Оллоҳ биз томонда!..

– Гап шунда-да! Оллоҳ доим мискинлар тарафда бўлади. Мана, ўзинг ўйлаб кўр, чет элларда шунча казо-казолар, пулдор бойваччалар, министрлар таслим бўляпти, лаънати Ковидга. Уларни манаман деган профессорлар ҳам даволай олмаяпти. Биз эса тирикмиз...

– Бунинг устига, бутун оиламиз билан уйдамиз... – луқма ташлади Вазира.

– Ҳа-да!.. Шунинг ўзи Оллоҳ биз тарафда эканидан далолат!

Асқар Жамол яна кўп нарсаларни гапирмоқчи эди. Аммо, нариги хонадан Самандарнинг йиғлагани эшитилиб, Вазира эрининг қучоғидан чиқди.

Самандар йиғлаяпти. Ишқилиб иситмаси кўтарилмаган бўлсин-да!..

– Йўқ-йўқ, кўтарилмаган! Ўзи ҳар гал йиғлаб уйғонади-ку. Ўша хумори-да! – хотинини овутди у.

– Энди мен чиқиб кетгунимча сиз нариги тарафга ўгирилиб ётинг! – астагина буюрди Вазира.

– Нега? – ажабланди, Асқар Жамол ҳеч нарсага тушунмай.

– Ўгирилсангиз-чи? – илтижо қилди аёл.

Асқар Жамол иккиланиб, девор томонга бурилди. Вазира оҳиста эмаклаб, нарига хонага ўтди.

– Хаҳ, бечора!.. – ингранди Асқар Жамол, хотинини кўз қири билан кузатаркан. – Ўзинг ҳам ҳолсизликдан йиқилиб қолибсан-ку, яна менга далда бераман, дейсан-а?..

У боя аяси ҳақида гапирганда, Эъзозанинг бир зум иккиланганини эслади. Аслида гап бу ёқда экан. Бечора қизи дадасининг кўнглини чўктирмаслик учун, “Аям туни бўйи Самандарга қарадилар, ҳозир уйғотгим келмади”, деган.

Асқар Жамол пайпаслаб, телефонини топди ва календарини очди. Демак, касалликнинг очиқчасига ҳужумга ўтганига тўрт кун бўлди. Атиги тўрт кун ичида шунча азобми? Йўқ, назарида, минг йиллардан бери Ковид билан яшаётгандай. Наҳот шунчалар чуқур ботди коронавирус ботқоғига?.. Одатда ботқоқдаги кас қимирлаган сари баттар ботаверади. Ундан қутулишнинг икки йўли бор.

Биринчиси, амаллаб узунасига ётиб олиш, яъни, вертикал ҳолатдан горизантал ҳолатга ўтиш, иккинчиси, четдан мадад кутиш... Аслида бу икки ҳолат бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Горизонтал ҳолатга ўтгандан кейин ҳам барибир четдан мадад кутишга тўғри келади.

У айни кунгача бошидан кечирганларини таҳлил қилиб, Ковид ботқоғидаги горизонтал ҳолатни излай бошлади. Ўйлай-ўйлай ўйига етмагач, олдинги сафаргидек амаллаб ўрнидан турди ва девор ушлаб, нариги хонага жўнади. Чунки, анчадан бери болаларидан хабар олмади. Бундай бепарволик яхшиликкамас. Ўзининг дарди ҳамманикидан оғирроқ эса-да, оила бошлиғи сифатида уларнинг кўнглини кўтариши даркор. Токи, ишонган тоғлари қаватларида эканини ҳаммалари сезишсин.

Ҳозир на ота-она меҳри, на замонавий медицина ёрдам бермаган болаларини кўради. Мана шу эшик ортида тақдир измига ташланган оиласи ўзига чиқарилажак ҳукмни кутмоқда.

Асқар Жамол эшикни суриб, залга қадам босиши билан шерлар прайдидек ҳар жой-ҳар жойда сочилиб ётган болалари ўринларидан турмоқчи бўлиб қўзғалишди. У қўли билан "ётаверинглар", дея имо қилди-да, эшик тагида чўзилган Эъзозанинг ёнига чўккалади. Пешонасига қўлини босиб, кўнгли хотиржам тортди. Сал наридаги чеҳраси иситмадан қизарган Дилафрўз маҳзун жилмайди. Хотинининг кечаги гаплари тўғри, шекилли...

– Қўрқма, болам, мен ёнингдаман. Сени Ковидга бериб қўймайман. Мана, кўрасан, икки кунга қолмай, тузалиб кетасан. – У қизининг иссиқ юзларини сийпалаб, хотинига қаради. – Ҳалиги доringдан борми, аяси?

– Бор! – жавоб берди Вазира, – тонгда биттасини ичирдим. Тушда иккинчисини ичади. Ҳозир дўхтир келиб укол қилса, ярим соатда иситмаси ҳам тушади.

– Унда нонушта қилайлик! – яна хотинига юзланди Асқар Жамол, қизига далда беролганидан кўнгли тўлиб.

– Ҳозир, Искандар уйғонсин!..

Асқар Жамол тушунди, айни дамда ораларидан нонушта тайёрлашга қодири – Искандар. Бошқалари ўзи каби мадорсиз, ўзи каби ожиз...

Искандарни уйғотишди. У дарҳол бет-қўлини чайиб, ишга киришди. Чой қўйди. Беш-ўнта тухум қайнатди. Дастурхон ёзди. Чала пишган тухумларни пала-партиш арчиб, битта-биттадан узатди.

Вазира ҳаммага мажбуран едирди. Иштаҳаси тортмай, қўлидаги тухумга қараб турган эрини ҳам аямади. Хуллас, ким ўтириб, ким ёнбошлаб, ким ётган жойида енгилгина овқатланишди. Бу уларнинг охирги тўрт кун ичида илк бор бир дастурхон атрофида йиғилишлари эди. Шунинг натижасида касаллик хуружини давом эттираётса-да, барчаларининг кайфияти кўтарилди.

– Мана, горизонталь ҳолат қаерда?.. – ўйлади Асқар Жамол, қийнала-қийнала хонасига қайтаётиб. – Биз бирга бўлишимиз керак. Биргаликда бизни ҳеч қандай пандемия енголмайди.

Ковидга қарши горизонтал ҳолатни топганидан димоғи чоғ Асқар Жамол оғриқларини унутиб жойига чўзилди-ю, хаёлларига эрк берди.

Мундоқ ўйлаб қараса, Ковиднинг ҳужуми билан ўз хаёллари ўртасида ғайритабиий боғлиқлик бордай, шерлар прайдини эслаганди гиеналар пайдо бўлди, баданини илонлар ғорат этганда мактаблари рўпарасидаги қамишзор ботқоқни ёдга олди... Аммо, тегирмон ва дробилка ҳақида ўйламаганди-ку? Мужоҳидни ҳам беш-ўн йилдан бери унутганди.

У қарама-қарши хаёлларига берилиб ётаркан, қулоғига аллатовур ғўнғиллаш

чалинди. Уйга чивин кирганга ўхшайди. Дарвоқе, тўрт-беш кундан бери деразалар очилмади. Ковид сал шабададан ҳам авжланиши мумкинлигидан улар охирги пайтларда уйни шамоллатишмади, шу туфайли ҳаво бузилган. Ҳозир деразани очишга уриниб кўрсинми? Йўқ, яхшиси, бирортасини чақиради.

У овозини баландлатиб, Искандарни чорлади. Аммо, бемажол вужудидан чиққан ғарибгина сас ўзидан нарига ўтмади. Иккинчи марта уринганда ҳам шундан ортиғига эришолмагач, “Майли, ўзи келиб қолар”, деган умидда кўзларини юмди. Аммо, бояги ғўнғиллаш кучайгандан-кучаяверди.

“Тавба, шунақаям хира бўладими, нақ тепасида айлангани-айланган!..”

Ташқаридан “Тез ёрдам” сиренасининг чинқириғи эшитилди. Айтгандай, у анча вақтки, “Тез ёрдам”ларни санамай қўйди. Санаса, дардини унутармиди?

...Яна бир “Тез ёрдам” йўлга тушди.

“Бояги – бир, буниси – икки!” санади у.

Ўтган йили, Ковид авжига чиққанда элликтагача санаган. Ҳозирги кунларда бироз камайган. Чунки, Ковид маркази ўзига тегишли “Тез ёрдам”ларни ажратиб олган.

– Уч!..

Диққати оғриқларидан чалғидими, кўзлари юмила бошлади. Тўртинчи “Тез ёрдам” бемори тараф жўнаганда у ожизгина хуррак тортарди...

Уйқуси узоққа бормади. Сал ўтмай, сесканиб уйғонди. “Падарингга лаънат, қўясанми-йўқми?..” – ижирғанди, тепасидаги хира чивинни излаб.

Ташқаридан яна “Тез ёрдам”нинг сиренаси эшитилди.

– Тўрт!.. – пичирлади у. Сўнг иккиланиб қолди. Ҳозир кўзи илинган маҳал нечтаси чиқди экан?.. Тавба, чивинлар кўпаймоқдами? Бирваракайига учтаси ғўнғилламоқда. Лаънатилар, дераза ёпиқ, қаердан киришаяпти? Бунинг устига, энди пашшаларнинг визиллаши ҳам эшитилмоқда. – Шуниси етмай турувди, – ўйлашда давом этди у.

Бир неча сониядан кейин чивинлар ҳам, пашшалар ҳам беш-олти бараварга кўпайди.

– Нима бу? – Асқар Жамол хавотирланиб шипга қаради. Мажруҳ вужуди узра бирорта ҳашаротга кўзи тушмай, ажабланди. Бўлиши мумкин эмас! Ҳозирги товушларига қараганда улар қуюқ булутдек учишлари керак эди, биттаси ҳам кўринмайди. Мабода яна галлюцинация бошланмадими?

У кўзларини уч-тўрт юмиб-очди. Ухламаётганига ишонч ҳосил қилгач, яна кўкка тикилди. Сўнг димоғига аллатовур ҳид урилди. Чириган шолғомми?.. Ҳа, уч-тўрт кундан бери чиқиндиларни тўкишмаган. Ўшалардан келаяпти, чоғи. Ҳали Искандар кирса, тўкиб кел, дейди.

Асқар Жамол зеҳн солиб, баданида янги оғриқ сезмади. Демак, синовлар тугаган.

Ташқаридан кетма-кет сирена овози эшитилди. “Бирдан иккитаси жўнади”, ўйлади у, саноқда давом этиб.

– Беш, олти!..

Дарвоқе, унга юборилган офатлар ҳам олтита. Шундай экан, ҳали ҳаммаси тугамаган. Яна биттаси бор!..

Чириган шолғом ҳиди кучаймоқда. Йўқ, бу шолғом эмас. Ахир ёзда шолғом бўлмайди-ку!.. Балки, ахлат пақирида йиғилиб қолган картошка-пиёз пўчоқларидир.

Бадбўйлик кучаяверди. Унга сасиган эт ҳиди қўшилди. Бу ҳидни у адашмай сезади. Афғонистонда деярли ҳар куни учрарди. Буниси куюк ва занг иси. Яна алланималарнинг чидолмас бўйлари тутди хонани. Наҳот, унинг уйига ахлат қутисини кўчириб келишди!..

Вужудида оғриқлар бошланди. Эндигиси даҳшатли кечадиганга ўхшайди. Гарчи, ўтган дардлари туфайли руҳияти роса чиниқса-да, бунисидан омон қолишига кўзи етмаяпти. Йўқ, Худо ўзи тарафда. Болаларини уйли-жойли қилиши керак. Усиз болалари кўчада қолишади. Вазира уларни эплолмайди...

Асқар Жамол чуқур хўрсинди. Димоғига яна ўша ҳид урилди. Нима? Қўланса ҳид ичидан келмоқдами? Еттинчи офат ўз ишини бошладими?..

Асқар Жамол учун бу – охирги синов. Омон қолса, бас. Энди фалаж ҳолида ҳам яшашга тайёр. Тирговучсиз шалвираган бадани умрбод тўшакка михланса ҳам чидайди. Токи, болалари етимлик дардини сезмасин!

Унинг бўлакланган, парчаланган, мажақланган устихонида эса чириш жараёни охирига етаётганди. Миллион-миллион личинкалар, миллион-миллион ҳашаротлар эса инсон вужудини тамомила маҳв этиш мақсадида ҳамон ғимирлар, ҳамон ғувиллар, Асқар Жамол ҳам ғалаба сари интилар, инграр, йиғлар, азоблари чидолмас даражага етганда беихтиёр ўкирарди.

Ундан олдин ҳам, кейин ҳам бу азобларга чидайдиган одам туғилмаган, туғилмаса ҳам керак. Йўқ, туғилган, бўлган! Парвардигор ўзининг бир эркатойини шу тарзда синаган...

Қадимда Аюб исмли кимса йўлиққан балолар уникидан кам эмасди. Аммо, Аюб пайғамбар эди. Худонинг элчиси.!.. У эса оддий одам. Дунёдаги энг оддий одамлардан бири. Модомики, шундай кимсага Оллоҳнинг назари тушибдими, бундан фақат қувониши, фақат хурсанд бўлиши керак. Йиғлаш ўрнига кулиши, баданидан улкан ахлатхона ясаган жирканч махлуқларни мазах қилиши керак.

Унинг юзига табассум югурди. Жағ мушаклари тортишиб, тилини тишлаб олиш хавфи чекинмаса-да, мийиғида жилмайди. Ковид баттар қутурди. Ўзининг сон-саноқсиз аскарларини аралаш-қуралаш қилиб ташлади. Энди улкан ахлат қутисида кечаётган қонли жараёнлар мудҳиш тус олиб, ўзаро қоришган ҳашароту қуртлар тартибсиз ҳаракатланар, бир-бирларининг домидан қутулиш учун пайдар-пай ўрмалашар, сузишар, учишар, димоғидаги қўланса ҳидлар кўнглини баттар айнитар, Асқар Жамолнинг жисми-жонидаги оғриқу азоблар ўн бараварга, юз бараварга ошса-да, юзидаги табассуми янада чирой очар, тиржаяр, эшитилар-эшитилмас овозда пиқиллаб кулар, қутуриб вужудини жунбушга келтираётган душманларни масхаралар, бора-бора қаҳ-қаҳ урарди. Шунда тантанали садолар баданига ёйилган иллатларни чўчитиб юборарди, шекилли, қуюқ қора булутга айланган ҳашаротлар бирдан кўкка интилар, қуртлар қўрқувдан паққа-паққа ёрилар, ёрилиб, йирингсимон суюқликка эврилар, қорасонга йўлиққан устихон зарраларига қоришиб янада сассиқ ҳид тарқатар, натижада у беихтиёр кекиришга мажбур бўлар, кекириш асносида оғзидан анқиган ҳидга ўзи ҳам чидай олмай, қайд этиб юборар, ўткир сиркага айланган қуски бурун катакларини ёпиб қўймаслиги учун сўнгги мадорини йиғиб, димоғи билан “фирқ”иллар, ушбу усул ёрдам бермаса, бошини базўр қимирлатиб, нафас йўлларини очишга уринарди.

Оғриқ эса тобора кучаярди. Шу тахлитда кетса, яна бир неча сониядан кейин у таслим бўлади, тақдирига тан беради!..

Мана, вужудини титроқ тутди. Титроқ бора-бора шу қадар авжига миндики, танасининг пайдар-пай кўтарилиб тушишидан, илондай тўлғанишидан еру кўк гурсиллай бошлади. Бошининг гоҳ у томон, гоҳ бу томон тебранишидан чаноғида аллатовур шилқиллаган овоз пайдо бўлди. Ғалати овозга қўшилиб, мисли кўрилмаган азоблар ҳам кўкардики, унинг таърифига тил ожиз. Асқар Жамол ушбу курашдан омон чиқиши учун лоақал фикрлаши лозимлигини, фикрлашдан тўхташ ўлимга баробарлигини айниқса ҳозир ҳис этарди. Бу иштиёқ чаноғидаги ғалати

товушни таҳлил этишга ундагач, у беихтиёр айни ҳолатини кўз олдига келтириб, даҳшатга тушди. Негаки, бош косаси ҳам личинкалар ва ҳашаротлар томонидан забт этилган, Ковиднинг жирканч лашкарлари миясини ҳам хира суюқликка айлантирган; ҳар гал тебранганда эшитилаётган товуш шу суюқликнинг у ёқдан, бу ёққа бориб келишининг акс-садоси эди.

Миянинг ўлгани жисмнинг ўлимидир! У яна қанча чидайди? Наҳот, барча курашлари абас кетса, наҳот, Яратган ундан юз ўгирса?..

Асқар Жамол урчиб кўпайган қурту қумурсқаларнинг танасидан боши томон ўрмалашини кузатаркан, буларни кўз ўнгидан ўтказаётгани учун аҳён-аҳёнда Яратгандан норози бўлар, сўнг апил-тапил тавба қилиб, нигоҳида гавдаланаётган вайронкор жараёнларга қайтарди. Зероки, унинг йигирма икки дона умуртқа поғонаси ҳужумларга дош беролмай, аллақачон қизғиш йирингга айланган, бу суюқлик ичра гоҳ сузиб, гоҳ учиб юқорилаётган ҳашарот ва қуртлар бўйин умуртқасидаги саккиз поғонани ҳам аллақачон маҳв этган, навбат чаноққа келганидан бошдаги лўқиллаш чидолмас даражада етган, хира суюқлик ичра ғимирлаётган қуртларнинг ожизона ҳаракатлари мислсиз шовқинга эврилар, ҳашаротларнинг ғўнғиллаши қулоқнинг ички томонидан янграётгани учун момақалдироқдек кучайган; ваҳимали садоларга аллақачон суюлиб бўлган миянинг оғриқлари қўшилгач, уни батамом ҳолдан тойдириб, ўлимнинг сўнгги жилосини томоша қилишга шайлантирарди.

Ҳа, улкан ахлат қутисидан тарқалаётган даҳшатларга ҳеч бир инсон дош беролмайди. Фақат, жанг тугагунча болалари келиб қолмасин, акс ҳолда оталарининг ночор аҳволидан батамом тушкунликка тушишади. Вазира ҳам кўрмасин, аёл киши-да, аюҳаннос солиб, ҳаммани қўрқитиб юборади. Бунинг учун у тўхташи керак. Майли, кўргуликлари ортаверсин, ахлат қутисидаги қурту ҳашаротлар ғимирлайверсин, ғўнғиллайверсин, у тўхтайди; йиғлашдан, инграшдан тўхтайди. Азобларни ҳис этишдан тўхтайди!

Дарвоқе, энди у минг чандон кучайган азобларини унутган, фақат танаси ўт ичида қоврилаётганинигина ҳис этар, гоҳ-гоҳида жон бериш олдидан ожизона “йилтиллаган” онги буни дўзах асорати сифатида қабул қилар, вужуди “дўзах олови”да ёнгани сайин бояги қаҳқаҳаси қисқа-қисқа ҳансирашга айланар, мужоҳиднинг ўқидан кўкрагида қотган тугун туфайли зўрға нафас оларди.

Бошидаги у ёқдан, бу ёққа чайқалаётган хира суюқлик ниҳоят чиқиш йўлини топди. Элас-элас таниш овозлар чалинди.

– Қулоғидан қон келди!..

– Қон эмас, йиринг!

– Йўқ, йиринг аралаш қон!..

“Демак, тамом!.. Дажжол ғалаба қозонди!..”

Бояги тугун хиқилдоғига тиқилиб, нафас йўлини батамом бекитди. Кўзларидан нур кетиб, қорачиқлари оқарди.

– Қирқ бирга чиқди!.. – садо келди, узоқ-узоқлардан.

– Тезроқ укол қилинг, опа! – илтижо қилди бошқаси.

Кимнингдир митти қўлчаси пешонасига тегди.

– Вой, қўлим куйди!.. – бу кенжатойи Самандар.

Кейин кимдир йиғлай бошлади. Унга бошқалари қўшилди.

Қизлари!.. Эъзоза, Дилафрўз, Жумагул...

Искандар кўринмайдими?.. Ахлат тўкишга кетган, шекилли. Чунки, бадбўй ҳидлар бироз камайгандек. Мана ташқари эшик очилди. Искандар!.. У шошиб дадасининг ёнига келди. Кела солиб, қичқирди.

– Дада, дада, кўзингизни очинг!

Унга Эъзоза қўшилди.

– Кўзингизни очинг, дада!

– Дадажон!.. – қучоқлаб олди бошқа қизлари.

– Дадаси, биз ундай келишмаганмиз. Ёдингиздами, айтган гапларингиз? Ҳали ҳовлимизни битказамиз, тўйлар қиламиз. Невара-чеварали бўламиз!..

"Горизонталь ҳолат!.. Биз яна биргамиз!.. Раҳмон ҳам биз билан!.." Асқар Жамолнинг тенгсиз олишувдан омон қолиш учун жон ҳолатда курашаётган миясида ҳаётбахш фикр чарақлади.

– Во ажаб! Бу қандай мўъжиза?.. Қирқ бир даражадан тирик чиқиш мумкин эмас, ахир!.. – қичқирди Санобар. – Мана, температураси туша бошлади. Бўлди, четроққа чиқинглар! Беморга ҳаво керак! Холида, деразани оч! Уйнинг ҳавоси алмашсин!

– Яхшиям, сиз бор экансиз, опажон! – йиғларди Вазира. – "Скорий"га роса қўнғироқ қилдим. Ҳеч ким кўтармади...

– Яхшиям, телефон рақамимни олган экансиз, синглим! – жавоб берди Санобар унга басма-бас.

Ташқаридан гупиллаб, тоза ҳаво кирди. Асқар Жамол тўйиб-тўйиб нафас олишга уринди. Димоғидаги бадбўй ҳид йўқолди. Миясини ғорат қилаётган ҳашорат ва қуртлар ортга чекинди. Шуури ёришди. Онги тиниқлашди ва кўзларини очди.

– Хайрият, ўзингизга келдингиз, дадаси!..

– Одамни қўрқитиб юбордингиз-ку, ака! – танбеҳ бергандек ясама ўкрайди Санобар.

– Раҳмат, синглим. Яхшиям, сиз борсиз!.. Яхшиям, сизлар борсизлар!.. – беҳол пичирлади Асқар Жамол бир унга, бир дераза олдида ҳангу манг қотиб қолган ҳамширага қараб.

Вазира нам сочиқ билан эрининг пешонасини, қуски ёпишган икки чаккасини, қизғиш йиринг қотган қулоқларини артди. Искандар эпчиллик билан бошидаги ёстиқни алмаштирди.

– Худога шукур!.. – деди Санобар ҳорғин "уф" тортиб. – Энди тўйиб ухлаб олинг, сизга қувват керак!..

Асқар Жамол уйқуга кетди. Кўзларини юмар-юммас туш кўрди. Тушида яна устихонлари гавдаланди. Аммо, бу сафар улар бошқача жараённи кечиришарди. Бояги қуртларнинг йирингига тўла кўлмаклар қуриб, тагидаги чўкмаси ғаройиб тарзда кўтарилар, шишар, маълум бир ўлчамга етгач, усти қотиб, аввал маллатоб, сўнг оппоқ тусли суякка айланар, мўъжизавий тарзда узайиб, бир-бирига яқинлашар, бир-бирига қовушар, аста чўзилиб, иккинчи парчага туташар, шу тариқа ўсиб-униб, ростакам устихонларга эвриларкан, бадани аллатовур ҳузурланиб қичишарди.

Мана, ҳаммаси ортда қолди. Икки юз олтита суяги пайлар билан ўзаро туташиб, мустаҳкам панжарага айланди. Қайтадан ўз тирговучларига эришган этидаги оғриқлар аста-секин чекинди. У мийиғида жилмайди. Бу сафар жағ мушаклари тортишмади. Аксинча, хуш ёқди. Сўнг хаёли ёришиб-ёришиб, сайроқи қушлар чуғуллашган, ҳар қадамда шаффоф булоқлар тирқираган сўлим боғларга тушди. Тароватли боғда кезаркан, олисдан ёш болаларнинг ёқимли қиқирлашлари эшитилди. Қаердадир мусиқа янграб, ҳофиз куйлади. У пойида оқаётган булоққа чўзилиб, бетини чайди. Аъзойи баданига тароват бағишлаган муздек сувдан руҳияти кўтарилди. Сўнг болаларини кўргиси келди. Боя кимлардир қиқирлаган томон юрди. Икки-уч қадамдан сўнг жаннатмакон боғ манзараси ўзгариб, ўзининг уйига тушиб қолди. Орқага қайтмай, яна юрди. Даҳлиздан ўтиб, ошхонага кирди. Қиқирлаган овозлар дераза ортидан эшитилмоқда. У бўйнини чўзиб назар солди.

Ўртасига фавворали ҳовуз жойлашган ҳовлида бир тўда болалар қийқириб ўйнашмоқди. Меҳрибонлик уйи! Хайрият, ҳаммалари соғ-саломат!.. У мадори тугамасдан ётоқхонасига етиб олиш учун ортига бурилаётиб, стол устидаги икки дона помидорга кўзи тушди. Биттасини олиб енгига артди-да, тишлади. Таъмини сезмасаям, серсувлиги учунми, оғзига хуш ёқди. Каттароқ тишлади. Сўнг икки қўллаб ушлаганча очкўзлик билан ея бошлади. Ҳатто, пала-партиш тишлаганидан суви ёқасига сачраганига эътибор бермади. Бу машғулот шунчалик ҳузур бағишладики, ҳаш-паш дегунча иккинчи помидорни ҳам тушириб, қўлини эгнига суртди. Ортига қайтаётганда нариги хонадан Искандар чиқди. Ранги тоза, овозлари ўктам.

– Ўрнингиздан турдингизми, дада?.. – у дадасини қўлтиқлаб, давом этди. – Сиз бироз дам олиб туринг, ҳозир овқатланамиз!

Асқар Жамол ўрнига ётиб, пинакка кетувдики, қулоғига Вазиранинг овози чалинди.

– Дадаси, озроқ шўрва ичиб олинг!

У авайлаб бошини бурди. Ёнбошида дастурхон ёзилган, фарзандлари қаторасига ўтирволиб, уни кутишмоқда. Асосийси, бошини бураётганда ҳеч қандай оғриқ сезмади. Сўнг тирсакларига таяниб, кўкрагини кўтарди. Искандар чаққонлик билан белига уч-тўртта ёстиқ қўйди. Эъзоза обдастада илиқ сув келтириб, бетини чайди. Дилафрўзи иссиқ овқат тутди. У косага лабини қўйиб, ҳўплади. Баданига роҳат кирди. Яна ҳўплади. Шу тариқа косани бўшатди. Изидан икки пиёла чой ичди. Шўрва ва қайноқ чойдан руҳи тетиклашди. Кейин болалари дастурхонни йиғиштиришди. Хонада Вазира билан ёлғиз қолди.

– Бир ўлиб тирилдингизда, дадаси!..

Асқар Жамол енгил “уф” тортди. Аммо нафаси кўкрагига тиқилмади. "Мужоҳиднинг ўқидан қолган тугун тамомила ечилди, шекилли..." – хаёлидан ўтказди у. Сўнг кўзларини юмиб, шивирлади: – Худо қайтарди, аяси. Ҳали бу дунёда қиладиган ишларим кўпга ўхшайди!..

– Бўлмасам-чи, участкани битказишимиз керак, болаларни уйли-жойли...

– Йўқ, булардан ташқари ҳам ишларим бор!.. – унинг гапини бўлди Асқар Жамол, балконга жойлаштирилган ёзув столини эслаб. – Кейин... биласанми, мен ҳаммомга тушиб чиқдим...

– Ҳа, роса икки кун ухлагандан кейин ҳаммомга тушгандай терлайсиз-да. Ҳозир қуруқ кийимларингизни кийдириб қўямиз. Искандар!..

– Керакмас! – эътироз билдирди, Асқар Жамол. – Мен бошқа ҳаммомни гапираяпман. Ҳалиги, таҳоратхона!.. Мен покланиб чиқдим! Сен ҳам гуноҳлардан фориғ бўлдинг!.. Ковид ҳаммамизни поклади!..

– Дадаси!..

Эшикдан Искандар кўринди.

– Чақирдингизми, ая?

– Майли, боравер! – Вазира ташвишланиб, эрига тикилди. – Нималар деяпсиз, дадаси?.. Қанақа гуноҳ, қанақа таҳоратхона?..

Асқар Жамол шивирлади.

– Хавотир олма, алаҳсирамаяпман. Ковид – синов эди!.. Биз синовдан ўтдик. Энди!..

Вазиранинг қорачиқлари ваҳимадан янада кенгайди.

– Гапларингизга тушунмаяпман, дадаси. Очиқроқ гапиринг!

– Биз жаннатимиз, аяси, жаннатимиз!..



Йўловчилар

Бугуннинг ҳикоялари

Наби ЖАЛОЛИДДИН

– Барибир кўнгилни тўғри қилиш керак, – деди костюм-шимига ярашиқли бўйинбоғ таққан одам. – Ҳаётга кенгроқ қараш зарур, дейман-да...

– Ҳалиги гапниям тўғри айтдингиз. – Сўл ёғидаги пешона сочлари тўкилган қирқ беш ёшлардаги эркак унга олазарак боқди. – Одамнинг душмани одам-да.

– Тўғри, ҳожи ака, – бўйинбоғли "сенга мурувват қилдим", дегандай нигоҳ ташлади. – Мана, сиз, ёш туриб ҳожи бўлган экансиз. Маладес! Ҳаммагаям насиб этмайди. Оммалекин ҳозирги ҳожиларни ўзингиз биласиз, хафа бўлмангу...

– Ҳа, энди... – Ҳожи олисда қандайдир қимматбаҳо нарсаси қолиб кетгану, бўйинбоғлига боқиб, "сен нимайкансан" янглиғ хаёлда ўтирарди. – Сиз ка-атта ишда ишлайдиган одам бўла туриб, таксида юрганингизда, – деди "сенга шу кераkми" қабилида, – бизнинг ҳожилигимиз нима бўпти...

– Унақа деманг-ей, ака, ҳожиликка етганлар бор, етмаганлар бор. – Ҳайдовчи қора духоба дўпписини қўзғатиб қўйди. – Ўтган йили отамни ҳажга жўнатдик. Акам билан. Яхши топганим учун мен кўпроқ қўшдим. Мингдан-минг розиман. Отамнинг хурсанд бўлганини айтинг. Ҳозир маҳалладаги ҳамма издиҳомга айтишади. Маза қиле-еб юрибди. Сиз бўлсайиз...

– Бу сиз тушунадиган гап эмас, – деди бўйинбоғли бурнини жийириб.

Ҳайдовчи, жаҳли чиқдими, асабий тебранди.

– ...Сиз тўғри фаҳмлабсиз, – бўйинбоғли ҳожига хайрихоҳона қайрилди. – Бирмас, бир нечта машинам бор. Шотирлар ўшанча. Ўғилларга айтсам бўларди. Лекин одамга камтарлик ҳам керак-да. Халқ билан бўлганга нима етсин. Уёғини сўрасангиз, ҳаммамиз охир-оқибат бир гўрга борамиз...

– Унақа деманг-ей, бир пойизга борамиз. – Ҳожи унинг кайфиятига монанд кулги ясамоқчи бўлди-ю, дарров гапини ўнглади: – Ўғлим Тошкентда ўқийди. Шунга...

Наби Жалолиддин *– "Шуҳрат" медали соҳиби. 1962 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Адибнинг "Ялпизли кеча", "Ҳур нидо", "Сен билан қолмайман", "Кўнгил озод", "Энди куз..." каби шеърий, "Ўлимнинг ранги", "Эркаги бор уй", "Урушнинг давоми","Жаллод аёл" каби насрий китоблари ва "Умар Хайём", "Тегирмон" романлари нашр этилган. Альбер Камюнинг "Калигула" пьесасини ўзбек тилига ўгирган.*

Бўйинбоғли кўксини шишириб, тиржайди.

– Яшанг, ҳожи ака!

Ҳайдовчи пешонасидаги ойна орқали хўмрайди.

– Кемага тушганнинг жони бир, ака!..

– Сиз йўлга қаранг, ука! Кейин сал секинроқ юринг, айниқса, поворотларда! – Бўйинбоғли ақлли гап айтмоқчидай овозига салобат бериб, гердайди. – Қадимда урушларда кў-ўп одам ўларкан-да. Жанглардан кейин чор-атроф ўликка тўлиб кетаркан. Ўликларни йиғиштириб олинмаса, нима бўлиши маълум...

– Хўш, нима бўлади? – зардалироқ луқма ташлади ҳайдовчи.

– Нима бўларди, иним, сасиб кетади-да. – Ҳожи бўйинбоғлининг нигоҳидан гапи тўғрилигини англаб, ўзича қувонди.

– Йўлга қаранг, ука! – Бўйинбоғли ҳайдовчига кибрли табассум ҳадя этди. – Хуллас, иккала тараф келишиб, ўз майитларини бир жойга тўплашаркан. Ка-атта хандақ ковлаб, ҳаммасини ташлашаркан-да, устидан тупроқ тортишаркан. Гоҳида енгилганларнинг қолган аскарлари қочиб кетишса, икков томоннинг ўликларини ҳам бир чуқурга тиқишаркан. Шундан "бари – бир гўр", деган гап қолган экан. – Ҳожига "қалай, бопладимми", дегандай виқорли назар ташлади. – Так што, ҳаммамизнинг борар манзилимиз ҳам, пойизимиз ҳам бир.

Ҳожи "нима бўлса бўлар, шу ондан ўтиб олсам бас", дегувчи ёки бировга қарши боришни хушламагувчи одаммиди, бўйинбоғлининг гапини тез-тез маъқуллаб турарди-ю, хаёли бошқа ёқда эди.

Шу пайт қўл телефони овоз берди.

– Ваалайкум ассалом, ўғлим. Яхшимисан? Худо хоҳласа, ҳозир пойизга ўтирамиз. Хўп, болам.

Ҳайдовчининг арази ҳали аримаганди.

– Гапларийиз бирам совуғ-ей, ака, – деди жунжикаётгандай елкаларини силтаб. – Ўликлар, уруш... Тавба! Ҳамманинг ўз қабри бўлганига нима етсин...

Бўйинбоғлига бу гаплар ёқмади. Лекин у билан пачакилашишдан кўра шохига уриб қўйишни афзал билди:

– Совуқ гапни ҳали пул тўлаётганимизда эшитасиз, шопир бола!

Ҳайдовчи сергак тортди, қовун туширганини фаҳмлади. Ойна орқали ҳожига умидвор тикилди.

– Тўғри айтасиз, ака. Омма шопиримиз яхши болайкан. – Бошқа нима ҳам десин? – Вокзалга кеб қолдик, шекилли?..

– Келдик-келдик!.. – ҳайдовчи тиконда ўтиргандай типирчилади. Яна озгина юрсак нима қиларди-я!.. Машинани автоқўналғада тўхтатди. – Юкларийиззи олиб кириб берайми, ака? – дея бўйинбоғлига мўлтиради. Шаштидан ўзига қўшиб кўтариб кетишга тайёрдек эди.

– Ўзи битта дипломатим бор, холос, ука. – Бўйинбоғли машинадан тушиб, чўнтагини ковлади.

– Майли-да, ака. – Ҳайдовчи бошининг орқасига кафтини босиб, дўпписини қўзғатди. – Мен ахир таксичиман, холос... – Нигоҳи унинг қўлларида эди.

Ҳожи пул узатди.

– Сўмкам оғирроқ, обкиришиб беринг, шопир ука! – деди юкхонадан салкам сандиқдай матоҳини ерга олиб.

– Ҳозир... – Ҳайдовчи мудом бўйинбоғлига тикиларди.

– Манови келишган нархимиз. – Бўйинбоғли унга "беш мингталик" узатди. – Буниси совуқ гапим учун.

Ҳайдовчи йиғлаворай деди. Шошиб ҳожининг юкини олди-да, ичкарига югурди.

Текширув жойига етишганда ҳайдовчи хайр-маъзурни насия қилиб, жўнаб қолди.

Бўйинбоғли дипломатини текширув мурватига қўйиб, “оралиқ”дан ўтди. Эшикменгиз аппарат овоз чиқарди.

– Чўнтагингизда нима бор? – сўради у фарқлай олмайдиган ҳарбий либосдаги йигит.

Ёнини пайпаслади.

– Телефон, калит...

– Уларни буёққа қўйинг!

Бўйинбоғли ҳарбийнинг ҳукмини бажаргач, “оралиқ”дан овозсиз ўтиб кетди.

Ҳожи қадам босмай туриб, сўмкаси “сас берди”.

– Ичида нима бор? – ҳарбий унга душманнинг сирини фаҳмлаган киши алпозида тикилди.

Унга оқ кўйлакли, чучварамонанд бош кийимли ҳусни жонни қутқуловчи қиз қўшилди. Қўлида узунчоқ музқаймоқни эслатувчи асбоб. Яна бир новча, ёшроқ ҳарбий ҳам яқинлашди.

Бўйинбоғли мастона боқди: наҳотки мана шу жонон ҳожини пайпасласа? Қанийди, мени текширса...

– Пичоқ бор шекилли, а? – ҳарбий ўзини ўта жиддий тутишга уринаркан, нигоҳи билан ҳожини “рентген қиларди”.

– Бор. Қинли, Шаҳрихонники.

– Манови узунчоқ нима? – ҳарбий энди диққат билан экранга тикилди.

Экран ҳожига кўринмасди.

Жонон билан новча сергак тортишди.

– Нима қиляпсизлар-ей, худди террористни ушлавогандай. Бу киши ахир ҳожи, яхши одам! – бўйинбоғли бўйинбоғининг тугунига икки бармоғини босиб, ҳарбийга хўмрайди.

– Унда бу нима? – ҳарбий бош кийимини қўзғатиб, ниҳоят мақсадига эришган одамдай бўйинбоғлини экран томон ундади.

– Балки қиличдир, – деди бўйинбоғли дўстининг сирини сақлашга уринаётгандай. – Автомат эмас-ку, ахир! – дея ҳазиллашмоқчи бўлди.

– Нима? Қилич?! Автомат?!. – уч ҳарбийга яна иккиси қўшилди.

– Унақа ҳазиллашманг-ей, ака! – деди ҳожи бўйинбоғлига аразлагандай. – Таги зил бўп турмасин тағин.

– Қанийди, ҳамиша шундай ишласайлар. – Бўйинбоғли дипломатини силкитиб, гердайганча нари кетаркан, ёзғирди: – Йўл янги очилди, тизим янги. Кўрамиз ҳали...

Жонон “тавба” дея унга қовоқ уйди. Биринчи ҳарбий ёвқараш қиларкан, ҳожига қайрилди. Бошқалари уни асир олмоқчидай икки ёнига туришди.

– Қани, нарсаларингизни чиқаринг-чи! – деди биринчи ҳарбий.

Ҳожи сўмкасини очди. Кийим-бошу яна алланималарни титкилашдан сақланиб, минғирлади:

– Шунча нарсани қаёққа чиқараман-ей? Тагида китоб бор. Балки ановингизда шу кўрингандир.

– Қанақа китоб? – сўради жонон юзига сохта табассум сочиб.

– Оддий китоб, Навоийники. Тошкентда ўқийдиган ўғлим сўраганди.

– Бу ёққа олинг! – буюрди биринчи ҳарбий.

Барибир нарсаларини чиқаришига тўғри келди.

– Мана! – деди катта китобнинг бир четини кўрсатиб.

– Яхши. – Биринчи ҳарбий ўзини нари олди. – Сизга рухсат, бораверинг! Кечирасиз!

– Ҳалиги деловой шеригингиз қани? – сўради жонон киноя билан.

– У менинг шеригим эмас...

Тўрт киши – ўттиз беш ёшлардаги бўйдор йигит, рўмолини жағидан танғиган аёл, пакана кимса ва тор шим кийган қиз касса туйнугига бошларини суқиб олгудай туришарди.

– Охири ким? – деди бўйинбоғли ғўдайиб, бўйини бўйлагандай бўйдорга кўз қирини ташлади.

Рўмолли аёл билан новча унга бир қур қараб қўйишди. Аммо саволига ҳеч ким жавоб бермади. Тавба, муомаланиям билишмайди-я!.. Ойна оша чипта сотувчи гўзалга боқиб, нигоҳи билан "мен бошқача одамман", демоқчи бўлди. Лекин гўзал уни эътиборига илмади.

– Итмисан-эшшакмисан, демайди-я бу қиз, – ғудранди рўмолли аёл.

– Ҳа, энди янги-да... – Бўйдор гўзалдан кўзини узмай, тушунтирган бўлди. – Маълумотлар бюроси йўқ, булар ҳали ишга киришолмаяпти.

– Киришсин-да! Булар шунга ойлик олишади! – рўмолли аёл тутоқди.

– Ўзи нима гап? Ким нимага турибди? Нимани сўради?.. – бўйинбоғли нима демоқчи бўлганини ўзи ҳам англолмай қолди.

Ёнбошида ҳожи пайдо бўлди.

– Қўйворишдими, ҳожи ака? – деди гапини тинглагувчи топилганидан қувониб. – Мен ҳожиман, демадингизми?

– Ҳожиликнинг нима дахли бор, ака! – ҳожи сўмкасини девор остига қўйиб, жойига қайтди. – Сизни деб бир балога йўлиқишимга сал қолди. Қўйинг-ей!..

– Ўзи солиднийу, ғалатироқ экан, – деди шимли қиз бўйинбоғлига кўзи билан ўт очиб олгач, навбат келганидан хурсанд.

– Ие, яхши қиз... – бўйинбоғли суратга тушишга тайёрланаётган одамдай у ёқ-бу ёғини ўнглади. – Отангиз тенги одамман-а?!

– В том то и дело, что отам тенг... – шимли туйнукка яқинроқ сурилди. – Бўмаса-ю... Ҳожи ака, по ближе келинг...

Кимдир келиб, бўйинбоғлининг елкаси оша гўзалга қоғоз узатди – чипта шекилли.

– Қайси вагон, нечанчи жой экан, кўрберинг.

– Кўрмаяпсизми, одамлар навбатда турибди! – Гўзал барчага керак одам алпозида чипта узатганга танбеҳ берди.

– Нима, бу сизга справочний бюроми, ука? – Бўйинбоғли узатувчининг қўлтиғига туртиб, қаддини ростлади.

– Ие, ака, справочний бўмагандан кейин сўрайман-да! – сўрагувчи йирик кафтини бўйинбоғлининг юзи олдида силтади. – Туппа-тузук одам экансизу!..

– Бирпас жим бўлинглар! – дея овоз қўйди пакана туйнукка интилиб. – Опа гапиряпти.

Гўзалга "опа" ёқмади шекилли, жийирилди. Сўнг нигоҳи билан бўйдорга ишора қилиб, паспортга қистирилган чипта узатди.

– Ҳозирги поездга бўлса, бемалол олишингиз мумкин, ака, – деди бўйдор мамнун ташқарига шошиларкан.

– Ие, унда сизлар нима учун турибсизлар? – Бўйинбоғли асабийлашди.

Гўзал сўрагувчининг чиптасини қайтарди.

– Ҳов, мелисадан сўранг!

Бўйинбоғли энди рўмолли аёлдан сўради:

– Сизлар нима учун турибсизлар?

– Эртагалик пойизга чипта олиш учун.

Шим кийган қиз бўйинбоғлига умидвор тикилди-да, қўзғатувчи товушда деди:

– Сиз нимага турибсиз ўзи?

– Жим бўлинглар! – дея дўқ урди пакана.

Гўзалнинг "ташқаридаги оғзи"дан радионинг ғинғирлаши янглиғ сас келди:

– Бугунги поездга битта чипта қолди!

– Унда менга бера қолинг! – бўйинбоғли паспортини шошиб туйнукка тиқди. – Телефонда чипта бемалол дейишувди-ку?!.

На шим кийган қиз, на пакана ва на рўмолли аёл ўзларини четга олишди.

– Нега сизга бўларкан? – ҳожи шим кийган қизнинг елкасидан тутиб, хиёл сураркан, унга "менга ён босинг" дегандай табассум ҳадя этди.

– Қизиқ одам экансизу, ҳожи ака! – бўйинбоғли атрофдагилардан нажот кутди. – Ҳожи одам нима қиласиз Тошкентда, ўғлингиз Навоийни ўқисаям!

– Нима қипти ўқиса?! У эскича китобмасу! – ҳожи туйнукка сурилди. – Ияғдаям мени подвадить қилдийиз. Тошкентда бизнесим бор! Бизам давлатти одами, ака!

– Менинг мажлисим...

"Ташқаридаги оғиз" "ҳукм ўқиди":

– Охирги чипта Қўқонда сотилибди!

Бўйинбоғли паспортини қўйнига солиб, бўшашганча у ён-бу ён аланглади.

Ҳожи паспортини сўмкасининг чўнтагига жойлаб, ташқарига юрди. Бўйинбоғли зинапоядан тушаётганда унга ёнбош келди.

– Шошилмасак ҳам бўларкан, узр, ҳожи ака!

– Ҳа-я... – ҳожи қизарди. – Сиз мени кечиринг! – чўзиб нафас чиқараркан, деди: – Онамнинг "бугун кетма", деганига қулоқ солмовдим-да, шунгами?..

Бўйинбоғлининг телефони жиринглади.

– Билет йўқ экан, – деди қулоғига тутиб. – Ҳа, энди... Хотинимнинг нима дахли бор? Билмайди деганман-ку!.. Хўп, жоним, киракашда бўлсаям етиб бораман!..

Бўйдор нарироқда бир жувоннинг икки елкасидан тутиб, дерди:

– Яхшиям бирга келганинг, хотинжон! Бўлмаса, чипта ололмаслигим аниқ эди...

ТОШҚАЛЪА

Дарвоза томонда машина басма-бас сигнал берди.

Оқ яктак, дўппи кийган эркак ўша тарафга шошилди. Дарвозанинг "болачоғи"дан ташқарига чиқди. Оқ "Ласетти"да икки йигит ўтирарди.

– Саломалайкум! – деди рулдагисининг истарали юзи ёқимли чарақлаб. – Биз хўжайин айтган одамлармиз, амаки.

– Ие, ваалейкум ассалом. Келинар-келинар! – эркак типирчилагандай ичкарига қайтиб, девордаги пультни босди. Улкан дарвоза ҳайбатига ярашмаган овоз чиқариб, очилди.

"Ласетти" ичкари кирди.

– Ошхона қатта, амаки? – дея сўради ҳайдовчи.

Эркак дарвозани ёпиб, машинанинг ортидан эргашди...

Далаҳовли кенг. Қўрғон девори харсангтошлардан. Ўртада ҳашаматли, пештоқлари кунгурадор, нақшинкор бино. Турфа гуллар томигача тирмашган. Бўғзида катта думалоқ фаввора. Пуркагичлари лола шаклида – ғунчалари қатидан сув отилади. Теграсида тўқима курсилар.

Ўнг тарафда узун ишком. Токлар ҳафсала билан хомток қилинган, соч толасидек таралган. Яшил бошлари дона-дона. Остида гуллар рангин товланади. Тўсинларига бир неча тўрқовоқлар илинган.

Наридаги катта-кичик қафасларда сайрар-сайрамас чиройли қушлар, қора хол-хол зотдор оқ итлар боқилади.

“Ласетти” ошхона олдида тўхтади. Ҳайдовчи тушиб, эркакнинг етиб келишини кутди.

– Энди кўришиб қўяйлув, амаки, – деди етиб келгач, қўш қўллаб кўришиб. – Биз ошпазлармиз. Хўжайин таклиф қилувдилар. Мани исмим Дилшод. – Шериги томон ишора қилди: – Бу шогирдим Шоҳрух.

– Менинг отим Муҳаммадрасул, – деди эркак юзига қийғос табассум сочиб. – Шейда ишлайман, – ёнбошдаги ҳужра ёққа кўз ташлади, – хотиним минан...

Дилшодбек уни “қаритиб юборишни” истамадими, “ока”лашга ўтди:

– Яхши, ока, хурсандман. Энди нарсаларни туширсак. Ҳали қанча овқат тайёрлашимиз керак-де. Қани, Шоҳрух!..

Машина тўла емак эди. Учовлашиб ошхонага туширишди. Сўнг Дилшодбек шошиб, қўлини дуога очди:

– Қани, Муҳаммадрасул ока, бир патаҳа беринг-чи!

Муҳаммадрасул кутмаганди. Бироз меровсираб, деди:

– Тинчлик-хотиржамлигини берсин, омин!..

– Шоҳрух, кийимларни ол! – Дилшодбекнинг кўзлари олма терди.

Икковлон бир зумда ошпазона кийим-бошларга бурканиб, асбоб-анжомларини ҳозирлашди.

– Энди, ока, сиз ўзизи ишийзи қивуринг, – деди Дилшодбек Муҳаммадрасулга лоқайдроқ боқиб. У бутунлай бошқа кепатага кирган, бояги одобидан асар ҳам қолмаган, олдидаги одамни гўё кўрмасди. – Мабодо керак бўлсайиз, чақиравуза.

Муҳаммадрасул довдиради.

– Хўжайин бунақа қилмасди. Билмадиму... Бейда қариндош-уруғлари, хотинининг ўртоқлари дам олишарди. Бегоналар умуман келмасди. Шунга...

Дилшодбек егуликларни бирма-бир очарди. Қўлида тошбақани эслатувчи қандайдир гиёҳ, гўё ўзига гапираётгандай деди:

– Бу бойларни тушуниб бўмийди, ока! – нарсаларни бир-биридан ажратаётган Шоҳрухга қайрилди. – Сан аввал пиёзни арт, – дея хиёл дўқ урди. Сўнг юмушга андармон бўларкан, овози насиҳатомуз тус олди. – Ман ўзи энг зўр ресторанда ишлийман. Тўй-пўйларга борардиму, аммо... Хўжайинингиз шефимга илтимос қилибдила. Шу иш керак эмиш. У ёғини билмадим. Билишниям истамийман... Ман далаҳовлида биринчи марта ишлашим, амаки. – Маъноли жилмайди. – Дўппингиздан анжанликка ўхшайсиз-а, ока?

– Ҳмм... – деди не қилишини билмаган Муҳаммадрасул.

– Битта кўк чой дамланг, ока. Биззи уйда ҳамма фамил ичади, аммо ман...

Бу ер ошхона бўлса, ундан чой сўрагани қизиқ. Муҳаммадрасул “хўп”, деди-да, ҳужраси сари кетди. Андижонликларнинг кўк чойига ишқибоздир-да, дея хулоса ясади йўл-йўлакай.

Остонада оқ-кулранг рўмолини жағининг остидан танғиган нурпош аёл кўринди.

– Кимлар экан? – овози мусиқадай эшитилди.

– Хўжайиннинг меҳмонларийкан. Битта чиройли кўк чой дамлагин, онаси.

– Вой, ошхона ашағда-ку.

– Ўзимизнинг электрчовгунда қайната қол. Меҳмонлар сўрашяпти. Мени халақит бермасин, деб шуна қилишдими, нима бало?..

– Хўп бўлади. – Хотини ичкарига кириб кетди.

Муҳаммадрасул бирпас туриб қолди.

– Онаси, – деди сўнг. – Ичкари минан шийпонни супуриб-сидириб, артиб-нетиб қўйгин. Қайда ўтиришади – Худо билади... Мен беданаларга сув қуйиб, ит-питларга қараб келаман...

Аёл кўриниб, эри гапини тугатгунча сукут сақлади.

– Чойни меҳмонларга олиб бориб берарсан. – Муҳаммадрасул ҳужра эшиги ёнидаги челак билан чўмични қўлига олди. – Тортинма, яш[1] боллар...

Ишкомга бораверишда шийпонни елкалаган дов-дарахт энкайган, сербута. Остида қадим Оврўпо тошқалъаларининг митти кўриниши. Тошқалъа бағридаги жўмракдан сув оқади. Устида гоҳ шер, гоҳ аждар қараб турганга ўхшайди. Ёки яланғоч одамнинг қўлларини ҳар ён ёзиб, михлаб қўйгандай туюлади. Сувнинг чулдирашидан ўзга ҳамма нарса дилга зил солади.

Муҳаммадрасул пақирни чайиб, сувга қўйди. Энгашганда нафаси қайтгандай ортига тисарилди. Бетоқатланиб, "тошқалъа"га хавфсираб тикилди. Бўғзида нохуш таъм сезди.

Бу ерга келишга юраги безиллайди. Негалигини тушунмайди. Менга шундай туюляптими, деса, хотини ҳам "ўша жойдан қўрқаман", дейди. Нима бало, "тошқалъа"га жинлар ўрнашиб олганми? Ошхонадан ҳам сув олиш мумкин, фақат ташқарида ишлатилган пақирни ундаги туваккa қўйиш ножоиз... Кейинги пайтда эр-хотиннинг кўнгли хижил. Қишлоқда нақд пул берадиган иш йўқ. Томорқадами, бошқа жойдами, ер тимдалай, деса, қўйни тарвузга (балки буғдойгадир) алмаштириб яшашга тўғри келади. Буни билган билади, лабидан мойи-ю майи аримаганлар кулади, холос. Ёши қирқ бешга кириб, бир нарса ошинмабди, дейди. Болалари бўйига етиб қолди, суриштириб юриб, шу ишни топди: тошкентлик бой иккисига ойига бир ярим миллион берадиган бўлди. Емак-ичмак, турар жой текин.

Беданаларга сув қуйди. Иссиқни тепага чиққанда, айниқса, ҳис этди. Беданаларга раҳми келди... Кейин бошқа парранда-ю қушларга дон, сув берди. Товусларнинг қафасига кирганда яна ғаши келди: тавба, шунча сохти-сумбатига овозининг ярашмагани-чи! Нега шунақайкин-а? Қўшиқ айтган қассобни ёки рақс тушган тошполвонни кўрганмисиз?.. Зотдор итларга эса алоҳида эҳтиром керак. Қурғурлар палагини яхши биладиларми – жуда озода. Ҳар жойга нажас ташламайди, емишни ортиқча емайди. Олдига кирсангиз, бошини баланд кўтариб тураверади. Шундай пайтда одамлигингизга ачиниб кетасиз. Ўзингизни бирон бўйни йўғоннинг оёқлари остида акиллаб юрган итдай ҳис этасиз. Уларни ювинтирганда кўрсангиз эди: қимматбаҳо шампунни кўпиртириб ишқалайверасиз-ишқалайверасиз, аммо пинак бузмайдилар. Ҳар сафар итларни ювинтиргач, эринмай чўмилади. Бўлмаса, кўнгли тинчимайди, нон ушлагиси келмай қолади.

Аёл чойни ярим девор устига қўйди-да, томоқ қирди. Бино сари бораётганда ортидан Дилшобдекнинг овози эшитилди:

– Идишларни ювишиб юборарсиз-а, опа!..

Аёл қайрилмади. "Хўп", деди эшитилар-эшитилмас. Сўнг бинога кириб кетди.

Муҳаммадрасул пақир-чўмични жойига элтиб, қўлларини совунлаб-совунлаб ювди. Охирида бирпас оқар сувга тутиб турди...

– Келдингизми-ей, Муҳаммадрасул ака! – Дилшодбекнинг овозига уйқаш дарвоза қўнғироғи фарёд урди.

Муҳаммадрасул ўша томон чопди.

Дарвозанинг саҳна пардаси каби шиғиллаб очилиши асносида аждаҳодай улкан

1 Яш – ёш (шева).

қора машина намоён бўлди. Орқа эшигидан қимматбаҳо костюм-шимига монанд бўйинбоғ тақкан одам тушди. Унинг борлиғидан виқор ёғилади.

– Ассаломалейким, хўжайин! – Муҳаммадрасул дарвозани ёпиш учун пультни босди.

– Сомалейкум. Дарвозани ёпмай туринг, Расул ака! – хўжайин ҳайдовчисига буюрди: – Бориб, кенойнингни обке!

Машина чиқиб кетди.

– Ҳамма нарса тайёрми? – сўради хўжайин бино томон юриб. – Ошпазлар келишдими?

– Келишди, – деди Муҳаммадрасул унинг ортидан эргашиб.

– Ҳаммаёққа сув сепинглар. Жойни ташқарига қиласизлар. Ичкаридан телевизорни обчиқинглар. – Ошпазларга овоз берди: – Ҳормanглар! Овқатлар зўр бўлсин-а?! Фонтанни ёқинг, Расул ака! Ман кийимларимни алмаштириб чиқай...

Муҳаммадрасул тўқима курсиларнинг чанг-чунгини аритди. Фаввора деворларини артиб, ён-верини супуриб-нетди. Сўнг ёқди. Лоласимон гулларидан сув отилди. Шийпон томидан ҳам рангин иплар янглиғ тарам-тарам сув оқа бошлади. Атрофга салқин тароват уфурди.

Фавворага пича тикилиб қолди. Бир қўлида пақир, иккинчисида юмшоқ чўтка билан латта тутган аёли чиқиб келганда хаёли бўлинди.

– Ичкарига қараб чиқдим, дадаси, – деди у яқинлашгач, рўмолини тузатиб.

– Хўжайиннинг олдида хижолат бўлмадингми?

– Ҳали кўришмадим. Хобгоҳга ўтди, шекилли.

Сувнинг ёқимли сийпалаши Муҳаммадрасулнинг кайфиятига монанд зиёдалашди.

– Ошпазлар идишларни ювиб беринг, дейишувди, нима қилай? – сўради аёл отилаётган сувнинг ҳайбатига тикилиб.

– Майли... – эрнинг кўнглига янада ойдинлик инди. – Қарашвор. Мен ҳам ашейда бўламан.

Идишларнинг ҳаммаси қимматбаҳо. Аёл чинни коса, ликоб, пиёла, нари борса, санчқини билади. Аммо манови хилма-хил шаклу безакли бошқа идиш-аёқларнинг номи тугул нима учун ишлатилишини ҳам фарқламайди. Пешбандини боғлаб, идишлар ғарамини ювишга тутинди.

Ошпазларнинг олдига кириб, Муҳаммадрасулнинг кўзлари қамашиб кетди. Силлиқ столларнинг бирида турли ҳайвонларнинг гўштлари, ёнида сабзавотлар, кўкатлар, бошқасида у номини билмайдиган турфа емаклар... Қовун-тарвуз монандлари тағин бир ёнда. Хуллас, ҳаммаёқда ранго-ранг егуликлар. “Бойлар ҳам бор бўлсин-да, биз каби омиларнинг кўзини пишитиб, билмаганини билдириб туришади”.

– Келдингизми-ей, ока?.. – деди Дилшодбек карамга ўхшаш нарсанинг япроқларини ирадалаб[2]. – Энди сизнинг ёрдамингиз ҳам керак бўлади.

– Хўп-хўп, ука. Нима қилишим керак? – у ҳар қандай ишга ҳозир алпозда енг ҳимарди.

– Уста, ман нарёққа ўтиб келай. – Шоҳрух қўлларини сочиққа артиб, Муҳаммадрасулга қаради. – Қайси томонда, ока?..

Дилшодбек ишига берилиб кетганди, қўлидаги нарсаларни ўйнатарди: аёл узатган идишларни бўш столга териб, нималарнидир арчар, тўғрар, қирқар, кесарди...

– Мен нима қилай, Дилшодбек? – сўради Муҳаммадрасул ўзини бегона сезиб.

2 Ирадалаб – Ажратиб (шева)

– Сизми, ока? – Дилшодбек катта товага лаҳм гўшт ташлади. – Ҳозир айтаман... – Гўштнинг жизиллашидан илҳомланди, шекилли, тошбақасимон кафтгирини қиличдай ўйнатди. – Ўтин бор-а?

– Нима-а?

– Ўтин, қаттиқ ўтин...

– Бор...

– Бизга ўшаям керак бўлади... – энди қандайдир сабзавотларни бошқа товага солди.

– Нима қиляпсиз? – Муҳаммадрасул унинг ҳаракатларига маҳлиё бўлганидан, ўзини қишлоқ тўйларида ўчоққа ўт ёқаётгандек ҳис этди.

– Кейин тушунасиз, ока, кейин!.. – Дилшодбек аллақандай хорижий идишдаги шилимшиқ суюқликни товага кетма-кет томизди. – Адамла доим ажаб замонлар келди, дейдила, отам раҳматли кунжара еганини айтардилар, энди эса, ўзини билмаганларнинг, бой, деймиз-да, турфа ҳо-ю ҳаваслари пайдо бўлмоқда, дейдилар. Мани устимдан куладила-да...

– Унақа деманг-ей, Дилшодбек! Ҳеч замонда отаям ўз боласи устидан куладими?! – Муҳаммадрасул у ён-бу ён аланглади. – Отангиз донишманд одам экан. Ўзи неча ёшда?

– Эллик бешга кирдилар.

– Ёш экан-ку... Мен бўлсам, отам замонидан қолган одам, деб ўйлаб...

Шоҳрух кириб, қўлларини артаркан, деди:

– Анов ердаги сув... Сув тушадиган жой бор экану... Водопровод-да!..

Муҳаммадрасул сергак тортиб, унга тикилди. Шоҳрух афтини буриштириб, сочиққа юзини оғзи-бурни аралаш сидирди.

– Қанақа жой ўзи?! Сувини ҳўпладиму, кўнглим айниб кетди. Ўҳҳу-қҳу... Бобом тўғри айтарканлар – шубҳали нарсаларни ичма, ема, деб. Ниманинг расми бор ўзи у ерда?

– Гапни кўпайтирмай, ишни қил! – деди Дилшодбек япроқсимон нарсани қайиқмонанд ликобларга соларкан. – Хўжайин қайтиб чиқмадилар-а?

Муҳаммадрасул бино томон кўз ташлади.

– Ухлаб қолди, шекилли. Ҳали вақт бордир?..

Шоҳрух қўлини қайта чайиб, ишга киришди.

Уста-шогирд бир нарсаларни ёриб, кесиб, пиширib, емак тайёрлай бошлашди. Орада аёл яна аллақанча турли идишларни ташлаб кетди.

– Гугурт чўпидай тарашаларда пишириладиган таомларимиз ҳам бор, ока, – деди Дилшодбек қўлига резина қўлқоп кийиб. – Тараша бордир?

– Бор-бор. Ҳозир пискада ёриб бераман. – Муҳаммадрасул бу сўзларни Дилшодбекнинг ҳаракатларига маҳлиё бўлиб, беихтиёр айтиб юборди.

Дилшодбек кўз қирини ташлаб, мийиғида кулиб қўйди.

– Барибир водийликлигингизга бордингиз-а, ока!

– Хафа бўлмангу, Дилшодбек, менга қизиқ-да энди... – Муҳаммадрасул борки нарсаларга бир сидра назар ташлади. – Буларни ейишадими ё томоша қилишадими?

Дилшодбек қаддини тиклаб, жилмайди.

– Ростини айтайми? – дея ортида ғимирлаётган Шоҳрухга елкаси оша бир қур боқди. – Асли ўзим ҳам буни тушунмайман. Ман рассом каби ишлайман. – У гапларимни англаяптими-йўқми, дегандай қараш қилди. – Таомлар аввало кўзга ёқимли, чиройли бўлсин. У ёғи Худога аён. Бу манинг касбим, яхши ҳақ тўлашади. Бойлар емайди, ока, бир-бирларини қойил қолдиришади.

Аёл юмушини тугатиб, ҳужра томон ўтиб кетди.

– Мановиларнинг ичида, – Муҳаммадрасул гўшт уюмига ишора қилди, – чўчқа гўшти йўқми?

Дилшодбек тағин қаддини тиклаб, кулди.

– Қизиқ экансиз, ока! Булар... – Ён-верига аланглаб олди. Шоҳрухга ўтин олиб келишни буюрди. – Муҳаммадрасул ака лезвияда ёриб берадила... Булар... – Дилшодбекнинг кўзлари ҳеч ким билмайдиган сирни айтаётгандай чақнади. – овқат емайдилар, ока, айтдим-ку, бир-бирларига мақтанадилар. Қизил икра, қора икраларнинг даври ўтди. Энди буларга туяқуш ёки тимсоҳнинг тухумини пишириб бериш керак...

Муҳаммадрасулнинг наздида, Дилшодбек жазавага тушаётгандек туюлди. Нега?!. Бойларни ёмон кўрадими ёки мановиларни? Қизиқ!..

– Ҳов, анови дарахтнинг номи нима, ока?

– Бизда бақатерак дейишади.

– Ман эса билмайман – бизчасига ҳам, сизчасига ҳам. Бир томони оқиш, орқаси кўкиш ялтирайдиган дарахт-да, а? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, буларга ўша... нимайди?..

– Бақатерак.

– Ҳа, ўша бақатеракнинг баргига манови... – Дилшодбек ликобдаги қандайдир япроқми ёки ўсимлик пўстига қовурилган гўштдан бир бўлак ташлади. – ... гўштдан солиб, кенгурунинг тилими, динозаврнинг қорачиғими, десангиз, узоқ тикилишади, маза қилишади. Ейишмайди, бироқ бир-бирларига мақтанишади, ока!.. Ие, хўжайин чиқдила!..

Бино зинапоясида хонаки кийимда нигоҳи атрофда-ю, обдон тамаки сўраётган хўжайин пайдо бўлди.

Шоҳрух ғўлаланган ўтинлар олиб келди.

– Шуларни би-ир гугурт чўпидай қиб берасиз-да, ока! – деди Дилшодбек Муҳаммадрасулга дам хўжайинга, дам юмушига безовта қараб. – Булар нозик одамла.

– Сув сепмабсизлар-ку?! – дея овоз қўйди хўжайин.

– Сиз ўтинларни майдалаб туринг, ука. – деди Муҳаммадрасул девор остидаги пақир томон шошиб, Шоҳрухга узрнамо боқаркан. – Мен атрофга сув сепиб келай, кейин гаплашамиз, майлими?.

Қуёш тиғи қайрилганда аждаҳо машинада мускуллари бўртган ҳайдовчи билан “кенойи” келди.

– Боринг, бир чўмилиб чиқинг, – деди хўжайин хотинига. – Енгилроқ кийининг, меҳмон нозик.

Муҳаммадрасул фаввора ҳовузидан сув олиб, атрофга соча бошлади. “Тошқалъа”нинг жўмрагига ичак[3] улаб сепиши ҳам мумкин эди, аммо буталар орасига бош суққани кўнгли бўлмади. Ҳайдовчи фавворага яқинлашганда бирдан сергак тортди.

– Дилшодбек, – дея ошхона томон овоз берди, – ўтинни Шоҳрухбек тарашлаяпти-ю, мен... – у ёғини айтолмади. Ҳужра эшиги олдидаги хотинига маъноли назар солди-да, ичкари кириб кетди.

– Ҳали бориб, меҳмонни обкеласан, – деди хўжайин ҳайдовчига. – Унгача иш-пишга қарашиб тур.

Ҳайдовчи машина калитини жинси шимининг чўнтагига солиб, ўнг муштини чап кафтига урди.

3 Ичак – Шланка.

– Итлариззи бир кўриб келай, хўжайин, – дея хушомадгўйларча иршайди. – Оммалекин гап йўқ-да итларизга!

Хўжайин яйради.

– Бор-бор, кейин келарсан.

Муҳаммадрасул ҳужрадан чиқиб, хотинига шийпонга дастурхон солишни буюрди.

– Қалай, чарчамаяпсизларми? – деди Шоҳрухнинг қўлидан болтачани оларкан.

– Шоҳрух, сан шиша-пишаларни, рюмкаларни тайёрла! – Дилшодбек бир неча қозон-товада бирваракай ишларди. – Гапимиз узилиб қолди, ока. – Қайсидир қозонни ковлаб, қўлига пичоқни олди. – Худога шукр, шу касбимнинг орқасидан кам бўлмавомман. Ҳали айтдим-ку, яхши ҳақ тўлашади. Лекин, ростини айтсам, ҳеч қачон адамлага овқат пишириб бергандагидай маза қилмаганман.

Муҳаммадрасулнинг меҳри товланди.

– Ота – ота-да, – деди кўзларини пирпиратиб. – Отанинг қадри кетганда билинади!

Дилшодбек туйқус қараш қилди.

– Ҳамиша ё ош, ё шўрва қиб бер, дейдила. Илҳомим жўшиб кетади. Унда рассомдаймас, ошпаздай ишлийман. Пиширган овқатимни адамла мақтаб-мақтаб еганларини кўрганимда, яйраб кетаман. Дуо қиладила. Ман бўлсам, интернетни ковлаштириб, манавинақа овқатларнинг рецептини топаман...

– Дуода гап кўп!.. – Муҳаммадрасул каттароқ гугурт чўпидай оқиш-сарғиш товланган тарашаларни саржинлади. – Шунчаси етар-а?

– Етади, ока. Бу ўтинда қўйнинг қовурғасини пиширамиз.

Шоҳрух кирди.

– Энди дастурхонни безатишга киришамиз. Европейский қиб, – деди Дилшодбек. – Сан бошлаб тур...

– Негадир кўнглим айнивотти, уста! – Шоҳрух афтини буриштирди.

– Ёқмайдиган нарса емовдингми?..

Муҳаммадрасул имкон топиб, шом намозини адолаганда, дарвозадан “қора аждаҳо” кириб келди. Ҳайдовчи тушиб, орқа эшикни очди. Туси шом қоронғисига қоришиб, чироқлар шуъласида ялтираган костюм-шим кийган, бўйинбоғ таққан барваста одам жилмайиб, бироз букчайиб, пешвоз турган хўжайин сари юрди.

Хўжайиннинг хотини энди бутунлай ўзгача қиёфада эди: ёшига нисбатан келишган қоматини сирган узун ялтироқ қора кўйлаги ҳар бир бўғинини ошкора намойиш этади. Либоси нафақат енгсиз, елкалари ҳам очиқ, қўлларини кўтарса, оқем қўлтиқлари бемалол кўринади. Калта сочлари ёйилган, юз-кўзи бўёқли, борлиғидан хуш бўй уфуради.

Меҳмон хўжайин билан қучоқлашиб кўришгач, аёлга одатий мулозаматлар қилди. Биргалашиб шийпон томон юрдилар.

Улкан телевизорда гўзал табиат манзаралари. Майин куй таралади.

Меҳмонни қистай-қистай, тўрга ўтказишди. Юзларга фотиҳа тортилди. Фақат меҳмонники ўхшади. Хўжайиннинг кафтлари юзларининг ёнидан ўтароқ, бутпарастларнинг ибодатидагидек қовушди. Хотинининг бармоқлари эса юзларига алламбало суркаётгандагидек ўйнаб, қўли ияклари оша ёнига тушди.

– Бир пиёла сув берсангиз, – деди меҳмон шай турган Дилшодбекка. – Роса чанқадим.

Хўжайин Дилшодбек билан баб-баравар тараддудланди. Қандайдир хорижий ичимликдан тутдилар. Меҳмон ютоқиб ичди. Сўнг одатий ҳол-аҳвол сўрашлар бошланди...

– Ҳорманг энди, Расул ока! – деди машина калитини тинмай силтаётган ҳайдовчи ошхона ёнига келиб. – Хўжайин бу клиентниям ҳар доимгидек ўраб ташлайдила...

Қўли қўлига тегмаётган Шоҳрух шийпон томонга бирров назар ташлагач, ҳайдовчига эътибор берди: танаси ниқ, соғлом. Мушаклари футболкасини ёриб юборай дейди-я!

– Шу кенойини сизлар ҳам биласлами? – ҳайдовчи калитни шимининг чўнтагига солиб, қайсидир емакдан тотинди. Ёнидагиларнинг юзида ўзгариш сезмагач, талмовсиради: – Ўзи яхши аёлла-де... Шу-у... Манимча, хўжайин...

– Энди-чи, сиз бориб, итлардан хабар олинг, – деди Муҳаммадрасул жиддий. – Ҳадемай кўргилари кеб қолади.

Ҳайдовчи қайсидир шишага ютоқиб қарагач, нари кетди.

– Овқатланволасизми, дадаси? – ярим девор ортидан аёлнинг овози эшитилди.

– Ўзинг еб туровир... Айтаман... – деди...

– Қани, бирон нима денг, ока! – хўжайин қадаҳ тутганча меҳмонга интизор тикилди. – Биринчи сўз сиздан...

Меҳмоннинг қора, бўртмалар тошган юзи, қалин қошлари, дўрдоқ лаблари аниқ-тиниқ кўринди.

– Энг аввало, шу ердаги хонимлар учун ичайлик. Омон бўлишсин!

– Қойил! Бор экан-ку мард эркаклар! – бу "кенойи"нинг йиллар ўтароқ ошинган сўзлари эди.

Меҳмон таваккалига ниманидир газак қилди. Хуш ёқди. У бунақа ўтиришларга "қўриқчилари", аниқроғи, ишончли одамлари билан келарди. Бугунги муддаоси бўлак – мезбоннинг феълини яхши билганидан бир нарсани кўзлади.

– Яна биттадан олайлув! – "Кенойи"нинг кўзлари йилтиради. Ўнг қўлининг бош ва ўрта бармоқларини ишқалаб, қисирлатди. У ён-бу ён умидвор боқди. Ниҳоят шийпон четида ҳайдовчи кўринди. – Мусиқа!.. – дея ҳайқирди энди чап қўлини силкитиб. – Қани, олайлув!

Ҳамма ўрнидан турди. "Кенойи"нинг дадиллиги меҳмонни илҳомлантирди.

– Қани, олдик! – деди бўйинбоғини бўшатиб. Кўнглида ташналик қўпчиди.

Ичдилар.

Меҳмон санчқида ниманидир "кенойи"га узатди. У яқин келиб, емишни лабларида қисиб, нигоҳида меҳмонни сийпалаб, оғзига олди.

– Биласламми?.. – либоси ичра бутун танаси билтанглади. Эрининг кўзларидан маъно қидиргач, меҳмонга умидвор тикилди. – Ман Аллўҳимга жуда ишонаман-де... Честно... Но, баъзилар намўз дейди, ҳалиги, – керакли сўзни тополмай, қўлларини силтаб, аланглади, – рўмол, дейди. Манимча-чи, энг аввал одамнинг кўнгли тоза бўлсин. Аллўҳим ҳаммасини биладила-ку...

Меҳмон "қойил", дея чапак чалди, аммо "кенойи"ни эшитишни истамаётгани сезилди.

Телевизорда сочлари ёйилган ярим яланғоч қизларнинг шаҳвоний жилпанглашлари кўринди. Бироқ мусиқа хорижий бўлгани билан сўзлари ўзбекчадай эди. Ҳеч ким бунга эътибор бермади. Барча Шоҳрух олиб келган аллақандай суюқ таомга ёпишди.

Атрофни – бутун далаҳовлини ранго-ранг чироқларнинг жилваси тутди. Бирдан беданалар сайрай бошлади: "битбилдиқ-битбилдиқ". Меҳмон қошиқни лабидан олиб, бошини кўтарди. Қулоқ тутди.

– Беданами? – деди бирдан чеҳраси очилиб. – Қойил! Қойил сизга! – дея хўжайинни сийлади.

Хўжайин билан “кенойи” беданалар овозига қулоқ солгандай кўринсалар-да, аслида нигоҳларида меҳмонни таъқиб этардилар.

– Дадам раҳматли беданани яхши кўрарди, – деди меҳмон кўзлари йилтираб. – Раҳмат сизга! – у мезбонга миннатдор боқди. – Дадам бедана овлаган. Лекин бунақа ов менга ёқмайди. Нари(эркаги)ними, модаси(урғочиси)ними овозини беришади. Алдашади. – Кўнглида шубҳа туйди: нега бу гапларни ўйладим ўзи?! – Нима бўлганда ҳам сизга раҳмат! Яна биттадан ичайлик! – қўллари қадаҳ қидирди.

– Нари – бу эркаги-да, а? – деркан, битта беданалик ҳолинг бор экан-ку, ўйлади хўжайин. Аммо ичида беданаларни сотиб олишга қистаган Муҳаммадрасулдан хурсанд эди. – Ҳали қизим келсин...

– Ҳов!.. – хўжайин кимга буюришини билмади. Ресторан тузук экан, хаёл қилди сўнг. Аммо меҳмонни қойил қолдирмоқчи эди-да. Ҳам иш осон битади. Қошида пайдо бўлган Шоҳрухга буюрди: – Қуй!..

– Бирон нарса енг, Расул ака! – деди ҳамон юмушдан тўхтамаётган Дилшодбек. – Бу ҳали-бери тугамайди.

– Биламан, – Муҳаммадрасул емишлар уюмига хавфсираб тикилди. Кўнгли ғилқиди. Шунча нарса-я!.. – Хотиним минан овқатланарман.

– Ўзиз биласиз – Дилшодбек олтинларни ҳовучлаб-ҳовучлаб қоплаётгандек алпозда эди. – Ҳов, Шоҳрух!..

Меҳмон қадаҳни сипқорди. Костюмини ечиб, стул елкасига ташлади, бўйинбоғини бўшатди.

– Пастга тушайлик энди, – дея қўл силтади қучоқлашмоқчидек. – Салқинлайлик!..

Тушови бўшатилган буқа каби ўзларини ҳар ён уриб, елкаларини, оёқларини силтаб, фаввора ёнига ўтишди. Ҳайдовчи курсиларни яқинлаштирди. Юзу танларига сувнинг намчил салқини уриб, хуш ёқди.

– Ома дачани боплаган экансиз, – деди меҳмон йирик жуссаси ором ола бошлаганидан кўзлари сузилиб, чироқларнинг сувда аксланган нурида юзи йилтиради. – Биз бўлса, юраверибмиз-а!..

– Ҳе, ока, биззи дача сизники-де. – Хўжайин Шоҳрух патнисда олиб келган биллур қадаҳлардаги хориж пивосини “аввал меҳмонга тут”, дегандай ишора қилди. – Аслида энг зўр ресторанда ўтирсак бўларди. Бу ерда ҳам йигирма-ўттиз хизматчини югуртириб қўйиш қўлимдан келади. Лекин тинчгина оилавий ўтирайлув, дедим-де. – Бу билан “кўрдингми, ман сани ўзимга қанчалик яқин оламан”, демоқчи бўлди.

Меҳмон муздек пиводан ҳўплади. Ҳалқумига ёқимли таъм урилиб, вужудини ҳузур сийпалади.

– Раҳмат сизга, росаям маза қиляпман. – Кўйлагининг бир неча тугмаларини ечиб, юнгли кўксини силади. Пишиллаб пиво симирди. Қулоғига яна бедана овози урилди. Кўнгли юмшади шекилли, хўрсиниб, деди: – Бедана зўр нарса-да! Отам раҳматли енгида олиб юрарди... – Бироқ бу сўзни миясининг қайсидир пучмоғидан топгач, яланғоч ўнг елкасидан то бармоқларигача назар ташлади-да, ниманидир англагандай бўлди-ю, ўйини давом эттиришни истамади.

– Енгида?!. – деб юборди сўл ёнида пиво ҳўплаётган “кенойи” беихтиёр.

Меҳмоннинг гапини тушунмаган хўжайин савол назари билан боқди.

– Сизлар буни билмасангиз керак. Шаҳарликсиз-да. – Қаддини тиклаб, юзи ёришганидан меҳмоннинг гапиргиси келаётгани сезилди. – Биз ёқларда оталаримиз кенг, енги узун чопонлар кийишарди. Баъзилари енги ичида бедана олиб юришарди. Ишқибозлик-да. Шу ҳолида овқат-повқат беришарди. Уриштиришарди.

– Да, ну-у!.. – деди “кенойи” қўл силтаб. – Ануви, нимайди?.. Бедананиям уриштиришадими? Кўрдим-ку!.. Такая маленькая ж?.. Йў, Аллўҳ!..

Меҳмон ёзилиб кетди.

– Сиз беданани уришганини кўрмабсиз... – Гапи оғзида қолди.

Дарвозанинг кичик тавақаси очилгани эшитилиб, чироқлар нурига уйқаш шарпа кўринди.

Хўжайин “хайрият-ей”, дегандай ўрнидан турди. Манови “беданавшина”дан қутулдик. “Кенойи” ҳам унга эргашди.

Меҳмон сергак тортиб, дарвоза томон қайрилди. Сўзи бўлинганидан озорланган эса-да, кайфиятини бузмасликка уриниб, яхшиликка умидвор тикилди. Айни дамда жумла эркакнинг нигоҳи ўша ёққа қадалганди.

Кўп ўтмай, шарпа одамлашди: озод сочлари елкалари узра ёйилиб, толалари юз-кўзини сийпалаган, нимқоронғида ҳарир товланган енгсиз, ёқасиз пушти кофта, баданини сирган почаси тор оқ шим, яланг оёқларига ўргимчакдай ёпишган пошнасиз, тагчарми юпқа пойабзал кийган, қадди-қомати жон олғувчи қиз тўғри “кенойи”нинг қучоғига отилди.

– Келдингми, джўн[4]?.. – “кенойи” қизини янги олган либоси қатини бузгандай ҳаракатлар билан сийпалаб, меҳмоннинг ҳолатини кузатиш асносида эрига боқди. – Любимчигизи кутволинг, адаси!

Ота-бола бир-бирларининг юзларидан ўпишди.

– Меҳмон билан таниш, қизим...

Меҳмон қизни кўриб, ҳамма нарсани унутганди. Унинг ҳар не дилга оташ солгувчи жусса-басти кўзларига қамалиб қолгандай эди.

– Совмалейкувм!.. – деди у меҳмоннинг қошига келиб, оёқларини беозор тапирлатаркан, танини силтаб, эркалангандай.

– Ваалейкум!.. – меҳмон қизнинг қўлини икки кафти орасига олди. Хушбўй ифор жонини қутқулади. Гапирмоқчи бўлди-ю, гапиролмади. Музқаймоқнинг ялтироқ қоғозини “ечаётгандек” пайпаслагиси келиб кетди. Бироқ ундай қилолмади, яланғоч елкасига кафтини босди холос. – Мунча... Мунча чиройлисиз, асал?!.

Қизга унинг дағал қўллари, вужудидан таралган ҳид ёқмади. Аммо кўзларига кўзи тушди-ю, синди. Онасининг гапини эслади: “Эркакнинг нияти кўзида бўлади, шунга қараб ҳаракат қил”.

– Чанқадим!.. – деди қиз ўзини ортга олиб.

Меҳмон ичимлик ахтарган, лекин тополмаётган одам кўйида бетоқатланди.

Шоҳрух қизга муздек шарбат тутди-да, ғойиб бўлди.

Меҳмон уни ўтқазди.

– Сал салқинланг! – деди курсига қўшиб қучволгудай.

“Кенойи” меҳмоннинг ҳолатидан мамнун эди: эримай ҳам кўр-чи! Кайфиятини кўз қараши билан эрига ҳам юқтирди. Ишораси ҳайдовчига ҳам етди – у шитоб телевизордаги тасвирни алмаштирди: тоғу тошлар оғушида денгиз чайқала бошлади. Тўлқинлари соҳилга урилиб, оҳиста ортига қайтади. Майин куй таралди, тоғлар ҳайбати сустлашди, тўлқинлар шашти сезилмай қолди. Борлиқда ел япроқни эркалагандай тароват.

Хўжайиннинг ишораси билан барчага қадаҳ улашилди.

– Ман тост айтмоқчиман! – деди “кенойи” ўрнидан туриб.

Меҳмон ўнг қўлида қадаҳ тутиб, чап кафтини қизнинг елкасига босди. У эса хайрхоҳона, ҳатто шаҳвоний боқди.

4 Джўн – Жон демоқчи.

– Мана-де... – бидиллади “кенойи”, – дунёда миллиард-миллиард одам бор-де. Ҳаммасининг вераси ҳар хил. Например, руслар Аллӯҳни бог, дейди. Уларда церковга бориш не обезательно-де. Эркинлик-де... Бизада бошқачароқ: ҳалиги нимайди?.. Рӯмол ўра, мачитга бор...

Хӯжайин унга норози нигоҳ ташлади: ҳадемай отинойи бӯласан, шекилли!

Меҳмон томоғи тақиллаб, бетоқатланганидан қизнинг елкасини беихтиёр қаттиқроқ мижғилади. Қиз энтикди-ю, парво қилмади.

“Кенойи” ошириб юборганини фаҳмлади.

– Ман нима демоқчиман? Главное, йурак тоза бӯлсин-де. Аллӯҳимга раҳмат! Эркин ҳаёт учун ичайлув!

Барча уни олқишлади.

Шароблар сипқорилгач, газагига пиво билан нордон емак берилди.

Куй авжланди.

Юзини бирпас фаввора салқинига тутиб турган қиз бирдан ӯрнидан туриб, меҳмонга қайрилди.

– Ман сизни... нимайди... рақсга таклиф қиламан, – деди кӯзлари чақнаб. – Ахир бу женская музика-ку.

Адойи тамом бӯлган меҳмон бесӯнақай тана аъзоларини қайга қӯйишни билмасди. Рақсга уқуви йӯқмиди, каловланди. Бироқ қиз саросимага тушишига изн бермади: йӯғон, бақувват қӯлларини оҳиста нозик белига ёпиштирди, кафтларини эса елкасига босди. Меҳмон унинг ҳаракатларига монанд тебрана бошлади. Биллур шиша идишни синдириб қӯйишдан чӯчиётгандек кафт-бармоқлари бӯлакча титрар, не-не навниҳол қизларни оҳ урдирган одам ёш йигитдай ҳаяжонланарди. Аммо уларнинг нархи бӯлганини ӯйламасди... Ниҳоят юрак уриши меъёрга тушди. Нигоҳи бағридаги лолақизғалдоққа қадалди:

– Ишқилиб туш кӯрмаяпманми?

– Йӯқ, мана, турибман-ку. – Қиз унинг ёлдор кӯкрагига юзини суйкамоқчи бӯлди-ю, димоғига таниш ҳид урилиб, шаштидан қайтди. Тезроқ онаси айтган ишни бажариб олса бас. – Бизани иш нима бӯлди? – деди муддаога кӯчиб. – Адамлани бизнеси ӯша пулга қараб қолди-де.

Меҳмон қизнинг ёрилганидан танида ҳузурли олов сезди.

– Ҳозир банкларга ҳамма осилиб олган. – Қӯллари қизнинг белидан пастини сийпалади. – Кредит масаласи қийин. Сӯраган кӯп. Шу бирор ой ичида...

– Йӯқ! – дея қиз ӯтли нигоҳини қадаб, унинг кӯксига кафтини босди. – Уч кун ичида ҳал қиласиз. Икки миллярдни ӯтказиб берасиз.

– Менга... менга нима тегади? – меҳмон қиз қулоғининг юмшоқ жойига лаб босди.

– Айтганингиз...

Меҳмоннинг вужудидаги олов зиёдалашди. Шу ердаёқ... Бирдан унинг кӯкрагидаги нарсага кӯзи тушди: бӯйнидаги тилло занжирга нимадир осилганди – япалоқ, ялтироқ.

– Нима бу?

Қиз хаёлларидан чалғиб, тақинчоғини кӯз-кӯзлагандай деди:

– Университетимизда ӯқийдиган япон совға қиган-де. Уларнинг Худоси эмиш...

Меҳмоннинг ичида нимадир қалқди. Шошиб қизни қӯйиб юборди. Оғзини кафти билан тӯсиб, нари отилди.

Хӯжайин буни ӯзича тушунди.

– Ҳов, Расул ака! – дея овоз берди ошхона ёққа. – Итларни чиқарворинг, меҳмон бир маза қилсинла.

Муҳаммадрасул ҳужра олдида серрайиб турарди. Хўжайиннинг гапидан ишнинг кўзи очилганини кўрган одамдай шахдланди. Бироқ мағзига етгач, тарвузи қўлтиғидан тушди.

– Тавба, овқат маҳали итга нима бор-ей!

Аммо хўжайиннинг амри бажарилиши лозим эди. Феълига аксил ғудраниб, итхона томон юрди. Ҳатто Дилшобдекнинг маъноли тиржайишига ҳам парвосиз ўтди. "Тошқалъа"га бошини суққан меҳмон ўқчиётгандай туюлди. Балки шунчаки оғиз чаяётгандир.

– Товусларни нима қилай? – дея сўради тўхтаб.

– Чиқаринг! Окамлага ёқади...

Итлар озод қилингани ҳамоно мағрур қоматларини кўз-кўз қилароқ шийпон тарафга чопдилар. Икки товус эса бу оламда улардан бошқа жонзот йўқдай ҳар ёна солландилар, олис-яқин шуълаларда йилтираган қаноту думларини ёйиб, силтаниб қўйдилар.

Юз-қўлини рўмолчасида артаётган меҳмонни яна шийпон сари ундадилар.

Хўжайин унга тавозе кўрсатаркан, ичида ёзғирди: хизматчиларни кўпайтирсам бўларкан, сочиқ тутишарди. Қўли кўксида жилмайди. Европаликлар базмга киришдими, бирор марта қўл ювишмайди. Сўрашишади, қучоқлашишади, ўпишишади, лекин ювишмайди...

– Қизим, сан меҳмоннинг ёнига ўтир!

Итлар шийпонгача чиқди. Балиқдай билтанглаётган "кенойи"га суйкалишди. Аёл уларнинг бошу жағларини чангалларкан, дастурхондаги энг танқис емаклардан бирини олиб, кафтида тутди. Итларнинг оғзи катта эди, бошларини тик тутганча емишни лунжларида айлантириб, гўё таомнинг таъмини билишга уринаётгандай чайнардилар.

Муҳаммадрасул "тошқалъа" ёнидан ўтаётганди. "Кенойи" билан итларнинг кепатасини кўриб, ёқа тутди: анвойи таомлар, мана, ким учун экан. Тавба, харом-ҳалолнинг фарқи қолмади-ку!..

Шоҳрух ликобларда қандайдир овқат келтирди-да, ҳамманинг олдига биттадан қўйиб чиқди. Ортидан мусаллас қуйди. "Кенойи" меҳмонга яқинлашаркан, қизининг юзу лабларини силаб, қулоғига шивирлади:

– Нима деса, йўқ дема, хўп!

Бу пайт итлар меҳмоннинг икки ёнбошида турар, суйкалмасдилару дастурхондаги нарсаларни ҳидлаб-ҳидлаб қўйишарди.

Меҳмон қўлларини елкаси қадар кўтариб, гўё иргангандай афтини буриштирарди-ю, орада мезбонларнинг ҳурмати учун тиржайишни ҳам унутмасди.

– Итларингиз зўр экан! – деди ҳамон қўлларини муаллақ тутиб.

"Кенойи" итларни яна пайпаслади. Олдидаги бир тўрғам нонни четроқ суриб, ликобчадаги жигарранг емишдан икки дона олди.

– Булар дастурхонга рухсатсиз тегишмайди, – деди ифтихор билан кафтини итларга узатиб.

"Оқсуяк" жониворлар емишни биттадан лунжида қимтиб олиб, ямлашди.

"Кенойи" панжаларини меҳмоннинг елкасига босганда у сапчиб, ўрнидан туриб кетди.

– Келинг, бундершафт қилиб ичамиз! – деди қадаҳли қўлини аёлнинг чиғаноғидан ўтказишга уриниб.

У итлардан қочиб, "кенойи"га рўпара бўлди. Бошини орқага ташлаб, аёлнинг кўзларига боқди: ҳар ҳолда бу ит эмас, одам-ку! Сал дадиллашди. Қадаҳни лабига

олиб борди. Бундершафт “кенойи”нинг бармоқларига яқинлашмасликнинг энг одилона чораси эди.

Шу пайт пастда – фаввора атрофида кезинган товусларнинг бири ғозга шогирд тушган қарғадай шанқиб юборди.

– Чиройли нарса-де, – деди Дилшодбек товадаги таомни ковларкан.

– Чиройли бўлмай қолсин! – Ярим девор ёнида турган Муҳаммадрасул умрида балки юзинчи бор ўйлаган ёки гапирган фикрини қайтарди: – Овози бирам хунук!..

– Эҳтимол бундаям Худонинг бир ҳикмати бўлса, ажабмас-де. – Дилшодбек товадаги емишни ликобчалардаги кўкатларга қориштириб, устидан кетчуп солди. – Ахир дунёда ҳамма нарса плюс-минус-ку...

– Гапингиз рост, – Муҳаммадрасул егуликларга ачингандай тикилди. – Шунча овқат-а! Ахир бу увол-ку, ука!

– Ҳе, ока, булар уволни... – Дилшодбек оғзидан чиқиб кетган гапдан чўчиб тушди. – Эртага итлар, товуслар бир маза қилади-де, ока, – деди бесаранжом типирчилаб, сўнг шийпон тарафга овоз берди: – Ҳов, Шоҳрух, манавиларни дастурхонга олиб бор!

Шоҳрух ҳайдовчи билан ҳиринглашиб турарди. Дилшодбекнинг овозидан сал ғаши келса-да, меҳмонга елкасини тираётган қизга умидвор кўз ташлаб, ошхона сари чопди. Янги таомни аввал меҳмоннинг олдига қўяркан, ликобчани жойлаш учун бояги бир тўрғам нонни четроқ суришига тўғри келди. Иккинчи ликобни узатаётганда қиздан таралаётган ифордан тебраниб кетди: бойларга маза-да! Чиройлилигини (бундан ортиқ таърифга тили келмасди) қаранг!..

Хўжайин ликобчага беписанд назар ташлади-да, Шоҳрухга дўқ урди:

– Дастурхондаги ортиқча нарсаларни йиғиштириб ол!

Йигит патнисни чап биқинига тираб, хандон писта, бодом пўчоқларини, мева-ю ширинликлар пўстлоқларини, суяк, аллақандай кўкатларнинг ўзак-поялари йиғиштиришга тушди. Меҳмоннинг ёнига келганда ликоб билан қадаҳ орасида қисилган бир тўрғам нон ҳам ортиқчадай туюлди-да, олиб, патнисга ташлади.

Меҳмон безовта эди. Ёнидаги сулувнинг вижир-вижир, бироқ ёқимли сўзлари қулоқларида айланарди-ю, атрофга умидвор термилиб, гўё ниманидир қидирарди.

– Адамла айтдилаки, – суйкаларди қиз, – пулни икки-учта банкка бўлиб, ўтказиб берсангиз ҳам бўларкан. Майлими-и?!.

Шу пайт бедана сайради. Меҳмон кафти билан кўксини эзғилади: “ота-а”, деган нидо эшитилгандай бўлди...

Шўх мусиқа янграб, экранда белдан пастини силтаган ярим яланғоч жононлар кўринди. Қиз меҳмонни тортқилаб, ўрнидан турғазди. У ярашмаганроқ ҳаракатлар билан қизга “жўр” бўлди...

– Ома сизга беш кетдик, ока, – дерди Дилшодбек мудом қўли ишдан тинмай Муҳаммадрасулга. – Анови ҳайвонларнинг ҳаммасини ўзингиз боқасизми? Буёқда боққаям қарасангиз керак?..

– Ҳа-а!.. – Муҳаммадрасул ҳужраси тарафга қаради: хотинини қидирди. – Тирикчилик-да, ука...

– Бўтта[5] иту товуслардан бошқаям ҳайвонлар борми? – Дилшодбек ҳаракатларидан гапниям, ишниям бирдай уддалаши мумкинлигини кўрсатишга уринаётгандай туюларди.

– Бо-ор... Оммалекин мусича минан қалдирғочни ҳеч кўрмадим.

Дилшодбек туйқус тўхтаб, унга синовчан назар ташлади-да, пичинг аралаш деди:

5 Бўтта – Бу ерда (шева).

– Капалакни-чи?

Энди Муҳаммадрасул унга маъноли қараш қилди.

– Билмадим... Буни ўйламабман...

Кейин ҳамма нарса – овозлар, ранглар, буюмлар, ҳатто одамлар қоришиб кетди...

Меҳмонни кузатган мезбонлар ичкарида уйқуга ётдилар. Дилшодбек билан Шоҳрух ҳам лаш-лушларини машинага юклаб, жўнаб қолишди.

– Хафа бўлмайсиз-де энди! – деб қўйди Дилшодбек рулга ўтираётиб.

Жангдан кейинги майдон кепатасига кирган далаҳовли Муҳаммадрасулнинг нигоҳига тўлди. Эр-хотин қурол-яроғлару жасадларни йиғиштиришга тушдилар. Жониворларни қафасларига қамашди...

Тун ярмидан оғганда фақатгина фаввора шовулларди. Олам сокин. Олис-олисларда машиналарнинг товушлари эшитилади. Чигирткалар чириллади, ҳатто аллақайда бедор чумчуқ ҳам чирқиллади... Ичкаридан хўжайиннинг йўтал аралаш от каби пишқиргани, аёл кишининг босинқирашдек энтикиш-ғўлдираши энди-энди ела бошлаган эпкинга қоришди. Дунё топ-тоза, ўйлади Муҳаммадрасул, фақат биз – одамлар уни булғаймиз шекилли-да. Тавба, шунча маломат мусулмон одамга ярашурми? Ўзинг ноқис бўлсанг, башарни айбламоқ нечун?! Ундан кўра, таҳоратимни янгилаб, таҳажжуд ўқий... Бағри ҳаприқиб, осмонга боқди: юлдузлар мўл. “Мен – зўр, сен – зўр”, дегандай чарақлайдилар. Уларга қўшилгинг келади. Юлдузлар аро бир тилим нур кўринди. Чойнинг пиёла гардишида жилваланаётган шуъласига ўхшайди – шу қадар нафис! Ҳилол!.. У пичирлаб, дуо ўқиди-да, юзига фотиҳа тортди:

– Олам шундай қолсайди!..

Бомдоддан сўнг “тошқалъа”дан сув олиб қайтган хотини кўзлари ола-кула деди:

– Дадаси, анови ерда ростданам яланғоч одам бор! Тавба қилдим!.. Қулочини кервоган! Ё Оллоҳим-ей!.. Кетайлик, дадаси!..

Тонг тароватидан руҳи тиниқлашган Муҳаммадрасул беихтиёр дарвоза томонга қаради: очиқ эди...

САРТАРОШ

Тинмай телефоннинг соатига қараётган енги калта оқ кўйлакли новча, зиёлинамо йигитнинг олдига новвотранг “Матиз” оҳиста қайрилиб тўхтади. У қўлларини ҳайдовчисини машинасига қўшиб мижғилаб ташлайдигандек беўхшов сермади.

– Эрта турмайди десам, намоз ўқийсиз, – деди маломат оҳангида. – Шу пайтгача нима қиласиз-а? Еттидан ўтди-ю, уста! Кечаям кута-кута...

Миқти жуссали, оқ юзли, ияги серюнглигидан кўкарган, думалоқ гумбазли кулранг дўппи кийган ўттиз беш ёшлардаги уста қарашига ҳадик аралаш муғомбирликни чаплаб, салом берди:

– Ассаломалейкў-ўм, яхши ётиб-турдингизми, ака? – Қўш-қўллаб кўришди. – Соғ-омонмисиз?

– Эй-й!.. – дея яна силтанди йигит. – Саломинг бўлмаганда!.. – Шунинг ортидан сартарошхонага устадан олдин кириб кетгудай ҳаракат қилди.

Лекин эшик қулфлоғлиқ эди, ноилож йўл берди. Уста бамайлихотир мўъжаз хонага ичкарилаб, энг аввало рўпарадаги ёғоч деразанинг қанотларини икки томонга қайирди.

– Келинг, ака, – деди ҳар бир нарсага кўз югуртириб.

Йигит ҳам кирди ва тонгдан буён димоғини сийлаётган хушликни аритган совун, турли крему эркакча атир, тамаки-ю ароқ ва ювилган сочиқларнинг ҳиди қоришиб, бижғиган, ҳалиям туннинг ҳайбати кетмаган сартарошхонага хос бўй-ҳаводан афти хиёл бужмайиб, дарров айлана тебранадиган ўриндиққа ўтирди.

– Кечаям кута-кута, – дея ўнг қўлида иягини чангаллаб, юзини у ён-бу ён буриб, кўзгудаги аксига тикилди.– Эртароқ чиқсангиз бўлмайдими? Олдинги усталар тонг саҳарда ҳаммани уйғотишарди. Ё эмизикли болангиз борми?..

– Яхшимисиз, ака? – сўради уста ва ҳар бир анжомига бир-бир бармоқ теккизиб, мижозининг елкасига лунги боғлади. – Соғлиқларингиз яхшими? – кўзгудаги аксига боқароқ, “шундан гапиринг” қабилида қув жилмайди.

Мижоз йўғон овозини баттар қўполлаштириб, танбеҳ бераётгандай деди:

– Сиз, чамамда, мен яхшиманми-йўқми, соғлигим қандай, кечаси билан ўйлаб чиқибсиз шекилли, а, жа қизиқиб қолдингиз?

Уста бирон нарсадан, айниқса, гапдан завқланса, лабларини чўччайтириб, ўртасида думалоқ тешик ҳосил қилганча, “ффоо” дея товуш чиқариб кулгисини бошлар, ҳатто тупук сачратади. Боз устига, қаддини хиёл эгиб, қорнини ушламоқчидай ҳаракат қилар, ўнг оёғини полга уриб ҳам қўяди.

– Рост-да, – деди унинг “ақлли кулги”ни тушунишидан тўлиққан мижоз, – кимнинг кимнинг соғлиғи билан неча пуллик иши бор! Ота-онанг ёки жигарларингдан сўрасанг, балки улар сендан сўрашса, ишонса бўлар. Аммо кўчада тўғри келган таниш соғлигингни, уй-ичингни сўраса, кулгили-да, сизга ўхшаб...

– Тўппа-тўғри, – деди уста астойдил ишга киришиб.

– Гузарда доим одамлар ўтиришади, биласиз, – дея ичидаги аламига кулги чаплади мижоз кўзгу орқали устанинг қўл ҳаракатларини кузатиб. – Ишдан қайтаётсам, “Ҳа, келяпсизми, домла”, деб қолишади. Ҳе, номардлар, аввало мен домламасман! Кейин проста келмаяпман, ишлаб келяпман деворгим келади. Баъзан, “Бугун кеч қобсими”, дебам қўйишади. Сенларга нима-я, аҳмоқлар!.. Шуларнинг бола-чақалари нима еб-ичаркин-а?

– Мен ҳам ҳайрон бўламан, ака, – дейди уста ҳамон ҳазилмангиз. –Эрталабдан кечгача шу ерда ўтиришади. Тағин арақ ичиб, икки-учтадан сомса ҳам ейишади. Менимча, бола-чақасиям шунақа яшаса керак-да. Энг ёмони, ўтганниям, кетганниям ғийбат қилишади, ўзларича одамларга ҳукм ҳам чиқаришади. Маҳалладаям шуларнинг гапи урчийди.

Мижоз илҳомланди:

– Уларга, бу ерда саси-иб ўтирмай, мачитга боринглар, намоз ўқинглар, деб амри-маъруф қилсангиз бўлмайдими?

Уста кўзгу орқали унинг кўзларига синовчан боқди: буям давлатнинг одами-да, нимага шаъма қиляпти? Замон нозик, намоз ўқишини айтяптими, ё?

– Уйда новвос боқаман, ака, – дея ўзича жиддий тортди. – Дўкон аренда. Бу ёғи қишлоқчилик, нархни кўтаролмайман. Шуни тўлашсаям катта гап... Эртаматан мол-холга қараб, кейин келаман. Шунга... Сизга доим айтаман, ишдан қайтаётганда киринг, деб...

Мижоз унинг аҳволини сезиб турарди.

– Биринчидан, – деди кўзгу орқали “ўзингни бос”, дегандай шум қараш қилиб, – ишдан қайтаётганда чарчайман. Иккинчидан, кечки пайт дўконингиз тўла алкаш бўлади.

Устанинг юзини табассум сийпади: ҳамма нарсани сезади, тушунади бу одам. Шунинг ортидан унга яхши гап айтгиси келиб кетди:

– Эртаматан ўғилларингиз мактабга ўтади-ю, қараб қоламан. Тупроқли ёки ҳўл, лойли жойни сира босишмайди. Ҳавас қиламан. Нима бўлгандаям зиёлининг боласи-да, дейман.

Мижознинг қалбидаги ярим ёруғлик тўлди. Ўзини бу нарсаларга писандсиздай тутиб, гапни ҳазилга бурди:

– Кечки пайт гузарни бизнинг ошна обод қилса керак?

– Эй, обод қилишам гапми, – яна ёзила бошлади уста, – ишдан келади-ю, машинасини ҳов анови ерга қўяди. – У боши билан ойна орқали қаергадир ишора қилди. – Ҳалиги Обид бору, ҳозир ашини мурид тутган.

– Қайси Обид?

– Ҳалиги Шилпиқ дейишадими?.. – деди уста бировга лақаб қўяётганидан оғриниб.

– Обид шилпиқми? – таъкидлади мижоз. – Уям пул кўриб қолди, а? Қаердадир завскаладмиди?

– Ашнақа, шекилли... Аши минан машинага ўтирволиб, арақни пивога аралаштириб, роса солишади...

– Пивога аралаштирганини сиз қаердан биласиз?

Уста хижолатли мўлтирайди.

– Ҳа, энди кўзим тушади-да. Ҳов бир маҳалгача ўтиришади-да!

– Ҳар куни-я?

– Ҳар куни.

– Сизниям олдийзга кириб турар?

– Соч олдиргани киради, қошларини токчага чиқариб, қўлларини арра қилиб. Худди биров қўрқадигандай.

– Ошнам шунақа-да, – деди мижоз маломатсиз. – Қўпол ҳазиллашади, а?

– Гапляриям қизиқ, – дея жилмайди уста қўлларини ишдан узмай. – Тунов куни денг креслога ўтирди-ю, “Мен отамни ўғлиман, биласиз-а, уста?” дейди-да. Энди бу нима гапийкин? Ё мақтанишми?..

– Йўғе-е, демабсиз-да.

Уста кўзгу орқали боқиб, бир лаҳза тин олди-да,

– Ффо-оо! – деб юборди. – Ростданам шунақа демабман-а?..

Дераза олдига қора “Каптива” келиб тўхтади. Кўп ўтмай, эшикдан бошида янги гулли дўппи, эгнида қимматбаҳо кастим-шим, оғзи тўла тилла тишли, ўрта бўйига тарвуздай қоринчаси ярашган одам кириб келди.

– Э, хормanглар! – деди салом беришга оғрингандай. Ўриндиққа ўтириб, қўлларини юзига сурди.

– Келинг, ҳожи ака, – дея унга кўз ташлади уста.

– Ие, журналист ҳам шейда-ю? – деди тилла тишларини йилтиратиб. – Сочини яхшилаб олдингизми, ишқилиб, уста, омма ёзворади.

Бу пайтда уста лунгини ечиб, журналистнинг бошу елкасидаги соч-почларни қоқишга уринарди.

– Сизга ўхшаб одамларни кийдирвормийману, ҳожи ака! – деди журналист уни ёқтирмаслигини сўз оҳангида ошкора сездириб.

Тилла тишли пинак бузмади. Журналистнинг беихтиёр, одатга биноан узатилган икки қўли орасига бир қўлини кибрла тиқиб, сўрашди. У гапирганида тишлари баралла кўриниб, қоратўри юзида кулгинамо шарпа кезинса-да, кўзларида бу маъно акс этмасди.

– Ҳа, ишгами? – дея сўради у дўпписини бошидан олиб, авайлаб тортма устига қўяркан, курсига ўтирди. – Кўпик сачратворманг-а, уста!

Сартарош эҳтиёткорлик билан унинг елкасига лунги тутаркан, безовталанди.

Журналист тилла тишлининг ортида туриб, кўзгуга боққанча, уст-бошини тузатди, сочини тарради.

– Соқолни оламизми, ҳожи ака? – сўради уста аслида саволга ҳожат йўқлигини сезиб турса-да.

Ҳожи ғўддайиб, аксига тикиларкан, кўриниши ўзига маъқул бўлди шекилли, юзи ёришди, аммо сартарошнинг саволини жавобсиз қолдирди.

Журналист чўнтагини ковлаётганда, хонага қалин мош-гуруч соқоли текис қиртишланган, оппоқ яктаги юз-кўзига файз бағишлаган эллик беш ёшлардаги дўппили одам билан либоси оҳорсиз, уринганроқ дўпписи бировникидай таассурот қолдиргувчи, кўзлари олайганроқ қоратўри киши кириб келишди.

– Ассалому алайкум! – дея тантанавор салом берди соқолли юзи чарақлаб. – Ие-ие, журналистимиз ҳам шу ердайканлару, а! – қўш қўлини узатди. – Омонмисиз, чарчамай ишлаяпсизми? Бола-чақалар тинчми?.. – Хона тор эмасми, қоратўрига йўл бериш учун бир четга ўтди.

Журналист пулларини чап қўлида тутиб, иккалови билан кўришди-да, шошаётганига қарамай, ўтиришларини кутди. Шундоғам ўриндиққа учинчи одам сиғмасди.

Соқолли уста ва тилла тишли билан кўз уриштириб сўрашди.

– Қани, пата қилинг, қори ака, – деди журналист кафтларини очиб ва бу билан вақти зиқлигини билдиришга уринди.

– Омин, тинчлик-омонлигини берсин!.. Ҳа, Жамолиддинхон шошяпсизми, дейман? – дея қори оғрингандай бўлди.

– Ишга бориш керак-да, ака, узр, – деди журналист устага пул узатаркан. – Манови ўзим учун... Аслида пул бермасам ҳам бўларди-ю, кеч қоганийзга! Мановинга ўғилларимнинг сочини обқўясиз. Уйда бериш эсимдан чиқибди. Ҳали мактабдан қайтишда киришади.

– Хўп, ака, – дея уста қув қараш қилди.

– Бу ёзувчилар жа пишиқ бўларкан-да, а? – деди юзи кўпикланган савдогар ойна орқали кибрли боқиб. – Шуни болларийзи ўзига берсайиз бўмайдими? Уларга кўп-кўп пул бериб турсайиз, шунга ўрганишади, шоир.

– Биз олдин одам бўлишни ўргатамиз-да, ҳожи ака! – деди Жамолиддин қори билан маъноли кўз уриштириб оларкан. – Майли, бўмаса, мен борай.

Тилла тишли бўш келмади:

– Кўп пул топса, одам бўлатта, ука. Иннайкейин халтани кўтариб, ҳадеб астанопкага югурмай, мошина-пошина олволинг, журналист!

Журналист ғаши келганини яширолмади. Азали феъли шундай – бунақа одамлар билан тана туклари диккайиб гаплашади.

– Боши думалоқ, чоти айрининг ҳаммасиям одам бўлавермайди-да, ака. Мошинани бўлса, “Каптива”дан қиммати чиқса, кейин оламан, деб юрибман!.. Бўпти!..

Шу топда ҳалитдан бери олайиб қараб турган қоратўриникиям тутдими, нима бало!.. Журналист асли кўпчиликнинг ўзи билан гаплашгиси келиб қолишини, гоҳо тутган жойида бир нималар дейишларини, ҳатто баъзида ҳаётдаги паст-баланд ҳақида фикр билдириб, ўзларича ақл ўргатишга тушиб кетишларини ҳам пайқаб юради. Айниқса, манови тўнкарилган қозондай қоп-қора, гум-гурс домла шунақароқ. Кимёдан дарс берармидией?!.. Яхшиям ўқитувчи номи бор, бўлмаса, гап-сўзи-ю савдойинамо нигоҳига боқиб, “психбаниса”нинг қоровул-поровулими, девориш ҳам ҳеч гапмас.

– Бир минутга, Жамолдин, – деди у ўқувчисига ақл ўргатаётгандай кўрсаткич ва бош бармоқларини назокат ила бирлаштириб.

– Шошиб турибман-да, домла...

– Э-ээ, бир пас эшитинг, ўзингизга фойда. Менимча, таҳаллусингизни Жамол Камолиддин эмас, Жамол Камол деб қўйганингиз тузук...

Журналист “э-ээ”, дея қўл силтади-да, ўзини ташқарига урди.

– Яхши гап гапирсанг ҳам ёқмайсан, бу шаҳарлик бўп қоганга! – тўнғиллади домла. – Тағин зиёлиймиш!..

– Уста, – деди тилла тишли, кўзгу орқали кимё ўқитувчисига “сен ҳам одамми!” дегандай қараш қилиб қўяркан.

– Эшитаман, ҳожи ака, – дея сартарош устарасини бир лаҳза нари олди.

Қори эса домлага тушунтирмоқчи бўлди.

– Ҳа, энди, ишли одам, кеч қоса бўмайди-да, қўшни.

Тилла тишли:

– Мендан ниманинг ҳиди келяпти?

Уста:

– Манови совун кўпигининг ҳидида билмадиму, тоза атирники бўлса керак-да.

Кимё муаллими:

– Ишидан ўргилдим уни!.. Ўзи тузук-қуруқ нарса ёзмайди, мактабда газита ўқиб тураман-да. Тағин таҳаллус қўйвоганига ўлайми?!

Тилла тишли:

– Тополмадингиз, уста. Хўш, яна?..

Уста:

– Ҳожи атирнидир (мушк демоқчи), балки?..

Қори беозоргина деди:

– Бунақа одамлар юртнинг фахри бўлади, домлажон. Ёзувчи, кўп ўқиган-да. Шу-чун уларни эҳтиётлашимиз керак...

Тилла тишли:

– Шуниям билмадингиз-а, уста бола!.. Э, сиз ниманиям билардингиз, дўконийздан чиқмасайиз!.. Голландский сир (пишлоқ) еб чиқдим, шуни ҳиди келяпти, ука!

Уста:

– Узр, ҳожи ака!.. Нима, унақа сирни ҳиди зўр бўладими?

Кимё муаллими:

– Қанақа ёзувчи, қанақа фахри-ей?!. Бironта китоби чиқмаган бўлса!

Қори:

– Сиз шунақа дейсиз-да, домла. Аслида у зўр йигит. Кўпчиликка фойдаси тегади, а, нима дедингиз, ҳожи ака?

Тилла тишли:

– Нима дедингиз, ҳожи ака? Гапийзи эшитмадим.

– Жамолддинни айтаман, яхши бола-да... – деди қори энди хафсаласизроқ оҳангда.

– Ҳа-а, анови журналистми? Э, у одам-подаммас, ака! Укамни ошнаси, яхши биламан-да. Одамларни “устингдан ёзаман”, деб қўрқитиб, пулини оларкан. Ҳаромданам қўрқмайди, ҳожи ака! Шуни-чун керилса керай-да, катта-занг! Эшитдийзу, қиммат мошина олармиш! Сен олдин битта валасапит ол, кўрайлик!

– Ана, кўрдингизми, қори ... ҳожи ака! Ҳамма билади уни... – деди кимё муаллими.

Қорининг хафсаласи пир бўлиб, индамай қўя қолди. Тилла тишлининг аксафти жийирилиб, домлага “сенинг гапингни маъқулламадим” ёки “менинг тенгим эмассан”, дегандай қараб қўйди.

Уста ишини якунларди.

Остонада бир ёнга хиёл қийшайиб, Обид шилпиқ пайдо бўлди. Юзи бўғриққан мисол сиёхрангга товун қизарган, шафақли ёшланган кўзлари ёқимсиз йилтирайди, кетма-кет бурнини тортар, турқидан боши ванглиги яққол сезилади. Чиндан ҳам шилпиқ деганларича бор экан – хаёлидан ўтди устанинг... У ё салом берди, ёки томоқ қиргандай ғингшиди.

Лекин ростакамига алик олса-да, қорининг кўз қарашида хиёл таъна бор эди. Обид буни сезиб, ўлганининг кунидан ўтирганлар билан сўрашишга мажбур бўлди. Хонани ачимсиқ арақ ҳиди тутди.

– Ҳай-ҳай, арақда чўмилдингизми, Обиджон? – дея оғзи-бурнини ёпиши асносида соқол-мўйловини силади қори.

Обид ўзини нари оларкан, баттар қизариб, бошини у ёқ-бу ёққа тебратганча бурнини тортарди, холос.

– Вой-бў-ў, сасиб кетибсизу!.. – деди тилла тишли уста елкасидан лунгини олгач, юз-жағини кўзгуда кўздан кечираркан.

– Одиколон сепмийман-а, ҳожи ака? – сўраб қўйди сартарош ҳазил-тойпа қилиб.

У ўрнидан тураркан, қўл силтади.

– Оборинг-ей арзон нарсангизни! Мошинада зўридан бор. – Сўнг дўпписини кийиб, Обидга қайрилди. – Ҳўй, бола, ичишни ташланг, ҳаром нарсани!

Обид ўзини қўйгани жой тополмагандай безовталанди, афти бужмайди.

Устанинг туси ўзгарди: ё кап-катта йигитга кўпчиликнинг олдида бу тақлид гапиришлари ғалат туюлди, ёки туппа-тузук бир “клиенти”ни бездиришаётганидан малолланди. Обид, ичса-ичмаса, аслида бу ўзининг ишику-я, болам-чақам дейдиганлардан, қолаверса, энди-энди ишига барака кираётганини ҳам эшитган. Буларга нимайкин-а?..

Шу хаёлларига ўчакишгандай туппа-тузук қори насиҳат қилиб қолса-да:

– Отангиз раҳматли яхши одам эди, Обиджон. Билишимча, топиш-тутушингизга барака кириб қопти. Бунақа ичиб юрманг, ука! Оллоҳ таоло...

Обид ошкора уф тортди-да, дўқ ургандай кесатди:

– Хўп, ҳожи ака, хўп!.. Уста, қишлағда бошқа сартарошхона йўғ-а?!. – деди-да, зардали қўл силтаб, чиқиб кетди.

– Ёқмади, – дея тиржайди тилла тишли, устага пул узатаркан. – Ёшда-ёш, яхшиликни билмайди... Бўпти ўмасам, қори ака. Домла, сал мачит-пачитгаям чиқиб туринг!..

– Майли, ҳожим, ишингизга ривож берсин, – деди қори негадир бўшашиб.

Тилла тишли хонани тарк этди.

– Қани, қори ака! – дея курсига ўтиришга ундади уста.

– Домла, ўзлари ўтсинлар, – деб мулозамат қилди қори ўрнидан туришга шайланиб.

– Бемалол, ҳожи ака, ўтироврinг... Иплос бозорчини гапини қаранг! – деди сўнг кўзлари қинидан чиққудай бўлиб. – Мен сен бор учун чиқмийман мачитга, ҳаромхўр!..

– Ё бисмилло!.. – қори креслога ўтирди. – Андак хомлик қилдик, а, уста!..

– Нега?

– Обиджонга ҳалиги гапларни бекор айтдим-да, хапа бўп кетди-да бечора!..

Бунақа одатим йўқ эди, шайтон йўлдан уриб...

Уста унга лунги боғларкан, овутди:

– Диққат бўманг, қори ака, одам ҳар хилда энди... Кўп ичибди-да...

– Гапирмаслигим керагиди-да, ҳе аттанг!.. – қори кескин ҳаво пуркаб, ўзини ўнглади. – Ҳа, майли... Ўзингиз қалайсиз, иннейкигин, уста? – у доимги ҳазилкаш қиёфасига кирди.

Уста қув жилмайди.

– Яхши, оз-оздан тери-иб юрибмиз, қори ака...

– Ановни гапини қаранг!.. – дея олатопроқ (пишмаган, жиннича) гап қилди домла. – Эшитдингизми, ҳожи ака?

Тилла тишли қорининг эсида йўқ эди.

– Қайси гапни? – деб қўйди одоб юзасидан.

– "Мачитга чиқиб туринг", деганини қаранг. Ўзи мендан кичик, ақл ўргатишини дейман-да. Биз энди, домла бўлсак, чиқармиз бир куни! Сенга ўхшаб уч марта ҳажга бормаган бўлсагам. Ҳажниям бозорга айлантириб, а, ҳожи ака!..

Қорига бу гаплар ёқмас, ҳалигина тилини тишлагани учун ғийбатнинг манови улгуржисига ё "ҳа", ёки "йўқ" деёлмай, дилтанг эди. Индамаса, юзининг туси юрагига ҳам уриб кетган асли муаллиму, аммо ҳатто толибликка-да етмаган домлаи ақли қосир маломат ила жириллаб қолишини фаҳмлаб турарди. Ана унда ҳалоскор нажот қайларга сарсон кетишини кўринг-да. Кимё муаллими ўзиникини маъқуллатмагунча қўймайди – бу аниқ.

Бахтига дераза ортидан аёл кишининг оҳиста томоқ қиргани эшитилиб, жонига оро кирди – моғор гап бўлинди.

– Ҳа, опа?.. – деди уста қўли ишдан тўхтаб.

Аёл паналаб турганидан бошининг ярмигина кўринарди.

– Ўғлимнинг сочини обқўясизми, дегандим. – Унинг овози бағоят майин эди.

Уста:

– Хўп, опа. Битта одам бор, шундан кейин, майлими?

Аёл:

– Майли-майли. Бўмаса, биз ташқарида ўтириб турамиз, чақирарсиз.

Уста:

– Сиз уйга кириб кетовринг, опа. – Аёл ўзи тенги эди, одоб юзасидан шундай атарди.

Аёл:

– Йўқ, кутиб тураман. Кўчада мошина кўп, балодан ҳазар! – у нари кетди.

– Худо инсоф берсин, аёлларимиз яхши, а, уста? – деди қори чинакамига шукрона айтгандай. – Уялиб, ҳаё билан туришини қаранг!

– Бу кимни хотини? – сўради домла ғалтак замбилнинг ғилдираги товушида.

– Янги чекдан, – деди уста гапиришни истамагандай ва шу билан бу мавзунинг тугашини истарди.

Тилнинг суяксизлиги ёмон. Ўзингникини жиловлай олсанг, ўзганики бўшоғлиқ қолади.

– Эрининг оти нима? – Қоратўрироқ сўроқ қилди домла.

Уста истамайгина деди:

– Қурбонжонмиди... Ҳа, шунақа бўлса керак.

– Ҳалиги... Россияда юради, а?

– Шунақа бўлса керак...

Домла ўзибоп гап топилганидан яйраб, чойнагига тушди:

– Биламан. Ўқитганман. Балони билмасди. “Ўқи, ўқи”, дердим, йўқ!.. Мана, энди мадикар (мардикор)чилик қилиб юрибди... Хотини тузук шекилли-а?.. Чекда кў-ўп Россиячиларнинг хотинлари “иш кўрсатиб” қўйяпти, дейишади. Шунақами?..

– Мактабда нима гаплар, домла, тинчликми? – бояги озоридан мудом афсусланаётган қори ғийбатнинг бўйнини узишни истади.

Кимёчининг фасоддан ҳузур кутган нафси шикастланди шекилли, норизо тўнғиллади:

– Мактабда нима гап бўларди, қори. Эрта-индин пахта ғалваси бошланади. Бир ёғи супур-сидир...

– Бу йил мактаблар пахтага чиқмайди, дейишётувди-ю?..

– Э-ээ, айтишовради!.. – яна ғингшиди домла. – Буларнинг иши қачон мактабсиз битган! – у олдинги “чайнамайшиминг”ини унутди.

Буни қори билан уста ҳам пайқашди.

– Хўш, устахон, – деди қори ҳазиллашгиси келган киши оҳангида, – оз-оздан териб юрибсизми ё битталабми?

Сартарош унинг муддаосини фаҳмлаб ва мавзу ўзгарганидан енгил тортиб, одатдагидай ёқимли жилмайди.

– Битта-битталаб, ҳожи ака, битта-битталаб!..

– Нимани? – сўради домла шунча “этчайнар”лигидан кейин ҳам соддалиги тутиб.

Унинг жаҳли чиқишидан чўчиб, икковлон кулгисини базўр яширишди.

– Ризқини-да, домла, ризқини! – деб қўйди қори дилозорликнинг олдини олиб.

Уста ишини якунлади.

– Бороколло, уста, бороколло!.. Бу пулини бермасагам соч-соқолни яхши оловрасизакан, а? – тегишди қори.

– Ҳожиларга икки ҳисса бўп қоган, қори ака, – дея юзига қувлик югурди устанинг. – Қани, домла, ўтиринг-чи!..

Қори пулини тўлаб, қуйиқ хайрлашиб чиқиб кетди.

Уста домлага лунги тутгач, токчага тираниб, ташқарига бўйлади.

– Ҳозир, опа, – деди бояги аёлга илтифот кўрсатиб. – Шу одамни оволсам, ўғлингиз киради.

– Ҳалиям ўтирибдими? – деб қўйди домла, лекин саволининг мантиқсизлигини фаҳмламади.

Уста индамади. Шу креслога ўтирганки аксарият одамларнинг негадир гапиргиси, ҳазиллашгиси келаверади. Шунинг учун бўлса керакки, устози кўп огоҳлантирган: мижознинг бўлмағур гапини маъқуллагандек, одамларга ёмон маълумот бериб қўйишдан ҳам ҳамиша сақлан, деган. Чунки сартарошнинг ҳар бир гапи бутун маҳаллага, қишлоққа тез тарқайди, дерди.

– Ҳожи акаям кетди, а? – яна янги гапни қўзғашга чўғ ташлади домла.

Ишқилиб тағин ғийбатни бошламаса бўлди, дея устанинг юраги зириллади. Ҳадиксираганича бор экан, домланинг оғзидан дарров ўлаксанинг ҳиди келди:

– У менинг қўшним бўлади, билас-а? – деди гапга қалов ташлаб.

– Ким? – дея атайлаб талмовсиради уста, хаёлида эса, қанийди, чалғиб кетса, дерди.

Қаёқда, қора домланинг тили шаштланди:

– Қўшнисини ёмонлаяпти, демангу, бу одамнинг ҳожилигиям бир тийин! Ўртамизда девор бор-да...

Уста ичида астағфуриллоҳлашга тушовди ҳамки, бахтига ҳассасини дўқиллатиб оппоқ яктак-иштонли Дамин бува кириб қолди.

– Ассалому алайкум! – деди ҳансираб. Соқол-мўйлови оқ дўпписига қоришиқ сочларига қўшилиб нурланаётгандек туюлади.

– Ваалайкум ассалом, Дамин бува, келинг-келинг! – уста одоб юзасидан қўшиб қўйди:

– Ассаломалейким!..

Чол ўриндиққа ўтириб, ҳассасини қорнига тираганча, дуога қўл очди:

– Омин, илоҳим иймонга бой қилсин, Оллоҳу акбар!

– Оллоҳу акбар! – деди уста ҳам қўлини ишдан узмай.

– Қалай, уста, чарчамайгина, а?.. – юзлари ёришиб ҳол-аҳвол сўради оқсоқол.

– Шукр-шукр, Дамин бува! Ўзингиз бардаммисиз? – Сартарошнинг овозидан бутунлай дили ёришиб кетгани сезилди.

– Ҳе, омон бўл, болам! Раҳмат, раҳмат!.. – кўзгу орқали ўтирган одамга қаради. – Бу ким бўлди? Ие, ўзимизи домла-ю... Сиз қалай? Соғ-омон?..

Уста атай қилдими, кимёчининг соқолини қиртишлаётган устарали қўлини нари олмаганидан у гапиролмади-да, "ҳмм" дея олди базўр.

Чолнинг қулоғи оғирмиди ёки кекса одам – эшитмай қолади, деб гумонлармиди, уста товушини анчагина қўйиб гапирарди:

– Ўғлингиз тузукми, Дамин бува?

– Шукр, болам, шукр! Банисада ётибди, аҳволи анча яхши. – Чол соқолини тутамлаб силади – Оллоҳнинг айтгани бўлади. Норизо бўлсак, шак келтирган бўп қоламиз. Тағинам Ўзи меҳрибон-да, болам оғир жароҳат олмади...

Уста:

– Мошинани кўрдим, пачағ бўп кетган экан.

– Ҳа-а, Худонинг раҳми келди ўғлимга! – истиғфор қабилида деди Дамин бува.

– Ўғлингиз уйда бўлганда, бу ёққаям мошинада обчиқарди-да. – Оқсоқолнинг кўнглини кўтарди уста. – чарчаб қомадингизми, дейман-да, бува!..

– Худо холаса, тузалиб чиқса, тағин мошинада катейса қиламиз-да, уста.

Кимёчининг оғзини унутган экан, яна бирдан томдан тараша тушди-ю:

– Ўғлингиз ичармиди?

– Астопирилло, денг, домла! – Дамин буванинг бироз жаҳли чиққани сезилди.

– Машинани авария қиганига айтаман-да...

– Ҳа, энди темир темир-да, домла. Мени биронта болам арақ ичмейди!

Уста ишини якунлаб, домланинг туришига йўл берди.

– Шошилмаяпсизми, Дамин бува? – деди кимёчининг яна бирон нарса деб оқсоқолни ранжитиб қўйишидан безиллаб. – Бир аёл ўғлининг сочини олдиргани обчиққан экан. Анча кутиб қолди-да!..

– Қани? Қани у боланг? – Чолнинг юзи ёришди. – Майли, чақир, обқўй чачини!

Уста деразадан овоз берди:

– Ҳов, опа, ўғлийиз кироврсин!.. Чек маҳалладаги Қурбон аками, Қурбонжонми бору, ашини ўғли-да. Ўғлийзи ошнаси бўлади, шекилли?..

– Бўлди-бўлди, танидим. Россиячи... Ҳўй, домла, – дея кимёчига қайрилди оқсоқол, – мактабга чиқиб турибсизми?

– Ҳа, энди бизни тирикчилик шу бўгандан кейин чиқамиз-да, – деди домла майда пулларини саралаб, устага узатаркан. – Нимайди?

– Пенса-менсага чиқмадийзми, дейман-да... Бу дирихтир ишлаяптими-йўқми?

– Ишлаяпти, ишламай қайга борарди! – дея тўнғиллади домла.

– Мабодо кўриб қосайиз, айтинг, ўқитувчиларни сал назорат қип турсин! –

Астойдил куюнди Дамин бува. – Кичкина неварам ҳар куни иккита ё учта дарс бўмади, деб келади. Бу қанақаси энди?!

– Э-ээ, у одамга айтганингиз билан барибир! – домла эшикка йўналди. – Ўзидан бошқани ўйламайди.

– Ҳе, тавба, шуна-а денг. – Чол хафсаласиз таъкидлади: – Мени айтди деб қўйинг-чи...

Домла чиқиб кетиши ҳамоно, уялганидан писмайиб етти ёшлар чамасидаги болакай кириб келди-да, қўлидаги тўрт буклоғлик пулни дарров устага узатди.

– Кейин берардингиз, той бола! – деди сартарош уни креслога ўтқазиб. – Чачни об ташлаймизми?

– Ҳмм...

Уста машинкасини созлашга тушди.

– Қурбонбойди ўғлимисан, болам? – сўради Дамин бува эркаловчи оҳангда.

Тағин “ҳмм” деди бола, сочини қиртишлай бошлагани учун хиёл, энкайиб, ер остидан.

– Даданг пул жўнатяптими?

Бола:

– Жўнатяпти...

Чол:

– Бизгаям бериб тургин, гўш-пўш олайлик.

Бола:

– Аям бермайди.

Чол кулиб:

– Ия, пул аянгда турадими?

Дераза олдига велосипедли одам келиб тўхтади.

– Хорманг, уста! – деди уловидан тушмай, токчанинг четини тутиб. – Ассаломалейким, Дамин бува!.. Отамни бир ремонт қип қўярсиз, уста.

– Хўп. Ўзи тузукми?

– Тузук, раҳмат. Қачон кирасиз?

– Ҳали уч-тўртларда, бўладими?

– Майли. Чиқаймиз ё?

– Ўзим кираман.

– Бўпти, Дамин бува!.. – дея яна велосипедини ҳайдаб, кўздан ғойиб бўлди.

– Бу кимни ўғли? – сўради чол ҳассасини ёнбошга олиб.

– Эргашали бувани, – деди уста машинкасини ғўнғиллатишдан тинмай. – Сиз тенги бордир, а, бува?

– Йўқ, Эргашали укамданам кичкина. – Дамин бува беихтиёр кексаларга хос мақтана бошлади. – Беш ёш парқимиз бор. Бечора ётиб қобди, а?

– Ҳмм, бир жойда бўп қобди. – Уста овозини шафқатга йўғирди. – Омма сиздан каттага ўхшайди.

Чол хўрсинди.

– Дард шунақа-да, болам, манаман деган полвонниям енгади. Кейин, Эргашалининг боши бир умр оғир меҳнатдан чиқмаган. Биз бўса, олдин отамизни даврида эрка яшадик, бу ёғигаям жонимизни аяб ўтдик-да. Шунақа...

– Мана, той болаям куёвбола бўлди, – дея болакайни туришга ундаган уста, Дамин бувага юзланди. – Қани, бува, бу ёққа ўтиринг-чи!

Оқсоқол шошилмай креслога жойлашди.

– Чачам ўсиб кетди, об ташлайсиз, – деди ойнага кўз солиб.

– Чач-соқолни текислаймиз?..

– Ҳамишадагидай...

– Қани, бўмаса, бисмиллоҳи раҳмони раҳийм, – дея уста ишга киришди...

Дўконни қулфлаб, машинасини очаётганда, орқа кўчадан йигирма беш ёшлардаги йигит қайрилиб келиб, салом берди.

– Ваалейким ассалом, – деди уста, ўзини мисоли овутиш учун, шунчаки йўловчи – ўтиб кетяпти, холос, дея хаёл қилиб, рулга ўтираркан. Тағин қўшиб ҳам қўйди: – Пешинни ўқиб келай.

– Эртага ошга айтиб юрибман, уста ака, – деб сал пойма-пойроқ гап қилди йигит.

– Э-э, яхши-ку!.. Нима, уйланяпсизми?

– Ҳмм... Эртага пешиндан кейин ош, ака. Дадам тайинлаворди, дастурхонга ўзингиз қараб бераркансиз. Эртароқ кесин, деди дадам.

– Хўп. – Уста машинани ўт олдирди. – Вақтида ўтаман. – Сўнг доимий одатича қувлик билан жилмайди. – Куёвболанинг ўзи айтиб келганидан кейин албатта борамиз-да... Жа хурсандсизу, а, куёвбола!..

Йигит тўпориларча иржайиб нари кетди.

Пешинни уйда ўқиди. Сўнг мол-холига қаради. Отаси айтмоқчи, “қоровул ҳаққи”ни ҳам унутмади: салқин хонада пича пинакка кетди. Уйғонса, уч ярим бўпти. Юз-қўлини ювиб, икки тилим қовунни бир тўрғам нонга хеш айлади. Эндигина машинасига бораётганда, ичкаридан отаси овоз берди:

– Устахон, ҳов!..

У ортига қайрилиб, бир-икки қадам ташлади.

– Лаббай, ота!

– Ишингиз кўп одамсиз, ўғлим, – деди мудом кўринмаётган падари. – Олдинроқ айтиб қўяй, дедим. Эртага пайшанба, паталик жойимиз бор, ҳисобга оларсиз, ўғлим.

– Бомдоддан кейинми?

– Шундай.

– Хўп, ота.

Уста машинани юргизиб, йўл-йўлакай дўконидан асбоб-анжомларини олдида, Эргашали буваникига юрди. Кундузги уйқудан уйғонгандир, дея ўйлади ўзича бировникига бемаврид кирмаслик истагида. Ўрнидан туролмайдиган касал одамга уйқу келадими шу топда, деб ўзига-ўзи танбеҳ берди.

Эргашали буванинг ўғли дарвоза олдида турарди.

– Э-э, келдийзми, уста, – деди у анча кутганини билдириб типирчиларкан. – Энди хабар олсамми, деб турувдим.

– Бизда ваъда – ваъда, билассу, – деб қўйди уста ичкарига юраркан.

Чол юмшоқ каравотда бир тутам бўлиб ётарди.

– Ассалому алайкум! – деди уста овозини хиёл баландлатиб. – Тузукмисиз, Эргашали бува?

Беморнинг юмуқ кўзлари базўр очилиб, рангпар юзи ёришгандай бўлди.

– Келинг, уста!.. Сизниям тағин овора қилиб... – дея узрхоҳлик қилди.

Уста каравот ёнига тиз чўкиб, кафтларини очди.

– Қани, дуо қилинг, бува!

Чол бўғинлари эгри-бугри, эти юпқа ориқ қўлларини кўтаришга қийналди.

– Илоё, умрингиз узоқ бўлсин!.. Бо... Бола-чақайизи роҳатини кўринг!.. – дея олди ҳансираб, аранг.

– Оллоҳу акбар! – деди уста асбобларини ҳозирларкан. – Бу кўчаларгаям чиқмай қўйдийиз?..

– Худо холаса!.. – деб қўйди чол кўнгил учун айтилган гапнинг ҳурмати.

Ўғил отасининг кўксига тутгани янги дурра узатиб, бир четга омонат чўнқайди.

– Чачниям оламизми, Эргашали бува? – сўради уста дуррани унинг соқоли остидан ўтказиб.

– Йўқ, – деди чол ожиз товушда. – Ўсмабди шекилли-ю?..

– Ўсмабди-ўсмабди...

– Соқол-мўйловни...

– Хўп, бува... – Уста ишга киришди.

– Сапар қарияпти шекиллли, уста! – деди ҳаста мижоз, қайчининг ҳаракатига монанд тўхталиб-тўхталиб. – Тушларим бузилиб-бузилиб қоляпти-да... Нима бўлгандаям одам савоб ишни кўп қилиши керак экан... – Чарчади шекилли, индамай қолди.

Уста унинг кўнглини кўтаришга уринди:

– Ҳали дўконга Дамин бува чиқовди...

Чолнинг гаплашгиси келаётгани ошкора сезилди:

– Ҳмм... Нима дейди?

– Сизни меҳнаткаш, ҳалол одам, деди.

– Худога шукр!.. Дамин ака яхши одам... – Тағин бир пас нафас ростлагач, деди: – Одам бакка (баргга) ўхшаркан, ука. Баҳорида яшнаркан, кўзни оларкан, кузида сарғаяркан. Охири ерга тушиб, хазонга айланаркан, кейин чириб-битаркан. Унгача... – У ёғига мажоли етмай, жимиб қолди.

Уста ишини якунлагач, ўғилга деди:

– Энди жойнамоз берсангиз, мен асрни ўқиволсам. Қўл ювгани сув борми?..

Эргашали бува ҳарсиллай-ҳарсиллай дуо қилди.

– Кўришолмасак, рози бўлинг, устахон! – дея хайрлашди.

Сартарошнинг кўнгли бузилди. Машинасига ўтираётганда, ўғил пул узатди. Санаб кўриб, бир қисмини қайтарди.

– Эл қатори берсангиз бўлади, – деди уловини юргизиб.

– Мен мингдан-минг розиман, уста! – ўғил йиғлагудай аҳволда отасининг сўлиб бораётганидан эзиларди-ю, мабодо уста пулни олса, ўзини енгил ҳис этадигандек кўринарди...

Дўкон олдида ҳали ошга айтиб кетган йигитнинг отаси турарди.

– Устаям катта одам, ўзим айтмаганимга хапа бўлмасин тағин, дедим-да, – дея гапни индаллосидан бошлади шарақлаб кулиб. – Ёш болани чиқарибди, демасин деб...

– Э-э, унақамас, ака! – уста росмана хижолат бўлди. – Қилиб юрган хизматим-да...

– Ҳазил-ҳазил, – дея таъкидлади тўйбоши сўзининг ўзгача маъно касб этишидан сақланиб. – Тўй минан овора бўлиб юраверибману, ўзимга қарамабман. Мени сал эпақага келтириб қўйинг, дўппи киядиган қилиб.

Уста эшик-деразани очиб ташлади. Асбоб-анжомларини жойига қўйиб:

– Қани, ўтиринг-чи! – деди тўйбошини креслога чорлаб.

– Шогирдингиз бўларди, шекилли... Сиз йўғингизда дўконийзи очиб турарди.

– Уйида бир ҳафталик иши бор экан, жавоб сўраган. – Уста сочга тароқ-қайчи урди.

Ишни адоғлаётганда, журналистнинг икки ўғли кириб келишди. Кетма-кет салом беришди.

– Келинглар-келинглар, – деди уста алик оларкан, болакайларга эркинроқ бўлишлари учун рағбат бериб. – Ҳозир бўшайман. Чач олдирганими?

– Ҳмм... – дейишди болалар бараварига.

– Яхши. Дадангланр айтганди. – Уста тўйбошидан лунгини олиб, қоқди. – Саломат бўлинг, ака!.. Қани, кимдан бошлаймиз? – дея болаларга қаради.

Каттаси креслога ўтираркан, укасига "хотиржам бўл, шу ердаман", дегандай болаларча жилмайиб қўйди.

– Булар кимнинг ўғиллари? – сўради тўйбоши чўнтагидан пул чиқариб, узатаркан, тил учида.

– Қишлоғимизда битта-ю-битта журналист бор, – деди уста машинкасини ишга тушириб, – аши аканинг ўғиллари. – Бу билан у, дадасини мақтаб, болакайларни хурсанд қилмоқчи ҳам бўлди.

– Ҳа, тузук... – тўйбоши кичкина мижозлар билан тез-тез сўрашиб, чиқиб кетаркан, деди: – Уста, эртага эртароқ ўтарсиз-а!..

– Хўп, ака, Худо хоҳласа... – деб қўйди уста ишидан қўл узмай...

Болакайларни тақирбош қилиб, кузатгач, эндигина полдаги сочларни супураётганда, эллик беш ёшлардаги маҳалла раиси деразаданоқ овоз бериб кириб келди.

– Бормисаней, уста!.. Сени устингдан жалоба тушяпти, омма...

– Келинг, раис бува! – деди уста ҳазилга мойил жилмайиб, қўш қўллаб сўрашди. – Ким жалоба қилди, менга айтинг. Аши одамни...

Раис креслога ўтирди.

– Яхши бўшакансан... Чачти боплаб қўй... Жалобачига сени кучинг етмайди, – дея дўпписини ечиб, тортма устига қўйди. – Ёзворса энангни кўрасан.

Устанинг шуурини шубҳа тимдалагандай бўлди:

– Сизга бирон нарса дедими?

– Ким? – сўради ўз гапи хаёлида йўқ раис.

– Журналистимиз-да.

– Ҳа, уми? У гапирадиган одам эмас-ей!.. Ҳазиллашдим... Эртаматан сенга гапираётганини эшитувдим, шунга...

Уста яна кулгига майл қилди:

– Ҳайрятей, раис бува! Бўмаса, энамни кўрсатиши аниқ эди. – Бир нарса эсига тушгандай гапни беихтиёр бошқа ёққа бурди. – Эргашали бува оғирлашиб қобди, а, раис бува?

– Кириб чиқдим, – деди раис ниманидир режа қилаётгандай оҳангда. – Астоприлло-ю, узоққа бормайдиганга ўхшайди. Э-э, бир куни ҳаммамизнинг аҳволимиз шу-да, ука!..

Иккиси ҳам жим қолишди.

Уста ишни якунлагач, раис ўрнидан туриб, дўпписини кияроқ, кўзгуга боқиб, боши-ю юз-кўзини сийпалади.

– Раҳмат, – дея виқорли қараш қилди-да, ортидан таъкидлади: – Шогирдинг эртароқ чиқиб, эшигингни очиб турарди-ю?..

– Уйида иши бор экан, шунга...

– Айт, ён-верийни супуриб турсин, – дея раис доимгидек пул бермай, дўконни тарк этди.

Шом кириб қолганди. Уста жойнамозини олиб, эшикни шунчаки ёпди-да, йўлнинг нариги бетидаги дўкон сари юрди.

Пахмоқ сочли дўкончи:

– Ҳмм, шом бўлдими? Кировринг! – деди ўз юмушидан чалғимай.

Уста орқа хона – омборга кириб кетди.

Қайтиб чиққанида дўкончи сўради:

– Одам йўқми? Бўшмисиз?..

– Ҳеч ким йўқ, юровринг, – деб қўйди уста жойнамозини қўлтиқлаб...

– Қўлингиз толса керак, а? – деди дўкончи сочини қайчилаётгани учун, пастдан ойна орқали қараб. – Ё чарчамайдими? Ўрганиб қолганмисиз?

– Чарчашам гапми?!. Уйга бориб, қўлларимни кўтаролмай қоламан. Ҳуфтонни аранг ўқийману... Худо берган ҳунаримиз, шунисигаям шукр!..

Дўкончининг қулфи дили очилиб, чин юракдан деди:

– Касбингиз зўр, ака! Опоқдодам раҳматли сартарошлик энг покиза ва савобли касб дерди. Шунақада, а? Авваллари ўғил болаларнинг чўчоғиниям фақат усталар кесаркан-да. Бу энг катта савоб, тўғрими? – кўзгуда унинг шўх илжайгани кўринди. – Тўйлар, ўлимлик издиҳомларам уларсиз ўтмаскан. Ана, ҳурмату, мана, ҳурмат, нима дедингиз? Шунга яраша тузуккина тушса керак? Маҳалла сизни жа ҳурмат қилади, а, ака?

– Худога шукр, шу ҳунарни тутиб, кам бўлмадим. – Устанинг юз-кўзида мамнунлик акс этди. Сўнг қўшиб қўйди: – Омма ҳар замонда бош оғриғилар ҳам учраб туради.

Дўкончи ҳиринглади:

– Айниқса, шомдан кейин – бундан бу ёғига, а?..

Ишдан қайтаётган чорпахил одамнинг сочини қиртишлаётганда, олдинма-кетин бўлиб журналистнинг “мен отамни ўғлиман”, деган ошнаси билан Обид шилпиқ кириб келишди. Иккиси ҳам тузуккина маст эдилар.

– Ҳорманг, уста! – деди “отасининг ўғли” тилини ямлаб ва ҳар ёққа тебраниб аранг ўриндиққа ўтираркан. – Ишламай, чарчамай ўтирибсими?!.. Омин, устага инсоф берсин, – дея қўлларини беўхшов сермаб, фотиҳа қилган бўлди.

Ичкилик Обиднинг бошидан олганмиди, бир пас маъносиз лапанглаб турди-да, аввал ўсиқ соқол-мўйловининг остини беўхшов қашиб, сўнг чўнтакларини қайта-қайта ковлай-ковлай тамаки чиқариб, тутатди.

– Бу ким? – дея креслодаги одам томон эгилиб, ёнбошидан юзига қаради. Оғзидан бурқсиган тутун урилганди, чорпахил бошини олиб қочиб, норози қовоқ уйди.

Уста унга “парво қилманг”, дегандай қараб қўйди.

– Тезлатинг, уста!.. – Обид сигаретни лабига қистириб, сартарошни туртди. – Бўлинг, акам ўтиради!.. – дея “отасининг ўғли”га ишора қилди.

Уста бунақа “мижоз”ларга, айниқса, Обид шилпиққа ўхшаганларнинг қилиқларига кўникиб кетганидан, ҳазилкаш алпозда жилмайди. “Отасининг ўғли” эса қўл силтади.

– Йўқ, сен ўтир! – деди чайналиб, – укамсан!.. – Унинг кайфи, ёши катталигигами, Обидникичалик тарақ эмасди. Балки шилпиқ ишдан ичиб келиб, бу ерда “отасининг ўғли”нинг ҳам “панжасига панжа урган”миди, муқомлари авжи сўнглаётганидан нишона берарди.

Обид бир нарса эсига тушгандай силтанди.

– Қани?.. – у ёқ-бу ёққа тебранганди, тамакисининг кули чорпахилнинг елкасига тушди. – Ие, узр, узр!.. – дея қоқмоқчи бўлиб, тузукроқ ишқаб қўя қолди.

Уста ишини адоғлаганди, мижоз эндигина қўзғалмоқчи бўлиб турганида, Обиднинг бу қилиғи ғашига тегиб, тўнғиллади:

– Кўзингизга қарамайсизми?.. Э-ээ!..

Уста жанжал чиқмаслиги учун шилпиқни чалғитишга уринди:

– Ҳа-а, кимни сўраётувдийиз?

– Ким? – тебранди Обид.

– Сиз-да... Эртаматандаги гапмиди?..

Чорпахил пулни бериб, чиқиб кетди.

– Ҳа-а... – Обид сигарет қолдиғини деразадан чертиб ташлади. – Тўппа-тўғри, уста!.. Қани аши... Аши крутой ҳожилар?!.. Чекма, дейди, ичма, дейди!.. Қори ака, майли... Энди-да... Ҳалиги апирис тилла тишли Жаҳон бозорчига нима бор?!..

– Ким ўтиради? – сўради уста олдин "отасининг ўғли"га боқиб.

– Ўтинг, ака! – Обид ортига тисарилди.

"Отасининг ўғли" ўрнидан туриб, у янада ўзига келиб қолганди, креслога ўтирди-да,

– Сен ўтирмайсанми?.. Мослик (мастлик) қима, ука! – деб қўйди.

– Хўп, ака!.. – Обид ўриндиққа чўкди.

Бунақалар билан гаплашавериб, психолог бўлиб кетган уста дарров Обиднинг гапини эсига солди. Бўлмаса, баттар кайфи ошади-да.

– Эрталаб сизни ёмон хапа қилишди-а, Обид ака?..

Шилпиқнинг бир ёққа оға бошлаган кўзлари ўнгланди.

– Ҳмм... Кўрдийз-а, уста?.. Сени нима ишинг бор, тилла тишингга сени!..

– Ким?.. – "отасининг ўғли"нинг овози бинойидек эди. – Кимни айтяпсан?

– Анови...

– Қўшнийзи айтяпти, – дея эслатди уста Обидни қийнамай.

– Кастимпурушми?..

Обиднинг оғзи қийшайди.

– Ҳмм... Аши, точна, аши!..

– Э-ээ, у иплосу!.. Каттазанг...

– Тўппа-тўғри! – дея ўрнидан туриб кетгудай бўлди Обид. – Уни деб ишда... ишхона-да хўжайиндан гап эшитдим. Нимага соқолинг олинмаган, дейди! Иплос ҳожилар олдиргани қўйишмади, деёлмадим!.. Қанақиб айтаманей!.. Охирги огоҳлантириш деди...

– Хапа бўма! – дея далда берган бўлди "отасининг ўғли". – Ўзим ишхонанга бир ўтаман. Хўжайинийман гаплашиб қўяман. Биласану, мен отамни ўғлиман!.. Сизам билас-а, уста?!..

Уста журналистнинг гапини эслаб, "йўғе", демоқчи бўлди-ю, табиатида қитмирлик йўқлигидан тилини тийди.

– Биламан, ака, биламан! – деб қўя қолди.

– Шуна қинг, ака!.. – Обид "отасининг ўғли"ни орқасидан қучоқлаб, юзидан чўлпиллатиб ўпди. – Ўзимми акашим!..

– Ҳўй, қоч!.. Мослик қима, дедим сенга!..

Обид яна ўтирди-ю, кўзи ағдарилди, деворга суяниб, бир нималарни ғўлдиради.

– Устахон, бу сартарошимиз пул олмаяпти, деб эшитдим? – дея ярми ҳазил, ярми чин пайров қилди "отасининг ўғли". – Бизникиям текин бўларкан-да, а?

Устанинг қувлиги тутди.

– Беролмай қолган бўлсангиз, майли, ака, – деди тагдор қилиб.

Ширакайф мижоз гапига эътибор бермади-да, ўрнидан туриб, кийим-бошини тузатаркан:

– Ўтир, Обид! – дея қараши билан уни ростлашга уринди.

Шилпиқ креслога базўр ўтирди-ю, бошини "бошқўяр"га ястади.

– Эплаб киритворас, уста, – деди "отасининг ўғли" пул узатиб. – Манг, унгаям обқолинг, пул беролмаса тағин...

Кўзлари юмуқ Обид уйқусирагандай ғўлдиради:

– Бер... Берма-анг, ака!.. Берма-анг!.. Менам вообше бермийман!..

– Ухлаб қолмаса бўлди! – деди уста “отасининг ўғли”га “балки обкириб кетарсиз” қабилида ялинчоқ қараш қилиб.

– Ухламайди-ей!.. Бўпти, уста! – “отасининг ўғли” аксари шишадошларнинг “приёми”ни қўллаб, “қадрдон укасини”ни ташлади-қочди.

Уста лунги тутиб, асбобларини тайёрлагунича “шилпиқ кайфий” ҳурракнинг синглиси амалини бажариб – тузуккина пишилларди. Бир амаллаб совун кўпигини суртиб, бошини у ён-бу ён, пастга, тепага буриб-суриб юриб, соқол-мўйловини қиртишлади. Аммо тоза қийналди, унинг оғзидан анқиётган бад ҳидга чидаганини айтинг!

Ана, энди “бош оғриғи”ни турғазиш азоби рўпара келди-ю: туртди, қулоқ-бурнидан тортди, бақирди – қани, сал қўзғалса! Машинасига обчиқиб олса-ю, эплаб уйига ташлаб ўтади. Шу ўйда ташқарига чиқди. Дўкончи ҳали кетмабди: чақирсами?.. Эндигина ўша ёққа тараддудланганда, нарида – ола қоронғилик қаърида басавлат одамнинг шарпаси кўринди. Тикилганча кутди. Ажабмас, жонига оро кирса!.. Шарпа яқин келди: таниди – ҳар куни шаҳарга қатнаб, мардикорлик қиладиган барзанги йигит. У ўнг қўлидаги халтасини ўрамоқлаб, чап қўлтиғига қисди-да, шошиб сўради:

– Уйга кетяпсими, уста ака?.. Ассаломалейким.

– Ҳмм, – деди-ю, анчагина хориганидан, ҳатто “текса тебранмас” асаблари ҳам қутқулана бошлаган уста бирдан ўзига келди. – Йўғей!.. Чач олдирасизми?

– Шошилмаётган бўлсангиз агар...

– Йў-йўқ, зап келдингиз-да!.. Юринг!

Обидни кўриб, барзанги ҳайрон бўлди:

– Ие, ухлаб қобдими?..

Уста норози минғирлади:

– Бўкиб кепти-да, ўтирди-ю қотди. Соқолини аранг олдим.

– Обид аками?.. – барзанги устанинг муддаосини тушиниб, “шилпиқ кайфий”нинг иккинчи қўлтиғидан тутди. – Пул кўриб қолди, дейишувди, кўтаролмабди-да, уста ака?

– Кўрганиям қурсин буни!.. Эпласа ичмайдими? Ҳаммаёқни саситиб!..

Обидни деворга суяб, ўриндиққа ўтқизишди.

– Сизни чачийзи оламизми? – сўради уста.

– Таг-паги минан қириб ташланг, ака! – деди йигит бошини кафтида сидириб.

Устанинг қўллари, айниқса, бармоқлари толиққан, боши зирқираб, чаккалари тортишарди. Ҳар куниям чарчарди, аммо бугун оғирроқ бўлди, дея хаёлидан ўтказди. Отаси айтмоқчи, “тушдан кейин пул кўрган, уни бой дейишга тили бормади, анови Обид шилпиқ деганлари ёмон эговлади. Оғзи очилганча уйқуни ураётган “садоқатли мижози”га бирров қараб қўйди. Маст одамни “ихтиёрий жинни” деб бекорга айтишмаган-да, аҳволини қаранг! Ҳалиги гапига қараганда, туппа-тузук ишиниям бошига етибди шекилли...

Кафтига сув олиб, барзангининг кирлаганидан қотиб кетган сочини ишқалаб ивиторкан, кулгипараст эмасми, шу ҳолида ҳам, яхшиям моғорлаб, ўргимчак ин қурвормабди, дея ўйлаб, жилмайди.

– Янаям кенгсиз-да, уста ака, – деди барзанги хиёл энкайганча, кучангандай овозда. – Менга шуна қиса, деразадан отвораман! Ҳе, ўша ичган потосингга, деб...

Уста кўзлари ёшланиб, ҳомуза тортди.

– Ҳа, энди, юртчилик-да, ука! – оғзини ёпаётганда нафас олиб юборди, шекилли, димоғига урилган ачимсиқ тер ҳидидан кўнгли алағда бўлиб, бошини нари оларкан, афти тиришди: ювинмайдиямми бу полвон, нима бало?!..

Барзанги ойнага қараб, икки қўллаб тақир бошини ҳузур билан силаётганда, уста деди:

– Энди ановни обчиқишиб қўясиз, ука. Ўзимни кучим етмайди.

Барзанги пулни бериб, дераза токчасида турган халтасини олиб, устага узатди.

– Сиз чиқиб, мошинани эшигини очиб туринг, ака, – дея Обидга қараб, қандай кўтаришни чамалади. – Бу сўлтаматни ўзим эплайман. – Пулини берганми ишқилиб?..

– Ҳа, ошнаси бериб кетган.

– Унда тузук... – Барзанги бағоят эпчиллик билан икки дунёдан бехабар мастни елкасига олди. Обиднинг боши, қўллари барзангининг орқасида осилиб, пинқиллаган овоз чиқарди.

Машинанинг орқа ўриндиғига тиқишди. Найнов эмасми, узун оёқларини жойлаш қийин бўлди.

– Жон ука, буни уйига ташлашиб қўйинг энди! – деди уста ялингудай. – Бир ўзим эплолмайман.

– Майли... – Барзанги иккиланди. Минг кучли бўлгани билан, кун бўйи қилган оғир меҳнати унинг ҳам силласини қуритгани аниқ эди.

– Кейин сизниям уйингизга элтиб қўяман, – деди уста рад жавобининг олдини олиб. – Ўтиринг машинага!

– Сизга йўқ деб бўладими, уста ака! – барзангининг гапи жуда самимий эшитилди. – Яхши одамсиз-да!..

Уста уловининг руль тарафдаги эшигини очаётганда, дўконини қулфлаб, уйи сари ўтиб бораётган дўкончи, шу топдаям пайров қилишга эринмади.

– Ие, ҳа, уста, клентларни ошганини ачиб қолмасин, деб уйга обкетяпсизми, нима бало?..

Уста ҳам одатда бўш келмасди.

– Сроги ўтиб қобди, – деди калитни жойига тиқиб. – Уйда мол-холга қараб турар...

Машинани ўт олдирганда, орқа кўчадан чиқиб келаётган шарпа кўринди. Чироқнинг хира ёруғига етиши ҳамоно таниди: Эргашали буванинг ўғли. Нимадир бўлганини сезиб, машинадан тушди.

– Тинчликми, ука?

Йигитнинг кўзлари ёшли эди.

– Дадамни бериб қўйдик, уста ака! – деди йиғламсираб. – Амакиларимни айтиб ўтай...

– Худо раҳмат қилсин! – уста кафтларини юзига сурди.

– Яхши шу ердайкансиз... – йигит ўзига яқин олиб, таъкидлади: – Эртаматан эртароқ ўтарсиз, а, ака!.. – дея йўлига кетди.

Уста машинасига ўтираркан:

– Хўп-хўп, албатта ўтаман! – деди-да, газни босди.

– Ё бисмилло!..



Ҳангома зимнида панднома

ёхуд от ва эшак қиссаси

Сувон МЕЛИ

Ғоя далилдан устун.
Бальзак

Ҳаёт ҳам қайғули, ҳам кулгили турли-туман воқеаларга макон. Улар қандай бўлмасин бирон-бир ҳикматга, ички қонуниятга эга. Ҳаёт “тўқиб чиққан” воқеаларни ҳеч бир одам зоти ўйлаб чиқаролмайди, чунки маиший воқеалар тўқимаси, ҳужайраси кўпинча воқеа иштирокчилари инон-ихтиёрида бўлмайди. Унинг кашшофи бошқа. Буюк Тасодиф ёки Яратганнинг ўзи.

Абдулла Орипов бундан роса эллик йил олдин “Ҳангома” шеърини чоп эттирганда, унинг ботиний маъноси, рамзини тушунган тушунди, оддий китобхон эса уни кулгили бир воқеа тарзида қабул қилди. Ўз кампиридан жой сўраб турган чол(лар) устидан кулиб қўяқолди. Шоир билан учрашганимизда ҳар сафар шу шеър ҳақида сўз очганимда, у шоша-пиша дарҳол изоҳ бера бошларди – шундай воқеа бўлган, Норбой бува ва Ўрин бува тўйга борамиз деб қор-бўронда адашиб, улоқиб, охири қишлоғига қайтиб, кампиридан бир кечага жой сўраган. Шу билан гапга нуқта қўйилар, асар ҳақида бошқа фикр юритишга ўрин қолмасди гўё. Балки Шоир ўша пайтлар, 89-90- йиллар ораси, шеър моҳиятига чуқур киришдан сақланарди. Шеър эса шунчаки оддий воқеа баёни эмас, чиндан рўй берган воқеанинг санъаткорона тасвиридир.

Ҳақиқатдан ҳам, ушбу шеър – бадиий мукаммал асар. Унда бирор ланж, сийқа, ортиқча ёки ноўрин сўз йўқ. Бўлган воқеа шеърий баён қилинар экан, сўздан қурилган шунчалик пишиқ ва мустаҳкам иморатки, унинг бирор кирпичига қўл теккизиб ҳам, қўзғатиб ҳам бўлмайди. Сиртдан қараганда мазмун унчалик жиддий ва миқёсли эмас. Қашқадарёнинг олис қишлоқларидан бирида бўлиб ўтган воқеа, номлангани каби ҳангома. Ўз кампиридан жой сўраб турган чол(лар) ҳақидаги одамлар йиллар давомида кулиб эслаб юрадиган, хайрли тугагани боис қувноқ бир

Сувон МЕЛИ *– Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. Филология фанлари доктори. 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Абдулла Орипов” (2020) “Сўзу сўз” (ҳаммуаллифликда), “Адабиёт фалсафасига чизгилар” (2020), “Глобал илмий-бадиий талқин поэтикаси” (2000) китоблари чоп этилган.*

кечмиш. Агар чоллар, шеър давомида айтилганидек, қашқирга ем бўлиб кетганида, бундай қувноқ ҳангома туғилмасди, албатта.

Қувноқ ҳангома шунчалик моҳирлик билан баён этилган, ҳар бир детал, чизги нақ ўрнига қўйилганки, шеърий воқеа ўзининг турар маконини гўё тарк этиб, бошқа ўлчамлар томон интилаётгани, ўзининг янги қиёфасини намоён эта бошлагани яққол сезилади.

Хитойшунос Владимир Малявин қадимги хитой донишманди Сунь-цзининг "Уруш санъати" асарига ёзган кириш мақоласида ёзади: "Фактнинг ўзи, ҳатто оламнинг яхлит манзараси ҳам умрбоқий эмас, фактнинг ўзга борлиққа интилиши, оламлараро боғлиқлик (таъкид бизники – С.М.) умрбоқийдир"[1].

Ушбу фикрга таяниб айтадиган бўлсак, шеърда баён-тасвир этилган воқеа, яъни бадиий факт ўзга борлиққа интилади ва турли оламлараро боғлиқлик иқтидорини намойиш этади. Натижада асардаги бадиий концептуал маъно улкан муаммолар, фалсафий саволлар ва оғриқли нуқталарга бориб тўқинади.

Аввал биз воқеа баён-тасвиридаги таянч нуқталар, калит сўзлар ва рамзлашув ўчоқларига диққат қаратамиз. Шеър жаъми 30 банд, яъни 120 мисрадан иборат.

Қор ёғарди бўралаб,
Қолишмасди довулдан.
1 *Тўйга айтиб кетишди*
Шундоқ қўшни овулдан.

Йўлга чиқди икки чол,
Тўйга бориш қарз, бешак.
2 *Бирови отга минди,*
Бирови минди эшак[2] .

Ушбу бошланғич икки бандда ҳолат ва вазият – довулдан қолишмайдиган қор-бўрон ва мақсад – тўй ҳамда улар минган улов – от ва эшак аниқ белгиланади. Бу ерда ҳали отнинг ҳурмати бор, у аввал тилга олинади. Шу тариқа от ва эшак қиссаси, асарни бошқача шундай номлаш мумкин, бошланади.

Қор-чи ҳамон ёғарди,
Ёғар эди гупиллаб.
3 *Йўлни эшак бошлади,*
От эргашди лўкиллаб.

Бунда энди ҳурматга путур етади, эшак олдинга ўтиб, от орқада, эргашади, холос. Қизиқ, нега эшак билан от айтилмоқда, уларни минган одам, чоллар қаёқда қолди? Йўқ, тасвирчи ўз фикрида қатъий, тасвирда фақат улов бор, одам йўқ. Бу кичик сир кейин очилади, лекин ишоралар бирмунча яққол.

Бир нарсани аниқ эсда тутайлик – "Йўлни эшак бошлади, От эргашди лўкиллаб". Шеър илгарилайди:

Гапга тушди икки чол,
Суҳбат у ёқ-бу ёқдан,
4 *Ўтган-кетган, баланд-паст,*
Гоҳ калла, гоҳ туёқдан.

---

[1] Малявин В. Военний канон Китая. – Сунь-цзн. Искусство войны. – М.: Изд. АСТ, 2020. С. 26.

[2] Абдулла Орипов. Йиллар армони. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. 236-бет.

Чоллар эса қизғин суҳбат билан, йўлга, йўлдан мақсад бўлган тўйга мутлақо алоқасиз гап-сўз, ҳангома билан банд. 5-банддаги суҳбатга юмористик баҳо “Суҳбат деган соз нарса, Қолмасанг бас сургашиб”дан кейин шундай қўшмисра келади:

Йўрғалар эшак ҳамон,
От боради эргашиб.

Умуман олганда, от ва эшак бирга келган қўшмисра тўртта бўлиб, улар шеърдаги вазиятни баҳолаб, унга ойдинлик киритиб боради. Бундай қўшмисраларни шеър, яъни бадиий асарнинг рамзлашуви, ўзга борлиққа интитишидаги кодлар, дейиш мумкин. Бунда от ва эшак ўрин алмашиниб туради. Дастлабки танишувда аввал от, сўнг эшак, бундан кейинги уч қўшмисрада аввал эшак, сўнг от охирги, тўртинчи қўшмисрада яна аввал от, сўнг эшак, шеър сўнггида эса фақат от. Лекин бунгача анча гап бор.

Шундан сўнг чолларнинг йўл азоб-уқубатлари, одиссеяси бошланади. Кеч киради, қор оралаб аранг бир юлдуз чақнайди. Чоллар эса ҳамон йўлда. Кун ботади, бири ҳайрон, тўрт чақирим овулга бир кун йўл юрсак деб,

Аммо бу гап рост эди,
Юлдузлар чақнар бот-бот.
5 *Олдинда эшак борар,*
Орқада лўкиллар от.

Мақола матнига одиссея сўзи кириши биланоқ қадимги дунё донишманди Ҳомернинг шу номли достони ёдга келади ва беихтиёр икки асарни қиёслашга чоғланасиз. Албатта, “Одиссея” йирик достон, уни нисбатан кичик бир шеър билан қиёслаш ноўриндек. Лекин бир нуқтада икки ўртада яқинлик бор. Агар Одиссей, достоннинг бош қаҳрамони маъбудларнинг ғазабига учрагани боис кўп йиллар сарсон-саргардон бўлса, бизнинг чоллар йўлбошчиликни, жиловни отга эмас, эшакка бериб қўйганлари боис асарда тасвирланган ночор, салкам фоже ҳолатга тушадилар.

Эсдан чиқармайлик, чоллар тўйга бориш учун йўлга чиқишган. Бундай адашиш – улоқишдан кейин тўйчи шаънига ҳам аччиқ-тизиқ гап айтилади. Аламни кимдандир олиш керак-ку:

– Қора қишда тўй қилмай,
Баттар бўлгур нокас, гов.
6 *Баччағарнинг аслида,*
Феъли совуқ эди-ёв.

Тўйга етиб бўлмагандан кейин, уни “пуф-сассиқ” дейиш ҳам инсонга хос хислат-ку, аслида. Бунинг устига қайдадир қашқир чўзиб-чўзиб увлаб қолса-ку, бундай пайтда ким ҳам ташвишга тушмайди дейсиз:

Хусусан кексайганда
Хафа бўлиб кетасан.
7 *Айтайлик, ўша қашқир,*
Ғажиб кетса нетасан?

Саноқ жиҳатидан ўн тўртинчи бўлган бу бандда юмор оҳанги яққол сезилади. Китобий лексикага оид “хусусан” сўзи матнга шунчалик қоим тушганки, ўзидан кейинги “кексайганда” билан оҳангдошлик касб этиб, чоллар тушган аҳволни енгил кулгига олади. Бунда “айтайлик” сўзининг ҳам хизмат вавзифаси анча. Бу ерда Абдулла Ориповга хос нимкулги мужассам.

Бундан кейинги бандларда энди кулгига ҳам, нимкулгига ҳам ўрин йўқ. Зеро, чоллар ҳаёт ва мамот ўртасида қолган, – “Кенг сайҳонда икки чол Йўл ахтариб кезарди”. Лекин:

Йўл қаёқда, тўрт тараф
Қалин, оппоқ қор эди.
Энг баттари - совуқда
Жон сақлаш душвор эди.

Қайтай деса изига –
Белги ҳам йўқ, из ҳам йўқ.
Қалтирайди икки чол,
Таскин ҳам йўқ, сўз ҳам йўқ.

Мазкур икки банд йўлсизликнинг танг-таранг поэтик тасвири бўлиб, уни йўлсизлик (йўл эмас) хронотопи, деб баҳолаш мумкин. Яъни йўлсизлик аниқ вақт ва аниқ макон – кенг сайҳонда тиниқ қиёфага эга бўлмоқда. Шеърнинг шу ерига келиб инсоннинг сўнгги суянчиғи, Яратган эсга келмоқда. Татар қардошларимизнинг буюк шоири Абдулла Тўқай “Ёдима Тангрим тушар бахтим қаро бўлган сайин” деганидек, чоллар сўнгги илинж – Яратганга юкинадилар:

– Не бўлса ҳам топширдик
Яратганнинг ўзига!
Тавакkал деб от бошин
Қайирдилар изига.

... Йўл солдилар қайгадир,
От бошин қўйиб озод.

Бу асардаги жуда муҳим нуқта. Илк бор от ўз эркига қўйилди ва олдинга ўтказилди. Шундан кейингина от ва эшак ёнма-ён келган охирги қўшмисра янграйди. Бандни тўлиқ келтирамиз:

– Бир кор-ҳол бўлмай энди,
Уйни топиб борсак бас.
Сургалади от ҳорғин,
Орқада эшак бесас.

Тўй эсдан чиқди, эришиб бўлмайдиган узоқ бир хотирага айланди. Ўртага жон қайғуси тушди. Жон сақлашнинг ягона йўли – орқага, уйга қайтмоқ. Етилмаган тўйдан – орқага, уйга. Улар тўй деб йўлга тушмаганларида иссиқ уйда ўтирган бўлардилар, энди эса уй (тўй эмас!) жон сақлашда ягона илинж.

Шу ерда икки жонивор қаҳрамонимиз – от ва эшакни яна ёдга олиб, улар ёнма-ён тилга олинган юқоридаги уч қўшмисрани бақамти қўяйлик:

Йўлни эшак бошлади,
От эргашди лўкиллаб.

Йўрғалар эшак ҳамон,
14 *От боради эргашиб.*

Олдинда эшак борар,
15 *Орқада лўкиллар от.*

Дастлабки икки ўринда эшак биринчи ва дадил – йўл бошлайди, йўрғалайди. Учинчи ўринда анча сокин – фақат "боради". От эса эргашувчи – орқада лўкиллайди, холос.

Юқорида келтирганимиз қўшмисрани (охирги, тўртинчи) яна кўчирамиз:

Сургалади от ҳорғин,
Орқада эшак бесас.

Икки чол бошига тушган фалокат, кўргиликдан сўнг вазият тубдан ўзгаради. От олдинга ўтади – вазиятни ўнглаш, фалокатнинг олдини олиш учун. Бу фақат отнинг қўлидан келар, эшак қилғилигини қилиб бўлган эди. Шунинг учун от ҳорғин судралади. Эшакка эргашиб йўл босиш осонмас ахир. Эшак эса орқада бесас. Бу шеърнинг 20-банди бўлиб, бундан сўнг кейинги ўн бандда эшак мутлақо тилга олинмайди. Гўё ўйиндан чиқади ёки унутилади. Бундан кейинги тасвирда асосан чоллар ва сўнгги бандларда кампир ҳаракат қилади. От яна икки марта матнга киради.

Тугаганди бардош ҳам,
Тугаганди бор сабот.
16 Етмай бир дарвозага
Тўхтаб қолди шўрлик от.

Шундан кейин сўнгги хотима бандда от яна бир бор эсланади, "Алқисса шу: от йўлни Уй томон бурган экан...".

Гапимиз аввалида чоллар йўлга тушиш пайтида тасвирда фақат улов бор, холос. Одам гўё йўқ деган, эдик. Энди буни сал бошқачароқ, аниқроқ ифода қилиш мумкин: улов, яъни эшак ва от, аниқроғи, эшак етакчи, одам, яъни чоллар бору, лекин ўта лоқайдлар. Ўзи бору амали йўқ. Улар тўйга бориш барбод бўлгачгина, яъни ғишт қолипдан кўчганда уйқудан уйғонадилар гўё. Бу уйғониш ҳам ўзларини Яратган ихтиёрига топшириш ва "Таваккал деб, от бошин Қайирдилар изига"дан нарига ўтмайди. Лекин чолларнинг қилган энг катта иши, амали "От бошин қўйиб озод" қайгадир йўл солишлари бўлади. Таъкидланган мазкур мисрада, юқорида ҳам айтилганидек, жуда муҳим бадиий-концептуал ахборот бор, яъни шу пайтгача, от ўз эркида эмас, эшак етовида эди.

Шеърнинг қолган сўнгги ўн банди ҳалокатли ҳолатнинг ечими томон ташланган қадамдир. Ечимдаги от тасвирига яна эътибор қаратайлик:

Етмай бир дарвозага
Тўхтаб қолди шўрлик от.

Нега у "шўрлик от"? Муаллиф отга нега раҳм билан қарамоқда? Отга қийин, у бошқа биров, эшак кирдикоридан жабр чекиб, тўйга олиб бормаса-да, уйга қайтармоқда чолларни. Шундан кейингина энди чолларни аниқ номлаш зарурати туғилади: От минган чол, Эшак минган чол.

Шеър сўнгги қисмидаги бир банд, ундаги икки мисра алоҳида бадиий қийматга эга. Унда воқеа рўй берган пайтдаги дунёнинг ялпи ҳолати чизилган. Бу муболаға эмас. Мана кўринг:

Изғирин-чи, изғирди,
Еру кўкда ҳорғин тус.

Асосий масалага ўтишдан олдин ушбу матн ҳақидаги бир гапни айтиш лозим. Шоирнинг тўрт жилдлик "Танланган асарлари" биринчи жилди (2000 йил) ва "Ижод" жамоат Фонди молиялаштирган "Танланган асарлар" (2019 йил) да биринчи мисра "Изғирин-чи, изғирин" тарзида нотўғри чоп этилган, натижада асардаги кучли бир тасвирга путур етган. Негаки, айнан "Изғирин-чи, изғирди", яъни қовурғани эзадиган аччиқ совуқ шамол бўралаб эсмоқда. Кейинги нашрларда бу хато такрорланмаслиги лозим.

Айнан шундай кучли тасвирдан кейингина "Еру кўкда ҳорғин тус", яъни чоллар тушган ҳолатнинг глобал миқёси – "еру кўк" ва ундаги вазият – "ҳорғин тус" аниқ белгиланади. Шунга мос ҳолда кампир қўлидаги фонус ҳам – "хира".

Агар кулгили ечимни ҳозирча унутиб, изғирин саҳнасига боқадиган бўлсак, у "ҳангома" аталган шеърдан кўра жаҳонга машҳур асар "Қирол Лир" трагедиясидаги бўрон саҳнаси ёки биринчи ўзбек романи "Ўткан кунлар"даги "кучлик бир ел" каби фоже ҳолат ва туйғуни ифода қилишга муносиб. Лекин шу ерда ҳам ўша асарлардаги фоже туйғудан бир чимдим мавжуд ҳамда шеър охиридаги кулгили ечим ҳам бу туйғуни бутунлай йўққа чиқара олмайди. "Қора қуюн чарх уриб Кўз олдини тутарди" ҳолати вазиятнинг ўта таранглигига далолат эмасми?

Ўз кампиридан оғир танбеҳ эшитган ҳам айнан От минган чолдир:

– Ҳой, сенми бу, ер юткур
Имонингдан кечдингми,
Алжирайсан ё тўйда,
Ароқ-пароқ ичдингми?

Кампир ҳаётда чолини сенсираши даргумон. Лекин вазият шунчалик ғалати ва фавқулоддаки, беихтиёр кампир оғзидан сенсираш ва қўпол сўзлар чиқиб кетади. Бу қўпол танбеҳ адолатли, қилмишга яраша қидирмиш эди. Отнинг эшакдан ортда қолиб судралишида От минган чол айбдор эди ва у имонсизлик каби оғир айбловга мустаҳиқ бўлди. Ҳар қалай бу сиртдан ноҳақ айблов бўлса ҳам.

" – Ҳой сенми бу, ер юткур Имонингдан кечдингми" аччиқ хитоб олдинда тасвирланган барча воқеа ва тафсилотга янгича бўёқ ва талқин беради. Чоллар тўйга отланар эканлар, нега борадиган манзил ҳақида аниқ фикр юритишга эмас, бемаъни суҳбатга берилишади? Мақсад қолиб, бетайин иш билан машғул бўлишади. Шунда "мақсад" сўзининг моҳияти билан қизиқдим ва кўрдимки унинг луғавий маъноси "ният, юқори тилак; интилиш"[3] экан. Бу, айниқса унинг "юқори тилак – маъноси "мақсад"ни имон – Аллоҳга ишонч, диний эътиқод билан зич боғлайди, ҳамда мақсадсизлик – имонсизликдир деган ҳукмга асос беради.

Донишманд шоиримиз Ғафур Ғулом мисраси билан айтганда, "Мақсад бўлди улуғ йўлда раҳбар албат..." Яъниким, мақсад улуғ йўлда, эзгу амалларда йўлбошчи

[3] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 2-жилд. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. 570-бет.

кабидир. Мақсад бўлмаса ақл-идрокли йўлбошчи бўлмайди, туғилмайди. Ташаббусни эшак(лар) қўлга олади.

Оқибат эса – маълум.

Қадимги ҳинд илоҳий китоби “Упанишадлар”да дейилади: “Ҳаққаст рост, одам мақсаддан бино бўлади. У бу дунёда қандай мақсадни кўзлаган бўлса, ҳаётдан кетганида ҳам шундай ҳолатда бўлади”[4] . Чолларда мақсад йўқ эди, тўйга бориш шунчаки қарз – “Тўйга бориш қарз, бешак” эди, холос. Шу боисдан хира фонус тутган кампирнинг сиртдан ноҳақ, аммо моҳиятан ҳақ бўлган гапи чол(лар) бошига нақ тўқмоқдай тушади.

Асардаги сўнгги тўртлик баён-тасвир этилган бадиий воқеа (энди у бадиий воқеа) залворини бироз камайтириш, жиддий тасвирни атай ҳангома, шунчаки анекдотнома бир гапга айлантиришга уриниш, ўзига хос адабий усулдир.

Бу ерда от яна бир бор миннатдорлик билан тилга олинади. У тўйга олиб бормаса-да, уйни топиб келди, шу билан чолларни муқаррар ҳалокатдан қутқарди.

Биз мақола аввалида фактнинг, воқеанинг ўзи эмас, унинг ўзга борлиққа интилиши умрбоқийдир, деган фикрни келтирган эдик. “Ҳангома” шеърида ҳаётда рўй берган воқеа шунчалик маҳорат ва юксак бадиий дид билан баён қилинганки, у ўз воқеий чегарасини тарк этиб, ўзга борлиққа интилади. Натижада турли-туман фикр ва ғояларни ўзида мужассам этиш салоҳиятига эга бўлади. Бу жараён камида икки жабҳада содир бўлиб, унда намоён бўладиган кўчим ва рамзлар локал ва глобал кўлам ҳосил қилади. Ушбу жараёнда юз кўрсатадиган фикр-мулоҳазалар оқимини локал ва глобал маънолар тарзда фарқлаш мумкин.

Локал маъно бадиий асар яратилган пайт-замондаги ижтимоий-тарихий шароит таъсири ва иштирокида вужудга келади. Зотан, бадиий асарнинг яралиш хронотопи, яъни пайт ва маконнинг узвий бирлигидан туғиладиган “тарихи” бўлади ва бу асар сезими, рецепциясига фаол таъсир ўтказади. “Ҳангома” яратилган 1971 йил Ер сайёрасининг олтидан бир қисмини қамраган, ундан ташқари ён-атрофидаги қатор давлатларни ўз қарамлигида тутиб турган собиқ СССРда ўзига хос жараёнлар кечаётган давр эди. Бепоён ва қудратли мамлакатни амалда бошқариб келаётган якка ҳукмрон партия, КПССнинг XXII съезди бўлиб ўтганига ўн йил бўлган ва шу съездда қабул қилинган дастур, “КПСС программаси”да “Партия тантанали равишда эълон қиладики, совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизмда яшайди” дея қора ҳарфларда таъкидлаб ёзилган, коммунизмнинг жорий бўлиш санаси ҳам аниқ кўрсатилган эди – 1981 йил. Лекин бу ҳавойи гап айтилгани, жаҳонга жар солинганига ўн йил тўлган эса-да, коммунизмдан дарак йўқ, чоллар бориш учун йўлга чиққан тўй каби – хабари бору ўзи йўқ матоҳ эди.

Маълумки, коммунистик ғоянинг идеали ҳамда пировард мақсади – коммунизм эди. Шоиримиз ижодининг илк даврида бу ғояни алқаб қатор шеърлар ёзган, 1964 йилда битилган йирик “Юзма-юз” шеъри:

Қани, ҳей, дўстларим, келинг бир нафас,
Сўзлашиб олайлик, очиқ, юзма-юз.
Буюк коммунизм мавзумиздир бас,
Тағин ўрнингиздан сапчиб кетмангиз[5] .

[4] Каптен Юри, Тайни Агни – Йоги или анатомия фальсификаций. СПб., Изд-во Общество духовной и психической культуры, 1996. С. 208.

[5] Абдулла Орипов. Йиллар армони. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. 75-бет.

деб бошланган ва “Қани, ҳей, дўстларим, ташланг бир қадам, Шу эзгу Коммуна ҳимоясига” дея тугалланганди. Гарчи шоир бундаги етакчи сўзни кейинчалик, 2000 йилда “Истиқбол” тарзда ўзгартирган эса-да, дастлабки нусха бадиий-тарихий ҳужжат сифатида ўз кучига эга. Гап шундаки, келтирганимиз ушбу хитобга замонасозлик ёки мажбурий амал деб қарамаслигимиз лозим. “Юзма-юз” шеърида бу махсус таъкидланган ҳам – “Фақат коммунизм – ул эзгу ният Инсонга софлигин берар қайтариб” ёки “Буюк мақсад сари етса мисралар Фарёд солманг тағин, қизил гап, дея”. Бинобарин, коммунизм ҳақидаги таги пуч афсоналарга ёш шоир дилдан ишонган. Шоиримиз-ку, ёш бир ўзбек йигити, коммунистик ғояга не-не алломалар, Ромен Роллан, Бернард Шоу, Робиндранат Тагор, Нозим Ҳикмат каби эзгуқалб буюк инсонлар ишонишган, бу ғоя башариятга бахт олиб келади, деб умид қилишган.

Лекин шоиримиз кўнглидаги бу беғубор ишончга путур ета бошлайди. “Юзма-юз”дан бир йил ўтиб ёзилган “Чол ва коммунизм қиссаси”, яна бир йил кейин яратилган “Сароб” (бу сарлавҳа ўша пайтдаги коммунистик мафкурачиларга хавфли туюлиб, “Ўйларим” номи остида босилган) шеърларида оқланмаган ишонч туйғуси яққол сезилади.

Юрагимга бир маҳаллар кирган туйғулар
Энди сендан кетгаймиз деб сўрайди жавоб.
Мени бир зум ҳол-жонимга қўймайди улар,
Қўймайдилар, ваъдаларинг чиқди деб сароб[6] .

Сиртдан шоир ўзига қарата айтган бу фикр аслида жамиятга, алдоқчи ҳукмрон мафкурага қаратилган, ваъдалар сароб бўлиб чиқаётган эди-да.

Агар “Ҳангома”га қайтсак, йўлдан адашган чоллар, халқ, совет халқи тўй, коммунизмга етолмай, қаттол қорнинг совуқ хуружларидан аранг жон сақлаб, ўз уйларига, аввалги ҳолатга, нўлга базўр етиб келадилар.

Глобал маъно бу энди на вақтга, на маконга, на тарихий вазият ва шароитга тобе бўлган фикр ва туйғулар мажмуидир. “Глобал маъно глобал илмий-бадиий таҳлил ва талқиннинг бош мақсади ҳамда алалоқибат эришадиган натижасидир. Маъно жаҳон ва ундаги нарса-ҳодисаларнинг туб моҳиятига дахл қилгандагина глобал миқёс касб этади. Глобал миқёс деганда, фақат унинг ҳодисаларни буткул кенг қамроққа олиши кўзда тутилмайди, балки улар ҳам ақлий-интеллектуал, ҳам ҳиссий-эмоционал нигоҳ билан боқишини талаб қилади”[7].

“Ҳангома” шубҳасиз, шундай маъно ва шундай миқёсга озуқа беради. Шеър бошланишидаёқ “Қор ёғарди бўралаб, қолишмасди довулдан” шундай миқёс белгиланган бўлса, сўз адоғида бу миқёснинг чек-чегараси ва кайфияти аниқлашади. “Изғирин-чи, изғирди, Еру кўкда ҳорғин тус”. Шундай бўлгач, чоллар ва улар минган от ва эшак қиссаси ўзининг илк маиший маъносида қолиши мумкинми? “Рамз – бу қандайдир бошқа бир борлиқнинг белги-аломатидир”[8] .

Кўчма маъно, рамз асарнинг ҳар бир ҳужайрасида манаман деб тургандек туюладики, юқорида шундай ишоралар имкон қадар аниқлаб кўрсатилади. “Ҳангома” ана шундай ўзга, бошқа бир борлиққа эга бўлиши, янги ва юксак маъно сарҳадларига кўтарилиши билан ҳам ўзига хос чинакам санъат асари, шоҳона ҳангомадир.

---

[6]. Абдулла Орипов. Йиллар армони. 130-131-бетлар.

[7]. Сувон Мели. Глобал илмий-бадиий талқин поэтикаси. Т.: Фан, 2020. 21-бет.

[8]. Шейнина Е.Я. Энциклопедия символов. М.: ООО Изд-во АСТ, 2002. С. 4.

Бир тарафдан қарасанг, жаҳон тарихи инсоният босиб ўтган чексиз йўллардан иборатдек, гўё. Бу нарса сўз санъати бўлмиш бадиий адабиётда ҳам ўзининг хос инъикосини топиши тайин. Файласуф ва адабиётшунос М.Бахтин бу ҳақда шундай ёзади: “Адабиётда йўл хронотопининг мавқеи улкан: камдан-кам асар йўл мотивининг айрим кўринишларисиз яралади, талай асарлар айнан йўл хронотопи, йўлдаги учрашув ва саргузаштлар асосига қурилади”[9] . Зотан, йўл сир-синоатга тўла ҳамда макон ва замонни бирлаштирадиган улкан ҳам ҳаётий, ҳам эстетик ҳодисадир.

“Бу йўллар кўп қадим йўллардир” (Ғ.Ғулом). Унда замонлар ва маконлар оша гуруҳ-гуруҳга бўлинган қабила, элат ва халқлар боши оққан, тақдир йўллаган томон ҳаракатланадилар. Йўлчи кўп жойда йўлбошчи ҳам бўлиши тайин. Йўлбошчиларни эса “Ҳангома”дагидек иккига, от ва эшакка (биз бу ерда сўзнинг ҳақорат маъносини онгдан соқит қиламиз) ажратиш ҳамда жаҳон тарихида отлар кўпми, эшаклар, деган яримҳазил савол ҳам қўйиш мумкин деб ўйлаймиз.

Шу гапнинг мантиқий давоми сифатида айтиш мумкинки, тарихда аксар ҳолларда эшаклар йўл бошлаган ва минглаб офату фалокатларга айнан шулар сабабчи бўлган бўлса-чи? “Ҳангома” зимнида яширинган пандномадан келиб чиқиб, шундай глобал хулосага келиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Тарихимиздан маълумки, Чингизхон ҳужумининг бошланғич даврида ўзини анча бехавотир сезган хоразмшоҳ Оловиддин Муҳаммад тахтни, онаси Туркон хотун тазйиқи билан, албатта, ношуд ва худбин Узлуғшоҳга топширган бўлса, иш ҳалокат ёқасига келганда вазиятни ўнглаш мумкин бўлган ягона шаҳзода Жалолиддинга султонлик нишонини беради. Лекин бу пайтга келиб мўғул қўшини ҳудудни деярли забт этган, Султон Жалолиддин зиммасига ғоят оғир юк, юртни босқинчидан озод қилиш тушган эди.

Тарихимиздаги ушбу қонли воқеаларга “Ҳангома”даги эшак ва от рамзий тимсол эмасми?

Қашқадарёнинг чекка қишлоғида рўй берган воқеа, муаллиф таърифича, ҳангома ва унинг санъаткорона тасвири шундай кенг, глобал миқёсдаги фикр-мулоҳазага имкон берадими? Бизнингча, беради. Табиий қонуниятга кўра, томчида қуёш акс этади экан, нега одми, қувноқ бир воқеа шундай катта фикр-ҳодисаларга рамз бўла олмас экан?

Донишманд Навоий бобомиз “Хамса”ни ёзишга чоғланаётган, яъни “Хамса” отлиғ узоқ машаққатли йўлга отланаётган пайтда ўзига-ўзи далда бериб дейди:

Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ дегилу қўйғил қадам.

Лекин бизнинг чоллар совет чоллари эди, шекилли, “Бисмиллоҳ” дейиш тугул, йўлнинг ёмону яхшисини ўйлаб ҳам кўрмайин, инон-ихтиёрларини эшакка топшириб, ўзлари “гоҳ калла, гоҳ туёқдан” бўлган бетайин суҳбатга берилишади. Ҳалокатга юзма-юз бўлишгачгина, орқада судралган отга юкунадилар. Шўрлик от ҳам тўйга, улар бормоқчи манзилга эмас, уйга, аввалги ҳолатга, русча айтганда “нулевой вариант”га қайтара олади, холос.

“Эшак” сўзи тилимизда барчага маълум иш ҳайвонини англатишдан ташқари, бефаҳм, ҳеч нарсага ақли етмайдиган одамни мажозлайди. “Мулла минган

[9]. Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. М.: Изд-во художественная литература, 1975. С. 248.

эшакдай”, деган машҳур иборамиз ҳам борки, кўраётганимиз шеърдаги эшак минган чол мулла, яъни ақл-идрокли, ўқимишли одам эмас шекиллики, эшак эшаклигича қолади, эшаклигини қилади.

От эса... Отнинг ўзи ҳам, номаи аъмоли ҳам халқимизда азалдан эъзозланган. Халқ қўшиқларимизга бағишланган тадқиқотда “Ўзбек халқ қўшиқлари”да от мурод-мақсад рамзи”[10] дея қайд этилади. Нафақат қўшиқлар, балки халқимиз даҳоси яратган эртак ва достонларда ҳам от ҳамиша эзгулик, садоқат ва ҳатто илоҳийлик тимсоли бўлиб келган. “Туркий халқлар тарихий обидаларида отнинг муқаддас ҳайвон сифатида тан олинишини тасдиқловчи далилий маълумотлар, удумлар бизгача етиб келган” .

Муқаддас эътиқодимиз ислом динида ҳам отга алоҳида меҳр-муҳаббат кўрсатилган. Шоир ва буюк математик Умар Хайём “Наврўзнома” асарида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Отнинг пешонасига хайр каломи битилган” ва Ҳазрат Алининг “Аллоҳ у ёрдамида одамни шарафлаш ва шайтонни бебурд қилиш учун отни яратди”[12] деган сўзлари келтирилади. Ушбу икки буюк фикр отнинг илоҳий тийнатига яна бир исботдир.

Яна бир бор шеърий воқеа ботинига назар ташлайлик, бошқачароқ кўзқараш билан. Эшак ўзининг эшаклигини биларди-ку, нега йўл бошлади. От отлигини биларди-ку, нега орқада лўкиллаб эргашди. Бу ҳолга йўлчилар нега эътибор беришмади. От минган одам отлиқ дейилади, эшак минган одам нега эшаклиқ, дейилмайди. Бу сўз айрим шеваларимизда бўлиши мумкин, лекин кенг тарқалмаган.

Уловга минган одам уловни бошқарадими ёки улов одамни? Улов ихтиёрида бўлган одамнинг, айниқса, улов эшак бўлса, бефаҳм бўлса, ҳолига вой эмасми? Ҳаётда, фавқулодда ҳолатларни айтмаганда, минган уловни бошқаради. Улов, от ёки эшак, унга минган одам измида бўлади. Шеърда улов, яъни эшак ташаббусни қўлга олиб, минган одам ва яна от ва отлиқни бошқаради.

Ушбу мулоҳазалар тарих ва ижтимоий ҳаётга кўчирилса драматик, ҳатто трагик хулосалар потраб чиқиши муқаррар.

Мумтоз адабиётимизда тажоҳули орифона деган бадиий санъат бўлиб, у бирор нарсанинг атай ташқи, юзаки томонига эътибор бериб, ботин тарафни кўриб-кўрмасликка олишни билдиради. “Ҳангома” шеърининг сўнгги банди ушбу санъатни ёдга солади.

Алқисса шу: от йўлни
Уй томон бурган экан.
Чол-чи ўз кампиридан
Жой сўраб турган экан.

“Алқисса...” қисқаси ҳамда хулоса деганидир. Лекин, агар биз асарни кўпқаватли иморатга менгзайдиган бўлсак, бу биринчи қаватдаги хулоса бўлиб, юқори қаватларда вазият ҳам, хулоса ҳам ўзгариб боради. Маъно, шунга мос ҳолда ғоя юксалади ва теранлашадики, мақола давомида биз уларга имкон қадар назар ташладик.

---

[10]. Турдимов Ш. Халқ қўшиқларида рамз. Т.: Фан, 2020. 120-бет.

[11]. Тилавов Абдумурод. ОТ образи: тарих, таҳлил ва талқин. Т.: Sanostandart, 2021. 11-бет.

[12]. Омар Хайям. Трактаты. М.: Изд-во восточной литературы. 1961. С. 211-212.

“Замонанинг озгани, отдан эшак ўзгани” деган мақолимиз бор. Халқ даҳоси дурдонаси бўлмиш ушбу мақол “Ҳангома”нинг бутун моҳиятини ифода этадики, уни бемалол асарга қошсўз, эпиграф қилиб қўйиш мумкин. Шоирнинг онгости тафаккурида шундай фикр бўлгани тайин. Лекин шоир нега шундай қилмади? Гап шундаки, шундай қошсўз қўйилганда тагматндаги маъно очилиб, яланғочланиб қолган бўлур эди. Бадиийлик эса маъно аруси, келинчаги юзидаги парда, ҳижоб билан гўзал ва мукаммалдир. Лекин бу мақол ўзининг мукаммал шакли ва теран маъноси билан “Ҳангома”га янги бир ифор, аниқроғи, зарб олиб киради. Яъни отдан эшакнинг ўзиши замона, ҳатто борликдаги илоҳий тартиб-интизомга путур етказади, замона издан чиқади. “Ҳангома” ўзини юксак глобал талқинида шу ҳақда фикр юритади.

Айрим хулосаларимиз:

1. “Ҳангома” шеърида баён этилган оддий ва кулгили воқеа шоирнинг бадиий нияти ҳамда юксак маҳорати туфайли янги “ўзга борлиқ”қа кўчади. Натижада шеър ўзи яратилган ижтимоий-тарихий даврнинг рамзий манзараси, утопик, хаёлий коммунизмнинг юмористик тасвир-моҳиятини бадиий ифода этади.

2. Асар чинакам бадиий матн сифатида ўз даврий чегарасини тарк этади. Буткулумумий моҳият касб этиб, халқ ва йўлбошчи муносабатларига фалсафий назар ташлайди. Ўзига хос бадиий-фалсафий притча, мажозий шаклдаги ҳикояга айланади.

3. Шундай жиҳатлари билан шеър глобал (“Еру кўкда ҳорғин тус”) илмий-бадиий талқин учун асос беради ҳамда асарнинг маъно-мазмун кўлами глобал миқёсга кўтарилади.

4. Шоир ушбу ва унга ҳамоҳанг қатор шеърлари билан XX аср ўзбек шеъриятида ҳангома жанрига асос солди, дейишимиз мумкин. Шу руҳда битилган “Қул-қул” (1988) шеърида шоирнинг ўзи ушбу жанр хоссасини шундай белгилайди:

Мен ҳангома талабгори,
Яъни ўша-ўшаман.
Бор гапларнинг ёнига гоҳ
Хаёлотни қўшаман.

Яъни “бор гаплар”, яъни рўй берган воқеалар хаёлот қозонида қайнагандагина санъат асарига айланади, демакки турли сатҳдаги маъно ва фикрлар ёғдусини тарата бошлайди.

Янги жанрни назарий асослаш эса галдаги вазифаларимиздан.

Саодат ичра тур доим тутиб ўзни чарогида



Исмоил Маҳмуд
МАРҒИЛОНИЙ

* * *

Яхшилардан, эй ўғил, ҳар дамда ҳикмат ахтаринг,
Элга хизмат қилгучи, кўнгилда ғайрат ахтаринг.

Одамийлик файзидур ҳар кимки қилса яхшилик,
Яхшилик айлашга сиз ҳар дамда журъат ахтаринг.

Иллату нуқсон қидирманг тоза диллар саҳнидан,
Ўзни комил этгали ҳар ерда фурсат ахтаринг.

Дилни оғритмак осон, кўнгил олиш мушкул эрур,
Ишқи ҳақ завқида сиз ҳар дилда хислат ахтаринг.

Ҳақ таоло берди мол-мулк, мартаба, шукрида сиз,
Ҳар синиқ кўнгилга ёрдам бирла вуслат ахтаринг.

Дерлар, олтин конидан олтин чиқар, мис бўлмагай,
Суҳбати олтинга тенглар ичра улфат ахтаринг.

Яхшилар қадрин билинг, тутманг ёмонлар йўлини,
Яхшилардан ҳар қачон кўнгилга ибрат ахтаринг.

Исмоил Маҳмуд МАРҒИЛОНИЙ *– 1947 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Шуъла”, “Келажакка ишониб”, “Эътироф”, “Ишқ саодати”, “Гулзор қилур” шеърий китоблари чоп этилган. Айни вақтда, Марғилон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Жаҳон отин Увайсий номидаги ёшлар адабий тўгараги раҳбари.*

Нафси шайтон макрига учманг, хижолат айлагай,
Икки оламга татирли шукри неъмат ахтаринг.

Яхшилар фазлини дилга ҳар замон айланг ғизо,
Ўзни Маҳмуд этгали ҳар дамда тоат ахтаринг.

* * *

Нажоту раҳматинг бирла мани, эй ёр, умидвор қил,
Ниёзу ҳимматинг бирла мани, дилдор, умидвор қил.

Азобу, ҳасрату, қайғу, ки, ҳижрон заҳматингдандир,
Висол истар кўнгил сендан, мани такрор умидвор қил.

Ки, сенсиз ёр, икки олам менга зулматлигин билдим,
Сени ёлғиз ёруғлик дер, кўнгил ҳар бор, умидвор қил.

Қўйингда неча мендеклар, ётур истаб висол сендан,
Ўзингсан билгувчи асрор дегум бисёр, умидвор қил.

Тазарру ичрадир кўнглим гуноҳу ҳам хатойимга,
Эрур, бил, ноумид шайтон дея, ғамхор, умидвор қил.

Ўзимни билмайин ҳаргизки, ғафлат ичраман ёр,
Ки, мендек, сен адашганга бўлиб ҳаммор, умидвор қил.

Бу даҳру дун аро дилни муҳаббат поклагай ёлғиз,
Сўниб кўнглимга ваҳдатни этиб ҳушёр, умидвор қил.

Мададкорим ўзингсан ёр, қулингни айлагил Маҳмуд,
Бу ишқи гавҳаримга сен тутиб рухсор умидвор қил.

* * *

Муҳаббатли кишиларнинг юзида нур, зиё бўлгай,
Бу ишқи бирла чун тун-кун дилида чин сафо бўлгай.

Бу олам тийнатига ул кўнгилни боғламас ҳаргиз,
Муҳаббат бирла қалбида ўзига иқтидо бўлгай.

Этиб исён бировлар бирла нафсига берилмас ҳеч,
Шукур айлаб ҳаётида ҳамиша, бил, вафо бўлгай.

Тажаллийсин кўриб ёрин, ки ҳардам ул фасоҳатда,
Саодат ичра кўнглида мудом хавфу ражо бўлгай.

Ризосин топмака ёрин ҳамиша ул нажот излар,
Анинг шавқи билан тун-кун, ки, ўздин ул сиво бўлгай.

Ҳаёти интизомини тутиб ҳар дамда тақвода,
Висол онига етмакка, дилда муддао бўлгай.

Бу тавҳид, бирлаким, Маҳмуд, музайян айласанг ўзни,
Умид борки, Яратган ул куни сендан ризо бўлгай.

* * *

Ҳукми ҳақ тақдиридан ҳаргиз шикоят этмагил,
Ғайри инсон феълини кўнглингга одат этмагил.

Лавҳи маҳфузда битилган, бил, азалдан қисматинг,
Айлабон исён ҳаргиз сен жаҳолат этмагил.

Сабру тоқат бирла топгай ҳар киши ёр васлини,
Бас, ёмон йўлин тутиб сен, сўнг, надомат этмагил.

Шукрини қилғил ҳаётнинг, неъматин қадрин билиб,
Бу синов дунёсида сен дил жароҳат этмагил.

Ҳар нафасни бил ғанимат, ҳар қадамни билгил азиз,
Рост қолиб ёлғон билан ўзни хижолат этмагил.

Ул Яратган қудратидин икки оламдур ёруғ,
Нафсу шайтон макридан кўнглинг залолат этмагил.

Ҳақ таоло, Маҳмудо, этди мукаррам матлабинг,
Шу азизлик бирла тургил, тарки ҳолат этмагил.

* * *

Яхши инсонлар ҳаёт тарзини эъзоз айлагай,
Ҳақ йўлига ҳар қачон умрин пояндоз айлагай.

Яхши одам ҳеч ямонлар бирла бўлмас, фаҳм этиб,
Шамси анвар азмини аҳдига андоз айлагай.

Боғ аро булбул тутинмас ошно зоғ ила,
Ғунча ишқида ёниб, ўзни сарафроз айлагай.

Дўсту ағёр фарқини қил, эй ўғил, идрок этиб,
Англа, яхши-яхши инсонларни устоз айлагай.

Сол назар, одам қиёфа беиболар йўқ эмас,
Бу каби каслар адашганларни ғаммоз айлагай.

Бу ҳаёт саҳни азалдан яхши бирла файзиёб,
Файзиёблар ҳар қачон, ҳар дамда эъзоз айлагай.

Эй ўғил, Ҳақ ҳикмати бирла дилинг Маҳмуд қил,
Яхшиларнинг суҳбати кўнглингни мумтоз айлагай.

* * *

Тирикликда иродат айлабон, эй дил, нажот топгил,
Қилиб яхши амаллар сен ики дунё бисот топгил.

Бу беш кунлик синов дунёсида амри аро бўлгил,
Тутиб ҳикмат йўлин тун-кун ўзинга бир сифот топгил.

Худонинг раҳматин топмоқ ҳидоят ичрадир ҳар он,
Этиб ўзни сифотила туганмас бир ҳаёт топгил.

Ки, нафсинг комига тушмай лаъиндан юз ўгир доим,
Кечиб айшу фароғатдан ўзингда бир сабот топгил.

Саодат ичра тур доим тутиб ўзни чароғида,
Муборак ўнг қўлингда олгали хатти барот топгил.

Этиб дилни фаровон сен муҳаббат нурлари ичра,
Ёруғ юз бирлаким, ул кун ҳузурига қанот топгил.

Қилиб тавба гунаҳлар денгизи олдида, эй Маҳмуд,
Ғанимат бу даме ичра туганмас бир нишот топгил.

* * *

Дилоро, бир назар солгил бу хаста мубталойингга,
Мурувват айлагил васлинг талабгор бир гадойингга.

Икки олам жамолингсиз менга зулмат, қоронғудир,
Мунаввар айлагил кўнглим этиб ошно зиёйингга.

Хароб ўлмакдаман сенсиз, сезар дил эҳтиёж ҳар дам,
Ҳамиша, ҳар нафас, дилбар, бўлиб ташна ғизойингга.

Туну кун ахтариб васлинг кўйингда дарбадардурман,
Насиб эт илтифотингни бу ожиз бебақойингга.

Паришон хас каби ҳар ёна тўзгайман қанотим йўқ,
Мададкорим ўзинг ёлғиз, раҳм қилгил адойингга.

Илинжим йўқдурур сендан бўлак бир риштага ҳаргиз,
Тараҳҳум айла, маҳталман туну кун зери пойингга.

Муборак ҳусни ҳолингни тилаб афтода Маҳмудман,
Дилоро, ҳар замон, ҳар дамда муҳтожман ризойингга.

* * *

Ҳар киши халқ ичра бўлса, топмагай ҳаргиз завол,
Қудрати халқ бирла кўнгли туну кун очгай жамол.

Яхши инсон четда турмас ҳеч саодат саҳнидан,
Турфа хил шарру риёни қилмагай ҳаргиз хаёл.

Парча-парча чўғ ёниб, машъалга айлангай ёруғ,
Кўп ўпар бўлгай чинор орзуси бирла ҳар ниҳол.

Донғи чиқмас ёлғиз отнинг чиқса ҳам чанги, магар,
Элу юрт ҳажри кишини айлагай ҳар ерда дол.

Қанча мева берса ҳам ёлғиз дарахт боғ бўлмагай,
Етмаса дарёга жилға, бил, қурур чўлда беҳол.

Дона буғдойдан уюм хирмон битилмас ҳеч қачон,
Айрилиб элдин киши ҳеч топмагай ҳаргиз мажол.

Маҳмудо, бил туну кун, ким элу юрт коридадур,
Бўлгуси рағбатга дохил халқ аро айлаб камол.



Миллатнинг адолат мадҳияси

Иқболой АДИЗОВА

Шарқ мумтоз адабиётида анъанавийлик устувор. Янгилик ва новаторлик унинг заминида юзага чиқади. Адабиётдаги бу жараённи, яъни анъана ва новаторлик муносабатини белгилашда ўзбек мумтоз адабиётидаги назира – ғазаллар муҳим ўрин тутади. Жумладан, шу нуқтаи назардан "Устина" радифли ғазалнинг ўз тараққиёт тарихи бор. Биз изланишларимиз мобайнида турли ижодкорлар меросида унинг ўнлаб намуналарини учратдик. Бу радифни қўллаб дастлаб ғазал яратган шоир Лутфийдир. Унинг асари 7 байтдан иборат.

Замондошлари ва улар яратган рисолалардан маълум бўладики, бадиий тимсол яратиш, санъатларни, тасвирий воситаларни қўллашда Лутфийга тенг келадиган шоирни топиш мушкул бўлган. Буни Навоий ҳам "Мажолис ун-нафоис" да бир неча бор таъкидлаган. "Устина" радифли ғазални кузатиб, бунга яна бир бор амин бўлдик. Ғазал тавсифий-ошиқона йўналишда. У Лутфийнинг бошқа бетакрор асарлари каби маҳорат билан яратилган. Мумтоз адабиётда қадни сарвга, юзни гулга қиёслаш анъана. Аммо Лутфий мавжуд ташбеҳни янада такомиллаштиради. "Юзни Жаннат дарахти устидаги гул"га менгзайди:

Эй қадинг тўбийи жаннат хадди гулгун устина,
Кўрмади даврон сенингдек ой гардун устина [1, 1965, 233].

Лутфий ғазали ошиқона йўналишдаги асар. Шоир унда бошдан охир маҳбубанинг қиёфасини гўзал тасвирларда чизиб беради. Ғазал рамали мусаммани маҳзуф вазнида яратилган. "Устина" сўзи радиф; гулгун, гардун, мавзун, Мажнун, олтун, нун, хун, Жайҳун калималари эса қофия вазифасида қўлланилган. Ғазалнинг ҳар бир байтида, зебу сайқал беришда, тамсил санъати етакчилик қилган. Айрим байтлар ҳусни таълил санъати тароватидан сайқал топади:

Иқболой АДИЗОВА *– филология фанлари доктори, доцент. 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. "Ўзбек адабиёти тарихи (XVI-XIX аср I ярми)" дарслиги ва ўқув қўлланмаси, "Эл дардини куйлаган шеърият", "Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур", "Сўзумни ўқуб англағайсен ўзумни...", "Увайсий шеъриятида жанрлар такомили", "Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши", "Thinker poetess of the East" (хорижда) каби монографиялари, юздан ортиқ мақолалари ўзбек ва чет тилларда эълон этилган.*

Бўлди сўзум нозику кўнглум хушу табъим латиф,
Ҳар қачон солдим назар ул шакли мавзун устина [1, 1965, 233].

Лутфий фахрия усули ёрдамида мазкур байтда шеъриятининг адабиётдаги юксак мақоми борасида ўз эътирофини баён этади. Шоирнинг маҳорати шундаки, мазкур байтда ҳам фахр, ҳам камтарликни бир ўринда нуқсонсиз ифодалай олган. Биринчи мисрадаги "сўзум нозик, кўнглум хуш, табъим латиф" жумлалари орқали ўз ижодидан фахр туйғусини баён этса, 2-мисрада камтарлик билан бунга ўзи эмас, балки гўзал қиёфа ва унга назар солиши сабаб бўлганлигини таъкидлайди.

Лутфий оригинал шоир. У мумтоз адабиётдаги анъанавий образ ва ташбеҳларнинг янги қирраларини кашф эта олган ижодкор:

Сарв анингдек қоматинг ҳайронидурким, бошиға
Қилди қушлар ошён, андоққи Мажнун устина [1, 1965, 233].

Мазкур байтда шоир нуқтаи назарини намоён этишда ташбеҳ, талмеҳ ва тамсил санъати муҳим вазифа бажарган. Жумладан, шоир 2 ҳолатга эътибор қаратган. Сарв 1- қоматга; ва 2-Мажнунга ўхшатилмоқда. 1-ташбеҳда маҳбуба қаддининг гўзаллиги назарда тутилса (бунда анъанавий тасвир устувор), 2-сида эса сарв, Мажнунга қиёсланган ҳолатда, ошиқнинг руҳий ҳолати тасвирига хизмат қиляпти. Худди шу ўринда Лутфийнинг новаторлиги кўринади. У мумтоз адабиётда анъанавий бўлган сарв – қад муносабатини ўзгартириб, қиёфа тасвиридан уни, руҳий ҳолатни ифодаловчи бадиий образ даражасига кўтаради. Энди у фақат маҳбуба гўзаллигини эмас, балки ошиқнинг ички оламини ҳам ўзида синтезлаштиради. Шоир бунда оддийгина қушларнинг дарахт бошида ин қуришидан, тамсил санъати воситасида, ўринли фойдаланади. Лутфийнинг бундай ёндашуви мумтоз анъананинг янада такомиллашувига, мавжуд образнинг янги ифода миқёсининг намоён бўлишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида сарв тиклик, тўғрилик сифатидан ташқари, мажнунвор ошиқлик мақомини ифодаловчи янги мавқега эга бўлади.

Мақтаъ байтда ҳам шоирнинг тимсол қўллашдаги ўзига хос ёндашув тамойили намоён бўлади:

Гар ватан Лутфий кўзунда тутмадинг, йўқтур ажаб,
Эв қўпормоғлиқ эрур душвор Жайҳун устина [1, 1965, 233].

Ҳажр кўйида ошиқ кўзёшининг Жайҳун каби дарё бўлиши маълум тасвир. Аммо, маҳбубанинг ошиқ кўз мардумида макон тутмаслиги Жайҳун устида Ватан қуришнинг иложсизлиги билан боғланади. Бу эса анъанавий ифоданинг янгиланишига асос бўлади. Кўзёшининг дарёга ўхшатилишидаги торлик йўқолади. Шоир тасвирида энди манзара кенгаяди. Манзаранинг, тасвир объектининг кенгайиши ўз-ўзидан асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолати тасвирини ҳам теранлаштиради.

Лутфийдан сўнг Ҳусайний ҳам мазкур радифда ғазал битади. Уни ўрганиш мобайнида, мумтоз адабиётдаги образлар такомили, бадиий санъатларнинг ижодий ишланиш жараёнига ҳам гувоҳ бўлдик. Адабиётшунос олим сифатида Навоий сўзининг қадри баландлигига яна бир бор амин бўлдик. Ҳусайний асарини яратар экан, Лутфий асари ҳақида айтилган Навоий фикрларини инобатга олади. Навоий Лутфийни ўзига ижод йўлида устоз деб билади. Унинг шоирлик истеъдодини тан олиб, буюк эҳтиром билан унга "малик ул-калом" – сўз мулкининг султони

деб баҳо беради. Аммо шунга қарамасдан, юқоридаги байтдан кўнгли тўлмаган жиҳатларини ошкора баён ҳам этади: “Нечунким, Мавлоно юзни жаннатға ташбиҳ қилибдур ва ани тўби устига эътибор қилибдур ва бу бағоят йироқтур. Бовужуд бу икки мисраи бир-бирига марбут эмас”.

Ҳусайний, Лутфийда нуқсон сифатида кўрсатилган ҳолатларга ўзгача ёндашади. Қайта ишлайди. Янада такомиллаштиради:

Этқой сарв узра гул пайванд қилмиш боғбон,
Кимки кўрса оразинг, ул қадди мавзун устина [2, 2016, 131].

Ҳусайний тасвирни ҳаётга яқинлаштиради. Маҳбуба қадди ва юзини боғбоннинг сарвга гул пайванд қилиши ҳолати билан боғлайди. Шоир маҳорати шунда кўринадики, у асарга боғбон образини олиб кириши билан уни ҳам ҳаётга яқинлаштиради, ҳам теран ботиний маъно бағишлайди. Бунда у мумтоз адабиётнинг рамзийлик характеридан фойдаланади. Яъни боғбон образининг рамзий – илоҳий маъносини ҳам назарда тутади. Маҳбубанинг гўзаллигини Азал яратувчи маҳоратига, унинг қудрати маҳсули эканлигига ишора қилади. Демак, Ҳусайний Навоий фикрини инобатга олиб, Лутфий қўллаган образнинг янги талқинини яратади.

Ҳусайний яратган мақтаъ байтда ҳам шоирнинг ижодий лабораторияси намоён бўлади:

Сели ашк ичра Ҳусайний чун кўрунмас истаманг,
Ким кўрунгай тушса бир хошок Жайҳун устина [2, 2016, 131].

Лутфий мақтасида ошиқнинг васлга етолмаслигини ҳаётий асос билан далиллаган эди. Ҳусайний эса бу ҳолатга ўзгача ёндашади. Мақсадга эришолмасликни маҳбубанинг ошиқни назарга илмаслиги билан боғлайди. Лирик қаҳрамон хокисор, назарногир. Унинг, ҳатто хас-хашакчалик ҳам қадри йўқ. Жайҳун устига тушган хас ҳам кўринади. Аммо ошиқ назардан четда. Сув, ашк – тиниқлик, илоҳий файз рамзи. Лирик қаҳрамоннинг ундан мосиволиги ўз мақомидан қаноатланмаслик билан боғлиқ. Кўринадики, Лутфийнинг ҳаётий заминга асосланган ғазали Ҳусайний қаламида янада чархланади. Ҳаётийлик билан параллел равишда ирфоний маъноларга ишоралар ҳам етакчи мавқега кўтарила бошлайди.

Навоий Лутфийга баҳо берар экан, унинг “Офтоб” радифли ғазалига ўз давридаги барча шоирлар назира боғлашганини эслайди. Шоирнинг мазкур “устина” радифли ғазали ҳам худди шундай шуҳрат топган асарларидан биридир. Унга Ҳусайний, Амирий, Увайсий, Огаҳий каби кўплаб, турли замонларда ва маконларда яшаган ижодкорлар назира боғлаганлар. Уларнинг ҳар бири махсус тадқиқ этишга муносиб. Аммо биз мақола ҳажмини ва мақсадини инобатга олиб, Огаҳий ғазалига тўхталишни маъқул кўрдик.

Лутфий яратган ғазалга, айниқса, Огаҳий боғлаган ўз асари билан уни энг юксак мартабага кўтарди, унга ҳайкал қўйди. Ғазалларни қиёслаб кўрсак, Огаҳийнинг мазкур асардан илҳомлангани, таъсирланиб гўзал мерос яратгани аён бўлади. Шоир худди шу радиф билан 2 та ғазал яратган. 1-ғазал 11, 2-си 9 байтли. 1-ғазал:

“Мажнун кўнгулнинг ишқ аро гар ёғса юз тош устина,
Дер шод ўлуб ҳар тошға келсанг агар бош устина” [3, 1960, 330], –

матласи билан бошланади. Унинг ҳар бир байтида Огаҳийга хос маънодаги теранлик, ифодадаги гўзаллик ва бетакрорликни кузатамиз. Ғазалнинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, шоир мақтада унинг қачон ёзилганини ҳам аниқ айтиб ўтади:

Қилма ҳавас, Огаҳий, эмди йигитлик айшини,
Ким етти умринг муддати эллик етти ёш устина [3, 1960, 330].

Демак, мазкур ғазал шоирнинг 57 ёшида, яъни 1866 йилда ёзилган экан. Мазкур ғазал ражази мусаммани солим вазнида яратилган. У замондошлари томонидан илиқ кутиб олинади. Шундан сўнг шоир айнан шу радиф билан 2- бир ғазални ҳам яратади. Бу маълум ва машҳур бўлган, –

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина [3, 1960, 331], –

матласи билан бошланувчи ғазалдир. Юқорида таъкидланганидек, иккала ғазал яқин муддатда яратилган. Шундан келиб чиқиб бу асар ҳам шоир 57 ёшлигида ёзилган деган хулосага келишимиз мумкин.

Юқорида мазкур ғазаллар Лутфий таъсирида яратилган, деган фикрни келтирдик. Аммо бирор ўринда шоир уларнинг татаббуъ эканлигига ишора этмайди. Бироқ уларни қиёслаганимизда адабий таъсир излари яққол кўринади:

Лутфий:

Анбарин қошинг хаминда холдек кўз мардуми,
Мушки тардин нуқтае сулсидурур "нун" устина [1, 1965, 233].

Огаҳий:

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина [3, 1960, 331].

Асарларда шу каби муштарак хусусиятларни кўришимиз мумкин. Аммо гап бунда эмас. Мазкур асарда Огаҳий истеъдодининг бутун теранлиги, бетакрорлиги билан намоён бўлишидадир. Келтирилган байтдаёқ, Лутфий ғояларини, ифода шаклларини не қадар юксакка кўтаргани кўриниб турибди.

Лутфийнинг ғазали тавсифий йўналишда. Ҳар бир байтда шоир ўзининг ифода йўсинидаги маҳорат қирраларини намоён этган. Кўриниб турганидек, Огаҳий Лутфий ғазалидан бевосита таъсирланган. Аммо назиранависликнинг юксак мақомида туриб, уни янада ривожлантиради. Лутфий қиёфани тавсиф ва тасвирлаш йўлидан боради. Огаҳий эса сўз билан ҳам ташқи шаклни чизади, ҳам унинг сифату вазифаларини ифодалайди. Бу эса образ моҳиятини англашни янада тиниқлаштиради. Чашмнинг жаллод, қошнинг эса ҳайъат тарзида истиоравий талқин этилиши маънонинг ва руҳият тасвирининг теранлашишига сабаб бўлади. Шу билан бир қаторда шоир "нун" ва "сод" ҳарфлари шакли воситасида кўзу қош суратини ҳам чизиб беришга эришадики, бу Огаҳий маҳоратининг бетакрор ва серқирралигини кўрсатади.

Огаҳий ҳам Ҳусайний каби тасвир услубида ҳаётийликни, жонлиликни мезон сифатида танлайди. Асардаги фикрларини табиат ҳодисалари, ҳаётий тажрибалари

воситасида жонли далиллашга ҳаракат қилади. Жумладан, Лутфий ва Ҳусайнийда энг таъсирли ва ноёб ифода шаклига эга байтларнинг биридан таъсирланиб, унинг ўзига хос ҳаётий талқинини яратади:

Қилғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод устина [3, 1960, 331].

Лутфий ва Ҳусайний ғазаллари рамали мусаммани маҳзуф вазнида яратилган, қофиялари ҳам бир-бирига яқин. Ҳусайнийда Лутфий қўллаган 5 та қофия такрорланади ва 3 та янги мутаносиб сўз қофия сифатида қўлланилади. Огаҳий бу борада ўзгача йўл тутади. 9 байтдан иборат ғазал қофиялари учун шоир бутунлай ўзгача, янги сўзлардан фойдаланади (жаллод, сод, шамшод, одамизод, бедод, фарёд, Фарҳод, обод, бод, ношод). Вазн сифатида эса ражази мусаммани солимни танлайди. Бу шаклий ўзгаришлар асарнинг мазмун янгиланишига ҳам асос бўлади. Огаҳий маҳорати ва шеър олдига қўйган ўз талабу мезонларидан, адабий-эстетик қарашларидан келиб чиқиб, бутунлай янгича, ўзбек мумтоз адабиётининг ноёб намунаси яратилади.

Ғазалнинг композицияси ҳам ўзига хос. Унинг қурилиш таркибини 3 қисмга бўлиш мумкин. 1-қисм маҳбубанинг ташқи қиёфаси тавсифига бағишланади. 2-қисмда ошиқнинг дарду изтироблари, руҳий ҳолат тасвири алоҳида эътиборга олинади. 3-қисм эса асар ғоясининг авж нуқтасини белгилайди. Унда шоирнинг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ қарашлари, мулоҳазалари, фиғону нолалари ўз ифодасини топади. Ошиқона йўналишда бошланган ғазал, халқнинг дарду ғамини, адолатсизлик ва зулм эпкинларини муҳокамага ташлаган ижтимоий мазмун билан уйғунлашиб кетади:

Эй шоҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Ким меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина [3, 1960, 331].

Кўринадики, Огаҳий фикр-ғояларини табиат ва ҳаёт ҳодисалари билан мутаносиб тарзда, тамсил санъати воситасида, ноёб ифодаларда асослайди. Шоир кузатувчанлиги, ноёб тафаккур миқёси ифода шакли билан ҳайратланарли даражада уйғунлик касб этади.

Ғазал композициясини шартли тарзда 3 га бўлдик. Аммо ундаги ғоявий такомил ички узвийликка ҳам эга. Бу унда қўлланган сўзлар, образлар тизимидаги мутаносиблик ва силсилавийликда намоён бўлади. Жумладан, “ваҳ мунча офатму бўлур бир одамизод устина”, “қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина”, “булбулдек айлар юз наво минг навъ фарёд устина”, “бошимға ёққан ғам тоши мингдин бирича бўлмоғой, гардун агар минг бесутун ёғдурса Фарҳод устина” каби мисралар замиридаги дард, фиғон ва нолалар мавъиза байтларда ошкора юзага чиққан халқнинг ижтимоий дарду кулфатларига ишора этиш вазифасини бажаради.

Ғазал жанрида, одатда, мақтадан олдинги бир байт мавъиза байт бўлади. Аммо Огаҳийнинг мазкур асарида иккита байт мавъиза байт вазифасини бажаради. Улардан биринчисини кўрдик. Иккинчиси қуйидаги байт:

Хоки таниng барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устина [3, 1960, 331].

Бу байтда инсон зотига қаратилган, ҳеч қачон эскирмайдиган буюк сабоқ мужассам. Унда шоир оламнинг ўткинчилигини эслатиш орқали, инсониятни эзгулик билан яшашга, умрнинг ҳар бир кунини ғанимат билишга даъват этади. Бу эса ғазалнинг умумбашарий аҳамиятини кўрсатади.

Асарда Огаҳийнинг жасоратли сўзлари унинг шахсияти, халқпарварлиги, ватансеварлиги борасида тасаввур беради. Ҳақиқатан ҳам, Огаҳийнинг ўзи таъкидлаганидек, ўша замонда бундай қатъият ва журъат билан жамиятни, инсон маънавиятидаги қусурларни фош этиш муаллиф бошига оғир кулфатларни олиб келиши мумкин эди:

Не журъат ила Огаҳий очқай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод устина [3, 1960, 331].

Аммо Огаҳий ҳаётий таҳдидларга сабаб бўлиши мумкинлигига қарамасдан, ҳақиқий шеър ва шоир шууридаги улкан одамийлик бурчини бажаришни вазифаси деб билди. Хоразм суворасига солиб куйланадиган бу ғазал асрлар оша, элнинг кўнглидаги дарду ғам, фиғону нолаларини баралла фош этувчи, миллатнинг "адолат мадҳияси" сифатида абадий яшайди.

РЕЗЮМЕ

Аннотация: Мазкур мақолада, мумтоз адабиётда муҳим ўрин тутувчи, анъана ва адабий мактаб сабоқлари борасида фикр юритилган. Ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намуналаридан бири бўлган "Устина" радифли ғазалнинг такомил тарихи ёритилган. Лутфий, Ҳусайний ва Огаҳий ғазаллари қиёсий аспектда тадқиқ этилган. Шоирларнинг муштарак ва ўзига хос маҳорат қирраларига, асарларидаги мазмун, ғоя ва бадиий санъатлар мутаносиблигига эътибор қаратилиб, уларнинг ҳар бирининг ғазал тадрижидаги ўзига хос қирралари аниқланган.

Таянч тушунчалар: тамсил, ҳусни таълил, назира, анъана, новаторлик, тавсифий, ирфоний, ғазал, ижтимоий, композиция.

Аннотация: В данной статье рассматриваются уроки традиции и литературной школы, которые играют важную роль в классической литературе. Освещается прекрасная история газели "Устина", одного из редких образцов узбекской классической литературы. Газели Лутфи, Хусейни и Огахи были изучены в сравнительном аспекте. Акцент делается на общих и уникальных аспектах мастерства поэтов, балансе содержания, идей и искусства в их произведениях, а также выявляются специфические аспекты каждого из них в развитии газели.

Ключевые слова: басня, ҳусни таълил, назира, традиция, инновация, описательная, мистическая, газель, социальная, композиция.

Abstract: This article discusses the lessons of tradition and literary school, which play an important role in classical literature. The perfect history of the ghazal "Ustina", one of the rare examples of Uzbek classical literature, is covered. The ghazals of Lutfi, Husseini and Ogahi have been studied in a comparative aspect. Emphasis is placed on the common and unique aspects of the poets' skills, the balance of content, ideas and art in their works, and the specific aspects of each of them in the development of the ghazal are identified.

Key words: fable, husni talil, nazira, tradition, innovation, descriptive, mystical, ghazal, social, composition.



Хайрихоҳ ёзувлар

ёхуд Элужахонимнинг "буюк орзуси" хусусида

Сайёра СОЛАЕВА

2016 йилда "Турон замин зиё" нашриётида озарбайжон адибаси Элужа Отали қаламига мансуб "Ўзинг кел" номли китоб таниқли модернист шоир Шермурод Субҳон таржимасида эълон қилинди. Китоб сўзбошисида шоир Баҳром Рўзимуҳаммад бу воқеликни "мафтункор ташриф" дея қайд этди. Хўш, бунинг сабаби – эса миллат менталитетларининг муштараклигида. Қолаверса, "Элужа Отали Зиё Кўкалп, Ниҳол Отсиз каби XX аср туркий дунёнинг тағин бир таниқли вакили Асиф Оталининг: "Инсон ўзгармаса, дунё ўзгармайди", деган фикрига содиқ қолган ҳолда, инсоннинг ўзини ўзи тарбиялаб, юксак қадриятларга эришишида моне бўлгувчи камчилик ва нуқсонларни адабиёт воситасида таҳлил қилади". (Қаранг: *ўша китоб, 2-бет*)**.**

Элужа Отали – шоира, адиба ва олима. У "Озарбайжонда китобсеварлик: ташкил топиши, ривожи, модерн давр ва оқимлари" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Айни вақтда Швецияда истиқомат қилади. Унинг "Одамдан устун", "Қум устида чумчуқлар", "Атилланинг очиқ деразаси", "Бир қултум озодлик" каби ўндан ортиқ китоблари Озарбайжон, Туркия, Америка Қўшма Штатлари сингари мамлакатларнинг нуфузли нашриётлари томонидан чоп этилган. Жорий йилда Калифорния штатида нашр қилинган "Ёт дилда озодлик нағмалари" номли салмоқли китоби жаҳон адабиёт шинавандалари томонидан хуш кутиб олинди.

Юртимиз ноширлари ҳам Элужа ҳикояларини "Китоб дунёси", "Фаровон юрт" ва "Эзгу сўз" газеталарида чоп этишди ва мамлакатимизда танилди, эътироф этилди, дўст орттирди.

2017 йил Тошкент сафарида бўлиб, сўнгра Самарқанд, Бухоро ҳамда Хоразмни кўришни кўзда тутган Элжуа Отали билан дастлаб қўнғироқлашганимизда, у жарангдор овозда: "Бир ёки икки кундан кейин Хивани зиёрат қилишга етиб бораман. Шу муқаддас тупроқда танишувимизга муштоқман", деди. Лекин бу

Сайёра СОЛАЕВА – *1967 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. "Сиз марҳамат қиласиз ҳали" шеърий тўплами нашр қилинган.*

режа хасталангани боис амалга ошмай қолди. Шунга қарамай Элужа отали Ўзбекистонга ташрифи давомида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчи ва талабалари билан мулоқот қилган, маърузалар ўқиган. Озарбайжон маданият марказида ўтказилган анжуманда ўзбек тилида чиққан "Ўзинг кел" китоби муҳокамасида қатнашган.

Жаҳон авангард адабиёти ичида нафас олаётган бу файласуф ижодкор ўта самимий бўлгани ҳолда шафқатсиз ҳақиқатни очиқ тасвир этиш, эзгулик ғалабаси йўлида толмас курашчига эврилиш фазилатлари билан ҳам меҳру муҳаббат қозонганлардан бири. У инсон руҳияти тозаланмас экан, олам ўзгармайди, қабилидаги ғоясини ўз асарларига сингдириб юборгани туфайли ҳам диққатимизни тортаверади. Дейлик, "Қум устида чумчуқлар" сарлавҳали ҳикоясига Асиф Оталидан иқтибос олибди:

Ҳали севилмадим деб ачинма сира,
Аксинча, алданмадим деб севин!

Ушбу иқтибос таъсирида муаллиф ёзадики: "Бироз олдин, "Сени алдатиш осон бўлса керак", дединг. Гапингга қўшиламан. Кўп бора алданганман. Бироқ ўзимга эмас, мени алдаганларга ачинаман. Яъни ёзувчи алдаётган одам, бирор нарсани қўлга киритдим, деб ўйлагани ҳолда аслида улкан нарсани – ўзига фойдали Борлиқни қўлдан чиқаришини назарда тутади.

Элужанинг кўпгина битиклари дўсти, шоира, таржимон Анна Барткулашвилига аталган. "Анна денгизга боқмоқда" сарлавҳали асарида Денгиз ва Инсон образлари гавдалантирилгани ўқувчиларимиз учун ажабтовур туюлиши аниқ:

Анна денгизга боқмоқда!
Инсонлар тугаб битган унинг учун.
Хўш, денгиз тугамайдими?
Денгиз қандай бўлса шундай кўринмоқда,
Алдатмайди кўриниши билан,
Қандайлиги маълумдир барчага
Мовий, тўлқинли, тузли!

Бу қиёсловларда инсонлар сийратига бўлган талаб пинҳон. Зотан, инсон қандай бўлса шундайлигича кўринмайди. Денгиз эса ранги, тузини ҳар сонияда ошкор этаверади. Элужа Отали услуби, усули жозибаси шундаки, у – ҳаётни мунтазам равишда кузатадиган, шу аснода хулоса чиқарадиган, қалбан тузалишга атаб "рецептлар" таклиф этадиган файласуф. Унинг ижодида Фалсафа, Шеърият, Тасвирий санъат бир баҳайбат дарахтнинг учта йўғон шохи янглиғ бир-бирига талпиниб, бир-бирининг ичига кириб шу зайлда ўсадики, қайси шох қайдалигини ажрата билмай қоласиз. Шунинг ўзи иллюзия!

Сир эмаски, кейинги вақтларда сюжети жўн, олди-қочдиларга асосланган, саргузаштнамо ёки детектив қисса ва романларнинг аксарияти бадиий тафаккур равнақи, туйғу-кечинмалар "тирилишига" эмас, балки вақт ўлдиришгагина хизмат қилмоқда. Ваҳоланки, инсоният ҳар доим кўнгил кўзлари очилишига даъват этиладиган асарлардан наф кўргани тарихий ҳақиқатдир. Зоҳиран, мураккаб кўринишга эга Элужахоним ёзувлари ботинан дилимиз ҳаракатига уйғун; бундай ижод қизиқиш ва иштиёқни тобора ошираверади.

Элужа Отали ёзади: *“Инсон баъзан ўзига яқин бўлган хилқатдан тез зерикади. Кўзлари толиқади. Толиқиш инсонни бездиради. Ҳақиқатдан ҳам бир хиллик кўпинча зерикарли бўлади. Доим бир хилликдан толиқмаслик учун инсон ботинидаги бойликдан керагича фойдаланиб, уни юзага чиқариши лозим ва ўз ҳаётини бўшлиқдан, кулрангдан тозалаб, у ерга илиқ бир ҳаво олиб кириши даркор”.*

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, коинотда инсон ёлғиз эмас экан. Турли-туман ёритқичлар жилоси унинг тақдирини нурлантириб туриши қадимги манбалардан маълум. Дейлик, донишманд Зардушт бежиз Қуёшга мурожаат қилган эмас. Оташпарастлик динининг ўзи ҳам оташга, яъни рамзий оловга тақалиши мавзуга ойдинлик киритади. Худди шунингдек, Ер йўлдоши Ой ҳам рамзий хусусиятларга эга. Ойпарастликни ҳам жунуннинг бир тури сифатида талқин этиш мумкин. Ҳазрати Навоий таъбирича, жунун – ёзув кишиларининг доимий йўлдоши. Инчунун, битикларга кўз ташлайлик: *“Сен хафа бўлма, тез-тез янгилари келади. Сен учун бошқасини оламан, усти гулли ё юлдузли. Сариқ Қуёш, сепкилли Ой бор. Нозик ва зариф кабутарлар завқ билан бутоқларга қўнишади. Энг кўп ёқтирган рангларим – айтсам – қўнғир ва олтин ранги”* Ҳар бир ҳикоядаги ҳар бир хатбоши ўзича сирли, сеҳрли ва жодули. Бундай наср – назм ва наср оралиғидаги бошқача кўринишдаги тагқатламни англайдиган ўқувчига лаззат ва ҳайрат бахш этади. Бинобарин, бундай ёзувларни хос ўқувчиларгина тугал англашлари мумкин.

“Кузатишлар жараёнида ойдинлашадики, ҳаттоки хос доира вакиллари ҳам тузилмаси оддийроқ, усули жўнроқ асарларни иштиёқ ила ўқийдилар ва мақтайдилар”, деб ёзади Баҳром Рўзимуҳаммад. Оқибатда якрангликка боғланган майл воқеликка кўчади. Қисқача йўсинда айтсак, улар ўзларини ўзлари зерикишга маҳкум этадилар. Худди шунингдек, тилни чуқур билмайдиган одамлар соддаликни севадилар. Ўша алдамчи тасаввурлар адабиёт зиёнига ишламаслиги даркор. Юксак савия билангина жаҳон авангард адабиётини кўнгил мулкига айлантирмоқ мумкин. Менимча, Элужа Оталини ҳам жаҳоннинг илғор ёзувчилари қаторига киритса бўлади”.

Кейинги икки юз йилликда Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Комил Хоразмий, Феруз каби сўз афсунгарлари майдонга чиқиб, Шарқу Ғарбни ҳайрат уммонига ғарқ қилдилар. Огаҳийдан биргина:

Оҳимни дуддек чиқориб кўкка ҳар кеча,
Икки кўзимни айлади гирён ул ой ғами.

Сатрларидаги сўз жаранги, мусиқа, ранг муштараклиги ақлларни ҳайрон қиладиким, аслида айнан шу шеър етиб борадиган энг юксак нуқтадир эҳтимол? Энди ўша залворли оҳангдан хулоса чиқарадиган бўлсак, шоирлар ноёб инсон эканлиги равшанлашади. Уларни маҳв этиш эса – ноёбликни ўлдириш демак. Элужа Отали ҳам йўқотишлар борасида ўта таъсирчан сўзларни айтади. Хулосаси шуки:

Мен учун нақадар қўрқинчлидир –
Мени йўқотишдан қўрқмаган киши.

Йўқотишни ҳис этмоқ керак. Шу даражада ҳис этмоқ керакки, идрокка зилзила тушсин; туйғу жунбушга келсин; маъно асносида абсурдни англамоқ – даҳшатли амал эканлиги тобора ойдинлашсин. Атиги бир варақдан иборат "Қовушмайдиган дунёлар" ҳикоясида шундай жумлалар мавжуд**:** *"Сайид Нигорийга Нигорнинг ўлим хабарини хотини етказади ва ўзининг бундан хурсанд эканини маълум қилади. Нигорий хотинининг айтган гапларига унча ҳам эътибор бермагани учун ҳазинлик қўшолмаганди бу хабарга".*

Сайид Нигорий ва Нигор ҳеч қачон учрашмаган бўлсалар-да, бир-бирини пинҳона севганлар. Бу севги – руҳий севги. Ҳикоя муаллифи эркак ва аёл ўртасидаги муҳаббатни руҳга боғлайди. Ҳар битта руҳ – ўзича дунё. Бу дунёлар замон ва маконда бир ёхуд айро шаклда яшаши ҳам мумкин. Умуман олганда, унинг ҳикояларида дунёларнинг яқинлашуви; оралиқдаги ҳолат ва дунёлар узоқлашуви тасвир этилади, пировардида, ажабтовур хулосалар ясалади.

Муаллифнинг "Қон кўлида ой" сарлавҳали ҳикояси икки-ю чорак саҳифани ташкил этади, холос. Бундай кичик ҳажмдаги ҳикоялар бизда кам учрайди. Ҳикоя қаҳрамони – ўзбек адабиёти шинавандаларига номи, қисмати яхши таниш буюк шоир Федерико Гарсиа Лорка. Лорка шеърияти серқуёш Ўзбекистонимизда оммалашувига суюкли шоир, таржимон Шавкат Раҳмон сабабчи бўлгани барчамизга аён. Улуғ адибимиз Абдулҳамид Чўлпон ва у билан қисматдош сифатида кўрилган Лоркаунинг (иккала шоир ҳам бир вақтда туғилганлар, бир вақтда отиб ташланганлар) дунёқарашлари яқин эди. Бири серқуёш Ўзбекистонимизнинг Андижонида, иккинчиси Испанияда таваллуд топганига қарамай, руҳ муштараклиги боис Ойни кўпроқ куйлашган. Абдулҳамид Чўлпоннинг "Ойдан-да гўзал" ифодасини эсласак, бунинг далилини топган бўламиз.

Ҳикояда тасвирланишича, Лорка ўзини отишга олиб кетаётган миршабдан бир дона сигарет чекишга етадиган муддат сўрайди. *"Чекиб нима қиласан? Зотан, бироздан кейин барчаси тугайди".* Муаллиф сўзи**:** *"Бу бешафқат изоҳ тоза қалб эгасининг қулоқларини тўлдирди".* Қаранг, мана шу 16 дона сўз ҳикоя туб томирини ташкил қилиб турибди. Шу 16 сўз орқали ҳикоя мазмунини қарийб тасаввур этиш мумкин. *"Бироздан кейин булутлар орасидан шафаққа томон одим-одим илгарилаган ой ерга тўкилган кичик қон томчиларига ўз ёғдусини сочди. Лорканинг мушт каби тугилган қўллари қон халқоби ичра эди. Ой ўзи ерга тушганди у билан сўнгги бор учрашиш учун. Қолаверса, ҳар доим унга мақтовлар ёғдирган шоиридан айро туролмасди. Шоирнинг қўли сўнгги бор узанган эди ойга".*

Сўз бўёқ ўрнида қўлланилган, – дея мулоҳаза юритамиз. – Элужахоним Лорка ўлими мавзусида картина яратган. Ўша картинани кўриш – ўқиш баробарида уқиш демак.

Алҳол, муаллифнинг ҳар битта ҳикояси – ҳажмидан қатъи назар – айрича мотив, айрича оҳанг, айрича рангга эга. Бу оҳангларни эшитиб, рангларни кўриб тўймайсан киши. Алоҳида таъкидламоқ керакки, бу жараёнда таржимон Шермурод Субҳон зукколиги, сезгирлиги, тилбилгичлиги жуда асқотган. Шермурод оға бизга Элужа Отали отлиғ дунёни таништиргани алоҳида таҳсинга сазовар. Бунгача эса у антиқа шеърлар, тагдор мақолалар ёзиб, маслакдоши Баҳром Рўзимуҳаммад билан биргаликда "Ўзбек модерн шеърияти" баёзини тузиб, адабиётимизга кўп хизмат этганини эсламоқ жоиздир.

Шу хусусият аниқки, адабиёт миллат қалбини ўзаро яқинлаштиради; дунёқарашларни кенгайтиради; ўзаро ибрат олишга рағбатлантиради. Мазкур ҳолатларга ўзбеклар ва озарлар тарихидан кўплаб босқичларни мисол тариқасида айтишимиз мумкин. Масалан, Навоий ҳазратлари Низомий ҳазратларига ҳавас қилиб шу байтни ёзади:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ.

Буюк озар шоири Низомий Ганжавий адабий меросига Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳийлар ҳам ҳайрату ҳавас ила қараганлар. Огаҳий ҳазратлари Низомий ҳазратлари қаламига мансуб "Ҳафт пайкар" ("Етти гўзал") асарини форсийдан туркийга ўгирган. Икки миллат ўртасида "кўприк" бўлиб хизмат қилган Мақсуд Шайхзодани, Хоразмшоҳлар тарихини абадиятга муҳрлаган Зиё Бунётовларни эсласак, адабиёт бобидаги ришталар қанчалар мустаҳкам эканлиги ойдинлашади.

Ҳа, дарвоқе, Хоразмда ҳазрати Фузулий ғазалларини севиб ўқиганлар, шоирлар унинг ғазалларига мухаммас боғлаганлар. Дейлик, Шермуҳаммад Мунис мухаммаси ўзининг жозибадорлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради:

Жунун водиларига Хизри узлат гўстара оҳим,
На ҳамроҳим ўлуб Мунис киби ҳамрозу дилхоҳим,
На бир одам кўруб ашким, эшитур нолау оҳим,
Фузулий, ихтилоти мардуми оламдин икроҳим,
Паривашлар хаёлин муниси жон этдигумдандир.

(Мунис. "Сайланма", 303-бет)

Қаранг, озар шоири ғазалига хоразмлик шоир ҳамоҳанг зайлда мухаммас боғламоқда. Демакки, озар тили оҳанглари билан хоразмийлар шевасига ўзаро мутаносиб. Қолаверса, тил, ифода, оҳанг тиниқлиги, шаффофлиги ўзаро қоришиб кетгани ўқувчига завқу шавқ бағишлайди. Булардан ташқари Наби Хазрий, Самад Вурғун, Ромиз Равшан, Салим Бабиллаўғли каби забардаст озар шоирлари шеърияти, Илғор Фаҳми қаламига мансуб "Актриса" номли бетакрор романи ҳам ўзбек ўқувчиларининг дил мулкига айланган.

Тўрт-беш асрлар оша давом қилиб келаётган қардошлик, қондошлик анъаналарини қадрдонимиз Элужа Отали янада мустаҳкамлашига чин дилдан ишонгимиз келади.

Эҳтимол, минглаб километр нарилардан таралаётган Элужанинг самимий овози шу дўстликнинг ажиб мевaларини ифодалар? "Сайёрахонум, Хоразмга, хусусан, Хивага бориб, осори-атиқаларга эврилган афсона-ю эртакларни ўз кўзим билан кўриб, Хоразм адабий муҳити билан яқиндан танишиб, дилдошликни йўлга қўйиш буюк орзуимдир", деган гаплари ҳар замонда қулоқларим остида жаранглайди. Шу онларда қаҳрамонимнинг сўзларини акс садо сифатида такрорлайман:

Биз томон кел...
Фақат кел, бошқа ҳеч нима истаймайман!

Қутлуғ ташрифлар



Шержон
МАШАРИПОВ

Сиз билан танишлигим 60-йилларнинг (XX аср) ўрталаридан бошланган. Мактабда ўқиётган, матбуотга илк қизиқаётган йилларим эди. Қишлоғимизнинг алоқа бўлими билим даргоҳимизнинг шундоққина ёнгинасида, почтачи Мадраҳим ака кун аро биз юқори синф ўқувчиларига илтимос билан чиқарди: “Газета-журналларни бир саралашиб юборинг!”

Биз бу тоғдек уюлиб қоладиган нашрларни варақлашдан, беминнат хизматдан чарчамасдик. Иттифоқо, бир сафар сизнинг чиройли безатилган нурли сиймонгиз кўзимга тушди. Шу куни янги сонингизни ўзим билан уйга олиб кетдим. Мутолаага берилганимдан ярим кечагача ўқиган сарим ўқигим келаверди. Бу орада фалакда ойу юлдузлар сайри бошланган, уларнинг ёғдусида ҳам ўқийвердим. Қишлоққа ҳали электр токи тортилмаган, ўнинчи лампанинг хира нурида уй вазифасини тайёрлардик. “Энди сиз менинг йўлчи юлдузимсиз” дердим муқовингизни силаб.

Шу-шу ҳар бир қутлуғ ташрифингизни интиқиб кутар, Мадраҳим ака айтса ҳам, айтмаса ҳам почта атрофини айланаверардим.

– Билдик кимга кўнгил қўйганингизни. Келса, ўзим олиб чиқаман, – дерди почтачи амаки ҳазиллашиб.

Бир-биридан қизиқарли саҳифаларингизда Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков каби сўз даҳоларининг асарлари чиқар, айниқса, Ғафур Ғулом асос солган “Гулқайчи” рукнидаги ичакузди ҳангомалар менга жуда ёқарди. Илгари қалам аҳллининг сиёҳи қуриб битмаган

Шержон МАШАРИПОВ – *“Шуҳрат” медали соҳиби. 1955 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тугатган. Ижодкорнинг “Умр ўтиб боради”, “Заҳмат ортидаги нур”, “Триждый рожденный… 9 мая» (Анатолий Безворхов билан ҳамкорликда), “Ибратли умр ҳикояти” (Шоир ва таржимон Матназар Абдулҳаким билан ҳамкорликда) каби қиссалари, “Хива солномаси” китоби нашр қилинган.*

асарлари Ёзувчилар уюшмаси муҳокамасидан сўнг илк бора журналда босилиб, ана ундан кейин алоҳида китоб ҳолида чиқарди. Албатта, журналхон унисини ҳам, бунисини ҳам сабрсизлик билан кутар, чунки асар ҳар иккала ижодий ташкилотда пишиқ-пухта таҳрирланиб, маъно-мазмуни анча сайқал топарди.

Севимли журналимизнинг мустақиллик йилларидаги сонларини жуда катта иштиёқ билан кузатар эканмиз, олдинги анъаналар давом эттирилаётгани баробарида янги рукнлар, нозик ўйланмалар топилгани, макетлаштириш ва дизайнида жуда катта ўзгаришлар ҳосил қилинганини сезиш мумкин. Айниқса, таҳририят вилоятларда яшаб, ижод қилаётган муаллифларга ҳам эътибор қаратаётгани баайни кўнгилдаги муддаодир. Ҳар бир ҳудудан ҳайъат аъзолари борлиги ҳам уйқу, ижод жой танламаганидек, чекка, олис масканлардаги таниқли қаламкашлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга, “Шарқ юлдузи” нуфузини янада оширишга хизмат қилиши табиий.

“Шарқ юлдузи”нинг 90 йиллиги газетхон ва журналхон халқимизнинг катта тўйидир. Том маънода бу қутлуғ даргоҳдан не-не ажойиб шоиру адибларимизнинг асарлари китоб ҳолида ҳам нашр қилиниб, мухлисларнинг қалб мулкига айланди. Бу эзгу ва шарафли иш бундан буён ҳам бардавом бўлажак! Бир пайтлар газеталарнинг “Журналнинг янги сонларида” деган ажойиб хушхабарли рукни бўларди. “Муштум” қайта юз очгандек, биз ҳам шу руккни қайта тиклаш тараддудидамиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизга “Ўзингиз фаолият кўрсатаётган нашрларда, оммавий ахборот воситаларида катта ижодкорларимизнинг юксак минбари бўлмиш “Шарқ юлдузи” журналини тарғиб қилинг!” дегим келади.

Не ажабки, севимли журналимиз билан бирга, биз ўзимизнинг “Хива тонги” газетасининг ҳам 90 йиллигини нишонлаяпмиз. Демак, ҳар иккала таҳририят ижодкорлари умумий вазифамиз билан маънавий озуқага ошуфта мухлисларимизнинг қалбига янада чуқурроқ кириб борамиз. Сондан-сонга янада яшнаб, янги-янги асарларни дунёга танитишда давом этишга самимий тилаклар тилаб, бундан буён ҳам севимли журналимиз энг яқин ҳамкоримиз бўлиб қолсин, деймиз.

Ярим асрлик мухлис



Иззат АҲМЕДОВ

Қишлоғимизда бир аёл бўларди. Беш нафар фарзанди билан бева қолувди. Қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, маҳалла ҳар доим унга ёрдам берарди. Ўшалар мол-ҳол, боғ-роғлар билан тирикчилик қилишарди. Уч ўғил, икки қиз эди. Ўғилларнинг ишга унчалик иштиёқи йўқ, дангасароқ эди. Тайинли бир иш билан шуғулланишмасди. Ўшаларнинг ҳам куни ўтарди.

Биз, уч ака-укалар рўзғорда нимаики иш бўлса бажарардик. Ўт ўришми, даштдан ўтин олиб келишми, хирмон янчишми барисини бадастир қилардик. Бўш вақтимиз кам бўларди. Ўйнашга вақт қолмасди. Уй юмушларидан бўшаб вақт тополсак, китоб ўқир ёки радио эшитардик. У пайтларда қишлоғимизда электр энергияси йўқ эди. Лампа чироғида дарс тайёрлардик. Роса алам қиларди. Тенгдошларимиз бошқа жойларда телевизорда кино кўришади, футбол томоша қилишади. Биз эса дунё янгиликларидан бехабармиз. Кундуз кунлари уй юмушлари билан бўлиб дарс тайёрлаёлмасдик. Дарсларимиз асосан барча ишларни бажариб бўлгандан кейин кечаси лампа чироқда бўларди. Укаларим билан биргаликда лампа чироқ ёнида ғуж бўлиб дарсларимизни бажарардик.

Отам обуна бўлган кўпгина газета-журналларни ўқишга дарсдан бўш пайтлар баъзида рухсат тегарди. Шунда мен биринчи марта қалин “Шарқ юлдузи” журналини қўлимга олгандим. Унда босилган ҳар хил жанрдаги материаллар мени ўзига ром қилганди. Журналда босилган шеър, ҳикоя, роман ва бошқа асарлар мағзини ҳали унчалик чақолмасам-да ўқишга ҳаракат қилардим. Отам сен ҳали ёшлик қиласан деб уни ўқишга доим ҳам рухсат беравермасди.

Иззат АҲМЕДОВ *– 1959 йил туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тугатган. Ижодкорнинг “Буюклар муҳаббати”, “Илоҳий муҳаббат”, “Дунё маликалари”, “Монте Кристонинг сирли хазинаси”, “Харобадан чиққан машҳурлар”, “Машҳурлар кулгуси”, “Уммон остидаги дур”, “Телефон қилган балиқ”, “Тожмаҳалдаги муҳаббат” тўпламлари чоп этилган.*

Ҳар йили кўп газета-журналларга ёзилардик. Уйда харажатлар кўпайиб кетдими, келгуси йилги обуналар камайтирилди. Обунаси қимматроқ бўлса керак-да. Шу баҳонаи сабаб "Шарқ юлдузи"ига обуна бўлинмади. Мен журнални ўқишга қаттиқ боғланиб қолгандим. Бундан бироз ранжидим. Буни отам сездилар-да, шу севимли журналингни тоғангдан олиб ўқийсан дедилар. Зиёдулла тоғам қишлоғимиздаги мактабда она тили ва адабиётдан дарс берарди. Тоғам ўша мактабда қирқ йил ишлади. Шу йиллар мобайнида журналга ҳар йили обуна бўларди. Бир умр "Шарқ юлдузи" обуначиси эди. Чунки матбуот дўконидан журнални сотиб олишнинг иложи йўқ эди. Қишлоғимиз тоғлар орасида Бойсун тумани марказидан 35 километр узоқда жойлашганди. Шу бўйи мен ҳам тоғамдек журналнинг бир умрлик ўқувчисига айлангандим. Тошкентга кўчиб келиб уйли бўлганимдан сўнг ҳам журналга обуна бўлгандим. Уйда жой торлигидан газета-журнал тахламларини балкондаги тапчан тагига жойлаштирдим. Жумладан, "Шарқ юлдузи" журналини ҳам. Журналнинг бир неча йиллик тахламлари бор эди. У ерда ҳам жой қолмагандан сўнг бир ўртоғимга совға қилишга мажбур бўлдим.

Тўғри, мустақилликнинг дастлабки йилларида журнал бироз иқтисодий қийинчиликларга учради. Шу пайтда менга ўхшаш фидойи ўқувчиларни йўқотишига ҳам тўғри келди. Бироқ менинг назаримда кейинги пайтларда журнал яна олдинги мавқеига қайтганини кўраяпман. Бу эса биз журналхонларни анча қувонтирмоқда. Журнални қўлимга олиб унда босилган асарларнинг барчасини ўқиб чиқишга баъзида имконим бўлмаса-да, бир кўздан кечирсам ўша ёшлик давримдаги воқеалар отам ва тоғам (улар ўтиб кетишган, Аллоҳ раҳмат қилсин) кўз олдимга келади. Шунда юрак тафтим бироз босилгандай бўлади. Буни албатта сўз билан бировга тасвирлаб бериш қийинроқдир.

Бир куни мактабда синфдошлар билан ўзаро суҳбатлашиб, шу масалада фикрлашиб қолдик. Биргалашиб вилоят газетасига хат ёзадиган бўлдик. Уни чиройли қилиб битишни менга топширишди. Хуллас, камина қишлоғимиздаги барча масалаларни жамлаб, уйда боплаб ёздим. Кейин барча синфдошларим ўқиб чиқишди. Баъзи жойларига тузатишлар киритдик. Уни қайтадан оқ қоғозга кўчирдим. Синфимизда ўн бир бола эдик. Шундан олти нафари – ўғил болалар хатга қўл қўйдик. Конверт топиб, устига "Ленин байроғи" (ҳозирги "Сурхон тонги") газетасига" деб ёзиб, мактабимиз пештоқидаги почта қутисига ташладик.

"Деҳиболо" қишлоғидан Поён Ражаб деган почтачи бўларди. Оқ оти бор эди. Ўзининг ҳам соч-соқоли оппоқ эди. Устига-устак оппоқ кийим кийиб оларди. Бизнинг кўз олдимизда нуроний фариштасифат бир инсон гавдаланарди.

Ўн битта қишлоққа битта почтачи хизмат кўрсатарди. Унинг уйи бизнинг қишлоқдан 15–20 километр узоқда жойлашганди. Оти билан йўл юриб, узоқ манзилларга хизмат кўрсатарди. Барча қишлоқларга хат-хабарларни тарқатиб бўлгач, уйидагилардан бир хабар олар, яна почтани йиғиштириб, оти билан Бойсун марказига қараб равона бўларди.

"Дуоба" қишлоғи бўлим маркази ҳисобланарди. Олти қишлоқ аҳолиси биз ўқийдиган мактаб почта қутисига хат-хабарларини ташларди. Почтачи айланиб келиб, қутини очса, вилоят газетасига ўқувчилар томонидан ёзилган хат ётибди.

Капалаги учиб кетади. Хатни дарров мактаб директорига элтиб беради. Директор мудирни чақириб, уни тезда очишади. Кейин зудлик билан бизнинг синфга кириб келишди. Биология дарси эди ўшанда. Қарасак қўлида биз ёзган хат.

– Бу хатни ким ёзди? – деди мактабимиз директори.

У пайтларда шикоятдан қаттиқ қўрқишарди. Ҳаяжонланганидан ўқиб ҳам кўришмаган.

– Мен, – деб ўрнимдан турдим.

– Нималарни ёзгансан? – деди директор. – Йўл, электр энергиясини. Мактабни ёзмаганмисан?

– Йўқ, – деб жавоб бердим.

Илмий мудирнинг ранг-рути ўчган. Менга қараб қўлини мушт қилиб кўрсатди. "Тамом бўлдим, – деб ўйладим. – Отамга нима дейман?" Хаёлимга келган биринчи фикр шу бўлди. Бир томондан хотиржам ҳам эдим. Чунки хатда қалтис гаплар йўқ, деб ўзимга-ўзим тасалли берардим. Синфдошларим далда бўлишди, хавотирланма, биз ёнингдамиз, дейишди. Кўнглим яна бироз тинчигандай бўлди.

Аммо, отам билиб қолсалар нима бўлади, деган хавотирда эдим. Отам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. Ҳар хил гап-сўзларга тоб-тоқатлари йўқ эди. Мен сизлар ҳақингизда фақат яхши гаплар эшитишни хоҳлайман. Учала ўғлимни ҳам ўқитаман, дердилар.

Дарсдан кейин шумшайиб уйга кириб бордим. Онам ҳайрон бўлдилар. Синфдошларим билан хат ёзиб, қўлга тушганимизни айтиб бердим. Яхши иш бўлмабди, дедилар.

– Нимани ёзгансизлар?

Мен йўлнинг ёмонлиги ва электр энергияси йўқлигини ёзганимизни айтдим.

– Ҳа, яхши экан-ку! Мактабдаги камчиликларни ёзмаган бўлсанглар бўлгани. Даданг келса, ўзим тушунтираман, – деб кўнглимни кўтариб қўйдилар.

Онам тушунтирган экан, дадам чақириб қолдилар. Бўлган воқеани айтиб бердим. Мактабни ҳам қўшиб ёзиш керак эди, қачонгача ўқувчилар ағанай-ағанай деб турган эски мактабда ўқийди, дедилар.

– Бир жойида мактабимиз эскироқ деган жойимиз ҳам бор, – дедим.

– Ҳа, баракалла, ўғлим, савоб иш қилибсизлар, – деб отам олқишладилар.

Эртаси куни хавотир билан мактабга бордим. Бир пайт директор синфимизга кириб келди. Биз хатларингни ўқитувчилар хонасида ўқиб кўрдик. Бизга маъқул, яхши ташаббусни кўтариб чиқибсизлар. Хатнинг баъзи жойларини ўзгартириб, яна у-бу қўшиб вилоятга жўнатиб юбордик, деди.

Хурсанд бўлдик. Бир-биримизни табрикладик. Ушбу хатимиз менинг имзоим билан вилоят газетасида чоп этилди. Бироқ газета бизнинг қўлимизга тегмади. У қўлма-қўл бўлиб бизларгача етиб келмади. Кейин билсам бу менинг биринчи мақолам экан.

Қишлоғимизда "Муштум" журналининг штатсиз мухбири бўларди. Хатни у билан маслаҳатлашилган экан. Бу киши "қаттиқ" фельетонлар ёзарди. Шунинг учун ҳамма ундан ҳайиқарди. Бир гал у тумандаги нуфузли идорани аямай фельетон қилади. Журналда босилиб чиқади. Аммо фельетон муҳокама қилиниб, муаллифга

нисбатан чора кўрилади. Уни қамаб қўйишади. Бир амаллаб рухсат сўраб чиқади-да, Тошкентга – журнал таҳририятига қўнғироқ қилади. Фельетон учун қамаб қўйишганини айтади. Уни зудликда қўйиб юбориш талаб қилинади. Шу тарзда мухбир уйига қўйиб юборилади. Ҳа, ўша пайтларда шикоятдан қўрқишса-да, арзимас баҳона билан муаллифни қаматиб юбориш ҳам ҳеч гап эмас эди.

Орадан анча вақт ўтгач, бир куни шу мухбир мактабга келиб хатни кўриб, зарур жойларини тузатганини айтди. Бу хат газетада чоп этилганини ҳам қистириб ўтди. Ёзсам, яхши нарсалар чиқишини айтди. Бу эса менга катта куч бағишлади. Шундан сўнг ёзишни машқ қила бошладим. Бироқ у кишига кўрсатишга ийманардим.

Бир ҳафталардан кейин менинг номимга хат келди. Унда талабимиз ўринли эканлиги, хат туман ижроия қўмитасига юборилганлиги маълум қилинганди. Бу хат менинг "ташриф қоғозим" бўлиб қолди. Отам жуда кўп одамларга кўрсатдилар. У альбомимда ҳалигача сақланади.

Хуллас, бизнинг хатимиз асосида вилоят миқёсида комиссия тузилади. Вакиллар масалани ўрганиш учун туманга келишади. Тумандан туман ижроия қўмитаси раиси ва бошқа вакиллар билан "Уазик" машинасида тоққа қараб йўлга чиқишади.

Баҳор пайти эди. Йўллар лой, балчиқ, юриш ниҳоятда қийин. Ёғингарчиликда техника билан юриб бўлмасди. Улар минган машина Зовбоши деган жойгача келади, аммо кейин лойга ботиб қолади. Ҳаммалари машинадан тушиб итаришиб, бир амаллаб лойдан чиқаришади. Шаҳарбоп кийимда эмасми, устларига лой сачраб, дабдала қилади. Ялтираган туфлилар лойга булғанади. Қандини урсин, тўғри ёзишган экан, дейди шунда райижроқўм раиси. Не-не азоблар билан қишлоққа кириб келиб, тўғри мактабга боришади. Синфхоналарни айланишади. Бу хатни ёзган бола қани, деб суриштиришади. Ўша куни мен мол боқишга кетгандим. Синф раҳбаримиз, жавоб сўраганди, дейди. Аҳволнинг нақадар қийинлигини ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил қилгач, янги мактаб қурилиши учун жой белгилашади.

Қишлоқни айланишади. Уйимиз адоғида йўл бор эди. Шу ердан ўтаётганда янги ялтираб турган уйимизга кўзи тушади. Бу кимнинг уйи деб сўрашади. Ўрмончининг уйи, хатни шу кишининг ўғли ёзган, дейишади. Чиройли уй қурибди дейди.

Ўша йили баҳор тугаши билан мактаб қурилиши бошланди. Йўллар бульдозер ва бошқа техникалар билан текисланди. Акс ҳолда мактаб қурилиши учун қурилиш материалларини туман марказидан ташиб келтиришнинг иложи йўқ эди.

Электр энергияси симларини тортишни кузда ваъда беришди. Электр линияси тортиш бошланиб, Паданг қишлоғигача келган экан. Хат шуни тезлаштирди, холос. Бу ёғига Дуобагача симёғоч тортиб келишни ваъда беришди. Йўлларни асфальт қилишни эса 80-йилда амалга оширамиз деб ёзишди. Бу хатда ҳам ёзилган эди. Бироқ таассуфки, орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Қанча раҳбарлар алмашди. Замонлар ўзгариб кетди. Бу иш ҳозир ҳам охиригача етказилмаган. Йўл Зовбошига қадар асфальт қилинган, бу ёғи эса ҳамон туя гўшти еб ётибди.

Ўша йили ҳақиқатан электр симлари тортиб келинди. Қишлоқ одамлари югуриб қолган. Ҳамма-ҳамма янгиликдан хурсанд, боши осмонга етган. Электрчиларнинг ошиғи олчи. Қайси хонадонни монтаж қилишса зиёфат қилиб беришади. Иш авжида. Уйида электр ёнганларнинг оғзи қулоғида. Бизнинг оила ҳам бу кунларни, соатларни интиқлик билан кутарди.

Уйимизнинг ёнгинасига симёғоч ўрнатиб кетишди. Бир пайт бригадир чақириб қолди. Эртага сизларнинг уйингизга монтажчилар тушади, деди. Жуда хурсанд бўлдик. Зиёфатга тайёргарликни бошлаб юбордик. Бироқ эртаси куни уйда отам йўқлиги баҳонасида навбат бошқага ўтказиб юборилди. Криловнинг масалига ўхшаб, биз онам емиш олиб келди деб, эшикни очган эчкининг болалари бўрига ем бўлгандек аҳволга тушган эдик. Кўзларимиз мўлтираб электрсиз қолдик. Қўшниларнинг ҳаммасида чироқ бор. Бизда эса йўқ. Шуни айтишса керакда, югурганники эмас, буюрганники, деб. Югурган ким, чироқ ёққан ким? Электрни тайёр олиб келганда "ҳов-ҳовчи" кўпайди. Мен электрчиларга вазиятни тушунтирдим, бироқ тушунишни хоҳлашмади. Уларга бригадир қаерни айтса ўша жойни монтаж қилишаркан. Шу тарзда узоқ йиллар кутилган электрни яна бир неча кун кутдик.

Ўрмонда хизмат қиладиган отам ўша кунлари ишга кетиб қолувдилар. Уч кундан кейин келдилар. Хафа бўлманглар, бизнинг уйда ҳам ток бўлади, дедилар. Бир монтажчи топиб, уйимизни яхшилаб монтаж қилдирдилар. Ҳар бир хонага чироқлар ўрнатилди. Ҳаммаёқ ёп-ёруғ бўлди. Энди қийналмасдан дарс тайёрлаш бемалол газета-журнал, китоблар ўқиш мумкин бўлиб қолди.

Биздан бахтли одам йўқ. Сингилларимнинг хурсандлигини айтмайсизми?! Чек-чегараси йўқ! Ҳали телевизорнинг антеннаси ўрнатилмаган бўлса-да, пластинкали радио эшитиш мумкин эди. Дазмол қилса чой қайнатса бўларди. Шунисига ҳам шукр.

Мана, салкам эллик йил бўлди. Ўша монтаж ҳали турибди.

Ўша йили янги мактаб ҳам қуриб битказилди. Ёмғир ёғса чакка ўтадиган зах хоналардан воз кечилиб, усти шиферланган янги нурхонага ўтилди. Сентябрдан ёп-ёруғ синфхоналарда дарс бошланди. Аммо биз мактабга бормадик. Чунки саккизинчи синфни битирган эдик. Мактабимиз саккиз йиллик эди...



Ойдин булоқ гули ифори

Тоштемир ТУРДИЕВ

2015 йилнинг кишига хуш ёқувчи салқин шабадали кузаги эди. Дарахтларнинг япроқлари юлиб олиниб, гўёки ўрнига тилло қоғозча ёпиштириб қўйилгандек. Тошкент кузи бошқача-да! Қандайдир “маданий”, сипо... Хуллас, ўн беш кунлик “айролиқ”дан сўнг Деновга қайтиш ишқи ҳаяжонида эдим. Юрагим худди типирчиларди.

Кечагина роҳатбахш тафти кўп дамларга етгудек мулоқот қилган бўлсак-да, ажойиб дўстим Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али рақамларини тердим.

– Муҳаммаджон, яна бир бор хайрлашиш ниятида сизга қўнғироқ қилаяпман. Сурхоннинг сайроқи булбулларидан бири – шоир Теша Сайдалиев айтганларидек, “Бир ширин, бир ҳузурбахш куч – юрт соғинчи ўзига ловуллатиб тортаяпти”.

Гўшакдан қадрдон овоз эшитилди:

– Шох Бобурга чиндан қойил қолиш керак. Унга бир умр Ватандан айро яшаш осон бўлмаган. Сиз бўлсангиз ўн беш кунга чидолмабсиз. Лекин ўзим сизга қўнғироқ қилмоқчи бўлиб турувдим. Кеча суҳбат билан чалғиб, бир нарсани айтиш ёдимдан кўтарилибди. Узр, яна бир кунга, атиги бир кунгина отнинг жиловини тортиб, оёқни узангидан олсангиз. Бугун соат иккида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Минҳожиддин Мирзонинг “Висол хабари” шеърий китобининг тақдимоти бўлади. Бу йиғинга қатнашсангиз зўр бўларди. Бир шавқингиз келиб кетса, сўзга чиқсангиз ҳам ажаб эмас...

Нафис мажлисларни рад этиб бўладими, ахир? Зотан, шеър тўғрисидаги суҳбат, шоирнинг руҳий оламига уюштириладиган сафар шукуҳи йилларга татийди. Сурхон воҳасидан келиб, бу турдаги машваратларда гапириш эса ҳар кимга насиб этавермайди.

Тоштемир ТУРДИЕВ *– Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди. 1942 йилда туғилган. Унинг “Фозил Йўлдош ўғли”, “Субҳидам қалдирғочи”, “Мингбоғ шамоли”, “Талпин, юрак”, “Муддао: янгича яшаш, кураш”, “Чағониён тараннуми” каби китоблари нашр қилинган.*

2

Минҳожиддин Мирзо... Хаёлим буржларида ёқимли баҳор шабадаси кезаётгандек бўлди. Негадир у кўклам тўғрисидаги образларига эрк бериб ёзади. Менимча, фасллар манзарасини яратишда Минҳожиддиндек моҳирлик кўрсатаётган оз. У – бироз рассом, бироз мусиқа устаси кабидир. Ва кўп-кўп шоир.

Кўз олдимда шоир биродаримнинг жилмайган қиёфаси сувратланди. Таклиф кўнглимни чоғ айлади.

Тақдимотга одам кўп йиғилди. Айтилганидек, каминага ҳам сўз берилди. Бу ҳурмат индаллоси Муҳаммад Алидан чиққанини дарҳол англадим. Шу ҳаяжон оғушида китобга киритилган бақувват шеърлардан бирини ифодали алпозда ўқидим.

Қарсаклар, олқишлар остида жойимга қайтиб ўтираётган паллам зал гўёки ўрнидан қўзғалаётгандек бўлди. Қарасам, Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов кириб келаётибди! Илкис хаёлимдан: “Бу иззат-ҳурмат, адоқсиз меҳр чиройли, сермаъно шеърлар шарафига шаклланмоқда”, қабилидаги фикр “ялт” этиб ўтди.

Шу тобда шоир ҳорғин, бетоброқ кўринса-да ҳаммани ҳайратлантириб янгроқ овозда сўз бошлади. Худди навқирон даврлардаги каби. Катта залда шоирнинг овози ҳукмрон, барчанинг нигоҳи унга қадалганди:

– Минҳожиддин, сиз билан неча йиллар бирга хизмат қилдик. Раҳбар бўлиб ишлаганингизни кўрдим. Шундай оғир-босиқ, вазмин, мулоҳазали инсонсиз. Энди сиздай одамнинг ижодкор бўлиши адабиётимизнинг улкан бахти. Шундай улуғ жойларда ишлаб, шеъриятни ташлаб кетмаганингиз учун қайта-қайта раҳматлар айтгим келаверади...

Буюк шоир Абдулла Орипов эҳтимолки, охирги маротаба назм аҳли анжуманида кўриниш берганида шу гапларни таъкидлаган эди. Ўша таъкидларидан сўнг маълум вақт ўтиб, соғлигини тиклаш мақсадида хорижга кетди. Тақдир ҳазилини қарангки, “Колумбдан алами бор” жойда фанони тарк айлади. Абдулла Ориповнинг хасталик чоғларида ҳам шогирдларини ўйлагани, бир оғиз ширин сўзини айтиб кетгани – меҳру мурувватнинг тимсоли бўлиб қолди.

3

У шогирди хусусида шундай деб ёзган: “Минҳожиддин Мирзо шеърларида она юрт, ўчмас иймон каби муқаддас тушунчалар ғоят юксак даражада шарафланади. Қадим Андижонда, Бобур ва Чўлпондек зотларни етиштирган заминда туғилиб ўсган шоиримиз хоҳ тарихий, хоҳ замонавий мавзуда ёзмасин, унинг нуқтаи назари яққол кўзга ташланиб туради” (Абдулла Орипов. “Шеъриятимизнинг яна бир мирзоси”).

Йигирманчи асрнинг охирларида миллий шеъриятимиз шу қадар юксакликка кўтарилдики, ўзгача “нуқтаи назар”га эга бўлишнинг ўзи мураккаблик касб эта бошлади. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Муҳаммад Юсуф... Бу сирчиларнинг (Р.Парфи ибораси) ҳар бири рангин дунё!

Уларнинг аксарияти шеър нима қабилидаги саволга бетакрор жавоб топганлар. Минҳожиддин Мирзо “варианти” шундоқ:

Шеър ўзи нимадир, ишқий калима,
Оддий булоқ гули – шаффоф бир туйғу?
Ё кўнгил йиғиси, шуур гавҳари,
Ё ҳайрат, ё ҳасрат, энг ширин туйғу?!

Қаранг-а, қандай чиройли таъриф. “Ойдин булоқ гули – шаффоф бир туйғу?” мисрасининг ўзи идрокка биллур шуъла янглиғ муҳрланиб қолади. Менинг наздимда, Минҳожиддин Мирзо поэтик тилида айни бир вақтда Чўлпон ва Ҳамид Олимжон лирикасига яқинлик бор. Замондошимиз ҳам устозлари каби оқранг ошуфтаси. Шоир “Қиш эртаги” сарлавҳали шеърида жилваланаётган кумуш шуъларни кўнгил ойнасига кўчирайлик:

Оппоқ, ҳарир эди борлиғинг,
Ойдин эдинг – тўлин ой эдинг.
Кўзларимдан қочирганимда
Хаёлимга сен кириб келдинг.

Оппоқ-оппоқ орзуларимга
Қиё боқмай кулган чечагим.
Сендан айро тушгандан буён,
Юлдузларга айтгум эртагим...

Шеър якунида: “Деразага боққанча саҳар, Бир тўп гулни кўриб йиғладим...” дейилади. Бу Гўзаллик қўзғаган йиғи! Гўзаллик завқу шукуҳни жўштириш баробарида биллур кўз ёшларга “майдон ясаб” беради ҳам. Зотан, Минҳожиддин Мирзонинг ўзи қойилмақом тарзда таърифлаганидек:

У – мужда – етти қат осмондан ошиб,
Ҳақдин келаётган мунир наводир...

Шоир “Тафаккур” нашриётида чоп этилган сайланма китобига “Гуллаш пайти келди, боғларим” деган ном танлабди. Чиндан ҳам, у айни “гуллаш” даврида.

Шоиримизнинг “Қизғалдоқлар, йиғламанг, кулинг”, “Булбул қўшиғи”, “Кутиш”, “Туғилиш”, “Яралдим сен учун”, “Эй гул”, “Баҳор бўлиб кел...”, “Ҳамид Олимжон ғазалига мухаммас”, “Кўнглимда йиғлаган малаклар...”, “Баҳор соғинчи” каби ўнлаб шеърларидан ойдин булоқ гули ифори анқиб турибди. Бу шеърларни астойдил ўқиб, руҳан уқиб, кўнгил мулки сафига қўшсангиз, Минҳожиддин Мирзодек нозиктаъб шоирнинг нега ҳамиша хушкайфиятда юришини тўғри тушунасиз, деб ўйлайман.

Минҳожиддин Мирзонинг ижод йўли, шахсияти, дунёқараши хусусида ибратли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, миллий шеъриятимизда ноанъанавий усулни воқеликка кўчирган, дарвеш табиат адиб, Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи замондошимизнинг “Қайғу гули” номли достони ҳақида қуйидаги таассуротларини айтган эди:

“Тарихимиз беқиёс рангин гўзалликларга тўла, уни бадиий инкишоф этмак, бадиий ифодаламак ёзувчиларимиз, шоирларимиз, мусаввирларимизнинг ишидир. Умидли шоир Минҳожиддин Мирзонинг “Қайғу гули” асари руҳоний тарихимизга бир назар, уни сўз билан ифодалашга интилишнинг бир мевасидир. Бобораҳим

Машрабдек улуғ шоир, мураккаб шахс руҳиятини англашга интилиш, сатрлардаги тоза самимият ва машрабона туғён шеъриятимизга яна бир дилбар шоир кириб келаётганидан дарак беради”.

Нозиктаъб шоир бўлиш асносида Минҳожиддин Мирзо масъулиятли лавозимларда фаолият кўрсатди ва кўрсатмоқда. Арбоб шоирнинг ана ўша фаолият қирралари тўғрисида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Муҳтарама Улуғова шундай деб ёзади:

“Минҳожиддин вазиятга, одамларга қараб муомаласини, иш услубини ўзгартирмайди. Бу, аввало, унда меҳнат – машаққатсиз келадиган манфаатга умидворлик туйғуси йўқлигидан, қолаверса, у қандай бўлмасин, ҳаммага бирдек яхши кўринишни эмас, балки ҳар қандай вазиятда эътиқоди, виждонининг юзига тик ва холис қараб, давлатимиз ҳамда инсонийлик қонун-қоидаларига тўғри келадиган фикрни айтишга одатланган.

Тилу забонимга сеҳру қудрат бер,
Дилимга шеър отлиқ мунис журъат бер.
Юлдузлар сафида этма хижолат,
Юлдуздай нур беру соҳир журъат бер! ”

Шунингдек, Муҳтарама Улуғова шоирнинг мафтункор шахсиятини таърифлаган: “Минҳожиддин Мирзони эслашнинг ўзида кўнгилга ёруғлик, иссиқлик югуради. Ва ҳар гал дилимдан: “Аллоҳ кимга ўғил фарзанд берса, шу йигитга ўхшасин”, деган тилак ўтади”.

Қизиқ жиҳат шундаки, ҳар хил услубда асар яратган ижодкорлар Минҳожиддин Мирзо ижод йўлига муштарак хайрихоҳлик ила қарайдилар. Таниқли ёзувчи Исажон Султон нуқтаи назари ҳам теран мантиққа эга:

“Ҳар бир шоирнинг ижодида ўзи юксак деб билган қадриятлар тараннуми ётади. Шоир йўққи, Ватани, Она юрти, халқи ҳақида шеър битмаган бўлсин. Минҳожиддин Мирзо ҳам бутун ижоди ичра ягона ўқ чизиғи бўлиб ўтиб келган мана шу мавзу инсон ҳаётининг энг ардоқли, энг мўътабар тамойилларидан бири эканлиги ҳақидаги тўхтамга келади, хулосалари тобора рангинлашиб, самимийлашиб, теранлашиб боради:

Ватан, номинг шивирлаб,
Танга гўё жон кирар,
Юзингга юзим боссам,
Босилар қалб титроғи.
Отамга то қиёмат
Кўрпа бўлган ўзингсан,
Онамга болиш бўлган, сен,
Мўътабар тупроғим!

Шоирлар хусусий дунёларни яратадилар, дейдилар. У ҳислар дунёсида ошуфта қалб манзараларини кўра оласиз. Истеъдод кўз ташлаган, диққат қаратган воқеа-ҳодисаларга сиз ҳам диққат қаратасиз, уларга жойланган маънолар билан ошно бўласиз”.

Мен мазкур битикларни ўқиб, адиб дўстим Муҳаммад Алининг нега элдошидан фахрлангани, Абдулла Ориповнинг шогирдига ташаккур билдиргани сабабларини англадим. Шоир Сўзда ва Амалда ўзига эзгуликни маёқ билса, демакки, у эл-улус орасида эътибор топади, мартабаларга лойиқ кўрилаверади.



Вақт билан бўйлашиб

Очил ТОҲИР

Талабалик йилларимизда (1973–1979 йиллар) нашрдан чиққан биронта бадиий асар бизнинг нигоҳимиздан четда қолмасди. Ҳар бир китоб хоҳ насрий, хоҳ шеърий бўлсин уни қандайдир чанқоқлигу ютоқиш билан бир-биримиздан қизғаниб ўқирдик. Шеърий тўпламлардаги кўнглимизга ўтирган мисраларни эса муқаддас дуодай шивирлаб такрорлаб юрардик. Ўша йиллари ўқиган шеърий китобларимдан бирида “У йигит борлигида-ку бор, Аммо эмас энди бахтиёр” мисралари муҳаббатдан омади чопмаган бир йигитнинг кўнгил нидосидек туюлган. Гарчи сўзлари оддийдек туюлса-да, аммо қуймалиги билан қалбимдан жой олган. Бу мисралар назм ва насрда бир хил юксак даражада қалам тебратган шоир Омон Мухторники эди. Адибнинг ўзи билан эса 1985 йилларда танишганман.

Республика радиосида ишлар эдим, бир куни устоз шоир Икром Отамурод “Шарқ юлдузи” журналининг навбатдаги сонларининг бирида қорақалпоқ адиблари асарларидан намуналар босиш режалаштирганини айтиб, менга шоир Марат Карабаевнинг шеърларини берди. “Қани бир кучингни синаб кўр!”. Мен анча тиришиб-тирмашиб ўнтача шеърини ўзбекчага ўгириб келдим. Икром ака таржимани ўқиб чиқиб, “Омон ака, ўзингиз ҳам бир кўринг, назаримда таржима чакки эмас”, дея кўринишидан анча озғин бўлса ҳам чеҳрасидан чайирлиги сезилиб турган кишига таржима шеърлар қўлёзмасини узатди. У киши таржима билан танишиб бўлгач, “Укажон, таржимангиздан фойдаланамиз, оригинал шеърларингиздан ҳам олиб келинг”, дедилар табассум билан. Ўша пайтдаги ҳолатимни ҳозир ҳам эсласам, ёш боладек ҳаяжонланиб кетаман. Тўғриси, ҳозироқ журнал саҳифаларига шеърларим қўйилаётгандай хонадан қанотли қушдай учиб чиқдим...

Очил ТОҲИР *– 1955 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Қарз”, “Соғинч соҳили”, “Кўнглим билан суҳбат”, “Шаклсиз олам”, “Вақт ушоқлари” тўпламлари нашр этилган.*

Орадан йиллар ўтди. Омон аканинг ўша самимий каломларига фаришталар омин деган эканми, кейинчалик яхши инсонларнинг шарофати билан “Забонсиз устоз” ном қўйган юртимизнинг нуфузли адабиёт журнали – “Шарқ юлдузи” саҳифаларида озми-кўпми шеърларим жой олди. Ҳозир ҳам кўз тегмасин, шеърларим босилиб турибди.

Февраль ойининг ўрталари эди. “Шарқ юлдузи” журналининг Бош муҳаррири, таниқли шоир Сирожиддин Рауф билан Ёзувчилар уюшмаси биноси олдида гаплашиб турувдик, бир пайт шоир ва носир Абдулла Айизов келиб қолди. У бизлар билан кўриша туриб, Сирожиддин Рауфга юзланаркан, “Яқинда Омон Мухторнинг хонадонига ўтгандим, янга сизларга салом айтди”, деди. Бош муҳаррир “Ҳа, айтгандай, бу йил устознинг ҳам саксон йиллиги. Омон аканинг асарларидан намуналар босишни режалаштирганмиз, яна у киши ҳақида хотира-мақолалар бўлса, журнал саҳифаларида фойдаланамиз” деб қолди. Шу эзгу ният туртки бўлди-ю қўлимга қалам олдим.

Мен илк бор Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлишга ҳаракат қилганимда, шеърларингизнинг газета-журналларда, баёз ва альманахларда чиққани кифоя қилмайди. Муаллифнинг мустақил иккита тўплами чиққан бўлиши керак, деб аризамни қабул қилишмаган. Орадан анча вақт ўтиб иккита китобнинг муаллифи бўлганимдан сўнг, 1997 йилнинг август ойларининг охирларида яна Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка ўтиш орзусида пойтахтга келдим (У пайтлар мен Муборак туманида яшардим). Ўша замонлардаги талаб-қоидаларга риоя қилиб ўзим танийдиган ва ижодимдан бохабар адибларга юзландим. Шулардан бири Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти соҳиби Омон Мухтор эди. У кишига ниятимни айтсам: “Э-э, укажон, ҳалиям уюшмага аъзо эмасмисиз? Тенгқурларингиз аллақачон уюшма аъзоси-ку, дея бир зум ўйлаб турди-да, тушдан кейин келинг, дедилар. Борсам машинкада ёзилган (у вақтлар ҳали компьютер йўқ эди) икки нусха варақни қўлимга тутқаздилар. Раҳмат, айтиб секин кўчага чиқиб, бир жаҳон ҳаяжонда матнга кўз ташладим. Тавсияномада қуйидагича сўзлар битилган эди:

“Соғинч... у нима?! Қайси нуқтадан қаерларгача қамрайди?! Ватанда туриб Ватанни, Ер ёнида туриб Ерни, шу ўзинг яшаётган Ер, Осмонни соғиниш мумкинми?!

Шоирлик соғинчни ҳис этиш, унга чексизлик бағишлаш, уни ҳаёт, деб тушуниш экан-да!

Укам Очил Тоҳирнинг шеърларини ўқиб, шуларни ўйладим. Унинг шеърларидаги соддалик, аллақандай ички жўмардлик менга ёқди. Баъзан сатрларидаги дағалликлар ҳам...

Очил ўзбек ва туркман эли, тили орасида юрган шоир. Гоҳ Навоий, гоҳ Махтумқулидан ўрганади. Гоҳида туркман шоирлари шеърларини ўзбекчага ўгиради. Шеърлари сингари таржималарида ҳам эркинлик ва меҳр бор.

Мен Очил Тоҳирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига лойиқ, деб ўйлайман. Унинг эзгу ишлар қилишига ишонаман.

Омон Мухтор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.
Имзо. Сана: 1997 йил 20 август”

Бу гал ҳам менга Ёзувчилар уюшмасига ўтиш насиб этмади. Гарчи уюшмага қабул қилинмаган бўлсам-да, устознинг самимий тилаклар ва ишонч билдириб ёзган тавсияномалари менга бир умр эсдалик бўлиб қолди. Ўрни келганда, бунинг сабабига икки оғиз изоҳ. Мен туманда яшаганим учун вилоят бўлими орқали ўтишим керак экан. Халқимизда бола шошади, мева эса вақтида пишади, деган пурҳикмат мақол бор. Бироқ шу қурғур "мева"нинг пишиши ҳам ҳаддан зиёда кечикиб чўзилиши ҳам яхши эмас экан... Уюшмага аъзо бўлишим менга 65 ёшда насиб этди. Майли, бу бошқа мавзу.

Яна устоз Омон Мухтор ҳақидаги фикр-мулоҳазамга қайтсам, шуни бошданоқ айтиб қўяй, адибнинг баъзи бир "ака-ука, шогирдлари" сингари у киши билан "чой ичиб, шакаргуфторлик" қилмаганман. Доим мулоқотимиз ижод устида бўлган. Мен кейинги йилларда то пенсияга чиққунга қадар Миллий телерадиокомпаниянинг "Ўзбекистон" телеканалида ишладим. Омон акани "Мен туғилган тупроқ" кўрсатувига таклиф қилганимда, "Ҳар гал қадим Бухорога йўл олсам руҳан ўз-ўзидан ёш болага айланиб қолгандек бўламан. Шариф шаҳарнинг болалигим ёди ва соғинчи тўкилган кўчаларидан кетаверсам, мижжаларим намланиб кетганини сезмайман. Укажон, назаримда соғинчнинг суврати шу бўлса керак", деганлар қандайдир энтикиш билан. Яна бир гал "Ўқитувчи ва мураббийлар" куни байрами арафасида қарийб бир соатлик махсус кўрсатув тайёрлашимга тўғри келди. Кўрсатувда адиб билан суҳбатимиз машҳур қилқалам соҳиби Акмал Нурнинг ижодий устахонасида (тўққизинчи қават тепасидаги хона) кечди. Тасвиролди тараддуд жараёнида Омон ака "чердак"нинг ойнасидан пастга қарар эканлар, бирдан "Унга қаранглар", деб қолди, пастга имо қилиб. Қарасак, пиёдалар юрадиган йўлакдан ўн-ўн бештача бола қуршовида муаллима кетаётган экан. "Ҳар гал устоз-муаллимларни кўрсам, мен қандайдир бир соғинчдан энтикиб кетаман. Ростини айтсам, болаликда мен сира китобга қизиқмаганман. Бироқ мактабимизда ўтган қандайдир танловда мени ғолиб топиб китоб совға қилишди. Совғани топшира туриб устозим, "Биламан, сен аълочи ўқувчисан. Китобни яхши кўрасан", деб қўйдилар. Ана шу ўқитувчим совға қилган китоб ва у кишининг кўзимга қараб билдирган ишончлари туфайли адабиётга кўнгил қўйдим ва қаламга ошно бўлдим. Ҳар гал болалар билан етаклашиб кетаётган ўқитувчини кўрсам, ўша устозим кўз олдимга келади. "Устоз керак экан, ҳар бир одамга" шеъримни ана шу заҳматкаш муаллимларга бағишлаганман", дея шеърни ўқиб берганлар.

Мен ана шу кўрсатув тасмасини анча вақтгача сақлаб юрдим. Пенсияга чиқиш арафасида ижодкорлар ҳақида кўрсатув тайёрлаётган тележурналист укаларга Омон ака ҳақидаги лавҳа келажакда асқатиб қолиши мумкинлигини айтиб, ўчиб кетмасин, кўчириб олинглар, дея илтимос қилдим. Ҳаммаси "хўп" деди, амалда эса бирортаси ҳафсала қилмади. Яқинда битта тележурналист укамиз телефон қилиб ўша лавҳани сўраб қолди. Мен ҳамма тасмаларни режиссёрга топшириб қайтганимни айтдим. Топиша олмабди, ўчиб кетган экан. Юрагимнинг туб-тубида бир симиллаган оғриқ туйдим. На чора, сувоғи кўчган, ранги ўчган, иложсизлик?!

Мана шу ёдим битикларини баҳолиқудрат қоғозга туширар эканман, жойи келганда хотира кўнгил тасаллиси эканлигига яна бир карра иқрор бўлдим.

Омон ака наинки юксак иқтидор соҳиби, айни вақтда чин маънода қуввайи ҳофизаси ниҳоятда сарҳад билмас билимдон ижодкор ҳам эди. Ўзим бунга ижодий суҳбат жараёнида бир неча бор гувоҳ бўлганман. Ҳаттоки “Қуръон” илк бор ўзбекчага ўгирилиб “Шарқ юлдузи” журналида босилаётганда, Омон Мухторнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларини эшитган мутаржим унинг ислом дини бўйича билими чуқур эканлигини тан олиб, эътироф этган экан.

Гарчанд устоз жисман орамизда бўлмасалар ҳам, шоирона таъбири билан айтганда, адиб қаламидан тўкилган барҳаёт асарлар мангуликка дахлдор. Ўзига қўл билан тиклаб бўлмас боқий ҳайкал тиклаганлигини юксак бадиий асарлар тимсолида гувоҳмиз. Хулоса ўрнида шуни эътироф қилиш мумкинки, адибнинг китоблари вақт оша завол билмай, келажак билан бўйлашиб яшашига заррача шубҳа йўқ.

Шоир садоқати билан бизга бизнинг дунёмизнинг боқийлиги ва бирлигини ҳис этишимизга ёрдам беради... Ва агар шоир ўз даврининг хасталанган виждонини гавдалантира олса, унга бошқа талаб йўқ.

Сен-Жон Перс



Ўчмас шамлар ёғдуси

Шуҳрат АЗИЗОВ

“Нақлдирки, ҳазрати Шайх айтади: “Нафсимни итоатга келтирмоқ учун у билан кўп олишдим. Унга бас келолмадим. Ўзимдан ноумид бўлдим. Дедимки, “Магар Ҳақ таоло бу нафсни дунё ва дўзах учун яратдими? Дўзахни қандай тўйдирсам экан”, деб Жайҳун дарёси бўйига бордим. Бир кишига: “Қўл-оёғимни боғлаб ташлагин”, дедим. У боғлаб, ўтиб кетди. Сўнг бир томонга йиқилдим ва ўзимни сувга ташладим. Мақсадим ғарқ бўлиш эди. Лекин сув урилиб, қўлимни ечиб юборди ва бир тўлқин гупириб келиб, мени қирғоққа чиқариб ташлади. Яна ўзимдан умид уздим. Дедимки, “Субҳоналлоҳ! Бир нафсни яратибсанки, на жаннатга ярайди, на дўзахга!”.

Мен ўзимдан буткул умидимни узган шу соатда, шу соатнинг баракоти билан, менинг сирим кашф бўлди! Мен ўзимга лозим нарса нима эканлигини кўрдим ва шу соатда ўзимдан ғойиб бўлдим. Кейин то умрим борича ўшал соатнинг баракоти билан яшадим”.

Мирзо Кенжабек мусаннифлигида чоп этилган “Термиз тазкираси” асаридаги мазкур жумлалар аслида имконсизликнинг ўзи ҳам катта имкон эканлигини далолатлайди. Шунинг учун ҳам ҳаётда юз берадиган оғирликлар кимнидир зиқна ёки жоҳил, яна бировни ёвузлаштириб юборса, бошқа бировни эса янада сахий, бағрикенг, нафақат ўзи, ўзгалар мушкулини ҳам осон қилувчи, некбин зот қилиб қўяди. Хуллас, кимнинг қай йўлни танлаши шахснинг ўзига боғлиқ бўлса ҳам, кучли инсонлар ҳатто имконсизликнинг ўзидан ҳам энг ноёб имкон топади.

Бу жиҳат сурхондарёлик зиёли тадбиркор Ислом Худойбердиев табиатига ҳам хос. Бир гал у “Чағониён” газетаси бош муҳаррири, таниқли адиб Зойир Мамажоннинг: “Қани энди, Денов туманининг салоҳияти ва салобатига мос

Шуҳрат АЗИЗОВ *– 1978 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Шеърлари Республика матбуотида эълон қилинган. "Бир томчи осмон" номли шеърлар китоби чиққан.*

кутубхонаси бўлса. Лоақал зиёлиларимиз қорин учун эмас, интеллектуал салоҳият учун яшаса”, деган гапидан ўйланиб қолди, ўша пайт 400 минг кишилик аҳолига эга Деновнинг арзирли кутубхонаси йўқлигидан афсусланди. Аммо бу фикр Ислом Худойбердиевга янги ғоя ва шашт берди: 2 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфлаб, 18 минг дона китоб фондига эга “Чағониён” кутобхонасини барпо этди. Бу кутубхонани қуриш харажатлари учун банкдан 1 миллиард 700 миллион сўм кредит олиб, қолганини ўз маблағи ҳисобидан қоплади. Тадбиркор бу ишни бошлаганда кўплар “Китоб бизнеси ўзини оқламайди, шу билан Ислом тамом!” деб “башорат” ҳам қилгандилар. Ва улар қисман ҳақ ҳам бўлиб чиқишди. Чунки ҳақиқатдан ҳам, тадбиркор бошида бироз танг аҳволда қолди. Бу вазиятни яхшилаш учун ўз бизнес ғоясини янада ривожлантирди – кутубхона биносининг бўш қисмида абитуриентларни олий ўқув юртларига тайёрловчи ўқув маркази очди. Китоб маркази ҳамда интернет кутубхонадан бепул фойдаланишни йўлга қўйди. Малакали мутахассисларни иш билан таъминлаб, ёшларни илм-маърифатли қилиш сифатини янада оширди.

Ислом Худойбердев Денов тумани И.Тўраев номли сувдан фойдаланувчилар уюшмасидан олинган 32 гектар ташландиқ ер майдонида 20 миллион донадан зиёд 64 хил (34 хил манзарали, 30 хил мевали) кўчат ҳам етиштирди. Қўшни Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистонга экспорт қилишга мўлжалланган бу ноёб кўчатлар экспорти бўйича биргина Тожикистон билан 50 минг долларлик шартнома имзолашга эришди. Дарҳақиқат уруғи Россия, Эрон, Туркиядан келтирилган манзарали ва мевали дарахт кўчатларига бошқа қўшни давлатларда ҳам талабгорлар бисёр.

Шу тариқа Ислом Худойбердиев кўчатчиликдан олинган фойдани ўқув маркази фаолиятини ривожлантиришга йўналтираркан, тадбиркор сифатида бундан вақтинча зарар кўриши ҳам мумкинлигини билса-да, аҳдидан қайтмади. Шунчаки ўз тадбиркорлигининг “ҳалол ишла, ҳалол пул топ!” деган олтин қоидасига амал қилди.

– Барча бойликлар ичида маънавий бойлик шундай хазинаки, сарфлаганинг сари кўпаяди, уни сақлаш учун на жой, на қўриқчи керак. Чунки бу дунёда илм олиб, илм беришдан ортиқроқ савоб ҳам, роҳат ҳам, бойлик ҳам йўқ, – дейди у.

Ислом Худойбердиев доим олимлар суҳбатига, ижодкорлар даврасига талпинади.

– Ўз вақтида ўқиб, олий маълумот ололмадим, – дейди у. – Оилада жами 12 фарзанд эдик. Етимлик, оғир моддий аҳволимиз сабаб гўдаклигимиздан мол-кўй боқиб, қассоблик қилиб, деҳқончилик билан шуғулланишга – ўз кунимизни кўришга мажбур бўлдик. Биздан ташқари қўни-қўшниларнинг ҳам иқтисодий аҳволи мақтангулик эмасди. Шунинг учун ён-атрофимга қараб кўнглим ўксир: “Қанийди сеҳргар бўлиб қолсаму, “бир” деганда қишлоғимнинг, одамларнинг аҳволини ўнгласам”, деб орзу қилардим. Болаликда акам билан бодринг сотгани Узунга – бозорга борардик. Қайтишда худди биров билса, олиб қўядигандек, пулимизни бир челакка солиб, унинг устидан уч-тўрт кило олма тўкамиз. Ва ҳеч вақоси йўқ болалардек... келаверамиз. Сўраганларга фалончиникигага ёрдамга бордик деб, сир бермаймиз. Энди билсам, ана шундай қийин шарт-шароит бизни омилкорликка ўргатган экан.

Ҳақиқатдан, Ислом Худойбердиев айтаётган омилкорлик уни яна бир яхши жиҳат – доим ўз ғоясига эга бўлиш ва уни амалга оширишда ҳеч нарсадан чўчимаслик, бу ғояни кундан-кунга, йилдан-йилга ўстириб, улғайтириб бораверишга ундади.

Омилкорлик, тадбиркорлик фаолияти билан чегараланиб қолмай, ўқиш истагидан ҳам ҳеч қачон воз кечмади. Ўзи ташкил этган, элнинг минглаб ёшларига сифатли таълим бериб келаётган "Чағониён" ўқув марказида таҳсил олиб, 42 ёшида олий ўқув юрти талабаси бўлди.

Бу инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида гап кетганда, беихтиёр атоқли журналист Жўрақул Турсуновнинг "фейсбук" саҳифасида ёритган қўйидаги эътирофини ёдга оламан:

"Ўзгаларнинг орзу-армонлари, ёшликдаги оғир шарт-шароит... Ислом Худойбердиевни бирдан улғайтириб, ватанпарвар ва халқсевар инсонга айлантирди. У ҳаммага яхшилик қилсам дейди. Қийналганроқ одамни кўрса, дарров ёрдамга шошилади. 2019 йили тумандаги "Файзли" ва "Дўстлик" маҳаллалари аҳолисини ўттиз йилдан бери қийнаб келаётган муаммога узил-кесил барҳам бериб, элнинг тоза ичимлик суви билан юз фоиз таъминланишига эришди. Пандемия даврида 4 та маҳаллани оталиққа олиб, эҳтиёжманд оилаларни ёғ, ун, гўшт – кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турди. Қўй, новвос сўйиб, одамларга тарқатди. Ўзинг кетсанг ҳам, савоб ишинг қолади-ку", деган ақидага амал қилиб, ўз йўлида бардавом бўлди".

Тадбиркор билан у республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинарига шўрчилик Бахтиёр бахши Ортиқов ҳамда 9 ёшли ўғли Саидкамолни олиб келганда ҳам ҳамсуҳбат бўлдик. Ота-бола ижодкорларни янада руҳлантириш, уларнинг янги-янги шеърлар ёзиб, термалар айтишга илҳомлантириш учун вақтини аямаганидан ҳавасим ортди. Ислом Худойбердиев мадади билан семинарга ташриф буюрган Саидкамол 420 та шеърни ёддан билиши, Бахтиёр бахши сурхонча термалари, достонлари ва дўмбирасининг ажиб қочиримлари билан семинар иштирокчиларининг ёдида қолгани эса бу инсоннинг чин истеъдод эгаларини теран кашф эта олишини ҳам исботлади.

Тиниб-тинчимас тадбиркор ўзи учун ҳам олам-олам таассуротларга бой бўлган бу семинардан қайтиб, янги куч, шижоат билан ишга киришди. Бухородан бульдозер харид қилди. Сал олдинроқ эса Самарқанддан артезиан қудуқларини бурғулайдиган техника, Тошкентдан плугли ва тиркамали трактор сотиб олганини айтганди. Банкдан 4 миллиард сўм кредит олиб, Ангор туманидаги 241 гектар фойдаланилмай ётган ерни ўзлаштирди. Айни пайтда бу туманнинг "Илғор" маҳалласи ҳудудидаги "Бақтрия агро хизмат" МЧЖ ихтиёридаги майдоннинг 40 гектарида боғ, 30 гектарида иссиқхона ташкил этиб, 169 гектарида эса полиз, сабзавот экинлари етиштирмоқда. Ерни тўлиқ ишловга келтириш, сув чиқариб, томчилаб суғоришни йўлга қўйган. Бундан ташқари, Денов тумани Боботоғ массивидаги 500 гектар майдонни узумзорга айлантириш ишларига ҳам бош-қош бўлиб келмоқда.

– Кредитлардан мақсадли фойдаланиб, турли ҳудудларда жойлашган қарийб 800 гектарлик майдонда ишни тўғри ташкил қилишга улгурган Ислом укамиз топганини доим эл билан баҳам кўради, – дейди у ҳақда Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев. – Ислом, улуғларимиз айтганидек, "мол-мулк қозиғини юрагига қоқмаган"лардан. Йўқотишлардан қўрқмайди. "Ихтиёримдаги мол-давлат менинг қўлим орқали муҳтожларга улашиш учун берилган", деб ҳисоблайди. Йўллар, кўприклар, мактаб ва маҳалла гузарлари қуриб, аҳолига тоза ичимлик сув чиқариб беришдан асло чарчамайди. Шунинг учун ҳам одамлар уни яхши кўради.

Ислом Худойбердиев табиатидаги некбинлик шунчаликки, эсини таниганидан бери халқининг фарзандлари орасидан келажакда ҳам Беруний, Ибн Сино, ал-

Хоразмий, Фарғоний сингари улуғ алломалар етишиб чиқиши учун беминнат камарбаста. “Агар ўқув марказимизда ўн йилда ўн минг болага илм ўргатсак, шундан лоақал биттаси Ватан тарихида ўчмас из қолдира оладиган илм соҳибига айлана олса, кўзланган мақсадга эришган бўламиз”, дейди у.

Яқинда бир маълумот ўқиб қолдим: ўтган йили Сурхондарё вилоятидаги жами 933та мактабнинг 400таси битирувчилари орасидан биттаси ҳам олий ўқув юртига ўқишга киролмабди. “Чағониён” китоб марказида таҳсил олган 611 нафар абитуриентнинг эса 95 фоизи, яъни 583 нафари бу йил олий ўқув юртларига қабул қилинди. Уларнинг 300 нафари эса давлат гранти асосида талаба бўлдилар. Бундан ташқари, бу йил вилоят бўйича Президент мактабига жами 35 нафар ўқувчи қабул қилинган бўлса, шундан 7 нафари “Чағониён” ўқув маркази ўқувчилари эканлиги ҳам фахрланишга арзирли жиҳатдир.

Шу ютуқлар гувоҳи бўларканман, беихтиёр Қоракўл туманидаги Халқаро математика мактаби фаолияти ёдимга тушди. Бу мактаб директори ва асосчиси Тўхтамурод Жумаевни Президентимиз “Даврimиз Беҳбудийси” деб атаганди. Бухоронинг олис чўл туманида жойлашган мазкур даргоҳ ҳали замонавий шароитга, қулайликка эга бўлмаган пайтлардаёқ ўқувчиларининг 95 фоиздан ортиғи олий ўқув юртларига ўқишга кирарди. Халқаро фан олимпиадаларидан энг кўп медаль олган ҳам шу мактаб ўқувчилари. Шу боис мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, ҳатто Тошкентдан ҳам одамлар ўз фарзандларини Қоракўлга олиб бориб, ана шу мактабда ўқита бошлади. Бу ерда чинакам ижодий мусобақа муҳити шакллантирилган бўлиб, ҳар бир ўқитувчи шогирдларини ўз боласидай кўради. Бир сўз билан айтганда, Тўхтамурод Жумаев жадид боболаримиз каби ҳозирги даврнинг янги усул мактабини яратган ва оддий қишлоқ мактаби республика миқёсидаги машҳур таълим даргоҳига айланганди.

Ислом Худойбердиев ҳам келажакка тикилган сармоя энг яхши сармоя эканлигини дил-дилдан англаган тадбиркор. У ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар қатламини моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали Ватан тараққиётини янада юксалтиришни истайди. Термизийлар бешиги бўлган она диёримиздан аждодларга муносиб авлодлар етишиб чиқиши учун молу жонини аямайдиган бундай тадбиркорлар сони қанча кўп бўлиб, тажриба алмашса, давлатимиз тараққиёти ҳам шунчалик тезлашади, янада илгарилайди. Шу боис, мен ҳам Исломга Қоракўл тажрибасини ўрганишни тавсия қилдим. Маърифат ҳар қандай бизнесдан устунлигига чин дилдан ишонган, ўз ғоясига эга тадбиркор эса, худди шу таклифни кутиб тургандай:

– Худди шу мақсадда “CHAG`ONIYION SCHOOL” хусусий мактабини очаяпман, – деди у. – Кейин эса Жанубий Корея ва Голландия давлатлари билан ҳамкорликда хусусий университет очишни режалаштирганман. Хусусий халқаро университет фаолиятини йўлга қўйишимга Афғонистон инвесторлари ҳам қизиқиш билдиряпти. Бу университетга мутахассисларни аграр соҳаси ривожланган чет давлатлардан жалб қиламиз. Биология ва кимё фанларини чуқур ўргатишга ихтисослашган хусусий мактабимиз кейинчалик университет қошидаги иқтидорли болалар мактаби бўлиб қолади. Келажакда ортимиздан минг йил ўтсаям ўчмайдиган илм шамлари ёғду таратиб турса не ажаб!

Тадбиркорнинг бу гапларидан бирдан юрагим ёришиб, қалбимни минглаб, миллионлаб ўчмас шамлар ёруғлиги чароғон этгандек бўлди.



Сен умид кўзларинг тиккан дунёда

Нурмуҳаммад АЛДУЗОИР

* * *

Куз. Хазонлар сочган ўриндиқ
Иккимизни кўтариб мулзам,
Бахтли қилмоқликка уринди,
Ўртамиздан ўтмасди қил ҳам.

Ўша куни ёниб, ўртаниб,
Чиқолмасдан бир хомуш кўйдан
Ўтирардик ишққа ўраниб
Ва бошингни елкамга қўйдинг.

Зулфларингни ўпганча кўзим,
Кўчирганда юзимга тонгни,
Э воҳ, бирдан сочларинг тўзиб,
Билагимга кўзёшинг томди.

Сочларингга бормади қўлим,
Кўзёшларинг артолмадим ман.
Узилди-ку бир ришта бўлиб
Бармоқларинг бармоқларимдан.

Шундан бери қаддим дол, худди
Бошгинангни соғинар елкам
Наҳот, сенинг қўлларинг тутди
Елкаси йўқ, бир хасис одам?

Нурмуҳаммад АЛДУЗОИР *– 1996 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси. Ижод намуналари республика матбуотида чоп этилган.*

Мен-чи, сўлдим гўзал жононлар
Юракларин тута олмайман.
Ўшал кунни эслаган онлар
Ғамлардан бош кўтаролмайман.

Кўзларимдан дарёлар тошиб,
Емирилар, чертилар юрак.
Оғирлашиб боради бошим,
Қаергадир қўймоғим керак.

Икки кўзим қараган пастга,
Ҳар қадамда ерга тизлайман.
Кимдир елка тутар, мен эса
Бош қўйишга кунда излайман.

Нодира

Нодира – самонинг маъсума қизи,
Кирланган дунёда сувдай покизам.
Зулматга боримни, майли, ютқизиб,
Нур тутсам бир коса, қонсанг токи сан.

Нодира, пойингга жонимни экиб,
Кўзимнинг ёшидан кўнгил ундирсам.
Жамики дардларнинг бошини эгиб,
Қошингга бахтларни бўйин сундирсам.

Нодира, осмоним гарчи қоп-қора,
Хира тортиб борар гарчи юлдузим,
Сен умид кўзларин тиккан дунёда,
Аламки, қорайиб бормоқда юзим.

Нодира, кўкда от ўйнатиб борур,
Бир норғул суворий қуёшдан эниб.
Икки жаҳонингни айлагай ёруғ,
Қуёшдай бошига кўтаргай сени.

Нодира, тақдирни яшарсан алқаб,
Биз – ожиз касларга қилгай алам-о.
Айт, қандай гўзалдир, дунёга фақат,
Кўнгил кўзи билан қарамоқ?

* * *

Жонга тегар соғинч, жонга тегар дард,
Жонга тега бошлар кейин барчаси.
Яна бу шаҳардан кетгайсан бадар,
Кимгадир кўл силкиш этмайди насиб.

Ахир яшаяпсан ўзинг-ла ёлғиз,
Тошкентда бирор гул, бир япроғинг йўқ.
Ортингдан тўзғиниб узун дард қолди,
Олдда ғам-андуҳлар келар рўбарў.

Поезд увиллайди, англайсан шу он,
Муҳаббат – хаёлий, кўринмас қутб.
Йўлингга интизор ўша қиз, аммо
У сени ҳеч қачон олмайди кутиб.

Тасбеҳ доналари

1

Тасбеҳ ўгирасан, азизам, бу кеч,
Қуёшга айланар ҳар бир донаси,
Қуёшга айланар ишқинг тафтидан.
Бармоғларинг тегар – ёришар олам,
Бармоғинг оласан – ботади қуёш.
Лабингдан тўкилар ишқ оятлари,
"Аллоҳ" сўзи ёғар лайлакқор бўлиб.
Дунё покланади гуноҳларидан,
Шу лаҳза туғилган чақалоқ каби
Гўзал қучоғингда чинқирар дунё.

2

Тасбеҳ ўгирасан, нурли доналар
Орасидан учар қанот чиқариб
Қор каби майин, оқ, фаришта сўзлар.
У сўзлар гўёки, Аллоҳ сўзидир –
Юракка ёғади, фақат юракка.
Лаҳзада сув бўлиб кетади кўнгил,
Фалакка етади севгининг бўйи.
Бир лаҳза тўхтамас дилингда зикр –
Қон бўлиб оқади томирларингда.
Ўзини ташлайди пойингга дунё.

3

Тасбеҳ ўгирасан, севгилим, лаънат
Ўқийман ўртага тушган дунёга.
Қулоғингга элас эшитилади
Бир ғариб ошиқнинг шикоятлари.
Гўзал суратингни кўзим ўнгидан
Ювиб кетаверар хижрон шамоли.

Ҳавода рақс этган ҳарир хижобинг
Оппоқ кабутарга айланиб бу дам
Ҳавога узанган қўлимга қўнар.
Ўпарман сездирмай қанотларидан.

4

Тасбеҳ ўгирасан, бир-бирларига
Урилиб йиғлайди маржон доналар –
Қўлларинг тафтидан ҳис қилиб, балки,
Дилингда уйғонган чўнг хавотирни.
Тасбеҳ доналари – менинг кўзёшим,
Уч қайта йиғлайман ҳар бир ғамимни.
Тасбеҳ доналари ўпар қўлингдан,
Оҳ, мендан қанчалик бахтлидир улар.
Умидингни узгин, севгилим, мендан,
Аммо ҳеч узмагин тасбеҳлар ипин.

* * *

Сенмисан, бир умр мен бу жаҳонни,
Зеру забар айлаб топмаган дилбар.
Лутфийни лол этган малакдан нозик,
Кўз илғай олмаслик қадар, эй ҳилва[1] .

Шу қадар гўзалки юзларинг, дунё
Чиройи фаромуш бўлгай олдингда –
Мингта шайх Санъонга боғлатиб зуннор,
Юз мингта кофирни киргизар динга.

Нафасинг – жон ато этгувчи табиб,
Пуф десанг, тирилиб келгум мозийдан.
Мажнунлар севгиси етмаган каби,
Ҳуснингга мубтало мендек осий ҳам.

Гўзалсан, мумкинмас майдек сунмасдан,
Вужудинг ишқ каби шаффофдир ғоят.
Воҳ, қуёш нурлари ўтар синмасдан,
Бир умр ҳеч ерга тушмайди соянг.

[1] ҳилва — хипча



Тугамайди йиллар мактуби

Зумрад МАШАРИПОВА

Зумрад тўғноғич

Деразамга ёмғир урилар тиқ-тиқ,
Замин қарши олди яна қўкламни.
Юзимни тутаман кўчага интиқ,
Майин шаббодалар ўпар елкамни.

Энди, яшил кияр туйғуларим ҳам,
Кўнглим менгзаб борар баҳорга томон.
Чап кўксимда унган алвонранг лолам,
Сени баҳорлардан излайди ҳамон.

Сен эса ахтариб зумрад тўғноғич,
Ҳадя этмоқ бўлдинг менга, азазим.
Маъшуқангдан кутиб биргина илинж,
Сўз демай, йўлимни пойлайвердинг жим.

Жилға сой бўлишга интилганидек,
Билмасдинг сен томон чопарди юрак.
Йўлимни гулларга тўлдирдинг, лек,
Айтолмасдинг ошкор, менга сен керак.

***Зумрад МАШАРИПОВА** – Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси. 1990 йилда туғилган. Урганч давлат университетининг филология факультетини битирган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти. "Зомин" республика семинари иштирокчиси. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.*

Менга меҳринг ҳадя, менга сен ҳадя,
Худойимнинг катта инъоми ўзинг.
Билсанг, нур бағишлар бутун умримга
Юлдузлар сингари порлаган кўзинг.

* * *

Кипригим остида ухлади соғинч,
Кирдинг тушларимнинг кечаларига.
Бугун туйғуларнинг юртида севинч,
Қадам қўйдинг кўнгил кўчаларига.

Қушлар учиб ўтди қанотлари ҳўл
Наҳот осмон йироқ, наҳот ер қаттиқ.
Қисмат бошим узра ёғдирса ҳам дўл,
Барибир дунёда муҳаббат тансиқ.

Қовоғим остидан кўтарилар тун,
Қошлар қораяди, чақнайди юлдуз.
Ҳажр дастидан дил соғинчга тутқун,
Дийдорга ичикар кеча ва кундуз.

Қаламнинг дардини тинглаймиз тағин,
Нигоҳлар, гувоҳлар тўкилар сўзга.
Тангрим, кунлардан ҳам, тунлардан яқин,
Дилга борар йўлни кўрсатгин бизга.

Юрак

Уйғонгин,
бедор бўл,
тур, юрак.
Қадам бос,
дук-дук-дук
юр, юрак.
Лаҳзалар
айланар
чархпалак.
Севгидан
бир Ватан
қур, юрак.
Тупроғин
кўзингга
сур, юрак.
Эл учун
фидо бўл,
шер, юрак.

Чексиз ишқ –
муҳаббат
бер, юрак.
Илдизинг
муқаддас
ер, юрак.
Тинмайин
юрт учун
ур, юрак.
Юр, юрак.
юр, юрак.
юр, юрак.

* * *

Кўзларим ичида бор уммон,
Тўлқинлар чайқалар бетиним.
У сенга айтмаган сўзларим,
Ўқигин, бардоши метиним.

Кўзларим сўзлайди, тинглагин,
Сўзларим юракдан узилар.
Қабоқлар пичирлар англагин,
Сайримиз узоққа чўзилар.

Дарахт

Шивирлайди шамоллар майин,
Дарахтларнинг қулоқларига.
Сочларингни ёйиб атайин,
Юваман ишқ булоқларига.

Овозимдан сармаст бўл, дилбар,
Хиромингга урилсин юрак.
Тозар баҳор келгунга қадар,
Келинчакдек қайтмоғинг керак.

Юрагингга исмини ўйиб,
Сирин сенга ишонар одам.
Узун йиллар дардли йўллардан
Оғринмасдан ташлайвер қадам.

Тугамайди йиллар мактуби,
Эгасига элтамиз бир-бир.
Ай, дунёнинг азим маҳбуби,
Бизга шундай ёзилмиш тақдир.

* * *

Юрагида чечакларни ундирган тош,
Номинг тошу тошлигингда ёлғон сени.
Алвон лола сирларингни айлади фош,
Қизғалдоқлар кулиб ўтга солган сени.

Гўзалликка асирдир тоғу тошлар ҳам,
Ҳар баҳорда гуллаб кетар қизғалдоқлар.
Ошиқларнинг сири тўлган юрагингга,
Исмларин ўйиб ёзган қизалоқлар.

Тилим-тилим елкаларингдир қонталаш –
Кўкрагингга қадам босиб унар гуллар.
Шундай қаттиқ тош бўлсанг агар эй, тош,
Юрагингга илдиз отиб сўлар гуллар.

Вақт

Денгиз мавж уради унинг қаърида,
Балиқлар сузади тўхташни билмай.
Ва, ёхуд қирғоқдан анча нарида,
Беозор болалик чалар қамиш най.

Чиғаноқлар ётар денгиз тубида,
Кўкка интилмоқни орзу ҳам қилмас.
Шошқалоқ тўлқинлар қоя лабида ,
Тошларга бошини уришин қўймас.

* * *

Тун бўйи шитир-шитир,
ёмғир ёғди,
сел бўлди.
Қулоғимга бир шивир,
айтақолгин,
кел, бўлди.

Сенсизлик не синоат,
ҳижрон юки зил бўлди.
Қолмайин сира тоқат,
сабрим синиб, чил бўлди.

Хаёлимда кўзларинг,
кўзларимга, эл бўлди.
Айтилмаган сўзларинг,
тутқич бермас ел бўлди.

Кўрмаганимга, ахир,
кун, ой эмас,
йил бўлди.
Қулоғимга бир шивир,
айтақолгин,
кел, бўлди.



...Юрагимда порлайди аксинг

Дилбар ДИЛЗОДА

* * *

Умид товонида яралар бисёр,
Озурда жонимнинг ёвлари улкан.
Кел, энди, тинглагин сен мени ахир,
Ҳамма қўшикларим сенга аталган.

Аллала кўнглимни овутиб секин,
Гулханга тутқазма оловранг шароб.
Тарк этсанг соғиниб, ўйлайман лекин,
Келсанг хаётингни этаман хароб.

Менсиз дунёйингни нима қиласан,
Сенингсиз дунёда яшаблар нетдим.
Розиман,
Ёндирсанг қорларни ёқиб,
Мен сенсиз дунёда совқотиб кетдим.

***

Кет,
Юрагимни азобга солган.
Курмоқ истамайман бошим кўтарсам.
Мени кимлар айтди, бахтсиз деб, ахир,
Мингта парвонам бор, ҳатто, йўталсам.

Кўнглим бахтдан масрур жилмаяр менга,
Момо ой екамга ёнбошлаб олган.
Ўзини олов деб, ўйлаганимей,
Қаршингдаги бахтлар кўчамдан қолган.

***Дилбар ДИЛЗОДА** – 1990 йилда туғилган Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтини тамомлаган. "Ҳурлик нафаси", "Гуноҳсиз дунё" номли шеърий китоблари нашр қилинган.*

Қиқирлаб кулади бўм-бўш қолган қалб,
Термилиб куяди, сўнгра жимгина.
Ҳали бу нигоҳлар, ҳали бу кўзлар,
Сенинг юрагингга санчарлар игна.

Кет,
Зўрлаб булғама виждон, орингни,
Кет,
Хотирларингни суғуриб олиб.
Энг содиқ дўстим бу – энг қоп-қора тун,
Зериксам, ўлимла кетаман қочиб.

Қарасам,
Оёғим тиззамгача қон,
Билмабман, кўзимдан томаётганин.
Лекин,
Бир тилагим бор бўлса агар,
Етим иймонингни тирик сақлагин.

Бугун шунлай хурсанд, шу қадар шодман,
Бугун қадамимга қуёш урар тўш.
Бугун хамма нарсам муҳайё фақат,
Фақат сенсиз қолган,
Юрагим бўм-бўш.

* * *

Осмонимнинг булутлари оғир-оғир,
Йилдай узун ғамларимдан ёмғир ёғир.
Узоқларда-узоқларда йиғи саси,
Деразада битта чироқ ўчмаётир.

Далаларда гуллаётир чилонжийда,
Осмонимнинг булутлари оғир-оғир.
Қаерларга кетаяпман билмайману,
Юрагимга ёғаётир бугун ёмғир.

Осмонимнинг булутлари оғир-оғир,
Йилдай узун ғамларимдан ёмғир ёғир.
Узоқларда битта чироқ тирик ёди,
Энди, уни ўчирганлар йиғлаётир.

Булутлар кўйлагима ўхшайди,
Юрагима ўхшайди,
Осмонимнинг булутлари оғир-оғир.

***

Оҳ, мени шунчалар суйдурдинг Худо,
Ҳеч қачон кўнглимга тутказмадим эрк.
Ўзи ухлаб қолар, йиғлаб-йиғлаб шул,
Юракнинг гапирар дарчалари берк.

Ичкарида қўлларини чўзган дунё,
Ташқарида мағрурликдан узиб кетдим.
Нималарни ўйлаяпман, нималарни,
Ёнингиздан индамайин ўтиб кетдим.

Бир кун куйлаб-куйлаб кулга айлангум,
Ҳеч қачон кўнглимни сўрай кўрмагин.
Оҳ, уни шунчалар суйдурдинг Худо,
Ҳеч қачон ўзимга раво кўрмадим.

***

Кўнглимдан ситилиб йиғлаяпти ишқ,
Уфқларга қоришиб борётир йўлда.
Кипригим остида асраган жоним,
Бугун ўйинчоқми ювиқсиз қўлда.

Уфқларга қоришиб кетаяпман йўлда,
Оламларим аро саҳройи гуллар.
Осмонга термилиб йиғлаяпманми
Ё менга термилиб йиғларми улар.

Кипригим остида асраган жоним,
Кўзинг қаросида осилиб синди.
Сенинг қуёш чиқмас дунёйинг аро,
Ҳаётдан мосуво кўнглим тилинди.

Қара, юрагимда порлайди аксинг:
Қанчалар ўчирмай, суғуриб отмай.
Менинг дунёйимга ўт қўйиб кетдинг,
Энди қуёшларим тўлғонар ботмай.

Кўнгимдан ситилиб йиғлаяпти ишқ,
Воҳки, сен нақадар, айбсиз гулгун.
Сочларимдан чигал руҳинг тушунмай,
Ёмғирдай ёғилиб кетаман бир кун.

Авлиёхон Эшон шеърияти



Абдувоҳид ҲАЙИТ

Олов босиб кечди умрим,
Ғам келди кул титгани.
Бир ҳовуч чўғ топилмади
Кўнглимни иситгани.

Авлиёхон Эшон шеърияти ҳақида ўйласам, биринчи бўлиб, “мусаввир” деган сўз хаёлга келади. Айниқса, шоирнинг 80-йилларда ёзган шеърлари. Мана, “Кўклам” сарлавҳали шеър, уни ўқий бошларкансиз, шеър сўз эмас, мўйқалам билан чизилгандай кўз олдингизда манзара жонланади:

Куртаклар ўрмалаб чиқар шохларга,
Илдизлар тирноғин қўяди чархлаб.
Чумчуқлар сочилиб қадим боғларга,
Гунчалар атрини беради шарҳлаб.

Биринчи мисрадаги “ўрмалаб” сўзини бир тасаввур қилиб кўринг. Бу сеҳрли сўз тасвирга гўёки жон ато этган. Куртаклар жонли, ҳаракатда, улар “ўрмалаб” дарахт шохларини қоплаб бормоқда. Илдизлар эса, худди деҳқон эрта баҳорда иш асбобларини шайлаб қўйганидек, тирноқларини чархлаб қўяди. Бу тасвир мукаммал бўлиши учун “чумчуқлар учиб” ёки “парвоз этиб” деб бўлмайди, айнан уларнинг “сочилиб” кетиши ва қадим боғларни тўлдирган ғунчалар атрини ўз тилларида чуғурлаб шарҳлаб беришлари лозим. Сўзнинг ҳам ранги, оҳанги бор, мусаввир ранг танлаганидек, шоир ҳам сўз танлайди. Сўз шеърнинг ҳам лафзий

***Абдувоҳид ҲАЙИТ** – 1967 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тугатган. “Жон қуши” номли шеърий китоби чоп этилган. Кўплаб мақолалари Ўзбекистон ва кўплаб хорижий нашрларда чоп этилган.*

(шаклий), ҳам маънавий гўзаллигини таъминлаши керак. Бадиий ифоданинг оддий нутқдан фарқи шунда. Шеърнинг давомини ўқиймиз:

Тупроқда қайнаган малҳамни сўриб,
Гул ўсар ясану тусанлар билан.
Ҳали мулойимдир –
қўлингни бериб,
Кўришсанг бўлади тиканлар билан.

Бу мисралардан тупроқнинг ҳарорати, гулларнинг назокатини ҳам ҳис этгандай бўласиз. "Ҳали мулойимдир – қўлингни бериб, кўришсанг бўлади тиканлар билан", бу мисраларни ўқиб шоир маҳоратига таҳсин айтмай иложингиз йўқ, табиатдан олинган бу ташбиҳ табиатдай мукаммал ва нафис, ундан бир сўзни ҳам олиб ташлолмайсиз, "тикан" рамзи одатда салбий бўёққа эга, аммо навқиронликда тикан ҳам мулойим, ҳатто "қўл бериб кўришиш мумкин", бу ташбиҳга истаганча фалсафий маъно юкласангиз ҳам кўтаради. Бундай ташбиҳлар аниқ фанлардаги формулага ўхшайди, яъни уларни бошқа ҳолатларда ҳам қўллай оласиз.

Ҳаво сувдай ширин, ичгайсан тўйиб,
Осмонлар кўринар яшил даладай.
Кўклам юрагингга қадамин қўйиб,
Ғамни ҳайдаб чиқар
чўпон боладай.

Мана, мусаввир суратга охирги чизгиларни тортди. Ҳаётда сув билан ҳаво икки хил ҳолатдаги унсурлар, аммо шеърда бирини иккинчисига ташбиҳ этиб туйғу яратиш мумкин. Кўклам юракка қадам қўйди, юрак бутун борлиқ билан уйғунлашиб кетди ва фавқулодда ташбиҳ – кўкламни чўпон болага ўхшатилиши – ҳайратингизни бир парда кўтариб юборади, қалбни подадай босган ғамларни чўпон бола – кўклам ҳайдаб чиқаради. Келинг, шоир чизган ана шу манзарани туйғусиз, ҳиссиётсиз дарак гап шаклида тасаввур қилиб кўрайлик: кўклам келиши билан юракдан ғам кетиб кўнгил ҳузурланди. Бу дарак гап, эҳтимол, шеърдаги маънога мантиқан тенгдир, аммо унда шеър йўқ, ҳиссиёт, тириклик йўқ.

Демак, шеър бўлиши учун ташбиҳ, рамз ва тимсоллар, бадиийлик санъатлари, мазкур ўринда эса, "чўпон бола" керак экан. Биринчидан, "чўпон бола" шундай бир рамзки, у орқали кўз олдимизда беихтиёр қишлоқдаги ҳаёт, қўй-қўзиларнинг мараши, бепоён адирлар жонланади. Айни пайтда, шеърнинг сўнгги мисрасида кўкламнинг чўпон болага ўхшатилиши, ташхислантирилиши шеърда чизилган кўклам манзарасини қалбга кўчиради. Демак, шеърдан мақсад ташқаридаги табиат манзарасини чизиш эмас, балки унинг қалбдаги инъикосини, унинг таъсирида қалбда туғилган туйғуни тасвирлаш экан.

Шеър фалсафий, ҳикматли, интеллектуал бўлиши мумкин, аммо биринчи навбатда у – туйғу, ҳиссиёт олами маҳсули, қолаверса, "шеър" сўзининг ўзи арабча "шаъара", яъни "туймоқ, ҳис қилмоқ" феълининг масдари. Ҳазрат Навоийнинг машҳур байтини эслайлик:

"Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон дема бу жон бўлмасин". –

Эҳтимол, ишқни математик формула, физика қонунлари билан ҳам тушуниш мумкиндир, аммо улар воситасида ишқни ҳис қилиб бўлмайди. Ишқ, ҳайрат, меҳр, ҳаяжон, эзгулик, ёвузлик каби туйғулар бизнинг ҳиссиёт оламимиз мулки.

Ҳиссиёт ўлчамлари ақл ўлчамларидан бироз фарқли, ақл аниқликни хуш кўрса, ҳиссиёт муболағани ёқтиради, ақл аниқликдан ҳайратланса, ҳиссиёт гўзалликдан. Ҳиссиёт қўзғатиш учун қош – камонга, киприк – ўққа ўхшатилади, бу ўқ-ёй тимсоли ўзида акс эттирган маънавий гўзалликлардан кўнгил ҳайратга тушади. Туйғу моддий нарса эмас, меҳру муҳаббат, қаҳру ғазабнинг шакли йўқ. Уларнинг туғёнини шоир мажозий образ, рамз ва тимсол, бадиийлик санъатлари воситасида чизади. Рус мунаққидларидан бири: шеър – бу оний кайфиятнинг тарихга муҳрланган сурати деганди. Кимдир: Шарқда у чуқурроқ маънога эга, дейиши мумкин. Бу нарса шеърдаги рамзлар қудрати, маънолар қатламига боғлиқ. Аммо бу – шеърда албатта қофия, вазн, бадиийлик санъатлари ва ҳоказолар иштирок этиши шарт, дегани эмас. Уларнинг ҳаммаси шеърдаги иккинчи даражали унсурлар, восита холос, шеър умуман ташбиҳсиз, қофиясиз, фақат бир сўз, ҳатто яримта сўздан ҳам иборат бўлиши мумкин. Аммо ана шу яримта сўзда ҳис этилган кайфиятнинг, ҳақиқатнинг сурати дарж этилиши керак.

Авлиёхон Эшоннинг мазкур “Кўклам” шеъри 1980 йили, шоир 23 ёшда бўлганда ёзилган. 80-йиллар ўзбек шеърияти ва Авлиёхон Эшон ижоди ҳақида шоир Азиз Саид шундай ёзади: “80-йилларда ўзбек шеъриятига янги бир авлод кириб келди. Сўз ўзгарди, оҳанг ўзгарди, ташбиҳлар ўзгарди, исён ўзгарди. Хос ва халқона шеърият хусусидаги асрий баҳслар қайта гуриллади. Қадим битиклардан Рауф Парфигача, Дантедан Абдулла Орифгача, Навоийдан Лойиққача, Румийдан Вознесенскийгача хатм қилган бу авлод ҳайқириб минбарларга югурмади, замон ва замона эгаларига қасидалар ёзмади. Аммо шеърият мезонларини бир қарич юқорига кўтариб қўйди. Ва бу янги тўлқин карвонида Авлиёхон Эшондай шоирни, дўстни учратганимдан беҳад мамнунман”.

Ҳақли эътироф, Азиз Саид 80-йиллар авлоди шеърияти сув ичган булоқларни, нафақат миллий адабиёт, балки жаҳон адабиётидан баҳраманд бўлганлигини яхши кўрсатган. Бу хусусият Авлиёхон Эшон шеъриятида ҳам сезилади, унда Шарқу Ғарб шеъриятига хос фазилатлар уйғунлашиб кетган. Масалан, Авлиёхон Эшон шеърларида Ғарб шеъриятига хос шакл, қофия тизимларидан фойдаланилганини ҳам кўриш мумкин. Умуман, шоир ҳар бир шеър учун ўзига хос шакл, қиёфа яратишга ҳаракат қилган. Айтайлик, у ҳамма шеърларида анъанавий: АБАБ қофияланиш тизимидан фойдаланмайди, баъзан ААБАА, АБА ВГВ ва бошқа қофияланиш тизимлари, баъзан сарбаст, сажъ, аруз вазни, умуман, турли шаклларни истифода этганлигини кўриш мумкин. Айни пайтда, Авлиёхон Эшон шеърларига хос асосий хусусият – шарқона нафислик, зукколик, унинг шеърларида гўзаллик ҳар доим парда ортидаги келинчакдек сирли ва жозибадор кўринади.

Атоуллоҳ Ҳусайний “Бадойиус-санойи” асарида шеърий санъатларни икки гуруҳ: лафзий гўзалликлар ва маънавий гўзалликлар навъларига бўлиб тадқиқ этади. Лафзий гўзалликлар шеърнинг шаклий гўзаллигини таъминловчи воситалар, маънавий гўзалликлар эса шеърнинг маъно товланишлари, ботиний маъно қатламларини таъминлайди.

Шакл ва мазмун бир-бирига мутаносиб бўлганда композицион бутун асар дунёга келади. Авлиёхон Эшон шеърлари ҳам ана шундай тўрт мучаси бут, адабиётда мустақил яшаб қола оладиган, ҳатто гапира оладиган шеърлар. Яхши шеър ҳақида ортиқча тафсилотга берилиш шарт эмас, зеро шеърнинг ўзи ўзи ҳақида яхшироқ гапиради. Шу боис биз ушбу мақолада шеърларнинг ўзларини кўпроқ гапиртиришга ҳаракат қиламиз.

Авлиёхон Эшон ижодида воқеабанд шеърлар алоҳида ўрин тутади. Воқеабанд шеърда шоир ўз туйғуларини бирор воқеа, бошқа персонажлар орқали изҳор этади. 80-йилларда ёзилган шундай шеърлардан бири – “Сўнгги қиш” деб аталади:

Қорашом. Изғирин.
Муштдайин кампир
Сандали четида мудраган чолнинг
Кўрпасин оҳиста қўяди тортиб.

Бу шеър чолнинг сўнгги қиши ҳақида. У баҳоргача етиб бормайди, унинг умри баҳори олдинда эмас, ортда қолди. Бу ҳақиқатни мажоз, ташбиҳлар тилига шоир шундай кўчиради:

Токчага солинган эски газетнинг
Биринчи бетига ёзилган: "Баҳор..."
Тахмоннинг устида сарғайган суврат –
Ундан ўктам йигит жилмайиб боқар.

Токчада кўплаб ашёлар бўлиши мумкин, аммо шоир диққатимизни унга “солинган эски газетнинг биринчи бетига ёзилган: “Баҳор...” сўзига қаратади. Нақадар кучли ўхшатиш! Умр баҳори ҳам ўша эски газетнинг биринчи бетидаги “баҳор” каби сарғайиб токчада қолиб кетди. Бу манзарани тахмоннинг устидаги сарғайган суратдан жилмайиб боқиб турган ўктам йигит сурати яна ҳам тўлдиради. Авлиёхон Эшон шеърларида ортиқча сўз, ортиқча тафсилотга асло ўрин йўқ. Қиш, баҳор, эски газет, сарғайган сурат, жилмайган ўктам йигит, бу ўзига хос қаршилантириш – тазодлар туйғуларимизни таранглаштиради.

Кейинги мисраларда ташқарида эсган шамолнинг кулба эшигига ҳамласи, мўридан тушган қор, чол ва кампир мусичаларининг совуқда музлаб бўғотдан ерга қулаши, кампирнинг хаста чоли учун бу сўнгги қиш эканлигини билиши, чол оёқларининг сандалда ҳам исимаслиги каби совуқ тафсилотлар тилга олинсада, улардан сиз бир илиқлик туясиз. Бу илиқлик кулбани шамдек ёритиб турган меҳр-муҳаббат туйғуси. Кампир ўзини эмас, чолини ўйлайди, чол эса:

Чол ўйга ботади: "Худога шукур,
Кампирим меҳрибон, содда, мулойим.
Кетсам... қийналмасин,
келаси йили…
Қиш жуда ҳам иссиқ келсин, илойим..."
Ташқарида қор ёғади, қор...

Авлиёхон Эшон шеърларида сўнгги мисралар муҳим аҳамиятга эга, кўпинча улар шеърнинг зоҳирий маъноси замирида яширилган шоирнинг асл муддаоси – ботиний маъно қатлами учун очқич бўлиб хизмат қилади, худди зоҳирий маънодан ботиний маъно қаватига тушириб қўядиган зинага ўхшайди. Мазкур шеърда ҳам сўнгги мисрада чолнинг кампири қийналмаслиги учун келаси йил қиш иссиқ келсин, деб дуо қилиши шеърнинг авж нуқтаси, айни пайтда, бу мисралардан шу аянчли манзаралар фонида, умр поёнида ҳам, меҳр-муҳаббатга тўла инсон қалби нақадар гўзаллигини кўрсатиш шоирнинг асл мақсади эканлиги англашилади.

Авлиёхон Эшоннинг 80-йилларда ёзган яна бир воқеабанд шеъри “Севги” деб аталади.

Ёмғирларда ивиган
Тўн ва этикни ечиб,
Олти йигит сепоя
Боғлашади сой кечиб.

Шеърда тоғли қишлоқдаги турмуш манзараси акс этган, олти қишлоқ йигити сойдаги сувга банд қўйиш учун уч ходадан иборат қурилма – сепояни боғлашмоқда. Уларнинг ёмғирдан ивиб кетган тўн ва этикларини ечиб ишлашларидан англашиладики, ёмғир ҳаддан ортиқ кўп ёққан ва сел келиш хавфи бор. Шу пайт барваста бир чол қирғоққа яқин келиб уларни селдан огоҳлантиради. Сел соҳилдаги қайрағоч илдизини ювa бошлади. Шамоллар селнинг лойқа суви исини қишлоққача олиб борди. Қишлоқда эса:

Сел тушмоқда тоғлардан,
Йироқда баланд саси.
Қишлоқда олти қизнинг
Ёрилар ўтакаси…

Гувоҳи бўлганимиздек, шеър – “Севги” деб номланса-да, унда бу ҳақда умуман сўз йўқ. Гап нимада эканлигини фақат шеърнинг сўнгги сатрини ўқигандагина англайсиз. Шундагина сув йўлига тўсиқ қўймоқчи бўлаётган олти йигит шижоати ўзгача маъно касб этади. Уларнинг ҳар бири энди кўз олдимизда гўёки Ширин юртида тоғ йўниб ариқ қазиётган Фарҳоддек гавдаланади. Воқеалар сатҳига сел эмас, севги қалқиб чиқади. Сойдаги олти йигит ва қишлоқдаги олти қиз ўртасида кўз илғамас севги ришталари тортилади, аслида барча воқеалар, ҳатто жон куйдириб йигитларни селдан огоҳлантираётган чол ортида ҳам илоҳий бир ишқ турганини, барча воқеалар ана шу ишқ оғушида содир бўлаётганини илғаб қоласиз.

Шоир эътиқодига кўра, шарқона ибо ва иффат пардаларига йўғрилган бу туйғу фақат қалбдагина яшай олади, ганжинадай қалб тубига яширинган. Шу боис қишлоқдаги олти қиз севгисини тилга чиқармайди, балки ҳол тили – уларнинг “ўтакаси ёрилиши” – бу сирни ошкор қилиб қўяди. Тасаввуф истилоҳи билан буни – ишқи мажозий, дейишимиз мумкин. Мутасаввифлар эътиқодига кўра эса, “Ал-мажозу қантаратул-ҳақиқати”, яъни “мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир”. Ҳазрат Навоий бир асарида: “гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдур мажоз”, деб лутф этадилар. Айтмоқчиманки, Авлиёхон Эшоннинг 80-йилларда ёзилган бу каби шеърлари, улардаги руҳий ҳолат тўқсонинчи, икки мингинчи йилларда ёзган шеърларида тасаввуфга эврила бошлаганини кўриш мумкин.

Адабиётшунос олим, профессор Абдусалом Абдуқодиров Авлиёхон Эшон ижоди ҳақида шундай ёзади: “Авлиёхон Эшон... аждодлари билан боғлиқ тарзда диний илмларни ҳам эгаллаган. Бироқ, муҳими шундаки, Авлиёхон қол илми билан бирга ҳол илмидан ҳам яхши хабардор. Илми қол дунёвий, зоҳирий илмлар бўлса, илми ҳол тасаввуфий, ботиний билимлар мажмуидир”.

Авлиёхон Эшоннинг 90 ва ундан кейинги йилларда ёзган шеърларида тадрижий тасаввуфий маъно қуюқлаша боради. Бу шеърларда: дайр (даҳр), фано, вужуд, руҳ, асрор, муршиди комил, ориф, суҳбат, Ҳақ, сулук, солик, зикр, жазба, илоҳий севги, мурид, ҳол, пир, толиб, нафс, ишқ, ушшоқ, тавба, пири комил, ватан, маърифат,

бода, пир, майхона, зоҳид, ишқ аҳли, фақр, Ҳақ асрори, шароби таҳур каби кўплаб сўзлар мутлақо тасаввуф истилоҳлари сифатида қўлланилган.

Истилоҳ – бу аввало рамз, ғарбдаги "символ" атамасига мувофиқ келади. Ҳерменевтика фанининг атоқли намояндаси Поль Рикёр (Paul Ricœur) "символ"га шундай изоҳ беради: "Мен ҳар қандай маъно структурасини, қачонки унда бир маъно – тўғри маънода, бирламчи, айнан бўлиши билан бир пайтда кўчма, иккиламчи, қочиримли бўлган, фақат биринчи маъно орқали тушунарли бўладиган бошқа маъноларни ҳам билдирса, символ (рамз) деб атайман".

Тасаввуф истилоҳларидан ташқари Авлиёхон Эшоннинг ўз истилоҳлари ҳам бор. Айтайлик, унинг шеърларида "қуш" (баъзан – "тайр") тимсолига кўп дуч келамиз. Қуш тимсоли – баъзан ҳурлик, баъзан вужуд қафасидан парвозга шайланган руҳ, фаришта, умуман, маънавий юксалишга интилиш туйғусини ифодаловчи восита вазифасини ўтайди. "Тун. Ёлғиз одам" сарлавҳали шеърида эса "қуш" – ғуссанинг рамзи бўлиб келган:

Юраги
жар қушларининг уясига ўхшайди –
тўзғиб учган қушчалар тўпи сингари
ғусса ўз инидан олислаб кетмай,
тағин қайтиб келар
қош қорайганда. –

Қандай топиб айтилган ўхшатиш, ташбиҳи том, дейиш мумкин: ғуссага ботган ёлғиз одамнинг илма-тешик юрагига ғусса (қушлари) ин қуриб олган. Улар ҳеч бу юракдан олислаб кетмайди, қош қорайган заҳоти инларига қайтиб келишади.

Авлиёхон Эшоннинг баъзи шеърларида учрайдиган "юк" рамзини ҳам шоирнинг шундай истилоҳларидан бири, дейиш мумкин. Албатта, бу рамзлар тасаввуф истилоҳлари: "ёр", "май", "жом" каби шаклланган аниқ истилоҳий маънога эга эмас. Аммо шоир уларни, Поль Рикёр таъбири билан айтганда, "кўчма, биринчи маъно орқали тушуниладиган бошқа маъноларини ҳам кўзда тутган ҳолда" қўллайди. Ушбу ўринда мен шоирнинг "Юк" сарлавҳали ҳажман катта бўлмаган шеърини тўлиқ келтирмоқчиман:

ЮК

Отам кетди…
Бир фақр банда –
муҳтож эди ёлғиз Эгамга.
Ўша куни
дунё бор юкин
ортиб қўйди чўккан елкамга.

Эй афаллоҳ,
нур кетди қайтиб –
қоп-қорайди олам чеҳраси.
Тинмай тегди бошимга
қабр
қазиётган теша муҳраси…

Елкамдаги қоп билан кездим,
даҳри дунни – етди озори.
Кўмиб ташлай десам,
кўринмас –
ҳеч қаерда дилнинг мозори.

Гоҳи арқон узилмасин деб,
юрагимга тушгай
таҳлика.
Тош остида эзилган майса
каби қаддим тутмадим тикка.

Қоп оғирдир,
кўринмайди нур –
олисдадир уфқ чизиғи…
Отам кетди,
елкасида юк –
охиратнинг тотли озиғи.

Шеър аввалида “юк” рамзи – ота ўлимидан кейин лирик қаҳрамон “елкасига дунё ортиб қўйган” чексиз ғам, мусибатни билдирса, шеър охирида – “охиратнинг тотли озиғи”га айланади. Шеърда ана шу икки қарама-қарши қутб бир нуқтада бирлашади. Ота вафоти, айрилиқ азоби, бу изтиробни “кўмиб ташлаб” бўлмайди, дил изтироб чекяптими, демак тирик, у ўлмайди, чунки “дилнинг мозори” ҳеч қаерда йўқ.

“Отам кетди…
Бир фақр банда –
муҳтож эди ёлғиз Эгамга”.

Фақр – тасаввуф истилоҳи, солик тариқат йўлида босиб ўтадиган етти мақомнинг: тавба, вараъ (ҳаромдан тийилиш), зуҳддан кейинги тўртинчиси. Фақр мақомига етишдан олдин солик ҳаромдан тийилган, зуҳд мақомини босиб ўтган, яъни қалбан тарки дунё этган бўлиши керак. Бошқа бир шеърида Авлиёхон Эшон фақирлик ҳақида шундай ёзади:

"Фақирлик фахримдир" – бу улуғ ҳадис
Мени осмонлардан туширди ерга.
Баъзида қурсоғим тўйган маҳали,
Ўзимдан ёзғириб ботаман терга…

Ушбу шеър давомида шогирднинг “Фақирлик нима?” деб берган саволига пири муршид: “фақирлик – бу фақат бечораҳол яшаш эмас, балки қалбнинг покизалигидир”, деб жавоб қилади. “Отам ёлғиз Эгамга муҳтож эди”, яъни Ундан ўзга ҳеч нарсага муҳтож эмас эди, дейди Авлиёхон Эшон. Эҳтиёжсизлик – истиғно мақоми дейилади тасаввуфда. Юк деганда ана шу улуғворлик юки, унга ворислик, анъанани давом эттириш бурчи ҳам кўзда тутилади. Шу боис у “арқон узилиб қолмасин” деб таҳликага тушади.

Авлиёхон Эшон шеърларида баъзан “савачўп”, “савағич” сўзларига ҳам дуч келамиз. Маълумки, кўрпага солиш учун пахта савачўп билан саваланади. Саваланган пахтанинг ранги очилиб, тозаланади, кўтарилади. “Савачўп” деганда шоир унинг ана шу хусусиятларини кўзда тутади, яъни дунёдан қалбга етадиган зарбалар, риёзат чекиш ҳам худди пахтани савачўп билан савалашга ўхшайди, қалбни унга илашган дунё хас-хашакларидан тозалаб, басират кўзининг равшанлашишига ёрдам беради.

Умуман, нафақат истилоҳлар, балки шеърдаги ҳар бир сўзга рамз сифатида қаралса, тўғрироқ бўлади. Чунки шеър тили – бу рамзлар тили ва бу тил ҳақида олмон файласуфи Эрих Фромм шундай ёзади: “Рамзлар тили – шундай тилки, унда ташқи олам – бизнинг ички оламимиз, қалбимиз, фикримизнинг рамзига айланади”. Шеърнинг бошқа битиклардан фарқи – у “қалб”, “кўнгил” деб аталмиш ички дунёмиз, руҳиятимиз, фикру туйғуларимизнинг рамзлар тилига кўчган суратидир. Авлиёхон Эшон шеърлари ҳам шундай, яъни хоҳ табиат манзараси, хоҳ воқеабанд, хоҳ сўфиёна шеър бўлсин, биринчи навбатда, улар лирик қаҳрамон руҳияти, руҳий ҳолатининг рамз ва истилоҳлар воситасида чизилган суратларидир.

Авлиёхон Эшон бир шеърида “Мен кимман?” деган экзистенциал савол қўяди:

Мен кимман?
Лаҳзага тенгми ҳаётим,
Ўзимни нимага айирбош этай?
Юрагимга етиб борсин деб додим,
Ёқамданми тутиб, қаттиқ силкитай?

Бу саволда албатта яқин ўтмишдаги ижтимоий кайфиятнинг нуқси ҳам бор, аммо бу, биринчи навбатда, тасаввуфга оид фалсафий бир савол. Тасаввуф нуқтаи назаридан, бу илоҳий ўзликни англашга интилиш. Шоирнинг сўнгги йилларда ёзган шеърлари асосан сўфиёна шеърлар. Улар мумтоз адабиётдан шунчаки таъсирланиб битилган мисралар эмас, балки шоирнинг ўзи қайта яшаган, қайтадан кашф этган, тақдир зарбаларида тобланган ҳақиқатлар. Кейинги шеърлардаги ишқ ҳам 80-йиллардаги мажозий ишқдан фарқ қилади. Ишқ гўзалликсиз мавжуд бўлмайди. Кейинги йилларда битилган шеърларда ишқ Илоҳиёт тажаллийсини басират кўзлари билан мушоҳада этиш хосиласи ўлароқ туғилган ишқ эканлигини қуйидаги мисраларда ҳам кўриш мумкин:

Ишқ наҳрига ғарқ бўлурмиз,
Сув юзида ғуссамиз.
Елда учган барг бўлурмиз,
Хазон ичра жуссамиз.

Яъни, бу ишқ денгизига ғарқ бўлганда барча ғуссалар сув бетида, вужуд худди елда учган баргдай хазон ичра қолиб кетади. Бошқачароқ айтганда, Авлиёхон Эшон ижоди, унинг руҳоният олами бизни дунёвий гўзалликлардан илоҳий гўзалликка, мажоздан ҳақиқатга элтадиган йўлга ўхшайди.

Сени бахтга элтаман, гулим



Муҳаммад СИДДИҚ

* * *

Қоғозларим – оппоқ қушларим,
Кечиринг мен сўз гадосини,
Юзингизга босиб яшадим
Битмаётган дил яросини.
Дарёларим, эй тоза сувлар –
Умид билан термилганларим,
Ўлтирибман қирғоғингизда
Юволмасдан кўнгил гардларин.
Йиғлаюрман унсиз, оҳангсиз,
Ҳолингизга боқиб бўзларман.
Ишонинг деб ёлғонларимга
Маҳшаргача эртак сўзларман.
Мен-ку, адо бўларман бир кун,
Шафқат қилмас жонимга қисмат.
Бироқ қайга беркинаман жим
Армон тўла кўзларингиздан?!
Қоғозларим – оппоқ қушларим...

* * *

Саф тортай
бу хилват остонасида,
Энди шу ҳужрада қолай тоабад.
Қўл силтаб Жамшиднинг хосхонасига
фақат Сендан топай мангу ҳаловат.

Муҳаммад СИДДИҚ *– 2000 йилда туғилган. Ўзбекитон давлат санъат ва маданият институти талабаси. Шоирнинг "Ёҳу" номли шеърий тўплами чоп этилган.*

Азал сукунатда қотай – нораво,
Тошга битилмасин нутқу иродам.
Руҳимдан тўкилсин асрий каҳрабо,
Ҳаввонинг кўзига боққандек Одам.
Шундай қафас берки, ўнгу тушимда
кўзимга чуқурроқ ботсин бу қуллик.
Бир дўст йўллагилки,
сулув қошида
жонимни қўшқўллаб нисор қилгулик!
Тўзим бер, шовқину сурондан ҳоли,
Уйғонмай курашдан чарчаб мусаллам.
Кадар бер,
ҳаттоки соясин олиб
Хизрнинг пойига бориб тузалмай!
Ўша кун бағримга босиб ўлимни
йиғлай, то учгунча ичимдаги мурғ.
Бир парвоз юборгин,
ташна дилимни
кўзасига солиб чайқасин Симурғ...

* * *

Айтаримни айтиб бўлганман чоғи,
бисотимда бир сўз қолмаган,
нетай?
Балки
тўлармиди ернинг қучоғи –
кимсасиз ҳужрамга кирсам индамай?..

Шунда туғиларми –
ўрнимга чапдаст,
фақат рост ҳисларин баён этгувчи?
Келарми қошингга ишқ тутганча маст,
Ҳақнинг ҳузурига олиб кетгувчи?!

Балки сочларингни шамоллар ўйнар,
ёмғирлар шивирлар –
мен жим яшасам,
кипригингга баҳор қушлари қўнар –
умрингдан куз фаслин юлқиб ташласам!

Не дейин, сўзимда қолмаса оҳор,
кўнглимни тўколмай унсиз ютоқсам?
Тирикман –
демакки,
сенга гапим бор
ва ҳануз тинглашга сен ҳам муштоқсан...

* * *

Тошкент, метро, сокин мусиқа,
Сен-ла гўзал ер ости йўли.
Суҳбатимиз кечарди қисқа,
Лек яшнатиб ўтарди кўнглим.

Қололмасди ҳеч қайси бекат
Сени мендан айириб асло.
Сал силтансанг тутардим елкам,
Суянганча кетардинг – расо.

Беҳад тотли эди – аксингни
Гоҳ ойнадан кузатиб кетмоқ.
Гоҳ сочларинг майин рақсини
Хаёлимда жим тавоф этмоқ...

Пинагимиз бузар на олам,
Шовқин, на-да ер усти тараф.
Ҳисларингга гўё ҳамоҳанг –
Чалар эди руслар гитара.

Кучим етмас хайр демоққа,
Қулоқчиндан тўкилар куйлар.
Гарчи чорлар ёвуқ-йироқлар,
Кутар бизни ижара уйлар.

Наҳот, умр шунчалар арзон,
Ўтар киприк қоққунингча тез!
Бу дунёда тўхтайди қачон
Биз истаган бекатда поезд?

Шаҳар, метро... қўмсаб барини,
Айтгин, насиб қиларми такрор –
Тунда Тошкент кўчаларини
Ер остида сайр этмоқ, дилдор?

* * *

Ясмин[1] ... Ясмин, соҳира денгиз –
Ғуссам ичра тўлғонган овоз!
Юрагимга унларинг эгиз,
Нафасингда тушларим ғаввос.

Қайда Тошкент, қайда Испания,
Фарғонаю қадим Исроил?
Сен оҳ тортган ўшал сония
Сур чалгандек бўлар Исрофил.

[1] Ясмин Левй – испан қўшиқчиси.

Лабларингдан куй эмас, гўё
Қушдек учиб кетган менмидим?
Ўнгимни тарк этгандек рўё,
Тупроққамас, кўкка тенгмидим?!

Келмайсанми, руҳимни озод
Этмайсанми ушбу кечада?
Деразадан боқсам, ногаҳон
Ўтмайсанми куйлаб кўчадан?

Ясмин... Ясмин, увайс маликам!
Сийналари – эврилган қўшнай...
Айтгин, яшаш мумкинми беғам,
Ўртамизга дунёни қўшмай?

Қачонгача соғинмоқ мумкин,
Қайда беҳишт боғлари – ватан?
Қайда чин ишқ йўллаган эпкин,
Руҳим ерга боғлаган расан?!

Ичганим – май, кечганим айтсам,
Ясмин, куйла – қучай самони!
Эй ҳофизам, сени тингласам,
Соғинаман такрор Худони...

* * *

Қайга олиб кетган елвизак
Болаликнинг ҳур самовотин?
Деразадан боқар ёлғизлик,
Қўмсаб ғойиб бўлган ҳаётин.
Қайтиб кирмас уйқу ғорига,
Тополмасдан ҳаловатини.
Кимдир бордек парда ортида,
Жим кузатар тун ҳолатини.
Шаҳар тинган. Тинмас у – сабил,
Юрак қайнар, мисли фаввора.
Учиб кетар ҳар кеч қайгадир
Қоғозлардан ясаб тайёра...

* * *

Биламан,
Сенинг ҳам тушларинг аро
Ёмғирлар тинмайди ҳарир ва эзгин.
Ахир, орзулардан воз кечмоқ маҳол,
Севги деб дунёни унутмоқ қийин.

Биламан,
Кўзларинг қаърида ётган
Ҳавводан қолган ул қадим асрорни...
Кифтимда қанотлар муз каби қотган,
Кутмоғинг беҳуда ўшал баҳорни...

Бу тундан қидирма
Бахту кушойиш,
На ой-юлдузида бордир бир мантиқ.
На-да иқлимида қонгайдир хоҳиш
Ва на кунларида айланар тартиб.

Токи йиғларкансан заҳм комида,
Ўзга оламлардан кутиб суянчиқ.
Биламан, тубсиз жар бордир ортида,
Лек фақат биз учун
Шу Эшик очиқ...

* * *

Қайси жавонибнинг
соясиман мен?
Нураган
соямнинг
доясиман мен.
Қандай жазаванинг воясиман мен –
бу ғумбак ичида вайронадекман...

Ким у – ташқарида,
чертиб тинглаган,
шунча карвон туриб
мени танлаган?
Борми...
суяклари қақшаб англаган?
Гуноҳин билмаган ҳайронадекман.

Ёздим қанотимни,
бўйладим – кушод,
келмади кутганим билан ҳеч имдод!
Суйганим,
куйганим,
куйлаганим – дод,
қафасдан чиқмаган таронадекман.

Қанча баланд учмай
тубанман,
зичман!
Маҳшарга тиралган –
манам бир синчман
ва яна тупроқдан унган илинжман!
Ломакон гирдида парвонадекман.

Етдимми –
йитдиму
гирдобга тушдим,
неча йил кўраман тағин бу тушим?
Тушунтир лоақал,
ўзинг ҳам тушун,
эй Рафиқ, дунёга бегонадекман...

* * *

Чироғинг ўчдими, она, бугун ҳам,
келдими ё иссиқ сувда кир чайгинг?
Сандалингга кўмир соларман борсам,
тандирингга ўтин бўларман балким.

Айт, яна неларни тусайди қалбинг?
Ҳовучингга сиғмас ғўр афсусларим,
сенинг ғира-шира тонгларинг каби
имиллаб келади автобусларим.

Етар, ковушинг арт, воз кеч далангдан,
қара, аёз кирди товонинг ёриб!
Ҳатто акам қайтди рус чангалидан,
йўқлаб боролмадим ишимдан ортиб.

Бир дўстим ватандан кетолмай ҳалак,
бири уйланай деб тўкилар – хазон.
Ер ютмас, оҳ, десам очилмас фалак,
мен эса юрибман – на қул, на озод.

Безиллаб киборлар қош-қовоғидан
ижарада кўриб сарсон тушларин,
бекатларда тунаб қолар гоҳида
шоир оғаларим, дарвеш қушларим.

Баъзан жонга тегар тор дорилфунун,
юрак сиқилади, ичарлар қоним.
Баъзан исён қилар ичимда қулун,
аммо ечолмайман – пишиқ арқоним.

Ётсам кўнглим хижил, турсам ҳолим танг,
кимлар устимиздан ўйнайди қимор?
Мен ҳам ким учундир қилаяпман жанг,
Тошкентнинг Сибирдан нима фарқи бор?

Умидинг сўндими, она, бугун ҳам,
кўрсатмай артдингми кўзинг ёшини?
Пешонангга ажин бўларман борсам,
тиззангга қўярман ўксиб бошимни.

* * *

Хоҳлаган рангимга бўяйман кунни,
ахир менам битта телба мусофир –
оппоқ қоғозларни қоралаб, тунни
ичиб кетаётган қоп-қора шоир.

Қайси маъшуқанинг кумуш тушидир
ҳалитдан тўкилган қора сочларим?
Юлдузлар ўшадир, уфқлар ўшадир –
алвон кафанларим, қон оғочларим.

Энди фаслларнинг нағмаси ёлғон,
тусланмам, сўнгунча зулмат пилиги!
Лойимга қорилган қоп-қора ёвғон,
қорайган қумғонда пишган илигим.

Ҳақнинг арконидан қувулган малак –
аёл кўкрагидан тошган азобман,
мен – аччиқ масаллар тўқиган малай,
қоядан ташланган ўша Эзопман.

Мунғайиб қайтади букри қушларим
кўлмакдаги ойнинг аксига қараб.
Балки бераётир сўйлоқ тишларим
ичимдаги шайтон турқидан дарак?

Тепамда тақиқ бор, теграмда таъқиб,
ўқчиб талпинаман, ўпиб суяман!
Тонг отар мурдамни бурчакка сиқиб,
шунгами ориқман, қоқшол суякман.

Судрайман, қўйнимга қисилган шамол,
ухлайман бошимга булутни тўшаб.
Китоб орқалайман, юрагим – ҳаммол,
аммо ҳайдаб борар ўзимни эшак.

Ёки тошбақаман, косамдаги руҳ
Гулханий довотин қатлига тушган
ва ё осмон билан тузолмасдан сулҳ,
қафасда эзилган япалоққушман.

Исмимни унутиб, гоҳо шошилинч
жисмим тугагунча келади ечгим.
Тийра нигоҳимда оқарган илинж,
қора кўзларимга қаролмас ҳеч ким.

Салом, фаришталар, оқлар, ассалом!
Сизга нуқсим юқмас, олманг хавотир!
Бу дунё оппоқдир, мен эса ҳамон
қоп-қора шоирман, қоп-қора шоир.

* * *

Ишон, сени бахтга элтаман, гулим,
Йўлларим бир куни бўлади равон.
Ҳозирча кўнгилнинг телбаваш қулин
Тоза ҳисларингга кўрмайман раво.
Ишон, келтираман мовий осмонни
Майин қанотларинг остига шундоқ.
Ҳозир менинг алвон тайёраларим
Сўқир сўзларимдек қолган муаллақ.

Мен – баҳор ишқида сарғарган ўлан,
Кузги шамолларга мағлуб, мустаҳиқ.
Сендан ҳеч нарсани қилмайман талаб,
Ҳали туйғуларим чиқадир саҳиҳ.
Фақат шу ишончни кўп кўрмасанг, бас,
Ўзинг паноҳингга олгин, маъвойим –
Руҳимнинг қабарган терскайларидан
Мурғак бола каби боққан авомни.

Кел, деб айтолмайман ва ёки дадил
Ҳузурингга елдек боролмам бу кун.
Бари қилмишимга истиғфор айтиб,
Истиқбол сўролмам бир ўзим учун.
Бир сиқим тупроқдан кўклар умидим,
Ғам тўккан оҳорни этаман тавоф.
Ишон, сени бахтга элтаман, гулим,
Йўлларим бир куни бўлади равон.

Зангор рангларингда минг карра ёндим



Гулирухсор УММАТОВА

* * *

Нигоҳларим топганда сени,
Менсизликка қўйгандинг қадам.
Гуноҳ дединг, менга қарашни
Ишқсизман деб, ичгандинг қасам.

Бунча ғариб бўлдинг, юрагим,
Нигоҳингда неларга зорлик?
Бизни ғариб қилмоққа шайми,
Ойсиз тунлар, ишқ деб бедорлик?

Кўзларингда ишққа ташналик,
Соғинч, гуноҳ унга қарасам.
Кечир сени севмаслик ҳақда,
Қуёшларга ичганмани қасам.

Менга элтар йўлни топмадинг
Ё йўлларнинг бизда бор қасди.
Яшамоққа улгурмасимдан
Тугаб қолди муҳаббат фасли.

Эгиз руҳлар

Ҳалима АҲМЕДОВАга

Тақдир бизни учраштирмаган,
Тўқнашмаган бекатларимиз.
Ишқ кузакка қайтган кечада,
Ёзиб қўйган эртакларимиз.

Гулирухсор УММАТОВА *– 1993 йилда туғилган. Андижон давлат университети қошидаги бешинчи сон академик лицейни битирган. Ижод намуналари "Ватан-менинг ғурурим", "Андижон адабий гурунги", "Ирмоқлар" номли ёшлар баёзларида, вилоят ва республика матбуотларида чоп этилган.*

Сариқ либос кийиб кўрмаган,
Бахор эски келинчак опа.
Муҳаббатда манзилимиз бир,
Руҳларимиз эгизак опа.

Соғинишинг йиллари ўжар,
Бизга келган дардлардек тажанг.
Юборайлик келинг ҳисларни,
Фироқ томон уйиштириб жанг.

Дийдор они кекса ҳижроннинг,
Жиловланар асов ғазаби.
Учрашамиз битта дарахтда,
Кузда пишган мевалар каби.

Мени кутинг, мен сизни кутай,
Висолга зор қалблар сингари.
Тушимда ҳам интилдим сизга,
Кўргандурсиз мени илгари.

Кўнгилларда дийдорга зорлик,
Ташналик бор сўзларимизда.
Аршни кўзлаш бўлмас, бизнинг тонг
Отмагунча кўзларимизда.

Исботлаймиз қўш юрак билан,
Кузсиз баҳор ожизлигини.
Жар соламиз дунёга опа,
Руҳларимиз эгизлигини.

* * *

Кетдинг, бугун бошланди ҳаёт,
Гулга қайтди кекса болари.
Сен кетдингу уйғонди, ҳайҳот,
Юрагимнинг хотиралари.

Оқ қоғозга айланди умрим
Da рангларин улашди баҳор.
Дилда ўсган қирмиз гулимни,
Қучоғига олди чангалзор.

Ёзилмаган мактубларинг деб,
Эртакларим соғинган кузлар.
Музлаб қолган муҳаббатингдек,
Гулламоқни унутди кўзлар.

Ҳа, сенингсиз бари бетартиб,
Лек туйғулар сочмоқда зиё.
Шу тартибсиз ишқинг яралиб,
Кўнглим аро, тартибли дунё!

Таҳдид

Қайдадур ётибди, чанг босиб дилинг,
Қўзғатишдан қўрқиб, соғинч ваҳмини.
Ҳамма ошиқлардек бўлмади бизнинг,
Севгимиз ҳақида тақдир тахмини.

Мингинчи фаслнинг бекатларида,
Учрашганди ахир орзуларимиз.
Қашшоқ тунлар аранг тонгга етканда,
Қушлар куйлаб қўйди озорларимиз.

Оташ дунёйингга туташди олов,
Ушшоқ кўнглинг мени чорлади балки?
Кўнглимни сўрама, у ҳамон асов,
Қўрқувни билмаган бургут юракли.

Инжиқ туйғуларим алдама висол,
Баҳорга алла, айт, кузимга юкун.
Йўқса соғинчимда бўлиб бемажол,
Қуёшни қучоқлаб ўлишинг мумкин.

***

Жуда арзонлашиб кетибди ёдим,
Эслашни истамас экан хотиранг.
Зангор рангларингда минг карра ёндим,
Кўзингга кирмади бизнинг тилларанг.

Менга тегиб кетган ҳисларни отдинг,
Олмай қўйдинг ҳатто ишқим нафасин.
Сенгача етдиму улгуролмадим,
Сендан олиш учун изтироб дарсин.

Сиғдирма кўзларинг қароқларига,
Гулларинг ифори ойнам чертмасин.
Хотира китобинг варақларига,
Руҳим синиқлари кириб кетмасин.



Беором қалб туйғулари

Бойназар
ЙЎЛДОШЕВ

Инсоният тарихида қанчадан-қанча буюк зотлар энг аввало халқ тафаккур булоғидан сув ичиб, унинг чексиз доноликларидан баҳраманд бўлиб юксакликка кўтарилишган. Чунки маълум халқнинг асрлар оша тўплаган қимматли ҳаётий тажрибалари, бой ва рангин туйғулари, ўлмас маънавий анъана ва эзгу орзулари энг аввало халқ оғзаки ижодида мужассамлашган. Қашқадарё воҳаси фарзанди Норқизил Кенгбоев айнан шу қадриятларга содиқ иқтидор соҳибларидан бири. Чунки унинг асарларининг деярли ҳар бирида ўзи туғилиб ўсган Чияли тарихи, мард ўғлонлари, севги ва вафо васф этилиб, ўзига хос баланд лирик оҳангларда ифодаланганининг гувоҳи бўласиз, шоирнинг ўз юрти бой тарихини келгуси авлодларга тиниқ ва ёрқин ҳолда етказиш ишқидаги беором қалб туғёнларини ҳис этасиз.

Ижодий ишлари 1975–1980 йиллардан бошлаб туман, вилоят матбуотида чиқа бошлаган Норқизил Кенгбоевнинг илк шеърий тўплами “Истиқлол нури” номи билан 2008 йилда чоп этилди.

Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов сўзбошиси билан чиққан мазкур тўпламда шоир ижоди “Эл юртига муҳаббат, заминга садоқат, табиатга меҳр Норқизилнинг шеърларига хос фазилатдир. У ўз шеърларида юксак инсоний туйғулар саналмиш одамийликни, меҳр-оқибатни, севги-вафони, дўстликни, фидоийликни улуғлайди”, дея баҳоланган.

Ҳақиқатдан ҳам Норқизил Кенгбоевнинг шеърларини ўқир экансиз, кўз ўнгингиздан бепоён кенгликлар, лолақиздалдоқларга тўлиб-тошган дашту далалар гавдаланади. Унинг шеърлари бахшиёна оҳанг, она табиатга ошуфта меҳр,

Бойназар ЙЎЛДОШЕВ – *1946 йилда туғилган. Қарши давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. “Қашқадарё бадиияти”, “Насаф нафаси”, “Уйғониш даври адабиёти ҳақида маърузалар”, “Қардошлик туйғулари”, “Адабий жараён: танқидчи услуби ва маҳорат муаммолари”, “Адабий танқид тарихи”, “Бадиий олам таҳлили” каби рисолалари нашр этилган.*

одамийликни ўзига хос улуғлаш жиҳатлари билан ажралиб туради. Бир қарашда жўн туюлган сатрларида самимият, оддий халқ қалбидаги ўз туғилган жойининг ҳар бир булоғу чашмасига нисбатан жўшқин меҳрини англаш мумкин.

Шунинг учундир, шоир узоқ вақт давомида жиддий ва чуқур ўрганилмай қолган Қашқадарё халқ оғзаки ижодига катта эътибор қаратган. Кўплаб достонлар ва термалар, турли мавсумий сайллар, экин-текин, тўй-маросимлар билан боғлиқ халқ қўшиқлари, аскиялар, топишмоқлар, айтишувларни ўрганиш бўйича изланишлар олиб борди. Донгдор Азим бахши Хўжаевнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги "Азим шоир", Ўзбекистон халқ бахшиси, Шомурод Тоғаев ҳақида "Шомурод шоир" китоблари нашр этилди. Норқизил Кенгбоев бу тадқиқотларида Чиялининг Тўқмор қишлоғида яшаб ижод этган , "Алпомиш", "Гўрўғли", "Аҳмадхон ва Юсуфхон" каби кўплаб достонларни ёддан билган, терма тузишда ниҳоятда ҳозиржавоблиги билан машҳур, юрт кезиб, достону термалари билан олийжанобликни, меҳр-муҳаббатни, оқибатни тараннум этиб, мунофиқу кўзбўямачилар, ҳасадчи ва ғаразгўйларни аччиқ ҳажв қамчиси остига олган Азимбахшининг адабий портретини яратади.

Достончи-шоирлар авлодидан бўлган Шомурод бахши ижодига юксак баҳо берган Норқизил Кенгбоев бахшининг отаси – таниқли Тоғай шоирнинг оиласи билан Сибирга сургун қилиниши билан боғлиқ аччиқ қисмати ҳақидаги ҳақиқатларни очади. Норқизил Кенгбоев Қашқадарё воҳаси бахши-оқинлари ижодини тизимли ўрганишлари натижасида 27 нафар бахши шоирлар ҳаёти ва ижодига доир маълумот ва тадқиқотларини жамлаб, 2019 йилда "Қашқадарё воҳасининг бахши оқинлари" рисоласини ёзиб, чоп эттирди. Мазкур китобга фольклоршунос олим Омонулла Мадаев томонидан шундай изоҳ берилган: "Норқизил Кенгбоев ўз рисоласида Абдулло шоир Нурали ўғли, Қодир бахши Раҳим ўғли, Қаҳҳор бахши Раҳимов ва бошқа бахшиларнинг ҳаёти ва ижоди, бахшилик маҳорати ҳақида эътиборга лойиқ мулоҳазалари билан халқ оғзаки ижоди мухлисларига фойдали маслаҳатлар беради. Абдулла шоирнинг анъанавий достончилик ривожида тутган ўрнини тўғри изоҳлайди. Чет элларда ўзбек миллий қадриятларини тарғиб қилишда Қодир ва Қаҳҳор бахшиларнинг достончилик фаолиятлари муҳим бўлганлигини таъкидлайди. Китоб билан танишган ўқувчи ўзбек бахшиларининг дўмбира чертиб, достон куйлаш билан бутун дунёни забт этганларига тўла ишонади".

Шунингдек, Норқизил Кенгбоев устози, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев ҳақида замондошлари хотираларини жамлаб, "Нарзийнома" асарини ёзган. 2000 йилда чоп этилган "Бозор полвон" достони эса жаҳон миқёсида юксак эътибор топаётган ўзбек миллий кураш спорти, кураги ерга тегмас полвон Бозорнинг мураккаб ва машаққатли ҳаёт йўли қизиқарли ҳикоя қилинган.

Ўзига хос услубий ва шаклий изланишлари билан ижод қилиб келаётган Норқизил Кенгбоев айни кунларда янгидан-янги асарлар устида иш олиб бормоқда, изланмоқда ва бу орқали ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни ўзига хос тарзда қўллаб-қувватламоқда.



Инсонни енгиб бўлмайди

Саиджалол САИДМУРОДОВ

Минг тўққиз юз ўн саккизинчи йил, тўққизинчи июль. Тун. Америкалик ёш аскар қуролдошлари билан айғоқчилик мақсадида душман постига яқинлашади. Лекин у тўппа-тўғри ўзи томонга келиб тушган снаряддан эсанкираб қолади. Снаряд парчалари аскарнинг бутун баданига санчилади. Ёнидаги икки қуролдоши аллақачон нафас олмасди. Ҳушига келган аскар учинчи чалажон шеригини окопга олиб тушишга уринади. Буни сезган душман аскарнинг устига пулемётдан ўқ ёғдиради. Натижада аскар тизза ва болдиридан яраланади. Яродор шериги тирик қолмайди. Душман таъқибидан аранг қочиб қутулган аскарни тиббий кўрикдан ўтказишганда унинг баданидан йигирма саккизта снаряд парчасини суғуриб олишади. Бу ёш аскар кейинчалик дунё оммасига ўзининг инсон ва урушга бағишланган “Чол ва денгиз”, “Алвидо, қурол!”, “Қўнғироқ ким учун чалинди?”, “Қуёш яна порлайверади” каби асарлари билан танилган Эрнест Хемингуэй эди.

Ҳеч қачон орқага чекинмаслик, доимо олға интилиш каби сифатларни ёш аскар ҳаётининг мезони қилиб олди ва умр бўйи шунга амал қилишга уринди.

Хемингуэйнинг қаҳрамонлари ҳам ўзига ўхшайди. Урушга нафрати чексиз Фредрих Генри (“Алвидо, қурол!”), енгилмас чол (“Чол ва денгиз”), навқирон, айни ҳаёт шарбатини симирадиган палласида урушнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган Ник Адамс (“Ник Адамс ҳикоялари”).

Яна шуни унутмаслик керакки, Хемингуэй урушда эканлигида юқоридаги сингари воқеалар бир неча маротаба такрорланади. Рус адабиётшуноси Иван Кашкинга ёзган мактубида шундай дейди: “...Монтана штатидаги Биллингс шифохо-

---

Саиджалол САИДМУРОДОВ *– 1990 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Бадиий-публицтик асарлари, кўплаб таржималари республика матбуотида эълон қилинган.*

насида ётибман. Ўнг қўлим синган, нақ елкамдан чиқиб кетай дейди. Қўлимнинг соғайишига беш ой кетди, шундай эса-да ўнг қўлим фалаж бўлиб қолди. Чап қўлим билан ёзишга тиришаяпман, бироқ уддалай олмаяпман. Ниҳоят, асаб толаларим тикланиб, ўнг қўлим билан ёзишим мумкин. Шу вақт ичида тушкунликка тушмасликнинг ўзи мушкул. Кейин тортган барча азоб-уқубатларим, шифохонада ётган кишиларни, барча-барчасини хотирладим ва "Доктор, рецептни беринг" ҳикоямни ҳамда "Тушдан кейинги ўлим" романини ёздим..."

Хемингуэй биринчи галда улкан донишманд эди: вақтнинг юрак дукурига қулоқ оса билар, асрнинг оғриқли муаммоларини ўз дардидай қабул қилар, ўз даврининг ижтимоий-маънавий саволларига жавоб излашга интиларди. Ёзувчиликда, айниқса, фидокорликни, адолатни қадрларди: "Ёзувчимисан, Эйфель минорасидек метин виждонинг бўлсин".

Хемингуэй асарларини ўқиб, баъзан ўқувчида ғалати парадокслар туғилади, яъни агар уруш бўлмаганида Хемингуэй аскарликка ёлланмаган, аскар бўлмаганида аскарларга хос некбин руҳ шаклланмаган, некбинлик шаклланмаганида эса у енгилмаслик ҳақидаги асарларни қоғозга туширмаган бўлармиди?..

Булар Хемингуэйга шуҳрат келтирган асарлари яратилишига туртки бўлган урушдан ёзувчи манфаатдор бўлиши керак деган фикрни келтириб чиқармайди, албатта.

Уруш ўз номи билан уруш: қон тўкилади, инсон ўлдирилади, миллионлаб кишилар оч-наҳор қолади. Некбин руҳдаги одам қандай қилиб мана шулардан лаззатланиши мумкин?

Адибнинг "Тўқчилик ва йўқчилик" романини ўқиб, Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" асари хаёлимизга келади. Гўё асар тақлиддай туюлади: жамиятнинг қуйисида ейишга нони, кийишга уст-боши йўқлар турса, юқорисида урушни ҳам писанд қилмай, ўйин-кулгига ружу қўйган зодагонлар умргузаронлик қилишади. Бироқ ғоя жиҳатидан икки роман ўз аравасини бошқа-бошқа томонга судрайди.


Хемингуэй ҳеч қачон пул учун ёзмади. Яхшироқ ва ҳаққонийроқ ёзишни ўзига дастуриламал қилиб олди. Унинг кундалигида шундай фикрлар бор: "...Уруш кетаяпти экан, нуқул мени ҳам ўлдиришлари мумкин деб ўйлайсан. Аммо мана, мени ўлдиришмади, тирикман. Демак, мен ёзишим керак. Бироқ ёзиш ўлимдан-да мушкулроқ. Мен текинга жон деб ёзардим, лекин биров сенга ақча тўламаса, очдан ўларкансан.

Голливудга йўл олиб ёхуд ҳар хил бўлмағур нарсаларни ёзиб, катта даромадга эга бўлишим мумкин эди. Бироқ мен то тирик эканман, яхшироқ ва ҳаққонийроқ ёзишга тиришаман".

Хемингуэй бутун умр некбин руҳдаги асарларни, қаҳрамонларни яратиб, инсонларга тўғри йўл кўрсатиб келганига қарамай, ҳаёти сўнггида ўз жонига қасд қилади. Унинг бундай йўл тутишига ўзи аввалроқ айтган "Ёзолмай қолсам, ўзимни отаман" деган фикрлари қайсидир маънода ёзувчини оқлаши мумкин.

Башариятга мерос бўлиб қолган унинг асарлари ёзувчи ҳамон яшаётганидан дарак беради.

Сўнгсўзимизни ёзувчининг ўзи якунлаб берса: "Инсонни янчиб ташлаш мумкин, лек уни енгиб бўлмайди".



“Асарларимдан қочиш мумкин, аммо яшириниб бўлмайди”

Эрнест
ХЕМИНГУЭЙ

– Жаноб Хемингуэй, ёзишни қандай бошлагансиз?

– Мен ҳамиша ёзишга интилганман. Мактаб газетасида хабарчалар ёзишдан бошлаганман ҳаммасини. Илк мустақил ишим ҳам журналистикага доир эди. Мактабни битиргач, Канзас-Ситига бориб, “Стар” газетасига ишга кирганман. Ишим оддий мухбирлик эди. Ким кимни отиб қўйди? Кимни қаерда тунаб кетишди? Қачон? Қаерда? Қандай қилиб? Воқеа-ҳодисаларнинг сабаблари ҳақида умуман ёзмасдик.

– Китоб ёзишга киришганингизда, “Чол ва денгиз”ни олайлик, унинг ғояси қандай пайдо бўлади?

– Бир вақтлар худди шу кўйга тушган одам ҳақида эшитгандим. Ўша одам денгизга тушиб, қайиқда балиқ билан олишганда нималар бўлганини айтиб беришган менга. Қисқаси, ўн икки йилдан буён ўзим таниган-билган одамни олдим-да, уни ҳам худди ўша аҳволга тушганини тасаввур қилиб кўрдим.

– Ўз услубингизни қандай шакллантиргансиз? Тижорий муваффақиятни кўзлаганмисиз?

– Мен ҳаётни қандай бўлса, баҳоли қудрат ўшандай тасвирлашга интилдим. Гоҳида бу қийин кечди. Ғализ ҳам ёздим; айнан шу “ғализлигим”ни менинг услубим деб кўрсатишди. Нуқсонларимни пайқаш қийин эмас, лекин ўша нуқсонларни менинг услубим эканини айтишмоқда.

***Эрнест Миллер ХЕМИНГУЭЙ** – (1899-1961) XX аср АҚШ адабиётининг ёрқин намояндаси. Нобель мукофоти соҳиби. “Фиеста”, “Алвидо, қурол!”, “Бонг кимни чорламоқда?”, “Чол ва денгиз” каби асарлар муаллифи.*

– Бир китобни ёзиб битиришингиз учун қанча вақт кетади?

– Бу китобга ва ишнинг жўнашишига боғлиқ. Яхши китоб тахминан бир ярим йилда ёзилади.

– Ёзишга бир кунда неча соат ажратасиз?

– Олтида уйғонаман ва ўн иккигача ишлайман.

– Тунги иккигачами?

– Йўғ-е, кундузги ўн иккигача.

– Муваффақиятсизликка учраганмисиз?

– Башарти иш ўнгмаса, омадсизлик ҳар куни учраб туради. Ёзишни энди-энди бошлаганингда, омадсизлик деганларига сира дуч келмайсан. У дамларда ёзганларинг кўзингга оловдек кўринади, димоғинг чоғ юрасан. Қалам қитирлатиш саримой ютишдай осон туюлади. Лекин ўқувчи ҳақида эмас, ўзинг ҳақингда ўйлайсан. Ёзганларинг ўқувчини кўп ҳам ҳузурлантиравермайди. Кейинроқ, ўқувчи учун қалам тебратишнинг ҳадисини олганингдан сўнг ёзувчиликнинг нони қаттиқлашиб бораверади. Алалоқибат, қоғозга туширганингнинг ҳар қандайидан хотиранггa фақат ёзиш қанчалик мушкул бўлгани ҳисси муҳрланиб қолади.

– Ёзишни энди бошлаган пайтларингизда танқиддан ҳайиқармидингиз?

– Қўрқадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Аввалбошда ёзганларим билан қорин тўйдиролмасдим. Шунчаки қўлимдан келганча ёзавердим. Рисоладагидек ёзаётганимга ишонардим. Мабодо асарларим битта-яримтага маъқул келмаса ҳам пинагимни бузмасдим. Вақт ўтиб китобларимни чинакамига қадрлашларига амин эдим. Танқид каминани қарийб безовта қилмаган. Адабиётда биринчи қадамларни ташлар экансан, кўпинча сени пайқашмайди. Бу бошловчиларнинг бахти.

– Ёзганларингиз ёки ёзмоқчи бўлганларингиз туфайли таҳдидга учраганмисиз?

– Бўлмасам-чи, китобларим чоп этилгач, ўлдирамиз, деб кўп марта пўписа қилишган.

– Ёзишдан аввал бутун бошли китобни режалайсизми ёки дастлабки қайдларни тузасизми?

– Унисиям, бунисиям эмас, мен шунчаки ёзишни бошлайман. Бадиий асар – билганларинг асосидаги хаёлот меваси. Агар яхшилаб фикр қилиб кўрсанг, фактларни хотиранг ёрдамида тиклаганингдан кўра ишончлироқ асар чиқади. Башарти, беллетристлар ўз вақтида бадиий адабиёт билан шуғулланишмаганида, улардан ғаройиб уйдирмачилар чиқар эди.

– Нечта китоб ёзгансиз?

– Ўн учта, шекилли. Кўп эмас. Лекин ҳар бир китоб устида узоқ ишлайман. Устига-устак, узлуксиз ёзмайман, кўпинча кўнгилдаги доғларни ювиш учун ишни ташлаб қўяман. Энг ёмони, уруш дегани кўп бўлди, адабиётдан узоқ вақт йироқлашишимга тўғри келди.

– "Алвидо, қурол"ингиз ҳақида сўрасак. Бу китобни неча йил ёки неча ой давомида ёздингиз?

– Китобни Парижда қиш фаслида бошладим, эрта кўкламда Куба ҳамда Флоридадаги Ки-Уэстда ёздим, кейин эса ўша пайтда қайнота-қайнонам

яшайдиган Арканзасдаги Пиготада ёзишни давом эттирдим; сўнгра Канзас-Ситига кўчиб ўтдик, ўғлим туғилди. Романни кўкламда Бигхорнда тугалладим. Биринчи вариантни саккиз ойда ёздим, беш ой давомида эса қайта оққа кўчирдим. Жами ўн уч ойда битирдим.

– *Ёзганингиздан хафсалангиз пир бўлиб, асарни ташлаб қўйган вақтларингиз бўлганми?*

– Баъзида кўнглим тўлмаган, лекин сира ташлаб қўймаганман. Илож қанча! Асарларимдан қочиш мумкин, аммо яшириниб бўлмайди.

– *Қаҳрамонларингизни чорасиз аҳволга ташлайсизми?*

– Қўлим бормайди, йўқса, ўзим ҳам тўрдан чиқолмай қоламан.

– *Кўп ўқийсизми?*

– Ҳа, доим нимадир ўқишга ҳаракат қиламан. Кун охирида ёзганларим ҳақида ўйлагим келмайди, шу боис дарҳол ўқишга тутинаман.

– *Асарларингизнинг персонажига айлантириш учун ўзингиз дуч келган одамларни ўрганасизми?*

– Шу мақсадда одам излашга интилмайман. Бошим оққан тарафга қараб кетавераман.

– *“Алвидо, қурол”ни ёзишга сизни нима ундади?*

– Болалигимда Италияга бориб қолганман, у ерда мени уруш ўз домига тортган.

– *Китобни ёзиб бўлиб, қайта ўқиб чиқасизми?*

– Ҳа. Бугун тўрт бобни қайта ўқиб, қайта ёздим. Аввалига қайнаб-тошиб ёзасан, кейин тин олиб, тузатишлар киритасан.

– *Кунда асар устида қанча вақт ишлайсиз?*

– Олти соатдан кўп эмас. Толиқиб қоласан ва ёмон ёза бошлайсан. Китоб ёзаётганимда, ҳар куни ишлашга тиришаман, якшанбадан ташқари, албатта. Якшанба куни қўлимга қалам олмайман. Негадир якшанбада ёзолмайман.

Рус тилидан
Саиджалол САИДМУРОДОВ таржимаси

Aytib xush kalomingni



Umida
ABDUAZIMOVA

Tinchlik quchsin

Buncha sho‘xsan ukam Narimon,
Bir nafas ham bilmaysan tinim.
Kun-uzzukun chopqillab har yon,
Qachon uxlab topasan qo‘nim?

Goh saylaysan birimizni “ot,”
O‘zing esa abjir “chavandoz.”
Qulochingni aylab keng qanot,
Osmonlarda qilasan parvoz.

Goh sakrab, goh umbaloq oshib,
Mag‘rur kulib boqasan bizga.
Zavqu shavqing tobora toshib,
Hayrat qo‘shding hayratimizga.

Kundan-kunga ortar sho‘xliging,
Ortar yuzlaringning qirmizi.
Quvnoqliging ko‘rib degaymiz,
Tinchlik quchsin butun yer yuzin.

Umida ABDUAZIMOVA *– “Shuhrat” medali sohibi, O’zbekistonda xizmat ko’rsatgan madaniyat xodimi. 1953 yilda tug’ilgan. Toshkent davlat universitetining jurnalistika fakultetida o’qigan. Shoiraning “Ishqli umrim”, “Oymomabog”, “Oydin orzular”, “Seni ko’rgim kelaveradi” nomli kitoblari nashr etilgan.*

Askar akam

Askar akam bor: bo‘ylari baland,
Tinchlikni saqlash niyatida band.

Avtomat ushlab tushgan rasmini,
Ko‘rib havasi keldi Ramzini.

Askar akamning zo‘r maqsadi bor,
Hamma yashasin deydi, baxtiyor.

Men ham baxtimni saqlashim kerak,
Men ham akamdek hamisha sergak.

Qatiq

Har kuni bir piyola
Qatiq ichirar oyim.
Qarab turmay uyola
Olib ich, – deydi – doim.

Et yemas eshonimsan,
Seni to‘ydirar, qatiq.
Agar kim bo‘lsa nimjon,
Kuch, mador bo‘lar qattiq.

Taom yesam

Dasturxonda mashmasha,
Nozim qilar xarxasha.
Issiq ekan bunisi,
Buncha achchiq unisi.

Xayallamay, hovliqmay,
Yuradilar toliqmay.
Sho‘rvasin simirganlar,
Lag‘mon yeb semirganlar.

Ozg‘in qomating to‘lsin,
Yuzing qip-qizil bo‘lsin.
Taning kuch-quvvat turtib,
Mushaklar chiqsin bo‘rtib.

Olingan tirnoqlaring,
Yuvilgan barmoqlaring.
Deymiz, tishing ham toza,
Ozodamiz sen rosa.

Qara, ukang yeb bo‘ldi,
Akang rahmat deb bo‘ldi.
Aytib xush kalomingni,
Tez yegin taomingni.

Bahonasini qarang,
Kulgumiz tutdik arang:
Taom yesam der, Nozim,
Kir bo‘lib qolar og‘zim.

O‘zbekcha tush ko‘raman

Ustozim o‘z tilimda
So‘zlatar meni ravon.
Chunki, o‘zbek tilida
So‘zlashar O‘zbekiston.

O‘zbek tili ona til,
Rus, nemis jonona til.
Qaysi yurtda yashasang,
Shu yurt tilin hurmat qil.

Men ko‘p tilni o‘rganib,
Muomila qilaman.
Ammo o‘zbekcha yig‘lab,
O‘z tilimda kulaman.

Enasoyning ertagi,
Go‘zal Oltoy chechagi,
Xun davridan G‘irotda
Kelgan tarix kechagi.

Bugunimni ortmoqlab,
Ertamga shoshiladi.
Makonini ardoqlab,
Kelganini biladi.

O‘z tilimda o‘y surib,
O‘zbekcha tush ko‘raman.
Har yerda: – O‘zbekman! – deb,
G‘ururlanib yuraman.

Адабий ҳаёт

1 январь. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Маънавият ва маърифат марказида шоир Муҳаммад Исмоилнинг “Тараддуд” номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари Отабек Носиров, Гулистон давлат университети ректори Муҳсин Тожиев, фалсафа фанлари доктори Равшан Маҳмудов, таниқли публицист Исмат Хушев, “Ijod nashri” нашриёти таъсисчиси Аҳмад Тўра шоир ижоди, таржимонлик маҳорати ва насрий асарлари асосида яратилган фильмлар ҳақида сўз юритди.

* * *

6 январь. Таниқли шоир ва публицист Абдурасул Жумақулнинг “Кундузги чироқ” номли китоби "Adabiyot" нашриёти томонидан чоп этилди. Китобда ижодкорнинг публицистик мақолалари, эсселар, суҳбат ва адабий ўйлари ва кичик воқеий ҳикоялари киритилган.

* * *

7 январь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган "Посбониман муқаддас юртнинг" танловини республика босқичи ўтказилди. Танловда профессионал ижодкорлар ўртасида шеърий, насрий асарлар, Қуролли Кучлар тизими ҳарбий хизматчиларининг шеърий асарлар ҳамда иншолар бўйича энг яхшилари саралаб олинди.

* * *

8 январь. Адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган Ғафур Ғуломнинг номи, босиб ўтган ҳаёт йўли, серқирра ижоди барчамизга яхши маълум. Унинг адабиёт ихлосмандлари қалбидан жой олган, барчамизга ёд бўлиб кетган шеърлари янги китоб ҳолида чоп этилди.

* * *

Шоир ва ёзувчи Мирпўлат Мирзонинг шеърлари бетакрор самимияти, фалсафий мушоҳадага бойлиги билан ўзига ром этади. Шоирнинг турли йилларда ёзилган шеърлари жамланиб янги “Мангу қўшиқ” номи билан китоб бўлди ва чоп этилди.

* * *

Таниқли ёзувчи Эркин Аъзамнинг танланган асарлари янги китоб ҳолида “Шарқ” нашриёти томонидан чоп этилди.

* * *

10 январь. Таниқли драматург Шароф Бошбеков драмалар ва киноқиссалардан иборат “Танланган асарлар” китоби учун “Йилнинг энг яхши асари” республика танловининг “Энг яхши драматик асар” мукофоти билан тақдирланди. Ғолибга базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробарида пул мукофоти, статуэтка ва диплом берилди.

* * *

Ойбек уй-музейида шоир таваллудининг 117 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан нашр этилган китоб – Ойбекнинг “Гули ва Навоий” достони тақдимоти ўтказилди.

* * *

11 январь. Таниқли драматург, миллий телеминиатюра асосчиларидан бири Алп Жамол асарларидан иборат тўплам “Меҳрибонлар” номи билан чоп этилди.

* * *

12 январь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Посбониман муқаддас юртнинг” танлови Республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Ғолибларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганнинг 30 йиллиги ва “14 январь – Ватан ҳимоячилари куни” байрами муносабати билан Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан “Энг яхши китобхон” кўрик-танлови ўтказилди.

* * *

17 январь. Ўзбек адабиётида ёрқин из қолдирган ёзувчи, драматург, адабиётшунос олим Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Кеча, бугун ва эртага” номли китоби чоп этилди. Китобда Абдуқаҳҳор Иброҳимов ҳақидаги таниқли зиёлилар хотираларини, мулоҳазаларини ўқишингиз мумкин.

* * *

20 январь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган “Адиблар хиёбони” китоб-альбомининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Китоб-альбомдан давлатимиз раҳбарининг Адиблар хиёбонига ташрифидан лавҳалар, тегишли қарорлар, ҳайкаллари ўрнатилган адибларнинг ижодига оид маълумотлар, бу адиблар ҳақида ўзбек ва дунё адабиёти намояндаларининг эътирофлари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва хиёбон тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар жой олган.

* * *

24 январь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида янги “Ғазал ғизоли” номли китоб чоп этилди. Китобда бугунги ғазалнавис замондош ижодкорларнинг асарлари жамланган.

* * *

28 январь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгашининг 2021 йил фаолияти якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Шунингдек, ҳисобот йиғилишида ўтган йилдаги камчиликлар муҳокама этилди. Кенгашнинг жорий йилдаги ижодий режалари, вазифалари белгилаб олинди.

* * *

Шоир Чустий мумтоз адабиётимиз билан янги давр адабиёти оралиғидаги кўприкни яратган ва арузнавислик санъати анъаналарини ривожлантирган адибдир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Чустий хотирасига бағишланган "Ёд этингиз камтарин Чустийни ҳам" китоби тақдимоти ўтказилди. Ушбу китобда шоир Чустий ижодига чизгилар, хотиралар, эсселар, бағишловлар жам бўлган.

МУНДАРИЖА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

САЙЁР. Ўзгалар бахтини қиламан тилак 4

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Сирожиддин РАУФ. “Шарқ юлдузи”нинг юлдузли фаолияти 9

НАЗМ

Қутлибека РАҲИМБОЕВА. Умид, қўлларимдан маҳкамроқ ушла. ..16

Одил ИКРОМ. Тилини ёлғиз мен тушунган йиғи. 21

НАСР

Шавкат НИЗОМ. Ковид билан юзма-юз. *Қисса*. 25

Наби ЖАЛОЛИДДИН. *Бугуннинг ҳикоялари.*

ЙЎЛОВЧИЛАР. 54

ТОШҚАЛЪА. 58

САРТАРОШ. 71

АДАБИЁТ ВА ШАХС

Тоштемир ТУРДИЕВ. Ойдин булоқ гули ифори. 122

БИР ШЕЪР ТАҲЛИЛИ

Сувон МЕЛИ. Ҳангома зимнида панднома 88

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Иқболой АДИЗОВА. Миллатнинг адолат мадҳияси. 104

“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”

ЖУРНАЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Шержон МАШАРИПОВ. Қутлуғ ташрифлар. 115

Иззат АҲМЕДОВ. Ярим асрлик мухлис.....117

УСТОЗ ЁДИ

Очил ТОҲИР. Вақт билан бўйлашиб. 126

ЁШЛАР ДАФТАРИ

Нурмуҳаммад АЛДУЗОИР. Сен умид кўзларин тиккан дунёда.134

Зумрад МАШАРИПОВА. Тугамайди йиллар мактуби. 138

Дилбар ДИЛЗОДА. ...Юрагимда порлайди аксинг. 142

ТАДҚИҚОТ

Бойназар ЙЎЛДОШЕВ. Беором қалб туйғулари. 164

ТАҲЛИЛ

Абдувоҳид ҲАЙИТ. Авлиёхон Эшон шеърияти. 145

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Исмоил Маҳмуд МАРҒИЛОНИЙ.

Саодат ичра тур доим тутиб ўзни чароғида. ..99

ТААССУРОТ

Сайёра СОЛАЕВА. Хайрихоҳ ёзувлар 110

ПУБЛИЦИСТИКА

Шуҳрат АЗИЗОВ. Ўчмас шамлар ёғдуси. 130

ТАЛҚИН

Саиджалол САИДМУРОДОВ. Инсонни енгиб бўлмайди. 166

ХЕЙЛИДАГИ ЁШЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ.

"Асарларимдан қочиш мумкин, аммо яшириниб бўлмайди". .168

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Муҳаммад СИДДИҚ. Сени бахтга элтаман, гулим. 153

Гулирухсор УММАТОВА.

Зангор рангларингда минг карра ёндим. 161

BOLALAR DUNYOSI

Umida ABDUAZIMOVA. Aytib xush kalomingni. 171

Адабий ҳаёт. 174

Шарқ юлдузи

2022

1-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.
Телефонлар:
71231-23-65, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
25.02.2022
Қоғоз бичими 70x108 $^{1}/_{16}$
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 3000 нусха.
Буюртма №4

Эслатма: Журнал пандемия шароитида танаффуслар билан чоп этилганини эътиборга олиб, маълумотлар аниқлигини текшириш учун журналнинг босмахонага топширилган санасига қаралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT REBEL” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусаҳҳиҳлар:
Дилфуза Маҳмудова
Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:
Муҳаммадсодиқ Сайфуллаев

Copyright © “Шарқ юлдузи”

Унутилмас лаҳзалар



САЙЁР
(1934 – 2001)







САЙЁР ҳаётидан лавҳалар

Муқова-3